O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931 yildan chiqa boshlagan | 2003 yil 8 yanvar, shanba | № 3 (7508)

Da'vat

Kitoblar bizni yaxshi jamiyat sari yetaklaydi, bizni barcha zamonlarning buyuk aql egalari bilan tanishtiradi.

Sameyul SMAYLS

Ibrat

Namangan tumanidagi 34-maktab sport zali yong'in tufayli yaroqsiz ahvolga kelib qolgandi. Tumandagi "Sahovat" firmasining boshlig'i Olimjon Hojiyev 5 million so'm mablag' ajratib, mazkur sport zalini to'liq ta'mirdan chiqarib berdi.

ЯПОНИЯ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

"Ўзбекистон Республикаси Президенти — Сока университети фахрий доктори" сарлавҳаси остида Япониянинг етакчи нашрларидан бири "Сейкё Шимбун" газетасида бош мақола чоп этилди.

Мазкур газета "Сока Гаккай" номли йирик буддийлар ташкилоти органи бўлиб, у 5 миллиондан зиёд нусхада чоп этилади. Газета ўз саҳифаларида мамлакатимиз тўғрисидаги мақолаларни мунтазам равишда эълон қилиши билан диққатга сазовордир. Хусусан, унда Ўзбекистоннинг жуғрофий — сиёсий мавқеи, маданияти, санъати, илм-фани, бугунги ҳаёти ҳамда таълим соҳасига оид маълумотлар ва турли фото-лавҳалар ўқувчилар эътиборига ҳавола этилади.

Бу галги махсус мақола яқинда Тошкентда бўлиб ўтган муҳим бир воқеага бағишланган.

"Дунё фанини ривожлантиришга, ёшлар таълими ва тарбиясига қўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Сока университетининг фахрий доктори унвони берилди. Уни Ўзбекистонга ташриф буюрган университет ректори Масами Ваказ тантанали равишда топширди", дейилади мақола мукаддимасида.

"Сейкё Шимбун" мухбири Юртбошимиз раҳбарлигида олиб борилаётган кенг кўламли муҳим ўзгаришлар ва ислоҳотларда тўхталар экан, уларнинг жаҳондаги энг нуфузли институтлар томонидан эътироф этилаётганини алоҳида қайд этади. "Мазкур мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида эришилаётган ютуқлар ЮНЕСКО ва шу каби қатор нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланмоқда", деб таъкидланади газетада.

Мақола муаллифининг ёзишича, "Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов нафақат ўз халқи орасида катта обрў ва ҳурмат қозонди. У 1994 ва 2002 йилларда Японияга ташриф буюриб, Кунчиқар мамлакатда ҳам катта шуҳратга эга бўлди".

Дарвоқе, ўтган ўн йилдан зиёд давр мобайнида Сока университети олимлари Тошкентдаги Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ҳамкасблари билан ҳамкорликда Ўзбекистондаги археологик изланишларда иштирок этиб келмоқда. Икки мамлакат вакилларининг ушбу ҳамкорликлари ўлароқ, Сурхондарё вилоятида бебаҳо археологик топилмалар қазиб олиниб, унинг натижаси Японияда нашр этилган илмий каталогда ўз аксини топди.

Айни пайтда эса мазкур университет республикамиз мутахассислари билан алоқаларни янада кенгайтиришни режалаштирмоқда.

Япония газетасида чоп этилган мақолада Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида "Сока Гаккай интернешнил" ташкилоти Президенти Дайсаку Икеданинг "Табиат билан мулоқот" деб номланган фото-кўргазмаси бўлиб ўтгани тўғрисида ҳам хабар берилган.

Б. АЛИМОВ,
"Жаҳон"АА, Токио.

ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАР БОШЛАНДИ

Бугунги кунда мамлакатимизда спортга берилаётган эътибор келажагимизга, эртанги кунимизга берилаётган эътибор деганидир. Боғча ёшидаги болаларнинг "Соғломжон —полвонжон" беллашувларидан тортиб, олий ўқув юрти талабаларининг "Универсиада" спорт мусобақаларигача бўлган спортнинг узлуксиз тизимининг ишлаб чиқилиши ҳам келажак авлодларнинг баркамол, чиниққан бўлиб вояга етишишига қаратилгандир. Боғчада, мактаб партасида ўтирган ўқувчиларнинг спорт мусобақасига қатнашишга, ғолиб бўлишга интилиши кучли.

Шу боис бу йилги "Умид ниҳоллари" беллашувлари ўзгача кўтаринкилик билан давом этмоқда. 5-7-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган 3-босқич беллашувларида 32012 нафар спорт ишқибозлари бўлган ўқувчилар вилоятларда ғолиблик учун кураш олиб бормоқдалар.

Бу йилги бўлиб ўтаётган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг ўтган йилгисидан фарқли томони шундаки, бу беллашувларга спортнинг яна бир тури қўшилиб, қизлар бадиий гимнастикаси киритилди. Бу ҳам мамлакатимизда ўқувчи қизларнинг соғлом, гўзал дунёқарашга эга бўлиб улғайиши йўлида ташланган муҳим қадам бўлади. Ўтказилаётган ушбу мусобақаларда иштирок этаётган ўқувчиларнинг 2114 нафари вилоятларда ғолибликни қўлга киритадилар ва совғалар билан тақдирланадилар. Бу эса шунча ўқувчининг қалбида умрбоқий хотира бўлиб сақланади, натижада бундан юқорироқ натижаларга, чўққиларга эришиш йўлида ҳаракат қилади.

Куни кеча пойтахтимизнинг С. Раҳимов туманидаги 242-умумий ўрта таълим мактабида Тошкент шаҳар мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари учинчи босқичининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Ранг-баранг байроқчалар, спортни улуғловчи шиорлар билан безатилган мактаб спорт залига киравериш да меҳмонлар карнай-сурнай садолари билан кутиб олинди. Бир томонда эса беллашув иштирокчилари бўлган 5-7-синф ўқувчиларидан иборат гуруҳ ўзларининг спорт кийимларида, қўлларини кўксига қўйиб, қайси туман шарафини ҳимоя қилаётганликлари ёзилган тахтачаларни кўтариб турибди. Мадҳиямиз янграгач, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи И. Зокиров "яна бир умидли "ниҳоллар"нинг унаётганлиги" билан ўқувчиларни, устозларни табриклади. Ўқувчилар иштирокида "Умид ниҳоллари" қасамёди қабул қилинди. Кўргазмали намойиш чоғида 10- Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (БЎСМ) акробатлари ўзларининг чиройли чиқишлари билан барчани завқлантирди. 249-мактабнинг "АКВА" шоу гуруҳи ҳам ўзларининг жозибали куй-қўшиқлари, чиройли рақслари билан йиғилганларга шодлик улашишди. Қизлар бадиий гимнастикасини "Умид ниҳоллари" беллашувларида илк бора намойиш қилаётган 22-БЎСМ қизлари эса афсонавий қушдек ҳаракат қилишиб, кўзни қувонтирди. Тадбир сўнггида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг машъаласи ёқилиб, Тошкент шаҳар ХТББ бошлиғи И. Зокировга тантанали равишда топширилди.

— Очилиш маросимига нафақат ўқувчилар, балки уларнинг ота-оналари ҳам келишган. Улар болалари учун қайғуришиб, баравар ҳаракат қилиб, қувончига шерик бўлиш мақсадида келганлар. Демакки, жисмоний ва маънавий мукамалликка эришишнинг омили бўлган спорт мамлакатимизда устивор йўналишга айланди, — дейди, биз билан суҳбатда С. Раҳимов туман ХТБ мудири ўринбосари Маъмура Ёрмуҳаммедова.

Тантанали очилиш маросими тугагач, шу ернинг ўзидаёқ ўсмирлар ўртасида баскетбол мусобақаларига старт берилди. Майдонга Бектемир ва А. Икромов туманлари ўқувчилари тушдилар ва ўзларининг бор маҳоратларини ишга солиб, қизиқарли ўйин кўрсатдилар. Иштирокчиларнинг барчаси ҳам илдам ҳаракатли, спортни дилидан севувчи ўспиринлар эди, бу уларнинг чақноқ кўзларию, яшиндек ҳаракатланишларидан кўриниб турибди. Лекин шундай бўлса-да, мусобақада кимдир ютиши, кимдир ютқазиши керак. А. Икромов туманидан келган ўқувчилар ўзларининг чапдастликларини намоён қилиб, 4-6 ҳисобида ғолибликни қўлга киритишди.

(Давоми 7-бетда)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАТАНДА:

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМНИНГ УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА — 2-бет

"КИЧИК ИЛМИЙ ХОДИМЛАР" — 2-бет

ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ВА ИМКОНИЯТ — 4-бет

БОЛАНГИЗГА КИТОБ СОВҒА ҚИЛИНГ — 5-бет

БУЮК ШАХСЛАР СИЛСИЛАСИДА (ИККИНЧИ МАҚОЛА) — 5-бет

МАХСУС БОҒЧАДАН ОММАВИЙ МАКТАБГА — 6-бет

МУАЛЛИМА (HIKOYA) — 8-бет

"ЧОУ" ЯПОНЧА КРОССВОРДИ — 8-бет

«BOG'ITURKON»DA YANGI KOLLEJ

Romiton tumanining «Bog'iturkon» fermer xo'jaliklari uyushmasiga qarashli hududda 275 o'quvchiga mo'ljallangan qishloq xo'jalik kasb-hunar kolleji foydalanishga topshirildi. 20 ta fan kabineti, 4 ta lingafon, 2 ta kompyuter xonasi, laboratoriya va o'quv ustaxonalari, sport zali hamda oshxonaga ega bilim dargohida o'quvchilarning ta'lim olishlari, zamonaviy kasblarni puxta egallashlari uchun barcha sharoit mavjud.

O'QUVCHILARGA TUHFA

Xorazm viloyati Hazorasp tumanidagi 11-maktab o'quvchilari ajoyib sovg'a olishdi. Ular o'tkazgan Yangi yil bayramiga viloyat va tuman hokimligi, viloyat xalq ta'limi boshqarmasi vakillari kelib, Germaniyaning taniqli «Siemens» kompaniyasida ishlab chiqarilgan eng zamonaviy beshta kompyuterni hadya qilishdi. Bu esa maktabda maxsus kompyuter sinfini jihozlash, darslarni yanada mazmunliroq o'tkazish imkonini beradi.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

QORBOBO KUBOGI

Samarqand shahrida karate bo'yicha «Qorbobo kubogi-2003» xalqaro musobaqasi bo'lib o'tdi. Yettinchi bor o'tkazilayotgan mazkur an'anaviy sport musobaqasida mamlakatimiz viloyatlari hamda Qozog'iston Respublikasidan kelgan 300ga yaqin karatechilar ishtirok etishdi. Qizg'in olishuvlarga boy bo'lgan musobaqada umumjamoa hisobida samarqandlik karatechilar birinchi, Toshkent viloyati vakillari ikkinchi, Qozog'istonlik sportchilar esa uchinchi o'rinni qo'lga kiritishdi.

YANGI YILDA YANGI BINODA

Shumanay tumanida bunyod etilgan qishloq xo'jalik kasb-hunar kollejida o'quvchilarning chuqur bilim olishlari, kasb sirlarini mukammal egallashlari uchun barcha shart-sharoit muhayyo etilgan. Zamonaviy me'morlik uslubida bunyod etilgan kollejdagi yigirmata fan kabineti, o'n bitta laboratoriya va o'quv-ishlab chiqarish ustaxonalari, sport zali, kutubxona va oshxona o'quvchilar ixtiyoriga topshirildi.

ИЛК САБОҚ ҚУВОНЧИ

Жиззах шаҳридаги 22-иқтидорли болалар мактабида "Алифбе" байрами бўлиб ўтди.Унда жажжи ўқувчилар ўзларининг "Алифбе"дан олган билимларини намойиш этдилар ҳамда меҳрибон устозлари, ота-оналари ҳузурида ўқишни, ёзишни, шеърларни ифодали ўқишни бадиий саҳналарда ижро этиб бердилар.

Tadbir

Мактаб остонасига илк қадам қўйган "Алифбе" кичкинтойлар сирларини ўргатишда бошланғич синф ўқитувчиларидан Шаҳноза Бозорова, Малоҳат Раҳмоноваларнинг хизмати катта бўлди. Йиғилишда сўзга чиққан ота-оналар фарзандларига сабоқ берган муаллимларга, мактаб жамоасига миннатдорчилик билдирдилар.

Машҳура СОДИҚОВА

Afsus

БАҲОНА БИЛАН МАКТАБ ИСИМАЙДИ

Жиззах туманига қарашли М.Ҳусанов номидаги 39-мактабда 443 нафар ўқувчи бор. Мактабга 2001-2002 ўқув йилида табиий газ келтирилган. Бироқ мактаб раҳбариятининг бепарволиги оқибатида иситиш тизимларида қатор камчиликлар борлиги туфайли ўтган қиш фасли ўқитувчи ва ўқувчиларга катта қийинчиликлар туғдирди. Ачинарли томони шундаки, мактаб раҳбарияти 2002-2003 ўқув йилининг қиш фаслига ҳам ўз вақтида тайёргарлик кўрмади. Афтидан, ўтган йилги қийинчиликлар уларга етарли сабоқ бўлмаган кўринади. Йўқса, бунчалик хотиржамликка ўрин қолмасди.

Хўжалик ишлари мудири Рустам Нормативнинг айтишича, мактабга келтирилган табиий газ босими яхши. Иситиш қозонида газ ловиллаб ёнмоқда. Бироқ иситиш тизимидаги нуқсонлар туфайли сув тез қайнаб кетади. Натижада иссиқлик хоналарга етиб бормаяпти. Мактаб табиий газ билан иситиладиган муассасалар рўйхатига киритилган. Ўз-ўзидан маълумки, унга кўмир берилмайди. Ҳолбуки, мактаб директори Баҳодир Нурматов кун совиб кетса, хоналарга ўтин печка ўрнатамиз, деган хомхаёл билан ўзини овутиб юрибди. Натижада мактаб аросатда қолди. Кимлар учун мактабни табиий газ билан иситиш орзу-ҳавас, 39-мактабда эса газ ловуллаб ёниб турса-ю, хоналар исимаса. Қалин кийинган ўқувчилар гоҳ қизарган қўлларини чўнтакка тиқишса, гоҳ совуққотган панжаларини "ух-ух"лаб иситишга ҳаракат қилишади.

(Давоми 2-бетда)

Тадқиқотларимиздан маълум бўлишича, таълим сифатига таъсир этувчи омилларнинг сони 200 дан ортиқ бўлиб, уларни педагогик квалиметрия билан қуролланган мутахассисларгина тўғри ҳисобга олиши мумкин.

Ўқитувчи Й.Умировнинг иш режаси, конспектини кўрмоқчи бўлганимизда, у ҳозир деганича қаёққадир гойиб бўлди. Меҳнат таълими ўқитувчиси Дилфуза Баратова ҳам конспектини кўрсата олмади...

Ma'rifat

БАҲОНА БИЛАН МАКТАБ ИСИМАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳозирча 1-синф ўқийдиган хонага ўтин ёқиладиган печка ўрнатилди. Бироқ мавжуд 11 та синфхонанинг 10 тасида печка йўқ. Хоналарнинг иситилмаслиги таълим-тарбия ишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўқувчиларнинг давомати паст. Биз мактабда бўлган куни 5-"Б" синфда 8 нафар ўқувчи сабабсиз дарсга келмаган. Бундай ҳол 9-"В" синфда ҳам кузатилди. Шу куни бу синфда ҳам 8 ўқувчи дарсга келмаган. Синф раҳбари Муҳайё Дўстбекованинг айтишича, совуқдан болалар тез-тез грипп бўлаётган экан.

Мактабда дарслар самарадорлиги сезилмайди. Меҳнат таълими ўқитувчиси Йўлчи Умировнинг айтишича, дарс ўтиш учун шароит етарли эмас, устахона йўқ. Ўз вақтида ўқитувчиларнинг дарсга тайёргарлиги ҳам етарли эмас. Ўқитувчи Й.Умировнинг иш режаси, конспектини кўрмоқчи бўлганимизда, у ҳозир деганича қаёққадир ғойиб бўлди. Меҳнат таълими ўқитувчиси Дилфуза Баратова ҳам конспектини кўрсата олмади...

Бу каби камчиликлар мактаб раҳбарияти томонидан ўқитувчилар иши юзасидан етарли назорат олиб бормаганлигини кўрсатади.

Аслида, мактаб директори ва илмий бўлим мудири ўқитувчиларнинг дарс ўтишини мунтазам кузатиб боришлари керак. Бироқ, директор Б.Нурматовнинг ана шу кузатув дафтари вақтида юритилмаган.

Мактабда фан тўгаракларининг рўйхати ёзилган-у, уни ким, қачон ўтиши кўрсатилмаган. Улар фаолияти йўқ ҳисоби. Мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Музаффар Усмонов ҳам бу ҳолни бизга изоҳлаб беролмади.

Ўқитувчилар ҳам иш шароити кўнгилдагидек эмаслигидан нолишмоқда. Синфхоналарнинг полидаги цемент уваланиб, кўчиб, чангиб кетаётган хоналарга ўқитувчилар сув сепишга мажбур. Ана энди сув сепилган совуқ хонада қиш фаслида дарс ўтишни бир тасаввур этиб кўринг!

Хуллас, 39-мактабда қишга тайёргарлик талаблар даражасида бўлмаган. Директорнинг гапига қараганда мактаб ер участкасидан олинган даромад ҳисобидан мактаб ҳовлиси асфальтланган экан. Ҳолбуки, уни иситиш тизимини таъмирлашга сарфлаганда бу каби қийинчиликлар бўлмасмиди? Ҳомий ташкилот – "Равот хўжалиги мактабга бу борада ёрдам бермаяпти. Қишнинг аёзли кунлари эса ҳали олдинда.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Seminar

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМНИНГ УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи босқичи истефодасини кузатилса, узлуксиз таълимнинг мактабгача, бошланғич ва таянч мактаб босқичларида унинг шакли ва мазмуни жиддий янгиланиб, дастурлар, дарсликлар тажриба-синовдан ўтганини кўриш мумкин. Эндиликда умумий ўрта таълим муассасалари янгиланган дастур ва дарсликлар билан ишламоқда. Дарҳақиқат, давлат таълим стандартлари асосида тузилган дастур ва дарсликлар бу ўқув йилида таянч мактабининг битирувчи синфи(9-синф)га ҳам жорий этилди. Демак, 2002-2003 ўқув йили ДТС истефодасининг биринчи цикли якунланган йил бўлиб, таълим тарихига киражак. Сир эмаски, дастурлар ва дарсликлар ҳар қанча илмий-методик жиҳатдан пухта ишланмасин, уни амалиётга жорий этувчи ўқитувчи билимсиз, касбий ношуд бўлар экан, рисоладагидек дастур тугул, алқалган дарслик ҳам аҳамиятсиз, жонсиз бир нарса бўлиб қолаверади. Инчунин, коллеж, лицей ва улардан-да юқори босқич – олий таълим муассасаларида ўқитиладиган ўқув фанлари таркибини ҳамда мазмунини узвийлаштириш лозим. Бунда уларнинг барчасига замин яратувчи умумий ўрта (таянч) таълим мазмуни билан ҳамоҳангликни таъминламоқ ниҳоятда муҳимдир. Бу аввало таълим босқичларида узвийлик, тадрижийликни таъминлаш қолаверса кадрлар тайёрлашни оқилона режалаштириш учун зарурдир. Шундай ташкилий-дидактив муаммолар ечимига бағишлаб 6 январь куни Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида "Узвийлаштирилган фан дастурларини тажриба-синовдан ўтказиш" бўйича семинар бўлиб ўтди. Унда Халқ таълими ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари мутасаддилари, алоқадор олий ўқув юртлари мутахассислари, ЎзПФИТИ илмий жамоаси фаол қатнашдилар. Семинарда "Гуманитар", "Ижтимоий", "Физика-математика" ва "Табиий фанлар" бўйича алоҳида-алоҳида шўъбаларда маърузалар тингланди.

Ялпи мажлис Олий таълим вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Қосимовнинг кириш сўзи билан бошланди. Маърузачи ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида ўқитиладиган фанлардан 19 тасининг мазмунини таълим турлариаро узвийлаштирилган дастурлари тажриба синовдан ўтаётганига урғу бериб, бугунги семинарда мазкур тадбирнинг қандай кечаётгани ва уни такомиллаштириш йўлларига кенг тўхталмоқчимиз, деди. Инчунин, тажриба-синов ишларини кўз илғамас ҳужайраларигача танқидий таҳлил этиш зарур.

Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов умумий ўрта таълим мактабларида ўқув фанларининг узвийлаштирилган дастурларини тажриба синовдан ўтказиш тажрибалари ҳақида маъруза қилди. Маърузачи бу тадбирнинг ташкилий-педагогик жиҳатлари анчайин мураккаб ва нозик эканини, бу ишга методист олимлар бош-қош бўлиши муҳимлигини алоҳида таъкидлади. Айниқса, бирон дастур, дарсликни синаш ишларида унинг мақбуллигини ўқувчилар билим сифати динамикасига кўра белгиланар экан, даб-дурустдан дастур ёки дарсликни "ўқувчига оғирлик қилмоқда", "мураккаб экан" деган хулосага келавермаслик лозим. Чунки, масалага жиддийроқ ёндошилса, дастурнинг ўқувчига оғирлик қилишига боланинг интеллектуал имконияти эмас, балки унинг турли ишларга жалб этилиши, уй юмушлари ёки умуман жисмоний кабилар сабаб бўлаётгани аён бўлади. Тадқиқотларимиздан маълум бўлишича, таълим сифатига таъсир этувчи омилларнинг сони 200 дан ортиқ бўлиб, уларни педагогик квалиметрия билан қуролланган мутахассисларгина тўғри ҳисобга олиши мумкин, деди. Аслида Буюк Британияда 1–6-синф дастурлари биздаги дастурлардан бир қадар мураккаброқ. Маърузачи сўзини якунлаб, педагогик эксперимент ишларида катта тажриба тўплаган Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида семинарнинг ўтаётгани айни муддао деди.

Шундан сўнг синов дастурларини муҳокама ва мунозара қилиш шўъбаларда давом эттирилди. Дастурлар ва умуман тажриба-синов теварагида мунозара, танқидлар қизғин тус олди. Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ходимлари (мезбонлар) баъзида "ҳакамлик" қилса, баъзида аппонентлик қилдилар.

Олий таълим вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Қосимовнинг семинарни очилишдаги "Синов дастурларини, умуман тажриба синов ишларини Айни вақтда ўрта махсус таълим, умумий ўрта таълим мактаби билан ўрта махсус олий таълимни боғловчи ўзига хос ҳалқа эканлиги таъкидланиб, бу мақомга муносиб ҳолда ўқув фанлари мазмунини такомиллаштириш, хусусан, такрорланишларни ҳамкорликда бартараф этиш муаммолари ҳақида фикрлар билдирилди. Семинарда таълим диференцияси ва интеграцияси, ўрта махсус таълим дастурлари билан олий таълим дастурларини уйғунлаштириш масалалари теварагида ҳам турли қарашлар ўртага ташланди. Дарҳақиқат, ўқув фанларини интеграциялаш расмий доираларда ҳам тилга олинмоқда. Таълим тизимида ҳамкорлик қилаётган хориж ("Британия кенгаши") мутахассислари интеграциялашга оид ҳам таклифлар бермоқда. Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, ўқув фанларининг интеграциялаш муаммосига таълим ислоҳоти бошланган йиллардаёқ ЎзПФИТИда киришилиб, илк интегратив ўқув дарслиги – "Табиият" дарслиги яратилган ва 640 минг нусхада нашр этилган эди. Аммо бу дарслик уч йилгина ўқитилгач, субъектив омиллар гирдобида география билан биология фанлари "фидойилари" томонидан икки ўқув фанига бўлиб юборилди.

Фаёз МУСАЕВ,
УзПФИТИнинг катта илмий ходими,
педагогика фанлари номзоди

Sinab ko'ring

ЯНГИ ЙИЛ ТААССУРОТЛАРИ

Айни шу кунларда болажонларимиз унутилмас кунларни бошдан кечирмоқдалар. Улар учун Янги йил байрамидаги Қорбобо ва Қорқиз, эртакдлаги турли қаҳромонлар билан учрашувлар орқали олинган таассуротлар уларнинг хотирасида чуқур из қолдиради. Айниқса, пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида болажонлар маза қилиб арча атрофида қувнамоқдалар. Улар ўзлари ўйнаш билан биргаликда катталарга ҳам қойилмақом томошалар кўрсатмоқдалар.

Суратда: 7 ёшли болакай 5 метрли илон билан куч синашмоқда.

Бурхон РИЗО олган сурат

Бугунги мактаб ўқитувчиси олдида юқори малакали баркамол инсонга таълим ва тарбия беришдек масъулиятли вазифа турибди. Баркамол инсонни тарбиялаш учун эса замон талаблари даражасида, янги илғор педагогик технологиялар асосида дарс ўтиш лозим.Бунинг учун бир қатор муаммоларни ҳал қилиш шарт. Ана шу муаммолардан бири синфларда ўқувчи сонининг кўплиги. Машғулотларнинг юқори савияда ўтиши учун ўқувчи сони 18-20 нафар бўлиши керак, деб ўйлайман. Шундагина ҳар бир ўқувчи билан пухта иш олиб бориб, яхши натижага эришиш мумкин.

Кўзланган натижага эришиш учун ўқитувчи катта маҳоратга эга бўлиши, бир қолипда дарс ўтиш одатидан чекиниб, янги технологиялар ўйин-дарс, беллашув-дарс, мусобақа-дарс каби ноанъанавий дарс турларидан фойдаланиши лозим.

Мен ўз фаним —кимёни замон талаблари даражасида ўтиш ҳақида жуда кўп ўйлайман. Бу фан мураккаб, аммо қизиқарли. Дарс услубини ҳар соатда бир-биридан фарқли, бир-биридан қизиқарлироқ бўлишига ҳаракат қиламан.

Хўш, дарс сифатини ошириш учун қандай усуллардан фойдаланиш мумкин?

Ўқувчида, умуман инсонда, ҳар доим биринчи бўлиш туйғуси мавжуд. Шу асосда:

1) дарсни синф ўқувчиларини гуруҳларга бўлиб мунозарали- тортишув асосида ўтказиш яхши самара беради. Буни қуйидагича режалаштириш мумкин:

а) мавзу асосида ўзаро савол-жавоб уюштириш, ҳар гуруҳ учта савол тайёрлаши мумкин;

б) ўқитувчи 3 та савол тайёрлаши ва қайси гуруҳ 2 та саволни тўғри топса, ғолиб саналиши мумкин;

в) сардорлар мусобақасини (албатта, ҳар дарсда сардорлар ўзгартирилиб турилиши керак) ташкил этиш мумкин;

г) икки гуруҳдаги паст ўзлаштирадиган ўқувчилар мусобақасини уюштириш мумкин.

2) Ҳар ҳафтада ўтилган дарслар асосида байрамона, яъни шеър, қўшиқлар асосида кеча ташкил қилиш ўқувчини ўз устида изланишга мажбур этади.

Масалан, даврий жадвалдаги олимлар, планеталар, шаҳарлар, мамлакатлар ва умуман, буюк инсонлар номларига қўйилган элементлар асосида ташкил этилган кеча қизиқарли ўтади. Бу тадбир унга ташриф буюрган кимё соҳасидан узоқ кишиларда ҳам қизиқиш уйғотади.

Масалан:

Те —теллур — Ернинг Ўйиннинг баёни

Ҳар бир ўқувчи ўз исмини лотин алифбосида ёзади. Исми ва фамилиясидаги ҳарфлардан нечта кимёвий элементнинг белгиси келиб чиқишини аниқлайди. Айни шу элементлардан бирини танлаб олади ва шу элемент устида кичкина "ИЛМИЙ ИШ" олиб боради.

"Илмий иш" деб олишимизга сабаб, ўқувчида қизиқиш, изланишга рағбат уйғотишдир. Албатта, мен ўзим уларга режа тузишда ёрдам бераман.

I. Ўзимнинг исму фамилиямни лотинча ёзаман:

Qorayeva Habiba

Исмим ва фамилиямдаги ҳарфлардан келиб чиқадиган элементларнинг белгиси:

Фамилиямдан

1. Кислороднинг топилиши, "кислород" сўзининг моҳияти.
2. Кислороднинг табиатда тарқалиши.
3. Кислороднинг физик хоссалари.
4. Кислороднинг кимёвий хоссалари.
5. Кислороднинг бирикмалари (Бирикмаларидан бизнинг кундалик ҳаётимизда энг кўп қўлланиладиганларига кўпроқ тўхталсин).
6. Кислород гази ва унинг бирикмаларига доир масалалар ва кроссвордлар тузиш.

III. Режа асосида қисқача конспект қилинади. Шу мавзуни реферат асосида тузиб, ўқитувчига текширтириб, кейин ўқувчилар муҳокамасига қўйилса, ўйин тўғри ташкил этилган масса улушини фоизларда топинг.

7-Масала: нитрат кислотанинг зичлиги 1,49 бўлган эритмасидан фойдаланиб, унинг 0,2 М эритмасидан 1 литр тайёрланг.

Асосан масалани боланинг ўзи тушуниб ечса, унинг билим даражасида юксалиш пайдо бўлади. Бу масалалар ўқувчи томонидан тузилиши керак. Ҳа, жуда оддий, лекин ўқувчининг илк марта масалалар ечиши учун айни муддао.

Ўқувчига тест тузишни ўргатиш керак. Ўқувчи ўз рефератига ҳам ўзи тузган тестларни киритиши керак. Албатта, ўқитувчи томонидан тест тузиш усуллари ўргатилган бўлиши керак. Масалан қуйидагича тестлар тузиш мумкин.

1.Кислород атоми нечтадан S ва P электронларга эга.

A. 4 S ва 4p
B. 3 S ва 4 p
C. 2 S ва 6 p
Д. 1 S ва 7 p
E. — ва 8 p

2. Қуйидаги моддалар қаторидан кислородли бирикмаларни аниқланг.

A. KNO_3, HNO_3 Hcl
B. NH_4 cl H_2SO_4 H_2SO_4
C. H_2SO_4 $HClO_3$ $KMnO_4$
Д. Hcl, HJH_2SO_4
E. $KBrO_5$ $KclO_4$ Hcl.

Тестларни кўп тузиш мумкин. Уларнинг ҳаммаси кислород асосида тузилиши керак.

Бу мавзуда бошқотирма ҳам тузиш мумкин. Бошқотирма ҳам, албатта, кислород ва унга мансуб хоссаларга мос бўлсин.

Бошқотирмани, иложи бўлса, кўп ишлатиладиган кундалик ҳаётимизда, қишлоқ хўжалиги ва саноатда аҳамиятли бўлган кислородли бирикмаларга мослаб тузилса, қизиқарли чиқади. Масалан, бошқотирманинг саволлари тахминан қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Қум-тупроқни шиша қилган,
Узум сувин мусаллас,
Ким экан бу мўъжизани
Яратувчи забардаст.

2. А. Кислородни биринчи бўлиб кимёвий йўл билан аниқлаган олим.

2. В. Кислородхон опаси?
Коинотнинг эгаси,
Қатламлари зарҳал парда,
Ўтказмайди тиғ, қатра.

3. А. Гугурт каллагидаги кислородли бирикма.

3. В. Ўқитувчи ва ўқувчилар кундалик ёзув қуролининг иккинчи номи.

4. А. Зар суви таркибидаги кислородли кислотанинг номи.

4. В. Шоҳ шароб деб асло,
Ном олмаган у бежиз.
Сариқ аждархони у,
Эритиб қилар текис.

5. А. Хамирни тоғорадан тошираб,
Тортингизнинг лаззатини оширар.

5. В. Кир буюм кўрса агар,
Роса қотар энсаси.
Жаҳл отига миниб,
Кўпик бўлар барчаси.

6. А. Кайфиятингизни оширувчи газнинг номи.

6. В. Немислар томонидан иккинчи жаҳон урушида қўлланилган бўғувчи газнинг номи.

7. Ҳаво жуда иссиқ,
Егинг келар музқаймоқ.
Музқаймоқни муздайгина
Сақлар — бу қандай модда?

Ҳабиба ҚОРАЕВА,
Жондор туманидаги 20-ихтисослаштирилган иқтидорли болалар мактаб-интернатининг кимё фани ўқитувчиси

"КИЧИК ИЛМИЙ ХОДИМЛАР"

БИЛИМ ВА МАҲОРАТ ЮТУҚЛАР ПОЙДЕВОРИ

Ўқитувчининг машъалага қиёс қилиниши бежиз эмас. Зеро, у элга зиё улашган зот. Шу боис устоз мураббийга хамиша ҳурмат - эҳтиром бўлакча бўлган. Албатта, бундай иззат-эътиборга сазовор бўлиш, эл-юрт ишончини оқлаш онсон юмуш эмас. Унинг ортида узундан-узоқ машаққатли йўл, фарзандлар камоли, уларнинг порлоқ истиқболини ўйлаб отган неча-неча тонглар бор. Дарҳақиқат, ўқитувчилик масъулиятли касб. Унинг камтарона меҳнати ортида фарзандлар иқболи бўй кўрсатади. Айни шу жиҳатдан қараганда ҳукуматимиз томонидан ўқитувчи - мураббийлар фаолиятига, умуман таълим тизими ривожига қаратилган эътибор, бу йўлда олиб борилаётган бугунги ислоҳатларнинг бежиз эмаслигини пайқаш қийин эмас.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида умумий ўрта таълим мактаблари педагогик ходимлари орасида илғор, ташаббускор, ижодкор ўқитувчиларни танлаш, таълим-тарбия жараёнида Давлат таълим стандартлари, янги педагогик технологияларни жорий этишда уларнинг фаолиятини кенг тарғиб этиш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Йил ўқитувчиси" кўрик танлови ҳам ўқитувчилар меҳнатини юзага чиқаришда бир омил бўлмоқда.

Маълумки жорий ўқув йилида бошланган "Йил ўқитувчиси - 2002 " кўрик-танловининг шу кунларда вилоят босқичи якунланди. Бугунги кунда Қарақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ва қолган барча вилоятларда сўнгги, республика босқичигача ўтказилган баҳсларда ғолиблик шоҳсупасини забт этган энг билимли. маҳоратли ва фидойи ўқитувчилар аниқланиб олинди. Ҳозирда улар якуний босқичга тайёргарлик кўришмоқда.

Яқинда республика Халқ таълими вазирлигида мазкур танловнинг сўнгги, якунловчи босқичини ўтказишга бағишланган "Йил ўқитувчиси-2002" кўрик танлови ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Анжуманда ишчи гуруҳи томонидан дастлабки босқичларда амалга оширилган ишлар ҳисоботи тингланди. Кўрик-танловни ўтказиш бўйича тузилган ишчи гуруҳи раҳбари, халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлиддинов мазкур тадбир мазмун-моҳияти, мақсади ҳақида тўхталиб, жумладан шундай деди:

— Ўқитувчи, — фидойи. Унинг заҳматли меҳнати, билим ва иқтидори мана шундай ўзига хос танловларда янада тобланади. Бу эса ёш ўқитувчиларга ибрат мактаби. Шу боис танловлар номигагина ўтказилмаслиги лозим. Зеро, йўқолган ишончни топиш оғир кечади. Яна шуни такидлаш лозимки бугунги ғолиб ўқитувчилар шубҳасиз, ҳақиқий маънода ўз касбининг усталаридир. Бироқ уларнинг фарзандларимизга таълим-тарбия беришдаги изланишлари озгина эътиборсизлик боис чеккада қолиб кетаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Агарда мазкур изланиш, амалиётда синалган тажриба оммалашса, эътибор беринг, энг аввало, ўқувчига фанни ўзлаштиришида, ўқитувчининг эса уни сингдиришдаги машаққати камаяди.

Албатта, юқорида таъкидланганидек, кўрик - танловда иштирок этган ҳар бир ўқитувчининг ўз тажриба мактаби бор. Зеро, билим ва маҳорат ютуқлар пойдевори.

Танишинг: "Йил ўқитувчиси – 2002" кўрик - танловининг республика босқичи иштирокчилари.

Муҳаррамхон АБДУЛЛАЕВА, Андижон вилоятининг Хўжаобод туманидаги 17-мактаб математика фани ўқитувчиси.

М.Абдуллаева 1973 йилда Хўжаобод туманидаги "Ипакчилик" давлат хўжалиги худудида ишчи-деҳқон оиласида туғилган. Хўжаобод шаҳридаги 3-ўрта мактабни 1990 йилда олтин медаль билан тамомлагач, Тошкент давлат университетининг "Амалий математика ва механика" факультетига ўқишга кириб, 1995 йили уни муваффақиятли тамомлади ва ҳозирги кунга қадар Хўжаобод туманидаги 17- ўрта мактабда математика ва информатика фанлари ўқитувчиси бўлиб ишлаб келмоқда.

Ёш, изланувчан ўқитувчи дарсларида янги педагогик техналогияларини мунтазам қўллаган холда ўқувчиларга сабоқ бериши билан бир қаторда мазкур илм даргоҳда ташкил этилган инновацион гуруҳига раҳбарлик ҳам қилиб келмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, ўқитувчи вилоят ва туман миқиёсида математика ва информатика фани ўқитувчилари орасида ўзининг ижодкорлиги, изланувчанлиги ҳамда ўз касбининг етук билимдони эканлиги билан ажралиб туради. Иш тажрибаси туман ва вилоят миқёсида бир неча бор оммалаштирилган. Мактабдаги у киши раҳбарлик қилаётган "Тест маркази"да шуғулланган ўқувчиларнинг кўпчилиги эса аниқ фанлар йўналиши бўйича олий ўқув юртларига кириш синовларини муваффақиятли топшириб юртимизнинг нуфузли таълим даргоҳлари талабаларидир.

Ўқитувчи ўз иш тажрибаларини матбуот саҳифаларида ҳам мунтазам равишда ёритиб боради. Ёш ўқитувчиларга амалий ва услубий ёрдамини аямайди.

"Йил ўқитувчиси — 2002" кўрик-танловида М.Абдуллаева 5-синф ўқувчилари учун ўтган "Натурал сонларни кўпайтиришнинг хусусий ҳоллари" мавзусидаги ўзига хос дарс услуби орқали танловнинг вилоят босқичида ҳакамлар эътиборини қозонди. Зеро, математика дарсларида ўқувчиларга ўзлаштирилиши мушкул туюлган фан тушунчаларини осон сингдириш билан бир қаторда уларни ижодий фикрлашга ҳам ўргатиш, шу аснода ёшларда она Ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик каби ҳислатларини миллий қадриятларимиздан келиб чиқиб уйғотиш албатта, кўп изланиш талаб қилади.

Ўқитувчининг яна ўзига хос томони шундаки, ёш муаллиманинг қалби адабиётга, санъатга ҳам ошуфта. Ҳаваскор шоира шеъриятнинг мислсиз қудрати ҳақида сўз юритар экан, унга қуйидагича таъриф беради:

Айтчи менга , нега қодирсан,
Нечун сенга сўзсиз тобеман?
Хоҳлаганда тутқазиб қалам
Сўзлатасан бахтдан, толедан.

Ойгул БАРАТОВА, Бухоро вилоятининг Когон шаҳридаги 4-мактаб география фани ўқитувчиси.

У ўқитувчилар сулоласининг давомчиси. 15 йилдирки табиий фанлар султони бўлмиш борлиқни ўргатувчи –география фанидан ўқувчиларга меҳр билан сабоқ бериб келмоқда. Дарсларни бугунги давр талаби асосида ташкил қилиб, янги педагогик технология асосида ёшларга серқуёш Ўзбекистонимиз, дунё табиати, қазилма бойликлари ҳақида чуқур ва атрофлича билим бериб, туман, шаҳар, вилоят олимпиадаларига иқтидорли ўқувчиларни тайёрлаб келмоқда. Уч фарзанднинг онаси. Минглаб ўқувчиларнинг устози Ойгул, ширали овоз билан қўшиқ куйлайди, ифодали шеър ўқийди. Шу билан бирга мактаб касаба уюшмаси раиси сифатида ўқитувчиларнинг дам олишлари, саёҳатга чиқишлари учун жон куйдиради, адабиёт ўқитувчиларидан қолишмай мушоира, мусобақа кечалари, тадбирлар ўтказади.

Унинг "Умумтаълим мактабларида Ўзбекистон табиий географиясини ўқитишда ёзма манбалардан фойдаланиш усули" номли ўқув қўлланмаси муҳим вазифани бажаришга қаратилган. Чунки ҳозирги кунда Ўзбекистон табиати ҳақидаги манбалар ва уларни ўрганишга бағишланган ўқув қўлланмалари кам яратилган. Ваҳоланки, бундай қўлланмалар географияни ўқитиш ва ўзлаштириш самарадорлигини оширади.

Раъно ИСОҚОВА, Наманган вилоятининг Косонсой туманидаги 28-мактаб ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

Р.Исоқова 1988 йилда Косонсой туманидаги Ҳ.Олимжон номли 28-ўрта мактабни имтиёзли шаҳодотнома билан битириб, шу йили Наманган давлат институтининг Ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирган. 1993 йилда олий ўқув юртини тамомлагач, ўзи таҳсил олган жонажон мактабида ўқувчиларга она тили ва адабиёти фанидан сабоқ бера бошлаган.

Р.Исоқова иш фаолияти давомида ўзининг олган билим, кўникма ва тажрибаларини ўқувчилар онгига етказишда педагогик-психологик усуллардан фойдаланишда маҳорат кўрсатиб келмоқда. У ҳар бир дарсда ўқувчиларга янгилик айтишга уринади. Бу эса изланувчан ўқитувчини доимо янгидан-янги билим сирларини эгаллашга, кўпроқ ўқиб ўрганишга ундайди. Шу боис бўлса керак янги педагогик технология асосида ўтилаётган ўқитувчининг дарслари ўқувчиларга завқ

"Yil o'qituvchisi - 2002"

бағишлайди. Ҳар бир ўқувчи ёш ўқитувчининг дарсларини интиқ кутади, десак муболаға бўлмайди. Айниқса, "Гуруҳлар беллашуви", "Ким топқир?", "Тезкор савол", "Зукколар беллашуви", "Назм ва наво", "Шеърият" деб номланган хилма-хил мавзудаги дарслар ўқувчиларда тилимизга бўлган меҳрни ошириш билан бир қаторда ҳар бир ёш қалбига адабиётнинг куч-қудратини хис этишга, у билан доимий ошно бўлишга эҳтиёж уйғотади. Зеро, адабиёт, санъатга меҳр қўйган ёшнинг кўнгли эзгуликка ошуфта бўлади.

Ўқувчиларда она тили ва адабиёт дарсларига бўлган қизиқишнинг ошишига яна бир сабаб шундаки, Р.Исоқованинг дарслари кўргазмали қуролларсиз ўтмайди. Бугунги кунда ёш ўқитувчининг беш юздан ортиқ кўргазмали қуроллари мавжуд бўлиб, улар дарсларнинг янада ўқувчиларга мароқли ва тушунарли бўлишини таъминлаб келмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, ижодкор ўқитувчи 1994 йилда мактабда ташкил этилган "Ёш адабиётшунос" газетаси муҳаррири ҳамдир. Мактабдаги ёш ижодкорларнинг адабиёт оламига кириб боришларида мазкур нашрнинг аҳамияти албатта, катта бўлмоқда.

"Йил ўқитувчиси —2002" кўрик танловининг вилоят босқичида ўқитувчининг дарсларни ўқувчиларга содда тушунтирилишида ва уларнинг қизиқишларининг ошишига хизмат қилувчи "Абдулла Ориповнинг китоб жавони", "Изла, бунда жавоб бор", "Тополшириқлар беллашуви" ҳамда "Шарлар савол йўллайди, жавобини сўрайди" номли кўргазмали қуроллардан фойдаланиб ўтган ноанъанавий дарси эътиборга сазовор бўлди.

Дилнаво БАХРОНОВА , Навоий вилоятининг Навоий шаҳридаги Ш. Рашидов номли 10-мактаб математика фани ўқитувчиси.

Д.Бахронова 1979 йил 28-сентябрда Навоий вилоятининг Нурота туманида зиёли оиласида таваллуд топган. Шуниси эътиборлики ўқитувчи ўқувчилик йилларидаёқ мазкур касбга меҳр қўйганлиги боис мактабни битиргандан сўнг Навоий Давлат педагогика институтининг Физика-математика факультетига сиртдан ўқишга кирди. Зеро, ўқитувчилик касби ўқитувчидан чуқур назарий билим билан бирга амалий кўникма, тажриба талаб қилади. Олий ўқув юртида сиртдан таҳсил оларкан Д.Бахронова 1996 йилда Ш. Рашидов номидаги 10-мактабда математика фанидан ўқувчиларга сабоқ бера бошлади. У ўз иш фаолиятида бутун куч ғайрати ва билимини ёш авлодни баркамол вояга етказиш, таълим тизимини ривожлантиришга қаратди. Ўқитувчи ёш бўлишига қарамасдан дарс ўтиш усулларини жуда яхши ўзлаштирган. Ўз устида тинимсиз ишлайди. Унинг ҳар бир дарси доимий ижодий изланишлар маҳсули десак муболаға эмас. Ёш ўқитувчи нафақат дарс жараёнида, балки синфдан ташқари машғулотларда ҳам ёш авлод онги, қалбига миллий-маънавий қадриятларга ҳурмат руҳини сингдиришга катта эътибор беради.

Бугунги кунда изланувчан ўқитувчи дарс ўтишнинг ноанъанавий усуллари орқали ўқувчиларга илм-фан сирларини ўргатишга ҳаракат қилмоқда. Зотан, бугунги ўқувчининг билим эгаллашга бўлган эҳтиёжи юқори. Шу боис муаллима ўз дарсларини ўқувчининг қизиқишига қараб, ҳар-хил ўйинлар, саҳна машғулотлари, саёҳат дарслари орқали фанни ўргатишга ҳаракат қилади. Эътиборлиси, муаллима дарс пайтида ўзини ҳар бир ўқувчининг дўсти, ёрдамчисидек тутади. Бу эса ўқувчиларнинг ўқитувчига нисбатан меҳрини оширади. Устозига ихлоси баланд ўқувчи эса унинг дарсларини ҳам пухта ўзлаштиришга интилади.

"Йил ўқитувчиси — 2002" кўрик танловининг вилоят босқичида Д.Бахронова 5-синф ўқувчилари учун ўтган "Математика оламига саёҳат" ҳамда "Тўғри сўз тузиш" ўйин дарслари ўқувчига содда ва равон тушунтирилганлиги билан аҳамиятли бўлди.

Иқлима АШУРОВА, Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳридаги 3-мактаб рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

И. Ашурова 1968 йилнинг 15-декабрида Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида туғилган. 1975-1985 йилларда Ховос қўрғонидаги 85-мактабда умумий ўрта маълумотни олгач, Ўзбекистон Миллий университетининг рус филологияси факультетида ўқишни давом эттирди. Олий ўқув юртини битирган ёш ўқитувчи дастлабки иш фаолиятини Янгиер шаҳридаги Тилларни чуқур ўрганишга иқтисослашган мактаб-интернатида бошлади. 1995 йилдан бугунги кунга қадар эса 3-ўрта мактабда ўқувчиларга рус тили ва адабиёти фанидан сабоқ бераётир. Ўқитувчи хар бир дарсга пухта тайёргарлик кўришга ҳаракат қилади. Зотан, бугунги ўқувчини алдаб бўлмайди. Моҳир педагог дарс жараёнида янги педагогик технологияларни қўллашга алоҳида эътибор бериб машғулотларни ўйин дарсларидан, саҳна машғулотларидан, саёҳат дарсларидан кенг фойдаланади. Унинг дарс ўтиши учун тайёрлаган кўргазмалари, ўз қўли билан чизган рангли расмлари эътиборингизни тортади. Нутқ ўстириш учун қўллайдиган кўргазмали қуроллари, ребус ва кроссвордлари ҳам болалар ёши ва психологиясига мос тарзда ишланган.

Иқлима Ашурова ўқувчиларга сабоқ бериш билан биргаликда мактабнинг рус тили ва адабиёти метод бирлашмаси раҳбари ҳамдир. Бу эса ўқитувчи зиммасидаги маъсулиятни янада оширади. Зеро, муаллима нафақат ўқувчиларга балки, дарс ўтиш усуллари, мактаб, давлат мулки бўлган кабинет жиҳозлари, ўқув қўлланмалар, дарсликлар, ўқувчиларнинг ўқув дафтарларининг ҳолатини кўздан кечираман. Ўқувчиларнинг ири билан ўқитувчиларга ҳам ўрнак бўлиши, уларга услубий кўмак бермоғи лозим.

"Йил ўқитувчиси —2002" кўрик-танловининг вилоят босқичида ўқитувчининг 4-синф ўқувчилари учун ўтказилган "Берегите природу. Беречь кого? Что?" номли ноанъанавий дарси ўзига хослиги билан ажралиб турди.

Машҳура БЕКОВА, Самарқанд вилоятининг Паст Дарғом туманидаги 48-мактаб физика фани ўқитувчиси.

М.Бекова 1972 йил 29 январда Самарқанд вилоятининг Паст Дарғом туманидаги Қорағуппа қишлоғида туғилган. 1979-1989 йиллар давомида 48-ўрта мактабда таҳсил олиб мактабни битиргач, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг физика факультетида ўқишни давом эттирди. У 1991 йилдан 1996 йилга қадар олий ўқув юртида таҳсил олиш билан бир қаторда университетда ташкил этилган "Камолот" ёшлар ижтимоий харакатида ўз меҳнат фаолиятини олиб борди. 1996 йилда унверситетни муваффақиятли якунлаб тумандаги 48-мактабда физика фани ўқитувчиси сифатида ишлади. М.Бекова ўз педагогик фаолияти давомида яхши натижаларга эришиб келмоқда. Ўқитувчи томонидан ўтилаётган ноанъанавий услубдаги дарслар тумандаги бошқа фан ўқитувчиларига ҳам ибрат бўла оларли даражада. Унинг ҳаракатчанлиги, талабчанлиги ўқитувчиларга ҳам, ўқувчиларга ҳам намунадир. Ўз ўқувчиларига нисбатан ширин сўзлиги ва меҳрибонлиги мақтовга лойиқ.

Дилафруз НОРБОЕВА, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидаги 9-мактаб тарих ва хукуқ фани ўқитувчиси.

Д.Норбоева 1975 йилнинг 30-октябрида Охунбобоев жамоа хўжалигининг Янги хаёт қишлоғида зиёли оиласида туғилган. 1992 йилда 9-мактабни битириб, шу йили Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кирган. 1997 йилда олий ўқув юртини томомлагач, ўзининг ҳам ўқувчилик даври кечган билим даргоҳида тарих фани ўқитувчиси бўлиб иш бошлади.

Шахс камолотида тарих фанининг ахамияти катта. Бинобарин ўз тарихини, ота-боболари ўтмишини англамай, ўзлигини танимасдан комилликка етишиб бўлмайди. Шу боис Д.Норбоева ўқувчиларини тарихнинг улар билмаган ҳудудларига бошлар экан, энг аввало, ҳар бир ўқувчининг ўз ота-боболари, кечмишини, киндик қони тўкилган Ватани, қишлоғи, маҳалласи тарихини билишга ундайди. Албатта, фанга бундай ёндошиш, яъни ўқувчининг ўзи билган, таниган инсонлар тақдирини ўрганиш орқали бутун инсоният тарихи, жамиятда юз берган ўзгаришларни идрок қила бориши ёшларнинг тарих фанини чуқур ўзлаштиришга бўлган қизиқишини ошириши табиий. Аҳамиятлиси, ёш ўқитувчи ҳар бир дарсни кўргазмалилик асосида ўтишга ҳаракат қилади. Ўқитувчининг изланишлари самараси ўлароқ унинг кўплаб ўқувчилари бугунги кунда юртимизнинг нуфузли олий ўқув юртларида ўз билимларини оширишаётир.

"Йил ўқтувчиси–2002" кўрик-танловининг вилоят босқичида Д.Норбоева тарих фанини ўқитишда янги педагогик технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос усуллари билан олиб борган "Янги педагогик технология ва тарих" мавзусидаги изланиши кўпчиликка маъқул бўлди.

(Давоми келгуси сонда)

Tajriba

ЎЛКАН ИШЛАРГА ЎЛУШ

Тежамкорлик — ҳар томонлама баркамол инсонни шакллантиришнинг энг муҳим таркибий қисмидир.

Тежамкорлик — бу моддий бойликлар, пул, маблағ, вақт, сув ва шу кабиларни тежаб ишлатиш ва шунга асосланган иқтисодий тартибдир, — дея таърифланади. Шахсда ана шу сифатларни шакллантириш эса, тежамкорлик тарбиясининг моҳиятини ташкил қилади.

Мустақил Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар муваффақият билан амалга оширилаётган, бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтилаётган ҳозирги кунда тежамкорлик давлатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини оширишнинг муҳим омилидир. Мамлакатимиз иқтисодиётида, халқ хўжалигининг барча тармоқларидан тежаб қолинаётган ҳар бир килограмм металл, ёқилғи, шунингдек, газ, сув, вақт, қоғоз, электр энергияси, хом-ашё, қурилиш материаллари ва бошқалар давлатимиз иқтисодий ва мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлашга бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилади. Ана шу масъулият, тушунчани ёш авлод онгига сингдириш эса узлуксиз таълимнинг барча босқичларида — оилада, таълим масканларида ота-оналар, ўқитувчи-мураббийларимиз, мактаб жамоаларининг энг муқаддас бурчидир.

Мен бир неча йилдан бери бошланғич синфларда дарс бериш жараёнида тарбиянинг шу соҳасига алоҳида эътибор қаратаман. Она тили, ўқиш, математика, меҳнат, одобнома каби дарсларда тежамкорлик тарбия-сининг самарали усул ва воситаларини қўллашга ҳаракат қиламан. Жумладан, она тили, ўқиш дарсларида болаларни тежамкорлик, иқтисодга оид ҳадис намуналарини келтириб мазмун-моҳиятини тушунтириб бераман.

Математика дарсларида эса тежамкорлик, иқтисодга оид мисол, масалалар тузиб ўқувчиларга уларни оғзаки, ёзма тарзда ечишларига ёрдам бераман.

Айниқса, синфдан ташқари машғулотлар болаларда тежамкорлик, иқтисод ҳақидаги тушунча, тасаввурларини янада кенгайтиради. Тежамкорлик мавзусига оид суҳбат-лар, мунозаралар, рейдлар фермерлар билан учрашувлар ўтказиш каби тадбирлар бу соҳада катта аҳамиятга эга.

Ҳар ҳафтанинг охирги кунида ўзим раҳбарлик қиладиган синфда тежамкорлик рейдини мунтазам равишда ўтказиб тураман. Унда фаол ўқувчилар ёрдамида ўқув қуроллари, ребус ва кроссвордлари ҳам болалар ёши ва психологиясига мос тарзда ишланган.

Иқлима Ашурова ўқувчиларга сабоқ бериш билан биргаликда мактабнинг рус тили ва адабиёти метод бирлашмаси раҳбари ҳамдир. Бу эса ўқитувчи зиммасидаги маъсулиятни янада оширади. Зеро, муаллима нафақат ўқувчиларга балки, дарс ўтиш усуллари, мактаб, давлат мулки бўлган кабинет жиҳозлари, ўқув қўлланмалар, дарсликлар, ўқувчиларнинг ўқув дафтарларининг ҳолатини кўздан кечираман. Ўқувчиларнинг электр энергиясидан, вақт бюджетидан қандай фойдаланаётганликларини таҳлил қиламан. Ота-оналарнинг мактабда овқатланиш, ўқув қуроллари, дафтарлар сотиб олиш каби эҳтиёжлар учун болаларга берган пулларини улар нималарга сарф қилаётганликларини таҳлил қиламан. Бу пулларни ноўрин, кераксиз нарсаларга сарфлаётган, масалан, сақич, "пиротехника" воситалари ёки турли хил расмлар сотиб олаётган ўқувчилар билан алоҳида суҳбатлар ўтказаман. Олиб бораётган мана шу тарбиявий ишларим натижасида болаларда моддий ва маънавий бойликларга, қадриятларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш каби сифатлар, тушунчалар шаклланиб бораётганлигини кўриб қувонаман.

Бундай тадбирлар бугунги ислоҳотлар жараёнида тежамкорлик, иқтисод соҳасида олиб борилаётган улкан ишларга бир кичик зарра, улуш бўлиб қўшилади, деган умиддаман.

Гўзал ПРИМОВА,
Косон туманидаги
Обид Содиқов номли
мактабнинг бошланғич
синф ўқитувчиси

Ўқитувчи эса ўқитишдан ўқишни ўрганишга, билим беришдан ўқувчиларнинг билимларини мустақил эгаллашларига кўмаклашиши зарур.

Умумтаълим мактабларида табиий, гуманитар, ахлоқий-ҳуқуқий иқтисодий, этик-эстетик билимлар асослари ўрганилиши муносабати билан барча ўқув фанларини бош ғоя ва назария атрофида ягона тизимда уйғунлаштириш мақсадга мувофиқдир.

2002-2003 o‘guv yili — Xalq ta’limi muassasalarida metodik xizmatni takomillashtirish yili

ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ВА ИМКОНИЯТ

Ҳозирги кундаги илмий-техникавий тараққиёт нафақат ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқларига, балки маданий, ижтимоий-гуманитар билимлар, таълим соҳасига ҳам янги технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда. Шу боисдан ҳам кейинги йилларда педагоглар диққатини жалб қилган масалалардан бири педагогик технология ҳисобланади.

Педагогик технология бугунги таълим-тарбия жараёнида заруратга айланди. Нима учун шундай бўлди? Нега энди шунча йиллардан бери яратиб келган таълим жараёнини эскича ташкил этишдан воз кечишимиз керак ва ўқув жараёнини лойиҳалашга янгича ёндошиш зарур? Бу саволларга жавоб бериш учун, энг аввало, мамлакатимизда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг асосий йўналишларини англаб олмоқ лозим.

Бу йўналишлар:

— таълим мазмунини, тизимини ислоҳ қилиш;

— таълим-тарбия бошқарувини ислоҳ қилиш;

— таълимнинг бозор иқтисодиётига асосланган механизмини яратиш;

— ота-она, ўқитувчи, ўқувчининг таълим жараёнига бўлган янгича қарашларини шакллантириш;

— ва ниҳоят, бу туб ислоҳотларнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи-янги педагогик технологияни амалиётга тадбиқ этишдан иборат.

Умуман олганда, янги таълим тизими, мазмуни ўқув, давлат таълим стандартлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари асосида ўқув жараёнини лойиҳалаштиришга янгича ёндошиш лозим.

Президентимиз Ислом Каримов алоҳида таъкидлаганидек, биз “мамлакатмизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётда нечоғли фаол муносабатда бўлишига , қандай олий мақсадларга хизмат қилишига, боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак”. Шу сабабли ҳам биринчи навбатда таълим мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, хусусан, бу мазмунга нафақат билим, кўникма ва малака, балки умуминсоний маданиятни ташкил қилувчи ижодий фаолият тажрибаси, теварак-атрофга муносабатларни ҳам киритиш ғояси кун тартибига кўндаланг қилиб қўйилди.

Таълим бериш самарадорлигини оширишнинг бир нечта компонентлари мавжуд. Шулардан биринчиси дарсликлар масаласи. Ҳозирги кунга келиб мактабларнинг 1-синфлари тўлиқ янги дастур асосида ўқитилмоқда. Бу синфлар учун дарсликлар лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосида чоп этилган. Лекин шуни айтиш керакки, айрим дарслик ва ўқув қўлланмалари фан эришган якуний натижалар асосида яхлит акс этмаган. Шу сабабли ҳам уларнинг айримлари ҳар йили янгитдан нашрдан чиқарилмоқда.

Дарсликлар ўқувчиларни мустақил фаолият кўрсатишлари учун муҳим омил бўлиб у ўқувчининг “иккинчи ўқитувчиси”га айланиши, билим манбаи бўлиб қолиши лозим. Аммо, дарсликларимиз қанчалик пишиқ бўлмасин, улардаги илм дурдоналарини ўқувчининг онгига етказувчи — ўқитувчи тайёр бўлмаса, эски қолипдан чиқмай дарс олиб борса, муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Маълумки, дарсда ўқитувчи бош фигура ҳисобланади. У ахборот бериш, тезроқ-тезроқ ўқитишга ҳаракат қилади. Лекин ўқувчиларнинг янгиликларни қабул қилиш даражалари ҳар хил, хоҳиш-истаклари турлича, улар суст эшитувчи, қулоқ солувчи, бу уларнинг ўқув жараёнидаги масъулиятини, жавобгарлик ҳиссини сусайтиради. Демак, улар мустақил фикр юритиш, мушоҳада қилиш, хулоса чиқаришдан йирокда. Унда нима қилмоқ керак? Дарс жараёнида, таълим-тарбияда ўқувчи асосий ҳаракатлантирувчи куч, таълим жараёни субъекти бўлиши керак, яъни ўқиш, ўрганиш, мутолаа қилиш ўқувчи зиммасига ўтиши керак. Ўқитувчи эса ўқитишдан ўқишни ўрганишга, билим беришдан ўқувчиларнинг билимларини мустақил эгаллашларига кўмаклашиши зарур. У ўқувчини эҳтиёж туғдиришдан муҳит яратишга, ундан ўз маъсулиятини сезишга ўргатиши керак. Бунинг учун янги педагогик технологиялардан самарали ва унумли фойдаланиш талаб этилади.

Таълим самарасини оширишда ҳар бир дарс учун таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи яъни бир-бири билан узвий алоқада бўлган учёқлама мақсадни кўя билиш керак.

Дарсни ташкил қилиш шакли унинг қатнашчиларининг ўзаро алоқаларига боғлиқ бўлиб, у мақсадларга, ўқув материали хусусиятларига боғлиқ. Бунга эришиш учун ўқитувчи билан ўқувчилар биргаликда ҳаракат қиладилар. Худди мана шу жараён ўқув жараёни дейилади. Ўқув жараёни мотивация, бошқариш фаолияти ва билиш фаолиятидан иборатдир. Ўқув жараёнига янгича қарашнинг туб моҳияти шундан иборатки, ўқитишда ички мотивациядан (диққатни тортиш, ички туйғу, истак, заруратни шакллантириш) келиб чиқиш керак. Ўқув жараёнида асосий ҳаракатлантирувчи куч–ўқувчи учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам ички мотивация бўлиши керак. Бунда ўқувчиларда билим олишга интилиш эҳтиёж бўлиши керак, ўқиш мақсадлари ички эҳтиёжга айланиши лозим.

Ўқитувчидан ўқувчиларда ташаббускорлик ва мустақилликни, билимларни пухта ва чуқур ўзлаштиришни, зарур малака ва кўникмаларни, кузатувчанликни, тафаккур ва боғланишли нутқни, хотира ва ижодий тасаввурни тарбиялашга имкон берувчи дидактик принципини ишлаб чиқиш керак. Бу таълимдаги фаолликдир.

Чунки фаоллик бор жойда янгилик бор. Бундай тизимда ўқувчи ҳам, ўқитувчи ҳам таълим-тарбия жараёнига биргаликда масъулдирлар. Улар биргаликда ҳар бир ўқувчининг билим ва қобилиятини, индивидуал эҳтиёжларини аниқлайдилар. Бундай ҳолатда ўқитувчи ўқувчиларга янги билимларни етказувчи манбага айланади. Кенг маънода қараганда таълим тизимидаги ҳар қандай ўзгариш — бу педагогик инновациядир. Бу тушунча таълим тизимидаги янгиликларга нисбатан ҳам қўлланилади. Қўлланилаётган янги педагогик технологиялар, баҳолаш ва ўқитиш методлари, тест-рейтинг услублари шулар жумласидандир.

Ўқитиш самарасини оширишдаги яна бир янги услублардан биттаси бу дарс жараёнида техника воситалари ва компьютерлардан фойдаланишдир. Ўтган асрнинг 40-50 йилларида ўқув жараёнига техник воситаларнинг (радио, кино, назорат воситалари) жорий этилиши педагогик технологияларга тенглаштирилди, 70-йилларда бу тушунча мазмуни чет эл педагогик нашрларида ва халқаро конференцияларда кенг муҳокама этила бошланди ва унинг илмий-тадқиқот натижаларига кўра икки йўналиши кўрсатилади. Биринчи йўналиш педагогик технологияни “ўқитишнинг техник воситалари”ни қўллаш сифатида белгиласа, иккинчиси-“ўқув жараёни технологияси” сифатида қаралди.

Бугунги кунга келиб ўқитишда техника воситаларининг аҳамияти бошқача маънони касб этмоқда. Дарсларда техника воситаларининг қўлланилиши ўқувчиларнинг мустақил билим олишлари, таълим самарадорлиги ошишида муҳим рол ўйнайди. Айниқса, телевидение, кино, лингафон, фильмоскоп, проектор, кодоскоплардан фойдаланиш яхши самара беради. Мамлакатимизда мактабларни компьютерлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки компьютер билан ишлаш янги педагогик технологияларни дарс жараёнида қўллашда муҳим аҳамият касб этади. Лекин шуни айтиш керакки, бу соҳада кўплаб камчиликлар мавжуд. Мактабларда техника воситалари етишмайди. Замонавий компьютерлар билан таъминланиш даражаси паст. Мактаблардаги мавжуд компьютерларнинг аксарияти бугунги кунга келиб яроқсиз аҳволда, таъмирталаб. Барча фанлар бўйича компьютерда ишлаш дастурлари ёзилган дискетлар, кассеталар йўқ ҳисоби. Амалий ишларни узлуксиз олиб бориш учун шароитлар етарли эмас.

Ўқитиш тизимига тест усули кенг жорий этилмоқда. Бу тизим ўқувчиларни ўз устида ишлаш малакаларини, фикрлаш қобилиятларини ўстиришга хизмат қилади. Бу ҳам янги педагогик технологиянинг бир унсуридир. Ўқувчининг нафақат ўзлаштириш даражаси, балки унинг бутун фаолияти тест назорати орқали баҳоланиши мумкин. Бир неча йиллардан бери фойдаланиб келинаётган бу усул ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Якуний, оралиқ, жорий назоратлар учун бутун материалларни фан ўқитувчиларининг ўзлари тайёрлашмоқда. Бу ўқитувчиларга бир қатор қийинчиликлар - туғдирмоқда. Ўқитувчининг кўп вақт тест тузиш, ўқувчилар учун тест варақалари тайёрлашга сарфланмоқда. Барча фанлар бўйича якуний, оралиқ ва жорий тест назорати материаллари РТМ томонидан тўлиқ ҳолда методик ёрдам тариқасида етказиб берилса, мақсадга мувофиқ келарди. Ана шунда ўқувчиларга қўйилаётган талаб бир хил ва самарали бўлади.

Мактабларнинг кўпчилигида тест варақалари билан барча ўқувчиларни тўлиқ таъминлаш энг катта муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Сабаби юқорида айтилганидек, мактабларда кўпайтириш қурилмалари(ксерокопия, ксерокс, принтер)нинг йўқлигидир.

Янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига олиб киришда мактабимиз ўқитувчилари бир қаторда ижобий натижаларга эришмоқдалар. Жумладан, дарсларда семинар, ўйин, конкурс, мусобақа, савол-жавоб каби услублардан фойдаланиш яхши самара бермоқда. Айниқса, чет тили, математика, биология, физика каби ноанъанавий фанларни ўқитишда, бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия беришда янги педагогик технологиялардан кенг миқёсда фойдаланилмоқда. Шу сабабли ҳам ўша фанлар бўйича синфларда ўқувчиларининг ўзлаштириш даражалари ижобий томонга қараб силжимоқда.

Хуллас, бир хил қолипда дарс ўтишдан воз кечилди. Эркин тарзда дарс услубини танлаш ҳар бир ўқитувчининг ўз ихтиёрига берилди. Бу, албатта, яхши самара бермоқда.

Ўтган ўқув йилидан бошлаб синов тариқасида ўқувчиларнинг билим даражаси ва кўникмаларини назорат қилишнинг рейтинг усулидан фойдаланилмоқда. Албатта, бу усулнинг ижобий самараси мавжуд. Яъни рейтинг тизими ўқувчиларни ўз устида ишлашга, мустақил фикрлашга ундамоқда. Ўқувчилар ўз масъулиятини чуқур ҳис қилган ҳолда ўз билимларини бойитиш учун ҳаракат қилишмоқда. Рейтинг назорат шакллари бўйича методик кўрсатмаларнинг йўқлиги ўқитувчилар-фаолиятида қийинчиликлар туғдирмоқда. Ўқувчиларнинг билим даражалари ўзлаштириш кўрсаткичлари, дарсга қатнашишлари, турли тўгарак ва синфдан ташқари ишларда фаолияти ҳар чоракда таҳлил қилиниб, мониторинг ишлари олиб борилмоқда. Бу соҳада ҳам янги педагогик технологиялардан фойдаланилмоқда.

Ҳозирги вақтда ўқитувчилар ўзлари билган ҳолда ўз малака ва билимларидан келиб чиқиб янгиликларни қўллашга ҳаракат қилишмоқда. Педагог-услубчилар ҳозирга қадар дидактик масалаларни аниқ ифодалашга ва унга мос келадиган янги педагогик технологияларни ишлаб чиқишга кам эътибор бераётирлар. Шу нуқтаи назардан миллий дастурда буюртма сифатида янги педагогик технологияларни яратиш ва амалиётга жорий этиш мажбурияти юкланган. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” таълим-тарбиянинг мақсадини янги йўналишга бурди, яъни “ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла холос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш” деб белгилади. Демак, таълим-тарбиянинг мақсади янгиланди, унга мос ҳолда мазмуннинг янгиланиши ҳам табиийдир.

Таълим мазмуни ўқув дастурлари, қўлланма ва дарсликларда ўз ифодасини топади. Янги дастур ва дарсликлар яратилмоқда.

Агар ўқитувчи қўлида билимга чанқоқ, иқтидорли ўқувчилар, фан мақсадига мос мазмун дастур, ўқув қўлланма, дарсликлар мавжуд экан, у дидактик жараённи мувафақиятли амалга ошириш учун билиш фаолиятининг ташкилий шаклларидан самарали фойдаланиб, янги педагогик технологияларни амалиётга изчил ва кетма-кет жорий этиши мумкин.

Янги педагогик технологияларни қўллашда фанлараро боғланишларга, алоқаларга ҳам аҳамият бериш керак. Умумтаълим мактабларида табиий, гуманитар, ахлоқий-ҳуқуқий иқтисодий, этик-эстетик билимлар асослари ўргатилиши муносабати билан барча ўқув фанларини бош ғоя ва назария атрофида ягона тизимда уйғунлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Нафақат дарс ва ўқув жараёнида балки мактабдан ва синфдан ташқари ишларни ташкил этишда ҳам янги педагогик технологияларнинг қўлланилиши яхши самара бермоқда. Жумладан, тўгарак ишларини ташкил этиш ва юритишда, ўқувчиларнинг фанлар олимпиадаси ва бошқа тадбирларга тайёрлашда бу усулнинг аҳамияти юқори бўлмоқда.

Мактаб жамоаси томонидан мана шу соҳаларда ижобий ишлар амалга оширилаётгани туфайли бир қатор ютуқларга эришилди. Мактабимизнинг туман, вилоят миқиёсидаги ўрни салмоқлидир. Фанлар олимпиадаси ва бошқа турли тадбирларда мактаб ўқувчилари доимий равишда фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, янги педагогик технологияларнинг таълим самарасини оширишдаги ўрни беқиёс каттадир. Давлат таълим стандартлари талаблари даражасида ўқувчиларнинг билим даражасини шакллантириш янгиликларсиз, янги услубларсиз мумкин эмас. Шу сабабли таълим ва тарбиянинг барча соҳаларида ЯПТ қўллашга эътиборни қаратишимиз лозим.

Педагог технологиялар қандай қилиб, қандай усуллар билан қўлланилса натижа яхши бўлади? У ўз тизимига эга бўлиб, унда компонентлар кетма-кет, ўзаро боғлиқлиги, бир бутунлиги сақланиши лозим. Бир сўз билан айтганда, таълим жараёнига янгича ёндашиб, ижодкорлик, бунёдкорлик тадбиқ этилсагина таълим самараси янги босқичга кўтарилади, яъни:

— боланинг талаби, мойиллиги, истак-хоҳиши унинг имкониятлари даражасида қондирилади;

— ўқувчининг ўқув меҳнатига масъулияти, жавобгарлиги ва бурчи ошади;

— билимларни мустақил эгаллаш малакалари шаклланади;

— унда умр бўйи ўз билимини ўзигина бойитишига ишонч пайдо бўлади;

— эркин фикрлаш малакаси шаклланади;

— шахс жамиятда ўзининг ўрнини тезроқ топиб олишига муҳит яратади.

Бунинг учун бугун биз ўқувчига “сен буни билишинг керак” деган мажбурловчи даъватдан “менга бу зарур ва мен буни билишга, уни ҳаётда қўллашга қодирман” деган ички ишонч ва интилишни уйғотишга ўтишимиз керак. Шу муносабат билан ҳар бир мактаб, туман методика кабинетлари қошида доимий ҳаракатдаги янги педагогик технологиялар бўйича ташаббускор гуруҳларнинг ишини такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш зарур.

Тўлқин ЭШБЕКОВ,
Жиззах вилояти Зафаробод туманига қарашли Амир Темур номидаги 8-мактабнинг илмий бўлим мудири

“КАМОЛОТ”ЧИЛАРНИНГ ЯНГИ РЕЖАЛАРИ

Ўтган йил давомида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати мамлакатимизда юз берган муҳим воқеалар, ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этди. Ҳаракатнинг вилоят, шаҳар, туман бўлимлари ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, уларни иш билан таъминлаш борасида ва бошқа жабҳаларда кўпгина вазифаларни амалга оширди.

– Бугунги кунда республикамизнинг қатор корхоналари, олий ўқув юртлари, мактабларида ташкилотнинг 20 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда, – деди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши бўлим бошлиғи Бегмат Очилов “Туркистон-пресс” мухбирига. – Бошланғич ташкилотлар жойларда ёшларни жипслаштириш, уларни қийнаётган турли муаммоларни бартараф этишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган. Ўтган давр мобайнида меҳнат биржалари билан ҳамкорликда ишсиз юрган 14 мингдан ортиқ ёшлар доимий ёки мавсумий иш билан таъминланди. 631 нафар талабаларга банклардан таълим кредити олишга ёрдам берилди. Турли муаммолар билан мурожаат этган 400 дан ортиқ ёш тадбиркорларнинг талаблари қондирилди. Шунингдек, 413 нафар кичик ва ўрта бизнес вакилларига банклардан кредит олишда кўмак берилди. Буларнинг барчаси ёшларнинг ҳаракатга бўлган ишончини мустаҳкамлади.

Б.Очиловнинг таъкидлашича, ўтган йили “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳаётида яна бир муҳим ўзгариш юз берди. Ҳаракат ҳомийлигида жойларда “Камалак” болалар ташкилотлари шаклланиб фаолият кўрсата бошлади.

Мазкур ташкилотнинг асосий мақсади 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларни бирлаштириш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил қилишдан иборат.

“Туркистон-пресс”

ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ



Ҳозирда бутун дунёда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ер майдонлари ҳажми камайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бошқа томондан эса аҳолининг табиий ўсиши ва эҳтиёжлари ортиб бориши иқтисодий қонунга мувофиқ, жамиятнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига, саноатда эса хом ашёга бўлган талабини ошираяпти. Истеъмолнинг илмий меъёрлари билан амалдаги миқдорларини солиштирсак, жон бошига тўғри келадиган озиқ-овқат маҳсулотлари тўлиқ даражада қондирилмаяпти. Бу ҳол қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тежамли шаклга жадалроқ ўтказишни тақозо этмоқда. Бунинг учун республикамизда барча зарурий ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар яратилган. Жамоа, ширкат, деҳқон-фермер хўжаликларининг ташкил қилиниши, тармоқли индустриянинг яратилиши, илғор фан ва малакали кадрларнинг кўплиги соҳани тежамли ва интенсив шаклга ўтказишнинг муҳим негизидир.

Капитал қўйилмаларни кўпайтириш, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш, моддий ва маънавий рағбатлантиришни амалга ошириш борасидаги қатор чора-тадбирлар хўжаликларнинг интенсив ва тежамли фаолият юритишида қўл келади.

Лекин шуни таъкидлаш лозимки, ҳамма хўжаликларда ҳам воситалар ва меҳнатга кетаётган ҳаражатлар ижобий самара бераётгани йўқ. Баъзи хўжаликлар тупроқ унумдорлигини ошириш ва ўзларининг моддий техника базаларини мустаҳкамлаш учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаяптилар; ерлардан фойдаланишда, алмашлаб экишнинг асосий қирраларини ҳисобга олиш лозим. Фикримизча, ушбу кўрсаткич сифатида бир ишчи кунига тўғри келувчи ялпи даромад миқдори хизмат қилиши мумкин. Ушбу миқдорни оширишда меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва меҳнатга ҳақ тўлашни ошириш манбалари алоҳида аҳамиятга эга.

Хўжалик юритувчи субъектларга режадагидан ортиқча маҳсулотни хоҳлаган нархда, хоҳлаган ҳажмда ва хоҳлаган харидорга сотиш имкониятини яратиб бериш керак. Бунинг натижасида ишловчиларнинг меҳнатга бўлган муносабати янада ортади, маҳсулот етиштириш нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам юксалади.

Хўжаликларнинг банклардаги ўз маблағларини керакли вақтда олиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, фаолият учун зарур бўлган техника ва бошқа воситаларни эркин, айниқса, лизинг асосида сотиб олиш учун янада қулайроқ шароитлар яратиб бериш, зарурий хомашё ва хизматлар нархини пасайтириш ва маҳсулотларнинг харид нархини ошириш керак.

Барча хўжаликларни комплекс механизациялашувига ўтказиш ҳам ривожланиш омиллари бўлиши мумкин.

Амалиётдан кўриниб турибдики, ислоҳотларнинг кейинги босқичларида, айниқса, санациянинг жорий этилиши билан ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ижобий томонга ўзгара бошлади. Ижтимоий ёрдам ва пенсия фондлари сезиларли даражада ўсди, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланмоқда. Хўжалик юритишнинг тежамли шаклларига ўтиш давлат ва жамоа хўжаликларининг қисқаришига олиб келмоқда. Чунки янги турдаги хўжаликлар ишловчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга қодир эканликларини амалда кўрсатиб бермоқдалар.

Fikr, mulohaza, taklif

ТЕЖАМКОРЛИК — НАҚД БОЙЛИК

Бахтиёр ХОЛМАТОВ,
Сабохат МИРЗАМАМЕТОВА,
ТДИУ ўқитувчилари.

Odob

ҲАР КИМ ЭККАНИНИ ЎРАДИ

Автобусга чиқдим. Одам кўп. Тик оёқда мункиллаб турган чолга кўзим тушди. Жой берадиган ёшроқ одам йўқмикан, деб атрофга кўз югуртирдим. Қарасам, ўша чолнинг ёнидаги ўриндиқда тўққиз-ўн ёшлардаги бола китоб халтасини қучоқлаганча кўчани томоша қилиб кетаяпти. Ёнида кимлар турганига парво ҳам қилмайди. Уку ёш бола, лекин атрофдагилар ҳам, тур, ўзингдан каттага жой бер, деб бир оғиз айтишга эринишарди чоғи, жим эдилар. Бошқа бир ўй ҳам хаёлимдан ўтди: “наҳотки ота-оналар, тарбиячилар болага кўчада, автобусда ўзини қандай тутиш лозимлигини ўргатишмаса”.

Йўқ, ўргатишган экан. Нима деб ўргатишганини автобусдан тушгандан кейин болакайнинг ўзидан сўраб билдим. Аввал танишган бўлдик, исмини сўрадим, ўқишларидан суриштирдим. Бир оз ўтиб, саволни бердим:

— Нега боя автобусда олдингда турган қари амакига жой бермадинг? Ёки кўрмадингми?

— Йў-ў, кўрдим, лекин ойимлар, бўш жойга ўтириб олгин-да, ҳеч кимга ўрнингни берма, деб тайинлаганлар, — деди бола ғоят соддалик билан.

— Қари кишилар чиқиб қолса ҳам, жой бергин, демаганмилар?

— Йўқ, ҳечам ундай деб айтмаганлар.

Болада заррача айб йўқлигини билдим. У шу ҳолатида ҳам жуда беғубор эди. Аммо бу беғуборлик бир кун келиб худбинликка айланиши мумкинлиги кишининг дилига оғир ботади.

Ёшларимизнинг бугунги тарбиясидан яна бир мисол.

Ишга кеч қолаётганим учун “Otoyol”га чиқа қолдим. Бир болакай чипта тарқатиб юрибди. Ҳали ҳаётнинг маъносини англамаган жажжи “чиптачи”нинг катталарга катталарча муомала қилиши, автобусга чиққанлардан пулини тўлаб қўйишларини талаб этиши, болалигига ярашмаган “бурро”лиги одамни ўзига қаратади. Тўғри, унга ҳеч қайсимиз дакки бермадик. Чунки биз бунақа муаммоларни кўравериб кўникиб кетганмиз, шекилли.

Кейинги бекатдан “чиптачи”га таниш бир болакай чиқди.

— Нега мактабга бормай қўйдинг? — деб сўради у. Бола:

— Мана, мактаб, — деб қўлидаги пулларни кўрсатди.

— Устоз сени сўраётувди...

— Э-э, адамлар, ўқиб нима қиласан, менга ёрдамлаш девоттилар, — дея у ҳайдовчи томон ишора қилди. Кейин ҳаётдан англаган фалсафасини айтди: — Ўқиб олим бўлармидим?! Замон ўқиганники эмас, пули кўпники, дўстим...

“Илм пулдан афзал эканини шу болакайга тушунтириб бўлармикан?” деган ўй келди хаёлимга. Ҳа, ҳали кеч эмас. Тушунтирса, бўлади. Аммо тушунтирадиган одамнинг ўзи бормикан?

Кўпинча, катталарнинг ёшлардан шикоятини эшитиб қоламиз. Улар болаликларида қандай бўлганларини айтишиб, ҳозирги ёшларда одоб, шарм-ҳаё, катталарга ҳурмат йўқлигидан нолишади. Лекин юқоридаги икки мисолдан айб фақат ёш авлодда эмаслиги, бунда катталарнинг ҳам ажабтовур ҳиссаси борлиги кўриниб қолди. Эл оғзида: “Ҳар ким экканини ўради”, деган мақол юради. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, болаларимизга нисбатан ўта меҳрибонлик, ортиқ суйиш, қилиқларининг яхши ёмонлигига эътибор бермасдан эркалатавериш (ўғлим сўкишни ўрганибди, деб мақтанадиган ота-оналар бор ҳатто), ёки бўлмаса, аксинча, болага нисбатан қўпол муомала қилиш, калтак билан тарбиялаш, унинг қизиқишларига бепарво қараш ва ҳоказо иллатлар ёшларнинг ёмон хулқ касб этишларига сабаб бўлмоқда.

Демак, гапнинг каттаси катталарнинг ўзида, шекилли.

Райҳона ХОЛБЕКОВА

Sinab ko'ring

“ЭРТАК КЕЧАСИ”

Ҳар бир ота-онани, ҳар бир педагогни болалар қандай китобларни севадилар деган савол қизиқтириши, табиий. Шу савол билан кўпгина болаларга мурожаат қилганимизда, улар кўпроқ эртак китобларига қизиқишларини айтишди. Ҳақиқатда ҳам эртаклар одамни фақат ва фақат эзгуликка чорлайди. Эртакларни нафақат болалар, балки катталар ҳам жуда ёқтирадилар.

Эртаклар халқ оғзаки ижодининг энг қадимий ва оммавий жанридир. Эртакларда халқнинг орзу-умидлари ўз аксини топади. Эртакларни халқ яратади, асосий қаҳрамони ҳам —халқ.

Шу ўринда биз Сизлар билан “Эртак кечаси”ни ўтказиш ҳақида фикрлашмоқчимиз. Бу кечани ўтказиш учун узоқ вақт ҳозирлик кўриш талаб қилинади. Ўқувчиларга аввалдан “Эртак кечаси” ҳақида маълумот берилади, уларнинг қалбида бу кечага иштиёқ уйғотилади. Сўнгра қандай эртаклар бу кечага асос бўлиши олдиндан айтилади. Бунинг учун болалар “Ўзбек халқ эртаклари”ни билишлари шарт. Агар ўтказиладиган кеча мавзулар бўйича танланса яна ҳам мақсадга мувофиқ бўларди. Масалан, меҳнатсеварлик ҳақидаги эртаклар, донолик ва одоб ҳақидаги эртаклар, ватанпарварлик ва дўстлик ҳақидаги эртаклар каби...

“Эртак кечаси”ни биз бу ўринда меҳнатсеварлик ҳақидаги эртаклар асосида ўтказишни таклиф қилмоқчимиз. Кечада иштирок этишни истаган ўқувчилар билан алоҳида иш олиб борилади. Ўқувчилар билан олиб борилган ишлар ҳақида ҳам бироз тўхталиб ўтишни лозим топдик, чунки пухта ҳозирлик муваффақият гаровидир. Ўқувчиларга “Тўғри ва Эгри”, “Ҳунарманд йигит”, “Ҳунардан унар”, “Олим ва подшо”, “Илм афзал” каби эртакларни ўқиб келиш топширилади. Болалар бу эртакларнинг мазмунини яхши ўзлаштириб олишгач, улар билан алоҳида машғулот ўтказилади. Бу машғулотда эртакларнинг мазмуни ўқувчиларга сўзлатилади. Сўзлаётганда уларнинг мустақил фикр юритишларига, сўзларни тўғри, аниқ, тушунарли талаффуз этишларига, овозларини товлантира олиш санъатига, ифодалиликка, эртак айтиш қоидасини қанчалик билишларига эътибор бериб борилади. Юқоридаги талабларга жавоб берган ўқувчилар саралангач, ҳар бир эртакка муаллиф сайланади. Ва ўқувчиларга роллар бўлиб берилади.

Ролларга бўлаётган пайтда ўқувчиларнинг характерларини ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Чунки Эгрининг ишёқмаслиги, дангасалиги, ичиқоралиги, ёлғончилиги кам бўлса ҳам айрим ўғил болаларда учраб туради. Эгри образи шундай хислатли болага берилса, у ўз хатосини тушуниб етиши мумкин ва хатоларини, албатта тўғрилашга интилади, ҳамда яхши болалар қаторидан ўрин олади. Кечага бағишлаб тўгаракнинг навбатдаги деворий газетаси чиқарилади.Кечани ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўрилгач, барча ўқитувчи, ўқувчилар кечага таклиф қилинади. Бу кечага ота-оналардан, қўшни мактаб ўқувчиларидан, маҳалладан меҳмонлар таклиф этиш ҳам мумкин. Тадбир ўтказиладиган жой ҳам кеча мавзуига мос безатилиши керак.

Кеча шундай бошланади: (Магнитофон қўйилади ва кекса одамнинг ўгити эшиттирилади).

—Ассалому алайкум, азиз болажонларим. “Эртак кеча”сига хуш келибсиз. Сизларга уч оға-ини ботирлардек иноқлик, сабрлилик, тўғрилик, одоблилик, меҳнатсеварлик, ақллилик тилайман.

Азизларим, эртакларни халқимиз қадим-қадим замонлардан бери севиб келган, чунки эртаклар кишилик ўтмиши, бахти, меҳнати, орзу-умидларини тараннум этган. Уларда доимо яхшилик улуғланган, ботирлар олқишланган, ёмонлик ва ёвузлик қораланган...

Шундай қилиб, эртаклар ҳамма-ҳаммани эзгуликка чорлаган. Болажонларим, эртакларни севинг, улар Сизларга дўстликни, одобни, меҳнатни, илм олиш сирларини ўргатади. Муҳими, Сизни келгуси ҳаётга тайёрлайди, ижодий фикрлашга ёрдам беради... Азиз болажонларим, бахтимизга Сизлар ҳамиша соғ-омон бўлинг. Энди “Эртак кечаси”га марҳабо! Омад Сизларга ёр бўлсин. (Оҳиста мусиқа янграйди ва эртак қаҳрамонлари (албатта гримда) бирин-кетин ўта бошлайдилар).

Ўқитувчи (тўгарак раҳбари): — Азиз касбдошлар, қимматли болажонларим, “Эртак кечаси”ни очиқ деб эълон қиламан. Кечамизнинг мақсади Сизларнинг халқ оғзаки ижодимизга бўлган муҳаббатингизни кучайтириш, дилларга мардлик, баҳодирлик уруғларини экиш, ватанпарварлик ниҳолини ўстириб, меҳнат мевасини биргаликда баҳам кўришлик. Кечанинг ҳар бир иштирокчисига омад ёр бўлсин!

Эртак ишқибозлари, марҳамат даврага!

Даврани эртак ишқибозлари эгаллайдилар. Муаллиф “Ҳунарманд йигит” эртагини сўзлай бошлайди. Роллари келган ўқувчилар ролларини бажариб борадилар. (Диалогларни ва ички ҳиссиётларни ўзлари сўзлайдилар). Эртакка мос расмлар навбатма-навбат кўрсатиб борилади. Расмлар ўқувчилар томонидан чизилган бўлиши шарт. Шу тариқа қисқа ҳажмли бўлса беш-олтита, узун ҳажмли бўлса икки-учта эртак кўриб чиқилади. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари ролларни ижро этган ўқувчиларнинг маҳоратига қараб балл белгилаб боради ва кеча ғолибларини аниқлайди. Эртакка мос тушадиган куй, қўшиқ, шеър, диафильмлардан фойдаланиш эртакнинг таъсирчанлигини яна ҳам оширади. Кеча охирида ғолиблар тақдирланади. Кеча қуйидагича якунланиши мумкин:

—Азиз болажонлар, ҳурматли эртаксеварлар, “Эртак кечаси” ниҳоятда қизиқарли ўтди. Биз Сизлар билан “Кенжа ботир”, “Чўлпон Али”, “Доно қиз”, “Чолнинг кичик ўғли”, “Ҳунарманд йигит” каби эртакларни тенгдошларингиз ижросида мириқиб томоша қилдик, биргалашиб эртак қаҳрамонларини олқишладик, улар ичидан ғолибларни аниқладик. Ўйлаймизки, бу кеча Сизнинг қалбингизда халқ эртакларига бўлган муҳаббатингизни янада кучайтирди. Демак, митти юрагингизда ажойиб-ажойиб орзулар пайдо бўлди. Шу орзуларга етиш учун ўқиш ва изланиш зарурлигини тушуниб олдингиз... Сизларга соғлиқ, омад тилаймиз. Яна учрашгунча хайр, азиз болажонлар! (Барча эртак қаҳрамонлари саҳнага чиқиб, хайрлашадилар).

Бундан ташқари ўқувчиларнинг қизиқишларини ва ижодкорликларини ҳисобга олиб, “Эртак тўқий оласизми?” мавзуида ижодий конкурс ўтказиш ҳам мумкин. Табиийки, бу конкурс ўқувчиларимизга жуда ёқади. Тўғри, конкурсга узоқ вақт тайёрланишга тўғри келади. Аввало, ҳатто биргаликда “Ўзбек халқ эртаклари”ни ўқиб чиқиш лозим, ёзувчи ва шоирларимиз томонидан яратилган эртакларни ўрганиш керак. Натижада, ўқувчиларнинг қалбида ижодга, тўғрироғи, эртак тўқишга ҳавас уйғонади. Секин-аста уларни эртаклар оламига олиб кириш: бувиларидан, боболаридан, хуллас катталардан эртаклар ёзиб олишга ўргатиш, сўнг “ўзингиз ҳам эртак тўқий оласиз” деб ишонтириш болани ижодкорликка ундайди. Дастлаб эртакнинг кириш қисмини ўқитувчи тўқиб берса ҳам бўлади, сўнгра улар давом эттирадилар. Тўгарак аъзолари билан “Меҳнат бахт келтиради” мавзусида танлов ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқ. Ўқувчилар бу мавзуда ажойиб эртаклар ярата оладилар. Улар меҳнат туфайли қўлга киритилган ютуқларни, бахтни қанчалик завқ билан ёритсалар, дангасалик, ишёқмасликнинг ёмон оқибатларини шунчалик нафрат билан тасвирлайдилар. Эртак ижодкорлари ялқов тенгдошлари устидан болаларча куладилар, уларни бахтиёр кўришни орзу қиладилар, ўзларича уларга тўғри йўл кўрсатадилар. Қизиғи шундаки, ҳар бир ижодкорнинг эртаги охирида ялқов болалар ўз хатоларини тушуниб етадилар ва турли ишлар билан хатоларини тузатадилар ҳамда энг яхши, энг илғор болага айланадилар. Дўстларининг беминнат ёрдамлари туфайли тўғри йўлларини топиб оладилар.

Ўқитувчи ижодкор бўлса, ўз устида тинмай ишласа, изланишдан эринмаса, албатта, ўқувчилари қалбига йўл топа олади. Болаларнинг митти юрагида китобларга нисбатан муҳаббат уйғотади, уларни сирли оламга олиб киради, ижодкорликка ҳавас уйғотади. Тўғри, бу машаққатли меҳнат, бироқ унинг ажойиб мукофоти борки, бу мукофотни унча-мунча бойлик билан ўлчаб бўлмайди. Бу мукофот: ўқувчиларнинг миннатдор нигоҳлари, ўқитувчиларининг интизорлик билан кутишлари, мавзуларни фақат аълога ўзлаштиришларидир.

Доно халқимиз бежизга: “Эртаклар — яхшиликка етаклар” , — дейишмаган-да! Агар, биз, ўқитувчилар халқимиз бойлиги—эртакларимиздан тўғри фойдалана олсак ва улар юзасидан турли-туман тадбирлар ўтказиб борсак, ўйлаймизки, ёш авлодга ўтмиш меросимизни, халқимизнинг орзу-умидларини янада кенгроқ сингдирган, тушунтирган бўламиз. Муҳими, уларни яхши орзуларга етаклаймиз, келажакда эртак қаҳрамонларидек ажойиб мўъжизалар кўрсатишга ундаймиз.

Дилоромхон ТОҒАЕВА,
Дилафрўз РАҲМАТУЛЛАЕВА,
КДПИ қошидаги лицейнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари

БОЛАНГИЗГА КИТОБ СОВҒА ҚИЛИНГ!

Инглиз философи Ф.Бэкон “Китоблар замон долғаларида сузувчи ва ўзининг қимматбаҳо юкини авлодлардан авлодларга авайлаб элтувчи тафаккур кемаларидир” дея таърифлаган. Қалбни эритувчи, ақлни чархловчи, ҳаётнинг ўзига хос бадиий кўзгуси — китобларга эътибор ҳамон аввалгидек, баъзан эса янада камайгандек.

Ta'kid...

Болалар китоб кам ўқишади, деб кўп сабабларни рўкач қилдик. Янги алифбода асарлар кам дедик, Ваҳоланки, ҳозирги кунда бундай китоблар ҳам кўплаб чоп этилди. Аммо... китобга эътибор ўзгармади.

Қишки таътил бошланиши аввалида мактабларда “Алифбе байрами” ўтказилди. Биринчи синф ўқувчиларига “Саводхонлик байрами”да совғалар бериш анъанаси бор. Кўчаларни тўлдириб ота-онаси билан қўл ушлашиб кетаётган болажонларнинг ҳар бирида совға — катта-кичик ўйинчоқлар, уларнинг ичи ширинликлар билан тўлдирилган. Қизиқиб уларнинг совғаларини кўрдим, кўзим қувнади. Бироз ўтиб, Янги йил байрами бошланди. Яна кўчада совға кўтарган болажонлар... Совғалар учун махсус қопчалар тайёрланган, бежирим, чиройли қопчада конфетлар, шоколад, олма, мандарин... ҳамма егулик муҳайё. Афсус, бирор боланинг совғаси ичида кичкина бўлса-да, китобча кўрмадим.

Ҳатто “Алифбе байрами”да ўқувчиларга китоб эмас, ўйинчоқлар совға қилингани бироз ўринсиз туюлди. Улар шундай ҳам бундай совғани Янги йил байрамида олишарди-ку! Таътил бошланишидан аввал болажонларга китоб совға қилинганда, 10 кун давомида улар китоб ўқиб маънавий озуқа олишарди-ку! Яна билмадим, болаларимиз китобга меҳр қўймаётганлигида биз катталар ҳам айбдор эмасмизми? Болага алифбони ўрганиши биланоқ қўлига совға қилиб китоб тутсак қандай бўларди? Буни биз катталар — ота-оналар, устозлар ўйлаб кўрайлик. Зеро, “Китоблар мангулик хусусиятига эга. Улар инсон фаолиятининг энг умрбоқий меваларидир”.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи

БУЮК ШАХСЛАР СИЛСИЛАСИ

Иккинчи мақола

Anglash

Машҳур немис файласуфи Фридрих Ницше “Эзгулик ва ёвузликнинг нариги тарафида” номли китобига киритилган “Суқрот муаммоси” сарлавҳали бадиасида ғалати фалсафани илгари суради. Унинг фикрича, донишмандлар “инсон ҳаёти ҳеч нарсага арзимайди“ қабилидаги тушунча билан яшаганлар. Ҳатто Суқрот жон таслим қилаётган чоғида “Ҳаёт – узоқ давом этган хасталикдир...” дебди. Айнан Ницшенинг ўзи сиртдан қаралганда бадбинликка ўхшаган бир фалсафани исботлашга зўр бериб урингани маълум.

Хўш, нима учун бундай? Нега ўтмиш замонларда буюк шахслар қувғинга учраган, зиндонбанд этилган ёхуд қатл қилишга буюрилган? Бунинг боиси шундаки, уларнинг доно сўзларини жоҳил подшоҳ ва амалдорлар қабул қилмаган. Салтанат халқнинг омилигидан, асл моҳиятни тушунмаслигидан манфаатдор эди. Ҳукмдорлар ҳатто диндан ҳам ўз мақсадлари йўлида унумли фойдаланган. Ана шу боис улар Мансур Ҳаллождек илмли, халқни ўзига эргаштира оладиган донишмандлардан ҳайиқишар эди.

Мансур Ҳаллож сўнгги бора жаллод билан юзма-юз келганида, ундан “фикрингиздан қайтмайсизми?” деб сўралади. “Йўқ!” дейди донишманд қатъий оҳангда. Шундан кейин ойболта ишга тушади. Бу ваҳшиёна қатл 922 йилда амалга оширилади. Асрлар кечди. Қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтди. Аммо, Мансур Ҳаллож фалсафаси унутилиб кетмади, то ҳануз баҳсу мунозаралар мавзусига айланмоқда.

Бетакрор донишманд фикридан қайтса, бу “менинг таълимотим – ёлғон” деган маънони билдирарди. У ваҳшиёна қатлдан заррача чўчимади. Ва шу тариқа назариясини амалда исбот қилди.

Филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққул “Анал – Ҳақ” недур?” сарлавҳали мақоласида (ЎзАС, 1996 йил, 3 май сони) Бобораҳим Машрабнинг “Анал-Ҳақ” сиррини ҳар бехабарга айтмагил зинҳор, Худонинг розига маҳрам эмасдур кимки танглидур” деган байтини иқтибос қилиб оладики, бу бежиз эмас. Боиси, тангдиллик, жоҳиллик ҳамма вақт маърифат йўлини тўсганлиги маълум. Илмли одам ҳеч қачон ақидапарастлар қўлида қўғирчоққа айланмайди. У шахс даражасига кўтарилади. Шахс билан эса ҳамма ҳисоблашишга мажбур.

“Анал-Ҳақ” фалсафаси талқинига ўтишдан аввал бир нарсани обдон тушунмоқ жоиз. Одамзод дунёқарашига кўра икки тоифага бўлинади. Биринчиси – аҳли зоҳир. Яъни, фақат кўз билан кўрилган, зуҳр этган нарсаларнигина тан олади. Иккинчиси эса аҳли ботин. Яъни, бу тоифадаги кишилар кўзга кўринмайдиган ашёларни кўнгил кўзи ила илғайдилар. Мантиқан аёнки, борлиқдаги барча нарса кўзга кўринмайди. Шу боис аҳли зоҳирлар доимо адашадилар.

Тасаввур қилинг: тақводорлик тўнини кийган, ихчамгина соқол қўйган киши. Ҳамма вақт Қуръонни тиловат қилади. Ҳадиси шарифлардан хабардор. Унинг барча гапларига, насиҳатларига ишониш мумкинми? Эҳтимол, ўша одамнинг зоҳири пок, ботини нопок бўлиб чиқар? Бу хусусда Мансур Ҳалложнинг маслакдоши Фаридиддин Аттор “Илоҳийнома” рисоласига кирган “Ит ва сўфий” ҳикоятида нақл қилади. Алқисса, сўфий қишлоқ йўлидан ўтаётган экан. Унга ит ташланиб қолибди. Сўфий таёқ билан итнинг оёғини уриб синдирибди. Ит нола қилиб шайх Абусаид Абулхайрнинг олдига борибди. Шайх итни танирқан. Ф.Аттор ёзадики: “Ит синган оёғини кўрсатиб, одамга ўхшаб тилга кириб, гапира бошлади:

– Эй шайх, фалон сўфий менинг оёғимни уриб синдирди, чақириб жазосини бер, мен сендан сўрайман, – деб илтимос қилди.

Шайх сўфийни олдига чақириб, деди:

– Бу тилсиз жониворга нега озор бердинг, қаттиқ жабр ўтказибсан. Бу адолатдан эмас, сен худо йўлига кирган одамсан, раҳму шафқат, адолат йўли сенинг йўлинг эмасми?”

Сўфий барча айбни итга тўнкайди, “тўнимни бенамоз қилди”, шунинг учун урдим, дейди. Шайх кўнгил кўзи ила айб сўфидан ўтганини илғайди. Нима жазо берилишини итга ҳавола қилади. Шунда ит дейдики:

“– Эй шайхи замона, бунинг эгнидаги сўфийлар тўнини кўриб, бу аҳдуллоҳдан экан, унга тегмайман деб қарор қилувдим, чунки худо йўлида юрган одамларга итлар ҳам зиён етказмайдилар. Агар сўфийга озор етказсам, бутун вужудим ўртанар эди. Аммо сездимки, унинг тўни сўфиёна бўлгани билан, ўзи риё аҳлидан экан. Тўни саломатлик – фақирлик нишонаси, лекин ботини вайрон унинг. Агар жазо бермоқчи бўлсанг, ҳозир бергил, ҳақиқатан ҳам жазони қиёматга қолдирма: унинг эгнидаги дарвешлар – мардлар тўнини ечиб ол. Шунда унинг касофати – шараридан одамлар қутулади. Эгнидан саломат аҳли хирқасини ечиб олсанг, шу жазо унга қиёматгача етади. Мен ҳам шунда рози бўларман”.

Бу гапларни эшитиб шайх итнинг эътиқодига таҳсин ўқийди ва сўфийнинг тўнини ечиб олади. Мазкур ҳолат риёнинг фош этилиши билан изоҳланади. Маълумки, ўтмиш сўфийлари орасида ҳам риёкорлари, яъни иккиюзламачилари кўп учраган. Ундан кейинги даврларда, яқин-яқинларда тақводорларча кийиниб, Қуръонни меҳр ила қироат қилиб, эл кўзига донишманд имом суратида кўриниб, пана-панада коньяк хўплаб, аҳлоқий бузуқлик билан шуғулланган кишилар ҳақида эшитганимиз бор. Бу ҳолат эса риёкорлик, Ф.Аттор тили билан айтганда “ботиннинг вайронлиги” деб аталади.

Ёшлар табиатан ёши улуғ кишиларга тақлид қилишга мойил бўлишади. Сувратда тақводор кўринган кишилар турли хил ҳийла-найранглар ила ёшларни ножоиз йўлларга бошлаб кетганлигини биламиз. Ўша ақидапарастлар ҳазрат Навоийни кофир дея ташвиқот тарқатганлиги кўпчиликка маълум. Ҳақли равишда савол туғилади: хўш, ақидапарастлар нимага асосланганлар? Бунинг изоҳи шуки, Алишер Навоий Фаридиддин Аттор таълимотидан қаттиқ таъсирлангани ҳақиқат. Ф.Аттор эса ўз навбатида Мансур Ҳаллож ғояларидан илҳомланган. Таниқли олим, тасаввуф илми билимдони Нажмиддин Комилов “Илоҳийнома”га битган сўнгсўзида бу ҳақда қуйидагича мулоҳаза юритади: “Мансур ҳам, Аттор ҳам – ҳақиқат, бошқача айтганда жондан кечиб жононга етган, маънилар тажассумига айланган ҳар бир “воқифи асрор” инсон ҳақдир. Атторнинг ўзини Мансур билан тенг қўйиши бежиз эмас, зеро Мансур руҳи Атторнинг мураббийси, илҳоми ва қалб чироғидир. Алишер Навоий “Насойимул муҳаббат”да ҳазрат Жомийдан таржима қилиб келтиради: “Ва Мавлоно Жалолиддин Румий сўзлари мазкурдурки, Шайх Мансури Ҳаллож нури юз эллик йилдан сўнгра Шайх Фаридиддин Аттор руҳига тажаллий қилди ва унинг мураббийси бўлибдур”.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Н.Комилов таъкидлаганидек “... Аттор шеъриятини Мансур Ҳаллож фалсафасининг назмий тафсири деб айтиш мумкин. Мансурни қанча чуқур ўргансак, Атторни ҳам шунча чуқур англаймиз, ёинки аксинча, Аттор асарларини таҳлил этиш орқали Мансур эътиқоди ва таълимоти моҳиятига етиб борамиз”.

Ғоҳида “Алишер Навоий ғазалларини унчалик тушунмаймиз” қабилидаги гаплар қулоққа чалинади. Алҳол, Навоийни фақатгина шоир сифатида қабул қилмоқ мақсадга мувофиқ эмас. Ҳазрати Навоий худди Ф.Аттор ёки Жалолиддин Румий янглиғ бир файласуфдир. Аммо унинг файласуфлиги назм ила уйғунлашиб кетган. Бинобарин, Фаридиддин Атторни тушунмасдан туриб Навоийни англаш мумкин бўлмаган нарса. Шу тариқа силсила, буюк шахслар силсиласи Мансур Ҳалложга бориб тақалади.

Аттор ёзадики: “... Маънони изла, суратга ўралмагин, асл моҳият маънодир, сурат арзимасдир, ҳечдир. Олтин кўринишда бўялган тошдир, сен ёш бола каби ранг-бўёқларнинг ошуфтасисан. Сенинг олтинларинг бирор ишга ярамайди. Қиёмат куни бу олтинлар билан ҳеч кимга ёрдам беролмайсан. Сен ўйинчоқлардан лаззат топасан, нурнинг нуридан шодсан. Сен аслга интилмайсан, нурнинг манбаъини истамайсан. Жони покингни олтин бандидан халос эт, эй жон, ахир, моҳият – мутлақият ошиғи бўлмоғи керак”

Буюк файласуф олтин деганида мол-дунёга ҳирс қўйишни назарда тутади. Мол-дунё ижодкори ким? Ҳақ. Демак, унинг ўзи мол-дунёни кунпаякун қилмоғи мумкин. Хўш, вайрон бўладиган нарсага интилмоқдан не наф? Алҳол, Ҳақнинг ўзига, асл маънонинг ўзига интилмоқ жоиз. Завқу шавқ ундандир. Назм мулкининг султони Навоий ҳазратлари чор девонини “Хазойинул маоний”, яъни “Маънилар хазинаси” деб бежизга атамаган экан. Мана бу шоҳ байтга назар ташланг:

Не сунъунгдин ажаб юз минг жаҳон бўлмоқ яно пайдо,
Не мулкунгга халал юз минг жаҳондек бўлса нопайдо.

Маъно яратилган нарсаларда эмас, балки яратувчида, яъни Ҳақда, деяпти ҳазрат. Маълумки, Қуёш тинимсиз портлаб турадиган газлар мажмуидир, Бинобарин, Қуёш ҳам бир кунмас бир кун сўниб кетади. Сайёралар ҳам шундай. Худо кўрсатмасину, мабода бирор улкан астроид Ер шарига урилса борми, дунёни қоронғилик эгаллаб, Қуёш худди ойдек бўлиб кўринади. Ва ер юзи аҳолиси йўқлик сари юз тутади. Буларнинг бари Навоий айтганидек, ажабланарли воқеа саналмайди. Худди шу каби яна бошқа сон-саноқсиз сайёралар яралса ҳайратбахш жиҳати йўқ. Энг асосийси, Моҳиятнинг ўзида. Шунинг учун ҳам буюк шахслар асл моҳият сари интилгандир.

Аттор дейдики: “Нега сурат дардида мубталосан, агар сен суратни ташласанг, кулл, яъни, худосан. Сен сурат ҳамроҳлигидан қутулсанг, худонинг маъносидан хабардор бўласан. Сурат сенинг ҳеч бир ишингга ярамайди, худо дийдорини жонда (жонингда) кўрсатади. Агар суратни синдирсанг. шак-шубҳасиз сен ҳақсан, иккилик йўқолади ва кулл бўлиб, чиндан ҳақ-худога айланасан. Нима балоларни кўрган бўлсам, сурат туфайли кўрдим, кудрат-ғам ва зулматларим ҳам ўшандандир)”. Мазкур ҳикматли сўзларни Н.Комилов қуйидагича шарҳлайди: “Аттор инсонни худо даражасига кўтаради, яъни унинг эътиқоди бўйича, агар инсон руҳи заминий алоиқлар, жисм қолипидан қутулса, қуш боласи тухумни ёриб чиққандай моддий қобиғни ёриб чиқса, Мутлақ руҳга қўшилади. Мутлақ руҳ – кулл, ваҳдат, инсон руҳи – жузъ, ундан ажралган шох. Жузъ куллга қўшилса, у ҳам кулл бўлади, ана шу маънода шоир: ”Суратни ташласанг, кулл – худога айланасан”, “Суратни синдириб ташласанг, шаксиз Ҳақ бўласан”, деб айтади. Бундай фикрлар Атторгача ҳам баён этилган эди. Хусусан, Боязид Бистомий ва Мансур Ҳаллож тавҳидни худди шу маънода тафсиф этганлар”.

Тасаввуфшунос ниҳоятда нозик жиҳатларни содда йўсинда тушунтиради. Мантиққа кўра дунёнинг аввали бирликдир. Яъни, барча мавжудот ягона кучдан ажралиб чиқади. Қанақасига? Сувратлар воситасида. Содда йўсинда ифода этсак: лойдан турли хил нарсаларни ясамоқ мумкин. Дейлик, илон ёки тошбақа, одам, балиқ ёхуд қўзиқорин шаклини ясаймиз. Бир пас томоша қилиб, кафтга олиб қаттиқ қиссангиз ўйинчоқлар яна лойга айланади. Бу ҳам шунга ўхшаган гап. Иккиликдан (сuврат воситасида ажралишдан) бирликка, моҳиятга қайтиш орадаги парда кўтарилганлигини билдиради. Ва шу аснода, ўзлигидан, ўз нафсидан воз кечиб, руҳий бисот ила танҳо қолган инсон “Мен – Ҳақман” деса, бу куфрга кирмайди. Мансур Ҳаллож шу калимани айтган.

Ф.Аттор учун Мансур Ҳаллож идеал инсон эди. Зотан, буюк шоир “Жанҳаруз зот” номли достонининг бир бобини “Дар аёни Мансур гўяд”(Мансур сиррининг аёнлашуви ҳақида сўз) дея номлаган. Аттор шу тариқа комил инсон деганда Мансур Ҳалложни тушунади.

Ёзадики: “Ишқ – кимё, сени покловчи хумдон. Мунча фикрга ғарқсан. Ақл – қўрқув келтиради, ақл мардликни бўғади, ақлни қўй. Хумдонга кир, мен каби ўзингдан кечгин, бир нафас ўз оламингни тарк эт”. Бу даъватдан аёнлашадики, тасаввуф аҳли шунчаки кўр-кўрона итоаткорликни хушламаганлар. Улар Ҳақ тажассумидан завқланиб, шодланиб яшаш тарзини ташвиқ этишган. Мазкур чорлов ўз навбатида турли-туман ақидаларни инкор қилади, албатта. Алҳол, тасаввуф аҳли Инсонни биринчи ўринга қўйишган.

Юқорида сарлавҳаси зикр этилган мақола муаллифи Иброҳим Ҳаққул ана шу ғояни тубандагича мухтасар шаклда шарҳлайди: “Ҳар қандай маслак ёки тушунча инсон моҳиятида илдиз ёзиб, Ўзликни ифодалагандагина куч-қудрат касб этади. Ҳалложнинг “анал-Ҳақ”ида ҳурлик, руҳий шижоат ва инсоннинг мислсиз улуғлигига ишончдан ташқари, Эрих Фром айтганидек, ”инсон Худога муҳтож” бўлгани каби, Худо ҳам инсонга муҳтож деган ғояга чуқур илҳомланиш ҳам ифодасини топган. Чунки сўфийлар, жумладан, Мансур Ҳаллож ҳам, Ҳақнинг зоҳири – халқ, халқнинг ботини – Ҳақ, деган машҳур тушунча доирасидан четга чиқишмаган”.

Табиийки, сўз орқали ҳамма нарсани ифода қилиб бўлмайди. Хусусан. тасаввуф асоси – Ҳолни. Ҳолни бир қадар шарҳламоқ мумкин. Аммо, эшитгувчи, Машраб айтганидек, тангдил бўлмаслиги жоиз. Сўзсиз тушунмоқ, ҳолни илғамоқ билимдан ташқари ҳис қила билиш, кечина олиш салоҳиятини ҳам талаб қилади. Зотан, сўфиёна шеъриятни англамоқ учун кенг кўнгил даркор.

Худди шу ўринда Ф.Ницше ёктирган фалсафани ёдга олсак. У завқ-шавқ тугаган жойда, яъни ақидапарастлик ҳукм сурган даргоҳда одамнинг ҳаёти сариқ чақадек қадрсизланади, деб билган. Худди шу нуқтаи назардан қараганда буюк шахслар илгари сурган ғоялар биз яшаётган ёруғ оламнинг безагидир, кўркидир.

Алҳол, “Анал-Ҳақ” ғоясини Ф.Аттор завқу шавқ ичра ёниб, бошқаларни-да ёндириб давом эттирган. Бу файласуф аслида ким эди, унинг ҳаёти қай тариқа интиҳо топган – мазкур масала учинчи мақоламиз мавзуи.

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД

Шу ўринда мазкур таърифни бугунги кунда ёшларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний томондан соғлом ўсишлари учун юртимизда олиб борилаётган соғломлаштириш ҳатти-ҳаракатларига ҳамоҳанг дейиш мумкин.

Кўпгина оилаларда ота-оналар иқтисод одобига етарли аҳамият бермайдилар. Бунинг натижасида болалар ҳам тежамкорликка бефарқ қарайдилар.

МАХСУС БОҒЧАДАН ОММАВИЙ МАКТАБГА

Жасорат юксак қадрланадиган ва кучсизликка ҳар доим қарши курашадиган давлат қудратли давлатлар сафида туради, дея таъкидлаганида мутафаккир Гельвеций узоқни кўзлаб мушоҳада юритган эди. Шу ўринда мазкур таърифни бугунги кунда ёшларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний томондан соғлом ўсишлари учун юртимизда олиб борилаётган соғломлаштириш ҳатти-ҳаракатларига ҳамоҳанг дейиш мумкин. Бунинг яққол мисоли Республикамизда болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши ва бошқа соғломлаштириш борасида қилинаётган ишларда кўзга ташланади. Дейлик мактабгача таълимдан бошланадиган ҳар томонлама соғломлаштириш машғулотлари ўзининг нозик ва диққатталаб жиҳатларига эга. Яъни, соғломлаштириш деганда фақатгина жисмоний ўйинларнинг бир-икки турини болаларга ўйнатиб қўйиб, уларни овунтириш эмас, балки чинакамига спорт машғулотларига ва инсон соғлиги учун фойдали ҳаракатларга меҳр, қизиқиш уйғотиш тушунилади. Шунинг учун ҳам мактабгача таълим муассасаларидаги кичкинтойлар ўртасида олиб бориладиган соғломлаштириш вазифалари бир қадар мушкулроқ ва масъулиятталаб. Чунки, мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний ва руҳий ривожланиш жараёни жуда тезкор ва ўзгарувчан. Уларнинг организми тинимсиз ўсаётганлиги учун ҳам ҳар бир ҳатти-ҳаракат меъёрида ва мосланган ҳолда бажартирилади. Шунинг учун "Учинчи мингйилликнинг боласи" таянч дастурида ҳам болаларни жисмоний ривожлантириш вазифалари ёш хусусиятларига кўра белгиланган мезонларда кўрсатиб ўтилган. Зеро, болаларнинг мактабга тайёргарлигини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан бири уларнинг жисмоний ривожланганлик даражасидир.

Хўш, шундай экан МТМларда болажонларнинг соғлом ва бақувват ўсишлари учун қандай ишлар амалга ошириляпти? Мақсадимизни ойдинлаштириш важидан Юнусобод ТХТБга қарашли МТМларда соғломлаштириш бўйича қилинаётган ишларнинг умумий кўриниши билан танишиб чиқдик. Ҳозирда тумандаги мавжуд 68 та МТМнинг 21 тасида "Соғлом авлод" йўналишида болалар тарбияланишяпти. Туманда 9 та таэквандо, 18 та каратэ, 6 та аэробика, 36 та шахмат-шашка ва 4 та гимнастика бўйича спорт тўгараклари фаолият кўрсатяпти. Олтмишта спорт заллари, 5та ёпиқ сув ҳавзаси, 28та фитобар ва 24та физиотерапия хоналарида болажонлар соғлиги учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, уларда 52дан ортиқ спорт инструкторлари соғлом авлодни вояга етказиш орзуси йўналишлари бўйича иш олиб боришяпти. Албатта қилинаётган ҳаракатлар эвазига туман боғчалари МТМлар ўртасида ўтказиладиган Шарқ якка кураши бўйича ва бошқа мусобақаларда фаол қатнашиб совринли ўринларни қўлга киритишяпти. Бу борада мактабгача таълим бўлими мутахассислари томонидан тарбияланувчиларни соғломлаштириш мақсадида боғча мудиралари ва ҳамширалари учун методик тавсиянома ҳам чоп қилиниб тарқатилган. ТХТБ мактабгача таълим бўлими ТХТБ мактабгача таълим услубчиси Гулчеҳра Нурмуҳамедова юқорида келтириб ўтганимиз маълумотлар билан бирма-бир таништирар экан, олдинда қилинажак ишлар кўплигини таъкидлади. Айтиб ўтганларимизнинг барчаси ҳужжатларда тасдиқланган маълумотлар бўлсада, барибир минг эшитгандан кўра, бир марта кўрган яхши дея, Гулчеҳра опанинг тавсияси билан 544-МТМга бордик. Нутқида нуқсони бор болаларга мўлжалланган ушбу муассаса тарбияланувчилари январь ойи охирида ўтказиладиган "Соғломжон —полвонжон" спорт мусобақаларига тайёргарлик кўришаётган экан. Жисмоний машғулотлар тарбиячиси Надя Чистикина узунликка сакраш, арқонга осилиш, нарвон ёрдамида тепага чиқиш ва пастга тушиш машқларини қайта-қайта болаларга такрорлатар экан, улар ҳам борган сари буйруққа риоя қилган ҳолда мустақил тарзда машқларни бажаришга мослашаётганлигини таъкидлади. Бу тайёрлов гуруҳидаги "катта" болалар бажараётган мусобақага тайёргарликлардан эди. Бу ердан дуркун ва бир-биридан шўх. Бир бурчакда мунғайиб ёки бошқалардан ажралиб қолганлар ҳечам кўзга ташланмайди. Шу аснода боғча мудираси Зебо Омарова:

—Озми-кўпми қилаётган ҳаракатларимиз натижаси бўлса керак, бизларга келганда нуқсони бор бўлган болалар вақт ўтиб, махсус мактабларда эмас, балки оммавий мактабларда соғлом болалар билан бирга ўқишади. Шу даражага етказиш учун йилнинг ҳар чорагида тарбияланувчиларимиз бош шифокор ташхисидан ўтади ва ташхис натижаларига кўра берилган тавсиялар асосида табиий ўтлардан тайёрланган дамламалар, жисмоний машғулотлар билан болажонларни соғлом ва ҳар томонлама ривожлантириш учун интиляпмиз, — дейди.

Разм солиб мудиранинг гаплари баландпарвоз эмаслигига, аксинча оддий МТМлардан кўра ишлаш жараёни бир мунча қийин бўлган махсус боғчада шу даражадаги болаларни жисмоний ривожлантириш шарт-шароитлари ташкил қилинганлиги фидоийликдан дарак беришига амин бўлдик.

Сўнгсўз ўрнида бир мулоҳазани келтирмоқчимиз, ЕТУКЛИК ва КОМИЛЛИК каби чиройли жарангловчи сўзларни жуда кўп ишлатамиз ва фарзандларимизнинг шундай номга мушарраф бўлишларини орзу қиламиз. Эсда тутайликки, комиллик учун бир томонлапма етукликнинг ўзи камлик қилади. Демак, болаларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом ўсишлари ота-оналар, кўп ҳолларда мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларидан ҳар томонлама ёндашувни талаб қилади. Ана шу ҳар томонлама ҳаракатларимиз сўзларда эмас, амалда исбот топсин.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Sog'lom avlod uchun

"ИҚТИСОДНИНГ ЗИДДИ ИСРОФДИР"

Iqtisod odobi

Ҳар бир жамиятнинг келажаги, унинг ажралмас қисми бўлган оилада тарбиянинг ташкил этилиши ва таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Оғир иқтисодий, ижтимоий, сиёсий қийинчиликларни енгиб ўтиб, ўз тараққиёт йўлига кирган мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилишни оиладан бошлаб, уни ривожланган мамлакатларнинг илғор технологияси асосида, миллий қадриятларимизни сингдирган ҳолда таълим-тарбияни ташкил этиш, бу жараённи пухта ва самарали амалга ошириш ишлари бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг асосий таркибий қисмларида шахс, оила, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш ташкил этилиб, улар ўзаро боғлиқ ҳолда бир-бири билан ҳамкорликда намоён бўлади.

Бугун мустақил Республикамизнинг ўз тараққиёт йўли борлиги билан фахрланамиз. Бу тараққиёт йўлининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Мамлакатимизда аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқ жойларда яшайди. Асосан деҳқончилик билан шуғулланади. Аҳоли таркибида 60 фоиздан кўпроғи болалар ва ўсмирлар, 25 ёшгача бўлган йигит-қизлардир. Улар ўз жойларига боғланганлар, кўчиб юришга мойилликнинг йўқлиги сезилади. Республикамиз эркин таркиби жиҳатидан туб аҳоли устун мавқега эга бўлиб, ўз маданий анъанасига эга бўлган юздан ортиқ миллат вакиллари билан яшайди ва бир мақсад учун ҳамжиҳатликда меҳнат қилади. Ўзбекистон жойлашиш жиҳатидан шундай қулай ердаки, бу жойдан кўҳна Буюк ипак йўли ўтган. У орқали истаган мамлакатлар билан савдо-сотиқ қилиш имкониятига эгамиз. Ўзбекистонда ислоҳотни амалга оширишда иқлим шароитининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Янгиланиш ва ижтимоий тараққиётнинг ўзимиз танлаган йўли – мураккаб жараён бўлиб, ижтимоий турмушнинг иқтисодий-сиёсий, маънавий-маданий ва бошқа барча соҳаларни қамраб олади. Ана шундай дадил қадамлар билан олға бораётган республикамиз оилаларида ҳам маънавий-маданий ишлар, иқтисодий тушунчалар ўз нормасида шаклланган бўлиши лозим.

Инсон фаолиятининг кўпгина қисми оиланинг иқтисодий мавқеига ҳамда жамиятнинг ривожланишига боғлиқдир. Қадимдан халқимизда шундай мақол бор: "Қуш уясида кўрганини қилади" Агар оилада иқтисодиёт қоидаларига риоя қилинса, сарф-ҳаражат тежаб-тергаб бажарилса, албатта, бола ҳам оила имкониятларига қараб иш тутишга ҳаракат қилади. Бундай тарбия кўринишларини шакллантириш кўп жиҳатдан ота-оналарга боғлиқдир.

"Иқтисод деб – ёзади Абдулла Авлоний, – пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмоққа айтилур. Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда сўмни аямас. Саховатнинг зидди бахиллик ўлдиғи каби иқтисоднинг зидди исрофдир. Аллоҳ таоло исроф қилгувчиларни суймас. Иқтисодга риоя қилган кишилар ҳамма вақт тинч ва роҳатда яшарлар. Арилар қиш кунида емак учун бол йиғгандек, бошларига келадурган қора кунларни ўйлаб оқ пул йиғурлар. "Томатома кўл бўлур" – демишлар. Ҳар нарса оздан кўпаюр".

Авлонийнинг юқоридаги фикрларидан кўриниб турибдики, оилада меҳнат эвазига орттирилган барча нарсаларга тежам ва жонкуярлик билан муносабатда бўлиш натижасида фаровонликка эришиш мумкин. Албатта, бу ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бунинг учун оилада рўзғорни тежамли юритишнинг ўзига хос мактабини ташкил этиш лозим. Бунда оила аъзолари, айниқса, фарзандлар иқтисод, тежамкорлик сабоқларини оладилар. Бу эса фарзандларнинг келажакда ҳақиқий уй эгаси, чинакам хўжалик юритувчилари бўлишига ёрдам беради.

Кўпгина оилаларда ота-оналар иқтисод одобига етарли аҳамият бермайдилар. Бунинг натижасида болалар ҳам тежамкорликка бефарқ қарайдилар.

Масалан, уйда ортиқча ёниб турган чироқ ўчирилмайди, крандаги оқиб турган сувлар тежалмайди ёки газ плитасидаги ортиқча ёниб турган газга ҳеч ким эътибор бермайди. Баъзилар бозор иқтисодиётига, қийинчиликларига қарамай ўзларини бойвачча кўрсатиб, тежамкорлик урф-одатларига бефарқ бўлмоқдалар. Айниқса, бундай ҳолларни кўпгина мактабларда ўқувчи формасига риоя қилмай, ўз фарзандларини башанг кийинтираётган оилаларда учратиш мумкин. Бундай ҳол болада кибри хаволик, манманлик хислатларининг шаклланишига имкон беради.

Оилада болани тежамкорликка ўргатиш, айниқса, иқтисодий тарбиялаш муҳим. Болаларни кичик ёшданоқ атрофида нималар содир бўлаётганлигини кўра билиш ва унга ўз муносабатини билдиришга ўргатиш, эҳтиёт қилиш каби тежамкорликка ўргатиш, малакаларини ошириш, айниқса, меҳнат эвазига вужудга келган маҳсулотларнинг қадрини билишга ўргатиш ота-оналарнинг вазифасидир.

Масалан, 10 ёшли Алижон ҳар куни ота-онасига келиб "Менга велосипед олиб беринг" – деб хархаша қиладиган бўлди. Отаси Салимжон ака ўғлини олдига чақириб: – "Ўғлим, майли сен айтган нарсани олиб бераман, аммо уни сотиб олиш учун жуда кўп пул керак. Мана шу пулни топиш учун жуда кўп меҳнат қилиш керак" дея тушунтирди. "Қачон ўша пулни топсам, албатта сенга велосипед олиб бераман", деди.

Демак, меҳнат-пул ва велосипед бир нарса, фақат ҳалол меҳнат қилиш демакдир. Ҳар бир кўраётган роҳатимиз бу меҳнат эвазигадир, – деб тушунтирилади.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандига олий маълумотли ҳужжат билан ишга жойлашдим. Қарийб 25 йилдирки, ёш авлодга таълим-тарбия бериб келмоқдаман. Эл қатори яшайман. Аммо айтганингиздек, бўш ўқувчи ҳисобланган Қобил, Карим, Султон, Маҳмуд каби синфдошларимга ҳавасим келади. Ҳозир улар ўғил-қизларидан тинчиб, ҳаммалари фарзандларига уй-жой қилиб беришган.

– 80 баҳорни қаршилаяпман, ўғлим, – суҳбат мавзусини давом эттирди Раззоқ ота. – Ёшлигимизда бундай ёруғ, шинам, ҳамма қулайликларга эга бўлган синф хоналар қаёқда эди. Аммо у пайтларда одамларнинг бир-бирига садоқати, меҳрибонлиги, иззат-ҳурмати жуда кучли эди. Ҳар қандай қийинчиликни бирга енгишарди. Фанларни бўш ўзлаштирувчи болалар ҳақида гапирсам, ёмон ўқийдиган ўқувчида қўрқиш, чўчиш, иккиланиш каби хислатлар кам бўлади. Улар таваккалчилик билан иш юритади. Тушунган одам у ёки буни мулоҳаза қилиб, пировард натижага қараб иш тутади. Ана шу томони одамни ипсиз боғлаб қўяди. Тўғри, бирор ишни қилишдан олдин етти ўлчаб бир кесиш керак. Бу усул доим яхши натижа беравермаслиги ҳам мумкин. Ҳа, мулоҳазаларнинг кети узилмайди. Суҳбатдошларнинг фикрларидан англашиладики, инсоннинг феъл-атвори, юриш-туриши унинг саъй-ҳаракатигагина боғлиқ экан. Оилавий ҳаёт ва мактаб билан ҳақиқий ҳаёт ўртасидаги қарама-қаршиликлар бир-бирини рақобатга чақираверади.

Биз мактаб партасидаги ўғил-қизни мустақил ҳаётда жамиятнинг эркин, ҳурфикрловчи шахс бўлиб камол топишини истаймиз. Мактабда берилган таълим-тарбия ҳақиқий ҳаётда ўз мевасини берсин, деб орзу қиламиз. Бунинг учун эса, юқорида кўриб ўтилганидек; болаларни лаёқатларига кўра йўналтириш, уларни мустақил ҳаётда ўз йўлларини адашмай топиб оладиган даражада иродали инсонлар қилиб тарбиялашга ҳам эътибор бериш зарур. Пок ва виждонан яшаган, иродали инсонга шукуҳли кунлар, бахтиёр дамлар кулиб боқиши ҳам ҳақиқат. Келажакни кўзлаб, узоқни кўриб ҳаракат қилган инсонгина шубҳасиз мурод-мақсадига етади.

Абдузуҳур ҚОРАБОЕВ,
журналист

Siz nima deysiz?

ЎҚУВЧИНГИЗ ҲАЁТДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПГАНМИ?

Дўстим қўярда-қўймай қариндошиникига тўйга олиб борди. Кўча дарвозадан ичкари кирар эканмиз, хонадон эгаларининг бадавлат, ўзларига тўқ яшашини пайқадим.

– Мезбон катта идорада ишлайдими, ошна?

– Ҳе, қаёқда, — деди у бамайлихотир.

Тўйхона эгасининг ишлаш жойи билан қизиқаётганимни сезган даврадаги кишилардан бири суҳбатга қўшилди.

– Каримбойни болалигидан биламан, – сўзлай бошлади каттароқ ёшдаги киши. – Мактабда ўқитган эдим. Гапнинг индаллоси, у бирор марта бўлсин, беш баҳо олганини эслолмайман. Баҳоси иккидан ошмасди. Инсоннинг ким бўлишини олдиндан билиб бўлмас экан-да. Уйларини қаср дейсан-а, қўша-қўша машиналар... Таниш-билишларини-ку асти қўяверинг, жуда кўп.

Шу куни шаҳри азим Тошкентдан казо-казо созандаю-хонандалар тўйга келди. Маросим жуда мароқли ва эсда қоларли тарзда ўтди.

Тўй сабаб дилимда туғилиб юрган бир савол гирдоби очилиб кетди. Нима учун мактабда паст баҳоларга ўқиган баъзи болалар ҳаётда бой-бадавлат, қўша-қўша уй-жойли, машинали бўлиб яшаб кетадию, айрим аъло баҳоларга ўқиганларнинг яшаш тарзи ўзгача тусда кечади? Муаммони очиб, таг-томирига етиш учун ўқувчилар, ота-оналар, кексалар, қўйингки, турли ёшдаги кишилар билан суҳбатлашдим.

Мактаб ҳаёти билан яқиндан таниш бўлганим боис, энг бўш, иккичи деб ҳисобланган ўқувчилар билан шу мавзуда тарбиявий суҳбат олиб бордим. Уларнинг илтимосига биноан исм-шарифларини ўзгартирдим.

– Менинг дадам бир гапни доим такрорлайди, - дейди 9-синф ўқувчиси Ҳаким. – Ўқимасанг ҳам уққин, ўглим. Ўқиганинг билан уқолмасанг, топиш-тутишингда барака бўлмайди.

– Роса берилиб ўқигим келади, – дейди Наргиза. – Аммо фикримни бирор нимани жамлолмайман. Келажакда бу аҳволда қандай одам бўламан, дея қўрқиб ҳам кетаман.

– Мактабда ҳаддан ташқари кўп фан ўқитилади, – суҳбатга қўшилди Рашид. –Ўзинг қизиққан битта фан бўлса-ю, шу соҳанинг сир-асрорини пухта ўргансанг. 17-18 та фан одамни зериктириб юборади. Яна айрим фанларнинг "ёзёзи" кўп.

– Синфдошимнинг фикрига қўшилмайман, – аччиғи қистади Хасаннинг. –Ҳаётда у ёки бу фаннинг ўз ўрни бор, менимча. Ўйлаб қарасам, ҳаммаси бир-бирига боғланиб кетган. Лекин кимё, физика, ботаника, география фанларига эътибор билан ёндошган бола ўқиб кетса бўлади. Аммо алгебра, тарих, иқтисод фанлари жуда оғир. Тушуниш ҳам қийин. Балки қизиқмаганим учунми. Барибир, ҳаётда уларнинг ҳам ўз ўрни бор деб ҳисоблайман. Келажакда ким бўлишини ҳеч ким олдиндан айтиб беролмайди. Мактабда ҳаёт бошқача ўқитилади. Лекин кўчадаги ҳақиқий ҳаёт, талаб ўзгача.

– Ҳасаннинг гапида жон бор, – дейди Равшан. – Ўқитувчиларимиз яхши ўқинглар, одобли, ҳалол, тўғри сўз меҳнатсевар бўлинглар, деб бот-бот уқтиришади. Уларнинг илҳомбахш сўзларидан завқланамиз. Бироқ ҳақиқий мустақил ҳаётда бутунлай бошқа дунёга дуч келиб қолишимиз мумкин. Бу жумбоқларни ҳаётнинг ўзи ҳал этса керак-да...

Таажжуб. Ёмон ўқийдиганлар қаторидаги ўқувчиларнинг фикри кишини ҳайрон қолдиради. Шундай мулоҳазали, тез фаҳмли ўқувчи нима учун фанларни бўш ўзлаштиришининг сабабларини энди тушуниб етгандай бўламан. Демак, қизиқиш, ҳафсала, ҳавас инсонни юксак орзулар сари етаклайверар экан, унга таълимнинг қадрини билар экансан. Ҳарбий хизматдан қайтиб бироз муддат колхозда ишладим. Кейин ДОСААФга ҳайдовчилик курсига ўқишга кириб, гувоҳнома олдим. Уйландим. Оилали бўлгандан кейин турмуш ташвишлари инсонни тирикчилик тебратишга мажбур қилар экан. Автокорхонада автобус рулини бошқардим. Умр ҳам оқар дарё. Ойлар кетидан йиллар ўтди. Олти фарзандли бўлдим. Икки ўғлимни уйлантирдим. Икки қизимни узатдим. Энди бир ўғил, бир қизимга навбат. Ҳар ҳолда мени "одам бўлмайсан" деган ўқитувчиларнинг гапи тескарисидан чиқди. Яшаш тарзим ёмон эмас. Ўғилларимда ҳам машина бор. Алоҳида уй-жой қилиб берганман. Мактабда "иккичи" бўлсак ҳам ҳаётда ўз ризқ-насибамизни топиб, еб юрибмиз, ука.

"Юриш-туришига қараб инсонга яхши ёки ёмон баҳо беришади, — дея суҳбатга қўшилади Шарофиддин ака. – Бироқ ҳаммасини ҳаётнинг ўзи ҳал қилади. Тўғри, ўқитувчи болани ёмон бўлсин, деб уришмайди. "Сендан одам чиқмайди" деб койиган бўлса бордир. Бу дашномлар фақат яхшилик учун. Ёмон ўқиган болаларнинг ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишларига уларнинг данғалчилиги сабаб, деб ўйлайман. Чунки халқимиз "ўйчи ўйига етгунча, тавакалчи ишини битиради" дейди-ку. Лекин ким қандай йўлдан бориши ўзининг иродасига боғлиқ.

–Тўғриси, мактабда энг илғор ўқувчи эдим, – дейди Раҳмон ака. – Барча фанлардан аъло баҳоларга ўқирдим. Жамоат ишларида ҳам биринчи эдим. Биронта тадбир ўтказиладиган бўлса ўқитувчиларнинг қистовидан ҳам безор бўлиб кетардим.. Ўнинчи синфни тамомлаб олий ўқув юртига ўқишга бордим. Аммо икки йил омадим чопмади. Охири ўқишга кирдим. Беш йил Тошкент шаҳрида талабалик гаштинию, азобларини бошимдан ўтказдим. Олий маълумотли ҳужжат билан ишга жойлашдим. Ҳозир ўзим ҳам ўқитувчиларимдан ўрганаётган ҳамкасбларимдан ҳурмат кўраётган бўлсам, ўқитувчиларимнинг ҳам ҳурматини жойига қўяётганимдан ҳурсандман. Ҳаётда ўз ўрнини топган ўқувчи ҳам, ўқитувчи ҳам ҳаётдан мамнун.

– 80 баҳорни қаршилаяпман, ўғлим, – суҳбат мавзусини давом эттирди Раззоқ ота. – Ёшлигимизда бундай ёруғ, шинам, ҳамма қулайликларга эга бўлган синф хоналар қаёқда эди. Аммо у пайтларда одамларнинг бир-бирига садоқати, меҳрибонлиги, иззат-ҳурмати жуда кучли эди. Ҳар қандай қийинчиликни бирга енгишарди. Фанларни бўш ўзлаштирувчи болалар ҳақида гапирсам, ёмон ўқийдиган ўқувчида қўрқиш, чўчиш, иккиланиш каби хислатлар кам бўлади. Улар таваккалчилик билан иш юритади. Тушунган одам у ёки буни мулоҳаза қилиб, пировард натижага қараб иш тутади. Ана шу томони одамни ипсиз боғлаб қўяди. Тўғри, бирор ишни қилишдан олдин етти ўлчаб бир кесиш керак. Бу усул доим яхши натижа беравермаслиги ҳам мумкин. Ҳа, мулоҳазаларнинг кети узилмайди. Суҳбатдошларнинг фикрларидан англашиладики, инсоннинг феъл-атвори, юриш-туриши унинг саъй-ҳаракатигагина боғлиқ экан. Оилавий ҳаёт ва мактаб билан ҳақиқий ҳаёт ўртасидаги қарама-қаршиликлар бир-бирини рақобатга чақираверади.

Биз мактаб партасидаги ўғил-қизни мустақил ҳаётда жамиятнинг эркин, ҳурфикрловчи шахс бўлиб камол топишини истаймиз. Мактабда берилган таълим-тарбия ҳақиқий ҳаётда ўз мевасини берсин, деб орзу қиламиз. Бунинг учун эса, юқорида кўриб ўтилганидек; болаларни лаёқатларига кўра йўналтириш, уларни мустақил ҳаётда ўз йўлларини адашмай топиб оладиган даражада иродали инсонлар қилиб тарбиялашга ҳам эътибор бериш зарур. Пок ва виждонан яшаган, иродали инсонга шукуҳли кунлар, бахтиёр дамлар кулиб боқиши ҳам ҳақиқат. Келажакни кўзлаб, узоқни кўриб ҳаракат қилган инсонгина шубҳасиз мурод-мақсадига етади.

Абдузуҳур ҚОРАБОЕВ,
журналист

Fikr

"ҲАВОДЕК ЗАРУР" ЖУМЛАСИНИНГ МАЪНОСИ

Инсон табиат билан бирга яшайди, унинг кўркам манзарасидан завқ олади, саховатли марҳаматларидан баҳраманд бўлади. Табиат, у қандай кўринишда бўлишидан қатъий назар, ўзгача гаштли бўлиши мумкин. Мисол учун ёввойи ўтларга тўла тиканзорни, кузда сарғайган қирларни кўз олдингизга келтиринг. Уларнинг ҳам ўзига хос гўзалликлари бор.

Умуман, бизни ўраб турган табиат кишиларнинг руҳиятини енгиллаштирувчи, маънавий озуқа берувчи манба бўлиб ҳам хизмат қилади. Яшаш тарзимизнинг расоладагидек бўлишига бефарқ бўлмаган ҳар бир киши, атроф муҳит муҳофазаси билан шуғулланувчи ташкилотлар ер курраси-да яшовчи жониворлар тақдири, табиий ресурслар устида қайғурушни муқаддас бурч, деб билишади. Шунингдек, Она табиатга нисбатан меҳр, ҳурмат уйғотиш, ёш авлодда кўп жиҳатдан ота-оналар, мураббийлар, ўқитувчиларнинг берган тарбияси, тушунтириш ишларига ҳам боғлиқдир.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, катталарнинг хатти-ҳаракатлари ёшлар учун ўрнак, сабоқ бўлиши табиий.

Олайлик, мабодо болалар бор хонадонда катталар уй ҳайвонларига, жониворларга озор берсалар у ҳолда шу уйда тарбия топаётган кичкиналарнинг жониворларга нисбатан қаҳрлари қаттиқ бўлиши турган гап.

Бу жуда содда мисол. Лекин, инсонлар фаолияти натижасида табиий заҳиралар ўз функциясини тўлақонли бажара олмай қолаяпти.

Тўғри, табиат ўзини-ўзи тиклаш қобилиятига ҳам эга. Масалан, ифлосланган ҳавони ўсимликлар тозалайди. Маҳаллий чиқиндилар шу жумладан, хазонлар эса кучсизланган ер учун озуқа. Улар истеъмол қиладиган маҳсулотларимизнинг калорияга бой бўлишига ёрдам беради.

Биламизки, ҳавосиз ҳаёт бўлмайди. Организмимизда унинг заҳираси ҳам йўқ. Уни овқат, сув ва уйқуга қарагандa тирикликнинг энг зарур эҳтиёжи деб биламиз. Чунки, овқатсиз бир ойдан ортиқ, сувсиз тахминан 10, уйқусиз фақат бир неча кун яшай оламиз. Кислородсиз эса киши ҳаёти бир неча минутдан кейин сўнади. Шунинг учун ҳам нодир нарсаларга нисбатан, "ҳаводек зарур" деган нақл бор халқимизда. Агар ҳаво тоза бўлса, организм фойда, акси бўлганда зарар кўради. Асаб, ўпка, аллергия каби касалликлар авж олади. Ҳайвон, ўсимликларнинг айрим турлари бутунлигича йўқ бўлиб кетса, айримлари вазифа ва хусусиятларини ўзгартириб юборади. Тарихий обидалар, бинолар ҳам жабр кўради. Иқтисодиётга моддий зарар етказади. Масалан, фақатгина АҚШда ҳавонинг ифлосланиши инсон соғлигига етказилган зиённи ҳисобга олмаганда йилига 30 млрд. доллардан ортиқ зарар келтирар экан. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, биз табиат қўйнида улғаямиз, ундан паноҳ топамиз. У ҳам ўз ўрнида бизга қиладиган яхшиликлари эвазига биздан ҳурмат, эҳтиром кутади. Зеро, биз учун ана шу нарса бурч ҳисобланади. Бурчни бажармаслик эса жиноятга қўл уриш билан баробардир.

Малоҳат ЭРХОНОВА,
"Бунёдкор" ёшлар телеклуби "Экобун" гуруҳи аъзоси

АЛ-БАРАДЕЙ: ҲЕЧ НИМА ТОПИЛГАНИ ЙЎҚ

Атом энергетикаси бўйича шуғулланувчи халқаро агентлик (МАГАТЭ) раҳбари Муҳаммад ал-Барадей Ироқда фаолият кўрсатаётган инспекторлар ҳозирча оммавий қирғин қуролларига даҳлдор бирор далил топа олмаганликларини билдирди. Ундан аввалроқ эса президент Саддам Ҳусайн мамлакат миллий армиясининг 82 йиллик юбилейи муносабати билан ўз халқига телемурожаат билан чиқди. У инспекторлар ҳақида тўхталиб, уларни жосуслик фаолияти билан шуғулланаётганликда айблади. Президентнинг фикрича, инспекторлар қидирув ишларига алоқадор бўлмаган, яъни ҳарбий лагерлар, қонуний қурол ишлаб чиқаришлар ҳақида ҳам маълумот тўпламоқдалар.

ИРОҚЛИКЛАР УЧУН ҚАСД ОЛИШЛАРИ МУМКИН

Қобулдаги Халқаро хавфсизлик кучлари бош қўмондони генерал-майор Хилми Акин Зорлунинг билдиришича, агар Ироққа қарши уруш бошланмайдиган бўлса, афғонистондаги хорижликларга ҳам хавф солиниши мумкин. Генералнинг фикрича, ироқлик мусулмон биродарлари учун афғонлар нафақат халқаро кучлар ёки Америка аскарларидан, балки БМТ ходимларидан ҳам қасд олишлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ҳозирда Америка аскарлари Афғонистон шимолида "Ал-Қоида" ва Толибон аъзоларини қидириш операцияларини давом эттираётган бўлсаларда, лекин маҳаллий аҳоли ичида улардан норози бўлаётганлар ҳам йўқ эмас. Биргина мисол, ўтган декабрь ойида америкалик аскарларга ҳужум қилинган бўлса, бошқа бир ҳолатда халқаро хавфсизлик кучлари базасига ҳуруж уюштирилган эди.

РЕЗЕРВИСТЛАР ЧАҚИРИЛМОҚДА

Буюк Британия мудофаа вазири Жефф Хуннинг айтишича, Ироққа қарши эҳтимолли бўлган урушда иштирок этишлари мумкин бўлган 8 минг нафар резервистлар ҳарбий хизматга чақирилмоқда. Таркибида шифокорлар, ҳарбий транспортлар бўйича мутахассислар ва разведка экспертлари бўлган резервистлар бир неча ҳафталардан сўнг Форс кўрфазига жўнатилишлари мумкин. Шунингдек, шанба куни Портсмутдан "Арк Ройал" авианосеци етакчилигида инглиз ҳарбий кемалари кўрфаз томон йўлга чиқадилар. Ўтган душанба куни эса Калифорния штатидан 2 минг нафар денгиз пиёдаларидан иборат АҚШ кучлари Форс кўрфази томон ҳаракатланишган эди.

ФАЗО СЕКТОРИДА ҚОНЛИ ТЎҚНАШУВЛАР

Тель-Авивда юз берган террор актларидан сўнг Исроил-Фаластин ўртасидаги можаро янада тиғизлашди. Кеча эса Исроил армияси Фазо секторидаги Магази қочоқлар лагерида рейд ўтказган. Фаластин хавфсизлик кучлари вакилининг айтишича, 30 га яқин танк, бронетранспортерлар ҳамда бульдозерлар вертолётлар кўмагида Фазо секторига бостириб киришган, икки ўртада отишма юз берган ва бир фаластинлик ҳалок бўлган.

ЕВРОПАДА ТАБИАТ ИНЖИҚЛИКЛАРИ

Бугун Европада юз бераётган табиат инжиқликлари жиддий муаммолар келтириб чиқармоқда. Данияда кузатилаётган кучли қор бўронлари боис, Копенгагендаги Европанинг энг йирик аэропортларидан ҳисобланмиш "Каструпа"да самолётларнинг учиш ва қўнишлари қийин кечмоқда. Автомобиль ва темир йўлларида ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас. Германияда эса сув тошқинлари боис, тўрт киши ҳалок бўлган. Майн дарёсининг ўзанидан тошиб чиқиши Вертхайм шаҳрида бир мунча муаммолар туғдирган. Венгрияда кузатилган кучли ёмғир, автомобиллар ҳаракатига салбий таъсир қилган.

КОТ-д 'ИВУАРДА НОТИНЧЛИК

Кот-д 'Ивуардаги Франция тинчликпарвар кучлари вакилининг айтишича, мамлакат ғарбидаги Дюкуэ шаҳрида исёнчилар билан бўлган қуролли тўқнашувда 30 нафарга яқин жангарилар йўқ қилинган. Лекин французлардан ҳам 9 нафари жароҳатланган бўлиб, бир аскарнинг аҳволи оғир ҳолатда. Франция ўзининг собиқ мустамлакаси бўлган Кот-д'Ивуарда хавфсизликни таъминлаш ва хорижий фуқароларни эвакуация қилиш мақсадида 2,5 минг кишилик ҳарбий контенгентини ушбу мамлакатга киритган. 15 январ куни эса Парижда Кот-д'Ивуар ҳукумати ва исёнчилар раҳбарияти ўртасида музокаралар бўлиб ўтади.

"ИНТЕРНЕТ" тармоғидан олинди.

Ўтган ҳафта уч кун мобайнида ЖАР спорт-соғломлаштириш мажмуасида ўсмир-ёшлар ўртасида каратэ бўйича "Ёш куч" клуби ҳомийлигида иккинчи халқаро биринчилик мусобақаси бўлиб ўтди. Унда республикамиз вилоятларидан ташқари Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон республикаларидан жами 28 та жамоада 500 га яқин спортчи беллашди. Мусобақада "Азамат Карим", "Билол", "Ёш куч", "Жўрабек МЖ", "Учқўрғон", "Ўзкаратэ", "Андижон" сингари каратэ клубларининг спортчилари ўз кўрсаткичлари билан юқори натижаларни қўлга киритдилар.

"Ёш куч" каратэ клуби томонидан асос солинган ушбу турнир ўтган йилдан бошлаб

ТЕРМА ЖАМОАГА АЪЗОЛАР САРАЛАНМОҚДА

халқаро мақомга эга бўлди. Уни ўтказишдан кўзланган мақсад Ўзбекистон миллий терма жамоаси учун ўсмир-ёшлар орасидан номзодлар тайёрлашдир. Мусобақа ташкил қилинганидан буён бир неча каратэчиларимиз Сардор Эргашев, Санжар Акбаров, акаука Пўлатовлар, терма жамоа сафида жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, фахрли ўринларни эгалладилар, — деди "Ёш куч" президенти Фозилжон Худойназаров.

МУХБИРИМИЗ

ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАР БОШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шаҳримизнинг 15-БУСМда эса спортнинг энг "ақлли" тури бўлган шахмат мусобақалари бўлиб ўтди. Унда шаҳримизнинг барча туманларидан келган 11 та гуруҳда шахмат ишқибозлари иштирок этдилар. Бу мусобақалар спортнинг бошқа турларига қараганда кўпроқ фикрлаш, ақл билан ўйнашни талаб этгани учунми, ниҳоятда тинч ва адолатли тарзда бўлиб ўтди. Муросасиз ўтган бахсларда умумий ҳисобда Шайхонтоҳур тумани бўлғуси шахмат усталари 6 очко тўплаб 1-ўринни, Миробод тумани ўқувчилари 5,5 очко йиғишиб иккинчиликни, Мирзо Улуғбек туманининг ўқувчилари учинчи ўринни эгалладилар.

—Беллашувларни ўтказиш жараёнида озода хоналар, иштирокчилар ва ҳакамлар учун махсус ўриндиқлар, қулай кийиниш хоналари, хуллас, турнир учун зарур бўлган шарт-шароитлар барчаси намунали тарзда йўлга қўйилди, — дейди мусобақа бош ҳаками А. Мирзаахмедов.

Мусобақалар давом этмоқда.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Xorijda ta'lim

АҚШНИНГ ОГАЙО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ўқитувчилар алмашинув дастури бўйича АҚШнинг Огайо давлат университетида МДҲ ва Югославия давлатлари олий таълим муассасаларида қишлоқ хўжалик фанларидан дарс берувчи 26 нафар ўқитувчи ўқув тизимини ўрганиш мақсадида малака оширишди. Замонавий технологияларнинг ишлаш жараёни билан танишиш, фермер хўжаликларига ташриф буюриш, бакалавриат ва магистратура ўқув тизими учун янги ўқув дастурларини яратиш, турли машғулотларга қатнашиш вазифаларидан иборат бу сафарда мен ҳам иштирок этдим.

Огайо давлат университети таркибида 19 та олий ўқув коллежи мавжуд бўлиб, 100 факультетда 170 та мутахассислик бўйича 50 минг талаба таҳсил олади. АҚШда коллежлар 2 гуруҳга бўлинади: университетлар таркибидаги олий таълим коллежлари – булар бакалаврларни тайёрлайди. Шунингдек, ишчиларни тайёрлайдиган коллежлар ҳам мавжуд. Ўрта мактабни тугатаётган пайтда ўқувчилар ягона давлат тест имтиҳонларини топширишади. Бу ўрта мактабни битириш ва университетларга кириш имтиҳонлари ҳисобланади. Имтиҳонлар асосан математика, биология, кимё ва инглиз тили грамматикаси бўйича топширилади. АҚШда 2 та — САТ ва АКТ номли давлат тест имтиҳон сертификатлари ишлатилади. Университетга кириш учун қўшимча имтиҳонлар топширилмайди. Абитуриент бир вақтнинг ўзида 10 та университетга ҳужжатларини юбориши мумкин. Қабул ҳайъати тест сертификатлари балларига асосланиб, абитуриентларни ўқишга қабул қилади. Ҳар бир университет тест сертификатлари бўйича ўз чегара балларини белгилаган. Масалан, Огайо давлат университети АКТ сертификати бўйича 30 балл, САТ сертификатлари бўйича 1340 балл белгилаган.

Ўқиш 24 сентябрдан бошланади. Ҳар бир абитуриент шу вақтгача ўқишга пул тўлаб улгуриши керак. Университетда ўқиш пуллари бир йилда қуйидагиларга бўлинади: фақат таълим учун 5664 доллар, ётоқхонада яшаш ва сервис хизматига 6031 доллар, кутубхона ва ксерокопия — 3474 доллар. Чет эл талабалари учун қўшимча тўлов 15087 долларга тенг. Умуман АҚШ фуқаролари учун бир йилги ўқув тўлови 11 минг, чет эл талабалари учун камида 25 минг долларга тенг. Лекин шунга қарамасдан АҚШда ҳар йили ўрта мактабларни тамомлаган 40 фоиз ўқувчи университет ва олий таълим коллежларига ўқишга киришади. Бу кўрсаткич Буюк Британия ва Япония давлатлари билан тенг бўлиб, дунёда энг юқори кўрсаткичдир. Университетга кириш учун талабалар сони чегараланмайди. Бу асосан абитуриентларнинг молиявий имкониятларига боғлиқ. АҚШ давлати абитуриентларга ўқиш учун имтиёзли фоизсиз кредитлар ажратади. Шуни айтиш лозимки, пул тўловлари университетни тугатгандан кейин 6 йилдан 15 йилгача бўлган давр ичида бажарилиши мумкин. Бундан ташқари, йирик компаниялар талабалар учун ўзларида ишлаш мажбурияти билан уларга грантлар ажратади. Бир йиллик ўқув тизими икки семестрга бўлинган. Ҳар бир ўқув 16 ҳафтадан иборат. Хусусан, қўшимча тўрт ҳафта икки имтиҳон сессияларига ажратилади. Талабалар бир семестрда фақат беш-олти ўқув фанларини ўтишади. У деканат томонидан гуруҳларга бўлинмайди. Ҳар бир талаба камида олти ўқув фанини танлаши керак. Ҳар бир фан бўйича ҳар семестрда талаба 11та тест топшириди. Булардан тўрттаси уй топшириғи сифатида бажарилади. Ҳар бир талаба ўзининг электрон почтасига эга бўлиб, уй топшириғини e-mail ёрдамида ўқитувчига юбориши мумкин. Университет ўзининг тўлиқ лабораториясига эга. Ҳар биттаси ўрта ҳисобда 55-60 дона компьютер билан жиҳозланган. Ўқитувчилар машғулот давомида албатта ўқув-техник воситаларини — проектор, видеофильм, Интернетни ишлатишади ва энг янги маълумотларни талабаларга тавсия қилишади. Ҳар бир кафедра Интернетда ўзининг веб сайтига эга ва талабалар маъруза матнлари билан Интернет орқали танишишлари мумкин.

АҚШда талабалар фанларни ва ўқитувчиларни танлайди. Ўқитувчилар орасида рақобат муҳити шаклланган. Масалан, ўқитувчининг машғулотига қанчалик кўп талаба кирса, унинг ҳурмати шунчалик баланд. АҚШ университетларида ҳозирги пайтда 515 минг чет эллик талаба таҳсил олаяпти. Ҳар йили бу университетлар бундан 11 млрд. доллар фойда кўришади. Масалан, Огайо давлат университети давлат томонидан 42 фоиз, штат томонидан 17 фоиз маблағ билан таъминланади. 12 фоиз молиявий ёрдам сифатида, қолган даромадлар эса контракт тўловларидан ва янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилгани учун компаниялар ва фирмалар томонидан тўланади.

Огайо давлат университети ҳар йили 120 млн. доллар соф даромад ишлаб топади. АҚШ университетида ишлаётган ўқитувчи амалдаги анъанага кўра. илмий ишлар билан шуғулланиши лозим. Ҳар бир университетда "Extention Services" — илмий жиҳозларни ишлаб чиқаришга тарғибот ва жорий қилиш бўлимлари мавжуд. Давлат ҳар йили фақат қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган "Extention Services"ларга 1 млрд 400 млн. доллар ажратади. Университетларнинг янги технологияларини ишлаб чиқаришга жорий қилган компаниялар умумий фойдадан 40 фоиз маблағни "Муаллифлар қонуни"га асосланиб, қайтариб беради. Шунинг учун олимлар муаллифлик гувоҳномасини расмийлаштиришга ҳаракат қилишади. Университетларнинг чет эл олимлари билан ҳамкорлиги мақташга арзигулик. Кейинги йилларда ривожланаётган мамлакатлардан келган олимлар 30-35 фоизни ташкил этади. Ҳар бир кафедрада замонавий илмий лаборатория ва компьютер хонаси мавжуд бўлиб, олимларга ишлаш учун кенг имкониятлар яратилади.

Интернет Америка фуқаролари учун деярли бепул. Бир ой ичида Интернет фирмага 20 доллар тўланади. АҚШда МДҲ давлатлари бўйича жуда кўп маълумотлар мавжуд. Биз билан суҳбатда барча америкаликлар Ўзбекистон ҳақида етарлича маълумотга эга эканликларини айтишди. Лойиҳа бўйича Тошкент Давлат Аграр университетига огайолик ўқитувчилари ҳам ташриф буюриши лозим. Албатта, бу каби илмий ҳамкорликлар нафақат фан ва таълим, балки мамлакатлар тараққиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Баҳодир ОТАБОЕВ,
ТошДАУ доценти

QUTLOV

Ҳурматли Манзурахон ХОЛДОРОВА!
Сизни таваллуд айёмингиз билан муборакбод этамиз. Мурғак болажонларни она-юртга садоқат, меҳру муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида қилаётган эзгу ишларингизда омад ёр бўлишини тилаймиз.
Учкўприк тумани халқ таълими бўлими ҳамда "Ғунча" номли мактабгача таълим муассасаси жамоаси.

Seminar

Ҳафта аввалида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида олий ўқув юртлари жисмоний тарбия ва спорт факультети деканлари, жисмоний тарбия ва спорт кафедралари мудирлари иштирокида Президентимизнинг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорнинг ҳаётга тадбиқ этилишига доир семинар бўлиб ўтди. Уни Олий ва ўрта махсус таълими вазири Саидаҳрор Ғуломов кириш сўзи билан очиб, Фармонда белгиланган кўрсатмалар ва ушбу жамғармани

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

таъсис этиш билан боғлиқ масалаларга бағишланган Оқсарой қароргоҳидаги йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида вазирлик мутасаддилари томонидан бир қатор тадбирлар режаси ишлаб чиқилганлиги хусусида гапирди. Чунончи, 2003 йил — "Обод маҳалла йили"да юртимиз маҳаллаларида болалар спортини ривожлантиришга, олий таълим муассасалари қошидаги академик лицей ўқувчилари орасида миллий спорт турларини оммалаштириш ва иқтидорли спортчиларни аниқлаш, улардан юқори разрядли спортчиларни тайёрлаш, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари томонидан жамғарманинг минтақавий филиалларига ҳомийлик ёрдамларини кўрсатиш лозимлиги уқтирилди.

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ

АФҒОНИСТОНДА КЎК ЙЎТАЛ ҚУРБОНЛАРИ

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, Афғонистон шимолида пайдо бўлган кўк йўтал касаллиги боис, бугун ундан хасталанганлар сони 40 минг нафарга етди. Ташкилотнинг Тожикистондаги вакили Нигина Ортиқованинг айтишича, Бадахшон вилоятининг 70 мингдан ортиқ аҳолиси ҳам мана шу хавф таъсирида. Биргина Дорвоз туманининг иккита қишлоғида кўк йўтал туфайли 168 нафар болакай ҳалок бўлган. Касалликнинг Бадахшонда кенг тарқалиши 2002 йилнинг октябр ойи ўрталарида кузатилган бўлиб, ҳозирда Тожикистоннинг Душанбе шаҳридаги Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бўлими "Оға-Хон" жамғармаси ва "Фокус" нодавлат ташкилоти билан ҳамкорликда 20 нафар шифокордан иборат гуруҳни жабрланганларга ёрдам кўрсатиш мақсадида юборишни режалаштирмоқда. Бугунга қадар афғон болаларининг бор-йўғи 40 фоизи тиббий эмлашдан ўтказилганлиги ҳам кишини хавотирга солади.

Хамид Карзай маъмуриятининг аёллар масалалари билан шуғулланувчи вазири Ҳабиба Сорабининг маълум қилишича, мамлакатда туғилаётган ҳар тўртинчи бола 5 ёшга етмасдан ҳаётдан кўз юммоқда. Бундан ташқари, ҳар йили 20 мингга яқин аёл ҳомиладорлик оқибатида ёки туғиш вақтида вафот этмоқда. Ҳирот шаҳрининг ўзида бор-йўғи 1



фоиз аёлларгагина туғиш вақтида тиббий хизмат кўрсатилади холос. Бундай аянчли ҳолатга тушиб қолишга Толибон ҳукумати даврида аёлларнинг таълим олишларига имкон берилмаганлиги ҳам сабаблардан бири бўлади. Шунингдек, йилига сил касаллиги туфайли ўлаётган 15 минг кишининг 70 фоизини ҳам аёллар ташкил этади.

Айни қиш фаслида эса ўн минглаб афғонлар оч-ночорликда ҳаёт кечираётганликлари ҳам кишини ташвишга солади.

БУЮК ЁЗУВЧИ ШИФОХОНАДА ДАВОЛАНМОҚДА



4 январь куни бутун дунёга танилган буюк рус ёзувчиси Александр Исаевич Солженицын гипертоник касаллиги билан Москвадаги марказий клиник шифохонага ётқизилган эди. "Интерфакс" агентлигининг маълум қилишича, ёзувчи айни пайтда ўзини яхши ҳис қилмоқда. Ва даволаш муолажалари тугагач, яратаётган янги асари устида ишлашни давом эттиради.

Ҳозирда 84 ёшни қаршилаган ёзувчи 1970 йил Нобель мукофотига сазовор бўлган. 1974 йил эса совет ҳукумати уни мамлакатдан чиқариб юборгач, 20 йил хорижда яшаган ва 1994 йил яна Россияга қайтиб келган. Унинг биргина "ГУЛАГ Архипелаги" номли асари XX асрдаги жаҳон адабиётининг энг сара асарлари қаторидан ўрин олган. 2000 йилнинг кузида эса Россия президенти Владимир Путин ўз рафиқаси билан Москва шаҳри ташқарисидаги Солженицын уйига бориб, ёзувчи билан суҳбат қурган эди.

НАПОЛЕОН ҲАҚИДА ЯНГИ ФИЛЬМ

Душанбадан бошлаб Австрия телеэкранларида француз императори ва саркардаси Наполеон ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи кўп қисмли фильм намойиш этила бошланди. Умумий ҳаражати 40 млн. евродан ошиб кетган ушбу "Наполеон" фильми олти ой мобайнида Австрия, Франция, Чехия, Венгрия ҳамда Канада давлатларида суратга олинган. Фильм режиссёри француз Ива Симононинг айтишича, яқин 25 йил ичида ҳали ҳеч ким бундай катта ишга қўл урмаган. Жумладан, Венгрияда олинган уруш манзараларини тасвирловчи саҳналарда 10 мингдан ошиқ венгер аскарлари ва 3 мингта от иштирок этган. Франция тарихига буюк шахс сифатида кирган Наполеоннинг туғилишидан то 1821 йил муқаддас (авлиё) Елена оролида вафот этишига қадар бўлган унинг ҳаётий кечинмаларини ифодалаш учун бош ролни Кристиан Клавье ижро этган. Унинг бўйи худди Наполеонникига ўхшаб 1,68 метрни ташкил этади.

ИЖОД ДУНЁСИ НАШРИЁТ УЙИ

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 3-СИНФЛАРИГА "ОҚУ КІТАБЫ" (ҚОЗОҚ ТИЛИДА), "O'ZBEK TILI" (ТАЪЛИМ ТОЖИК, ҚОЗОҚ, ҚИРҒИЗ ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН СИНФЛАР ВА МАКТАБЛАРНИНГ 8-СИНФЛАРИ УЧУН) ДАРСЛИКЛАРИНИ НАШРДАН ЧИҚАРДИ. УШБУ ДАРСЛИКЛАРНИ ЧАКАНА ВА УЛГУРЖИ ТАРЗДА ХАРИД ҚИЛМОҚЧИ БЎЛГАНЛАР ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА МУРОЖААТ ЭТИШЛАРИ МУМКИН:



ТОШКЕНТ ШАҲРИ, НАВОИЙ КЎЧАСИ, 30-УЙ.
ТЕЛ: 144-30-13.

Ўзбекистон Файласуфлар жамияти жамият Президуми аъзоси, ЎзФА академиги, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, фалсафа фанлари доктори, профессор

Ж.ТУЛЕНОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис Маркази жамоаси Самарқанд вилояти ташхис Маркази раҳбари Маъсуда Қодировага отаси

Холиёр ҚОДИРОВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

1-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси билим юртининг педагогика фани ўқитувчиси

Жамила МИРЗАҚУЛОВАнинг

бевақт вафот этганлиги сабабли унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар Чилонзор туман халқ таълими бўлими, туман касаба уюшма қўмитаси ва 179-мактаб жамоаси шу мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Фарида МИРЮСУПОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Одам Ато билан Момо Ҳаво замонидан бери муҳаббат деб аталмиш сеҳрли қудрат мавжуд. У инсонларни гоҳ суюнтиради, гоҳ ғам-ғуссага ботиради, гоҳида умид бағишлайди,баъзида умидларини пучга чиқаради.

Бехосдан ғалинган қўнғироқ ҳам ҳеч кимни ўрнидан қўзғатолмади, гўё қўнғироқ товуши улар учун дахлсиздек.

Ma'rifat

ҚЎНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

Ko'ngil bitiklari

МАНЗАРА

Ниҳолларга кўз нурин тўкиб,
Эгатларни чопади аста.
Нозик ниҳол ғўза бандига,
Бутун қалби, меҳри пайваста.
Қуёш ҳали уйқудан турмай,
Деҳқон шошар даласи томон.
Халтасида у-бу егулик,
Елкасида ризқ-рўзи – кетмон.
Сафари ҳам тугаб қуёшнинг,
Кўкда қолар шафақ-қизғиш нур.
Деҳқон терин артади мамнун,
Меҳнатидан қилгунча ҳузур.

ВАТАН

Она-Ватан мен бир ўғлингман,
Аллаларинг тинглаб уйғонган.
Сенинг оташ меҳрингдан дуркун,
Тупроғингда ўсиб улғайган.
Гўзал ўлкам сенга муносиб
Бўлиб яшаш менга юксак бахт.
Авлодларга ёруғ юз тутиб,
Кўришмоқлик тенгсиз саодат.
Она-Ватан, ҳур озод диёр,
Бағрингдаман, кўнглимда баҳор.
Истиқлолнинг оташ нафаси
Ўзлигимни англатди такрор.

Ҳолиқназар АЛИШЕВ

МУАЛЛИМА

(Ҳикоя)

Олийгоҳни яқиндагина битирган Ҳафизани мактаб жамоаси яхши кутиб олди. Дарс режимини кўздан кечираётганда, ўқитувчилардан бири уни аста огоҳлантирди:

–Эҳтиёт бўлинг, 10-синф ўқувчилари сизни анча элакдан ўтказишади.

–Қандай қилиб? – ажабланиб кулди Ҳафиза.

–Бултур ҳам ёш ўқитувчилардан бири шу синфга кириб, интизомни эплаёлмаган. Охири, мактабни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлган эди.

Ҳафиза хомуш тортди, чунки ҳозир у айнан ана шу синфга киришга тараддуд кўраётган эди. Бугунги илк бор кирадиган дарсига у туни билан обдан тайёргарлик кўрган, ҳатто ўқувчилар олдида ўзини тутишгача машқ қилган эди. Тўғри-да! Бир вақтлар ўзи ҳам ўқувчи бўлган. Шўх бўлса бўлгандир, лекин очиғи, юракдан дарс ўтган ўқитувчиларни, уларнинг берган сабоғини ниҳоятда қадрлар эди. Ҳафиза тартибли дарс ўтиш, ўқувчи диққатини ўзига жалб этиш сирларигача илғаб олганди.

У мактабга, дарсларга ошиқиб келар, ўқитувчи киргунга қадар сабоқни қайтариб, синфдошлари билан ким кўп аъло баҳо олишга мусобақа ҳам ўйнар эди.

Ўша вақтда ўзига дарс берган муаллимлар унда ўқитувчилик касбига астойдил меҳр уйғотган эдилар. Мана энди ой ва йиллар зумда ўтиб, ўзи ҳам ўқитувчи бўлиб турибди. Бехосдан чалинган қўнғироқ уни сергак тортирди. У 10-синф йўқламасини қўлига олиб, дарсга йўл олди. Гала-ғовурга тўла синф хонаси муаллиманинг ташрифи билан бир оз тинчиган бўлса-да, бироқ ўқувчилар янги ўқитувчини назар-писанд қилмаётгани шундоқ сезилиб турарди. Кўринишидан бўйлари чўзилиб, катталар билан баробар фикр юритишга ўрганиб қолган юқори синф ўқувчилари янги муаллимга менсимай назар ташлашди. Сақич чайнаётганлари, бесабаб ҳиринглаб, ўқитувчи ҳиринг эшитилди. "Озғин, қотма, кийимлари ҳам унчалик қимматбаҳо эмас, бу ўртачадан келган опа бизга нима каромат кўрсатаркин?." Уларнинг юз-кўзларидан ана шу сўзларни уқиш мумкин эди.

Ҳафиза ўқувчиларга илтижо билан тикилди. Йўқлама қилмоқчи эди, бироқ тўполон, ғала-ғовурда биров унинг товушини эшитмади. Қайтага бақириқ-чақириқ авжга минди.

Ҳафиза журналини ёпиб, ўрнидан турди. Болаларга яқинлашди, сўнг насиҳат ёки тарбияга чақирувчи даъват эмас, таъсирли далиллар билан ибратли бир воқеани баён қила бошлади. Ўша пайтда унинг қандай воқеани ҳикоя қилгани маълум эмасу, бироқ унинг сўзларидан кейин ўқувчиларда жонланиш, бир-бирларига маъноли қараб олишгани, сезила бошлади. Тиқ этган товуш эшитилмай қолди. Ҳатто бировнинг ғашига тегмаса, ўтиролмайдиган Фани исмли бола ўтирган столини бирикки бор ғижирлатганда бошқалар унга ғазаб билан қараганди, у ҳам саросималаниб, жим бўлди-қолди.

Синфдаги сокинлик, таъсирчанликни кўрган Ҳафиза дарров суҳбатни дарс сабоғига бурди. Моҳир муаллимага шу дақиқадан бошлаб ўқувчилар қаттиқ меҳр қўйганликларини ўзлари сезмай қолдилар.

Бехосдан чалинган қўнғироқ ҳам ҳеч кимни ўрнидан қўзғатолмади, гўё қўнғироқ товуши улар учун дахлсиздек.

Ниҳоят, Ҳафиза сабоғини тугатиб, уй вазифаларини топширгач, ўқувчилар эринибгина ўринларидан қўзғалдилар. Шу бир соат дарс ўқувчилар фикрини бутунлай ўзгартириб, муаллимга, унинг дарслари оламига сеҳрлаб қўйган эди.

Улар Ҳафизанинг навбатдаги дарси қачон бўлишини суриштира-суриштира хонадан чиқа бошладилар.

Ҳафиза уларни табассум билан кузатиб қолди.

Умида ЮСУПОВА,
ўқитувчи
Булоқбоши тумани

МУҲАББАТНИНГ ИЛОҲИЙ ҚУДРАТИ

Одам Ато билан Момо Ҳаво замонидан бери муҳаббат деб аталмиш сеҳрли қудрат мавжуд. У инсонларни гоҳ суюнтиради, гоҳ ғам-ғуссага ботиради, гоҳида умид бағишлайди,баъзида умидларини пучга чиқаради.

Муҳаббатнинг маълум бир қонун-қоидаси йўқ. Лекин ер юзида муҳаббатга ўрнатилган турли хил ёдгорликлар бор. Муҳаббат ҳақида жуда кўп ривоятлар ҳам мавжуд. Бироқ муҳаббат мавзусидаги охирги сўзни ҳалигача ҳеч ким айтиб берган эмас. Уни ҳар бир юрак ўзига ҳар хил қабул қилади. Буюк аллома Иереми Бентам ўсмирлик пайтида бир қизни яхши кўриб қолади. Унга турмуш қуришни таклиф этади. Бироқ қиз рад қилади. Орадан йиллар ўтади. Бентам ўзи танлаган қизни ҳамон яхши кўриб, сўққабош бўлиб юраверади. Олтмиш ёшга етгач, севгилисига мактуб йўллайди, ҳамон яхши кўришини баён қилади. Аммо, бу сафар ҳам рад жавобини олади. Айтишларича, ўша қиз тўғрисида гап очилиб қолса-бас Бентам дарров кўзларига ёш олиб, бирдан ҳаяжонланиб кетаркан.

У саксон ёшга киргач, севгилисига энг охирги хайрлашув мактубини йўллайди: "Жонгинам, мен ҳали ҳаётман. Ўн олти яшар пайтим сенга гуллар тақдим этган дамларда қанчалик яхши кўрган бўлсам, ҳозир ҳам шундай севаман. Шундай муҳаббат ҳадя қилган тақдиримдан розиман. Алвидо!"

Ҳақиқий муҳаббат инсонни не куйларга солмайди. Ахир курраи замин яратилгандан буён миллион-миллион одамлар муҳаббат излайдилар. Унга етганлар ва етмаганлар бор. Азал-азалдан буён ҳақиқий ошиқларнинг асл мақсади —руҳан ва табиатан, ташқи кўринишидан ўзига ёқадиган ёр топишдан иборат бўлган. Фақат қалби пок инсонларгина чинакам севиши ва севилиши мумкин.

Ҳақиқий муҳаббат бу дунёдаги энг ноёб, камёб ҳодисадир. Олимлар муҳаббат бобида инсонларни икки тоифага ажратишади: севишга қодир бўлган ва муҳаббат туйғусидан бенасиб бўлган инсонлар.

Ҳиндистонда буюк салтанат соҳиби бўлмиш Шоҳжаҳон суюкли хотини Мумтоз хоним вафот этгач, подшо бу ёруғ оламда ўзини ёлғизланиб қолгандек ҳис этади. Унинг ғуссадор юрагига қил ҳам сиғмай қолади. Битмас-туганмас хазина ҳам, оҳу кўзли малаклар ҳам суюкли ёрни ўрнини босолмайди. Донишманд шоҳ марҳум рафиқаси шарафига дунёда бетимсол бўлган ажойиб ёдгорлик барпо этсагина ўксик кўнгли андек хотиржам бўлиши мумкин деб ўйлайди. Улар 19 йил бир ёстиққа бош қўйиб яшаган, тўққиз фарзанд кўрган эдилар. Шоҳжаҳон севикли ёрининг хотираси учун беназир Тожмаҳал асори атиқасини бунёд этади. Оламдаги етти мўъжизанинг бири сифатида тан олинган ниҳоятда чиройли, оппоқ ўша сарой ҳозир ҳам буюк Муҳаббат тимсоли бўлиб турибди. Ҳамон ўз гўзаллиги билан бутун инсониятни ҳайратга солаётир. Самарқандаги Бибихоним мадрасасичи? Булар неча-неча асрлардан бери ана шу буюк муҳаббатнинг яққол тимсоли сифатида намоён бўлиб келаётир. Ҳақиқий муҳаббатни тасвирлаб ёзилган не-не буюк асарларни айтмайсизми?

Мисол қилиб А.Қодирийнинг "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён" романларини келтириш мумкин. Ёзувчи ўзининг бу буюк асарларида ҳақиқий муҳаббатни гўзал бўёқларда усталик билан моҳирона тасвирлаб берган.

Ҳаётда ҳам ҳақиқий муҳаббат ҳақида талайгина мисоллар учрайди. Гарчи ҳар биримиз бу туйғуни тўла бошдан ўтказмаган бўлсак-да, соф севгининг гувоҳи бўлганмиз ва кимлардандир эшитганмиз. Муҳаббатни ҳар бир юрак ўзича янгилайди дейишади. Асрлар бўйи ота-боболаримиз муқаддас саналган бу туйғу кейинги пайтларда ўзининг асл мавқеини бироз йўқотиб бораётгандек. Ёшлар томонидан беҳуда эрмакка айлантирилаётгандек. Чунки бу туйғуга енгил-елпи қараш, бир-бирини еру осмонга ишонмай яхши кўриб турмуш қуриб, орадан вақт ўтгач ажралишаётганлар кўплиги бунинг мисолидир. Муҳаббат илоҳий қудрат, у ҳар бир кишига насиб этсин.

Иззат АҲМЕДОВ

Tuyg'u

"ЧОУ" ЯПОНЧА КРОССВОРДИ



P.S. Японча кроссвордни ечиш тартиби газетамизнинг 2002 йил 5 июнь сонида берилган.

Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

ТВ-4 Халқаро телеканалида ҳар якшанба куни намойиш этилаётган "Инглиз тили Сиз учун" масофавий инглиз тили курсининг 12-дарс саволлари:

5 January

1. Why do you want to speak English and how long have you been studying the language?
2. What do you think makes an older person become restless with sitting at home after retirement?
3. Your resume is after sent with a "cover letter", a brief letter introducing yourself, Write a cover letter that you might send with your resume.

QUESTIONS for Episode 11

1. Do you think a young family with only one child should live in a private home or in a flat? Please explain your answer.
2. How difficult is it to save enough money to buy a house?
3. Describe your dream house.

Бизнинг манзил: Тошкент 700011, Навоий кўчаси 69, ТВ-4. "Инглиз тили Сиз учун" кўрсатувига ёки uztv-4-@,uzpak.uz электрон почтаси.

БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

ТИЛИ УЗУН

–Моҳира холанинг тили узунда! - деди Гулноранинг онаси қўшни аёлга.

Бу гапни эшитган Гулнора югуриб Моҳира холаникига кирди.

–Хола, жон хола тилийзи кўрсатинг..., - ялина бошлади у кир ювaётган холага. Хола оғзини очди.

–Ийе... Тилийз кичкина-ку! - деди Гулнора.

ЖОЙИДА ТУРИБДИ

–Аянгни холлари яхшими? - сўради холаси Гулнорадан.

–Ҳа, холи ўша жойида турибди, - деди ажабланиб у.

МЕН ЭМАС

–Сен ўқишни нега ёмон кўрасан? - сўради ўқитувчи.

–Ўқишни мен эмас, кўзим ёмон кўради, - деди ўқувчи.

ҚАНДАЙ БЎҒАМАН

–Қоч, илҳомимни бўғма, - деди шоир ўғлига.

–Ие..., дада Илҳом мендан каттаю... Қандай бўғаман?

МЕН ЕМАДИМ

–Ойи кечаги пирогни қаерга қўйдингиз? - сўради Дилшод.

–А..а..а пирогни Давлат еб қўйди, мен емадим, - деди пирог ушоқларини тераётган 5 ёшли Даврон акасидан қўрқиб.

Дилоромхон ТОҒАЕВА,
ўқитувчи

Xullas...

ИЛМИЙ ХУЛОСАЛАР ҲАМИША ҲАМ ТЎҒРИ ЭМАС

Қушшунос олимларнинг таъкидлашича, қушлар 6 километрдан баландликка уча олмайди. Қанотлиларнинг организми атмосфера юқори қатламига мослашмаган. Аммо қушлар орасида фазогир деб айтиш мумкин бўлганлари ҳам бор экан.

11300 метр баландликда учаётган ҳаво лайнерига урилган қанотли қуш буни исботлайди, деб хабар берилади Францияда чиқадиган "Пурнуа па" журналида. Яхшиямки, самолётнинг битта двигатели издан чиқди, қўниш эса муваффақиятли бўлди. Фолкленд оролчасидан 8300 метр баландликда учган оққушлар ҳам қушшуносларнинг юқоридаги фикрини рад этади.

Тасаввур қиласиз, темир бўлакларидан, яна қандайдир хомашёлардан ишланган бир неча тонналик ҳаво кемаси юзлаб йўловчиларни ортиб, еру осмон ўртасида учадию, 300-400 граммлик, нари борса 1-2 килолик қушлар эса энг баланд нуқтагача учолмаса... Шундай қилиб, олим зотининг ҳамма фикри ҳам тўғри чиқавермас экан.

МУШУК БАЛИҚ ОВЛАЙДИ

Уфа истироҳат боғи атрофида бир мушук яшайди. У уч хил рангда бўлиб, балиқ овлашни шунчалик хуш кўрганидан "балиқчи мушук" деган номни олган.

Балиқчилар кўл атрофига йиғилишса бўлди, Мурка ҳам уларнинг атрофида парвона. Балиқлар эса кўлда унчалик кўп бўлмагани боис қармоқнинг қимирлашини баъзан соатлаб кутишларига тўғри келади. Қармоқ қимирладими, Мурка учун ҳал қилувчи дақиқалар бошланади. Мушук балиқчига ёрдам бериш ҳаракатига тушади. Сувга қараб югуради, тўхтовсиз миёвлайди. Тўғрисини айтганда, у ўзининг ҳатти-ҳаракатлари билан ўлжанинг тезроқ қўлга киритилишига ҳисса қўшади. Бунинг эвазига "мўйловли балиқчи" сув жонзотлари билан сийланади.

Балиқ ови билан шуғулланиб юрганлар Мурканинг ақллилигига, ўз насибасини ҳалоллаб топаётганига ҳайрон қолишмоқда.

АСАЛЛИ... КЕМА

Руминиялик Ион Асталус ясаган кема дунё бўйича энг кичик деб тан олинса керак. Ўйинчоқ сифатида тайёрланган бу кемага мутлақо одатдан ташқари материаллар ишлатилди. Энг кўп ишлатилган хомашё дарахт шохлари бўлиб, улар асал билан ёпиштириб чиқилди. Спирт аралаштирилган асал кемачани жуда пишиқ-пухта, сувга тушганда чўкиб ёки бузилиб кетмайдиган қилди.

Улкан денгиз кемасининг барча қисмларини ўзида мужассам этган мини кемани ясашга бор-йўғи биттагина дарахт шохи, вино идишининг тиқини, бир қошиқча асал, айтишга ҳам арзимайдиган спирт сарфланди.

Ион Асталуснинг асалли кемаси қандай каромат кўрсатар экан? Бизнингча, фақат ҳайрат...

ana shunaqa gaplar

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-28.
Тиражи 31225 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир:
Камолиддин АЛИОХУНОВ,
Навбатчи:
Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marufat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва таргибот бўлими — 136-55-58.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium компьютерида
Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди —

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931 yildan chiqa boshlagan | 2003 yil 11 yanvar, shanba | № 4 (7509)

САРАЛАРНИ САРАЛОВЧИ СИНОВ

Olimpiada — 2003

НАТИЖАЛАР — ЭЪЛОНЛАР ТАХТАСИДА

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда умумтаълим фан олимпиадаларининг III босқичи мутасадди ташкилотлар вакиллари, методистлар, тажрибали ўқитувчилардан ташкил топган ҳайъат аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими вазирликларининг 2002 йил 24 октябрдаги 161 ва 304-сонли "Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича олимпиадалари тўғрисидаги янги таҳрирдаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қўшма буйруғи асосида олимпиада уюшқоқлик билан юқори савияда ўтказилди. Қишки таътил кунлари пойтахт мактабларининг иқтидорли ўқувчилари ҳам Мирзо Улуғбек туманидаги 50-мактаб ҳамда 3-бизнес мактабида ўтказилган, фан олимпиадаларининг III босқичи синовларидан ўтишди.

— Ҳар бир фан бўйича ҳакамлар ҳайъати тузилди ва ўрнатилган тартибда тасдиқланди. Олимпиада учун ишлаб чиқилган тест топшириқлари, ёзма иш вариантлари, амалий топшириқлар ва баҳолаш мезонлари Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли қарори билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълимнинг ДТСлари" талаблари асосида яратилди ва амалдаги ўқув дастурларига мазмунан мос келиши таъминланди, — дейди биз билан суҳбатда ТШХТББ бошлиғи ўринбосари Абдуманноп Собиров.

— Ҳайъат аъзоларининг ҳар бирига ёзма ишларни баҳолаш меъёрлари, оғзаки суҳбатда олимпиада иштирокчиларига қўйиладиган талаблар ҳақидаги ҳужжат тақдим этилди. Олимпиада қатнашчиси камида 20 тагача шеър ёд олган, 30 дан ортиқ бадиий асар ўқиган бўлсагина, она тили ва адабиёт фанидан юқори балл олиши мумкин эди, — дея изоҳ берди Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси услубчиси Холисхон Тўлаганова.

(Давоми 2-бетда)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ
4-бет

ЧЕМПИОН БЎЛИШ ОСОН ИШ ЭМАС
5-бет

БИЛИМ ВА МАҲОРАТ – ЮТУҚЛАР ПОЙДЕВОРИ
6-7-бетлар

БОҒЧАДА ҲАМ УЙДАГИДЕК
7-бет

ЮРТНИ ҚЎРИҚЛАШ – МУҚАДДАС БУРЧ
8-бет

СЕН БАХТЛИСАН, ЎҒЛОН!
9-бет

КОЛЛЕЖГА УСЛУБЧИ КЕРАКМИ?
10-бет

ҲАЁТ ҚАДРИНИ ...ДАН СЎРАНГ
11-бет

ҲАФТАНИНГ ҲАЛОКАТЛАРИ
13-бет

БЕЛЛАШУВЛАР ЯКУНЛАНМОҚДА
15-бет

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

TAYYORGARLIK

Vazirlar Mahkamasida Navro'z umumxalq bayramiga tayyorgarlik ko'rish va uni o'tkazish bo'yicha respublika komissiyasining majlisi bo'lib o'tdi. Unda tegishli vazirlik, idora va tashkilotlar rahbarlari, Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar kengashi raisining, Toshkent shahri va viloyatlar hokimlarining o'rinbosarlari ishtirok etdi.

Majlisni O'zbekiston Respublikasi Bosh vazirining o'rinbosari, mazkur komissiya raisi H.Karomatov boshqardi.

DARS JADVALIDA O'ZGARISH

Yangi yilning birinchi haftasidan Jizzax viloyati maktablarining 10-11 sinflari dars jadvaliga «Reproduktiv salomatlik va oilani shakllantirish» deb nomlangan fakultativ kurs kiritildi.

Mashg'ulotlar hukumat qaroriga binoan Respublika xalq ta'limi va sog'liqni saqlash vazirliklari tomonidan ishlab chiqilgan dastur asosida olib borilmoqda.

QOROVULBOZORDA KOLLEJ

Neftni qayta ishlovchilar, konchilar va quruvchilar shahri Qorovulbozorda 450 o'quvchiga mo'ljallangan sanoat-transport yo'nalishidagi kasb-hunar kolleji foydalanishga topshirildi. Zamonaviy texnik vositalari bilan jihozlangan auditoriyalar, kompyuter sinfi, fan kabinetlariga ega bo'lgan kollej majmuida yoshlarning yaxshi o'qishlari hamda hunar o'rganishlari uchun barcha sharoit yaratilgan. Yangi kollejning ochilishi marosimida Buxoro viloyati hokimi S.Xusenov ishtirok etdi.

QIZG'IN BAHSLAR OLDIDAN

Farg'onada 1985-1986 yilda tug'ilgan yoshlar o'rtasida basketbol bo'yicha xalqaro musobaqa bo'lib o'tdi. Unda Toshkent shahri, Andijon, Namangan, Farg'ona-1, Farg'ona-2 va Qirg'izistonning O'sh viloyati terma jamoalari o'zaro kuch sinashdi.

«Umid nihollari» va «Barkamol avlod» sport musobaqalari oldidan o'ziga xos tayyorgarlik vazifasini o'tagan ushbu bellashuvlar g'oyat qiziqarli va murosasiz kurashlarga boy bo'ldi.

Умид қиламизки, голиблар баҳори таътилгача фан сирларини чуқурроқ ўрганиб, фахрли ўринларни эгаллаб, талаба деган номга мактаб партасидаёқ сазовор бўладилар.

Ma'rifat

САРАЛАРНИ САРАЛОВЧИ СИНОВ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Биз Ислом университети қошидаги академик лицей ўқувчиси Муаттар Усмонова, Тошкент Молия институти қошидаги солиқ лицейи ўқувчиси Д.Эгамбердиева, Сирғали туманидаги 300-мактаб ўқувчиси Н.Каримова, Республика ихтисослашган лицейи ўқувчиси Ш.Назармуҳамедовларнинг кўп китоб ўқиганлари, асарлар ҳақида билдирган фикр-мулоҳазаларидан мамнун бўлдик. Улар орасидан бўлғуси танқидчилар етишиб чиқишига инондик, — дейишди ҳайъат аъзолари М.Мирзараҳимова ва Д.Шодиева.

Барча фан олимпиадалари ўз вақтида тинч ўтказилди. Фақат мактаб ҳовлиси ҳаяжонли ва шовқин эди. Ташқарида ҳар бир қатнашчининг устози, ота-онаси, дўстлари, ТХТБ услубчилари умид билан уларни кутиб туришди. Натижалар эса тайёр бўлиши билан эълонлар тахтасига пешма-пеш илиб қўйилди.



ЖАВОБ БЕРАЁТГАН КИМ? ЎЗБЕКМИ?

Бу саволни эшитиб, рус гуруҳларида ўзбек тили фани олимпиадаси ҳайъат аъзоси Бекпошша Уллиева Мирзо Улуғбек туманидаги 209-мактаб ўқувчиси Лена Дивицкаяни таништирди. Лена Эркин Воҳидовнинг "Ўзбегим" қасидасини шу қадар берилиб, ўзига хос тарзда ижро этдики, унинг ўзбек тилига ҳурмати, қизиқишидан беихтиёр суюниб кетасиз. У "Ўзбекистон — умумий уйимиз" мавзусидаги ижодий ишида ҳам юртига муҳаббатини самимий изҳор этган: – **"Ўзбекистон — менинг Ватаним, менинг туғилиб ўсган жойим, киндик қоним тўкилган замин. Ўзбекистонни яхши кўраман, яхши кўришимни эса ҳамма-ҳаммага айтгим келди".**

Юнусобод туманидаги 246-мактаб ўқувчиси Ш.Набихўжаев, Миробод туманидаги 110-мактаб ўқувчиси Ш.Саъдуллаевалар олимпиадага пухта тайёргарлик кўрганлари боис совринли ўринларни эгалладилар. ТДЮИ қошидаги академик лицейнинг 14-гуруҳ ўқувчиси Н.Азимованинг "Мустақиллик — улуғ неъмат" мавзусидаги ижодий иши ҳам режа асосида мазмунли ёзилгани таъкидланди. Унда шундай жумлалар бор: **"Ёшлар Ўзбекистоннинг қанотларидир. Мен ўша қанотларнинг бириман".**

Ҳа, биз ишонамиз, билимдон ва зукко олимпиада қатнашчилари Ўзбекистонимиз келажаги ва қанотларидир.

Аммо айрим қатнашчиларнинг оғзаки жавоблари, ёзма ишлари ҳайъат аъзоларини қониқтирмади. Никита Иванов (100-мактаб)нинг ёзма ишидаги айрим имловий хатолар бизни бироз ранжитди. Олимпиада қатнашчиси — ҳар бир туманнинг кўзгуси, шундай экан, сараларнинг сарасини танлай олиш ҳам ҳакамлардан алоҳида масъулиятни талаб этади.

ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА

Тарих фанидан олимпиада I турда мустақил иш, II турда тест синови асосида ўтказилди. Ҳайъат аъзоси Рихсивой Миркамолов қатнашчилар, уларнинг жавоблари ҳақида шундай фикр билдирди:

— Ўқувчиларга РТМ томонидан тайёрланган рангли расмлар берилиб, улар шу расмларда тасвирланган тарихий обидалар, уларнинг тарихий аҳамияти, қурилган вақти ҳақида маълумот беряптилар. Самарқанддаги Шердор мадрасаси, Бухородаги Сомонийлар мақбараси, Сурхондарёдаги Жарқўрғон мақбарасини олимпиада қатнашчилари яхши шарҳлаб, тарихий қадамжолар, меъморий ёдгорликлар ҳақида кўп маълумот билишларини намоён қилдилар. Тест саволлари энг қадимги даврдан ҳозирги давргача бўлган жараённи қамраб олган.

Шайхонтоҳур туманидаги 40-мактаб ўқувчиси С.Пўлатов, Юнусобод туманидаги 9-мактаб ўқувчиси Л.Рустамов, Республика нафис санъат ихтисослашган мактаби ўқувчиси Б.Қурбоновлар 9-синфлар ўртасида фахрли — I, II, III ўринларни эгалладилар.

ТАҚИ қошидаги лицейнинг I курс ўқувчиси Жавдад Мамадиевни эълонлар тахтаси ёнида учратдик. У биринчи ўринни эгаллаганидан шод эди.

— Мен техникага, аниқ фанларга қизиқаман. Аммо бувам Аҳмаджон Шокиров тарих ўқитувчиси эдилар. Шу сабабли тарихдан билимимни синаб кўришни ният қилган эдим. Дастлабки синов Хивадаги Калта Минор ҳақида бўлди. Уни расмга қараб, таърифлаб бердим. Сўнгра компьютерда тест синовларини бажариб, юқори балл тўплаб, ғолиб бўлдим. Асли андижонликман, у ердаги ва лицейдаги устозларимнинг билими бугун устун келиб, менга ғолиблик насиб этганидан хурсандман.

Тарих тилга кирганда, қуруқ фактлар жонланади, неча минг йиллик обидалар ўтмишдан сўзлайди. Ўз тарихини, аждодлар меросини билиш катта савоб ишдир.

ЧЕТ ТИЛЛАРИ — ЎЗ ОНА ТИЛИМДЕК

Жаҳон иқтисодиёти ва Дипломатия университети қошидаги академик лицей II босқич ўқувчилари Д.Асқаров ва А.Зайнобиддиновлар инглиз тили олимпиадасидан чиқиб келдилар. Улар таассуротларини шундай баён қилишди.

— Инглиз тилидан олимпиада уч турда – ёзма иш, оғзаки ижодий иш ва тест синови асосида ўтди. Биз "Никоҳ тўйлари ва бошқа оилавий маросимлар, уларга сарфланадиган ҳаражатлар"га ўз муносабатимизни билдириб, иншо ёздик. Расмларга қараб, инглиз тилида матн туздик. Фақат расмлар жуда оддий. Биз эса фикрлашга, мушоҳада юритишга, мураккаб матн тузишга ундовчи, инглиз тилида эркин гаплаша олишимизни кўрсатувчи расмлар берилишини истаймиз. Тест саволлари ҳам қийин эмас.

Баъзи фанлардан II, III ўрин ғолиблари чиқмагани ҳолда бу қатнашчиларнинг мураккаблик талаб қилишлари чет тилини ўз она тилидек билиб олганлари исботидир.

Инглиз тилида бурро сўзлаб, тест синовидан муваффақиятли ўтган ўқувчилар — Мирзо Улуғбек туманидаги 50-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ян Дмитрий 92 балл тўплаб I, Юнусобод туманидаги 17-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Сарвар Жиянов 89 балл билан II, Чилонзор туманидаги 178-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Марина Испалова 88 балл билан III ўринни эгалладилар. Ҳайъат аъзолари Ҳ.Ганиева, Л.Аҳмедовалар чет тилларига қизиқиш ортгани — иштирокчиларнинг ҳозирги кун талабини тўғри тушунганлари натижаси, деган хулосага келганларини алоҳида таъкидладилар.

"ЎҚИЙМАН, ЎРГАНАМАН, ИЗЛАНАМАН..."

Бу — Республика нафис санъат ихтисослашган мактаби 9-синф ўқувчиси Дилором Абдуллаеванинг шиори. Ушбу шиорга амал қилган Дилором фахрли I ўринни эгаллади. У "Комил инсон — менинг тасаввуримда" мавзусидаги иншосини шундай якунлайди:

— Ҳаётимдаги ҳар бир янгиликни, мўъжизани кўриб ҳайратланар эканман, уларни ўрганишни, ўзимда бўлишини хоҳлайман. Ўқийман, ўрганаман, изланаман. Демак, мен интилаяпман. Муҳими – йўлда адашмаслик.

Дилоромнинг кўп ўқиши, "Жаҳон адабиёти" журналида эълон қилинган "Мувозанат" романи ҳақидаги фикрлари нафис санъат лицейида адабиётга ҳавас кучли эканлигига далолатдир.

Худди шу мавзуда Собир Раҳимов туманидаги 249-мактабнинг 9-"Б" синф ўқувчиси, икки шеърий китоб муаллифи, ижодкор қизимиз Камола Убаева ҳам теран фикр юритиб, ижодий иш ёзган:

— Комил инсон баъзилар ўйлаганидек, зоҳид, узлатга чекиниб, дунё ишларини ташлаб қўйган инсон эмас, асло. Ахир, айтинг-чи, наҳотки, кимдир Алишер Навоий бобомизни зоҳид дея олса? Йўқ, ҳеч ким уларни бундай, деб атай олмайди. Чунки бобомиз элпарвар ҳоким, ҳақгўй шоир, сирасини айтганда, менинг тасаввуримдаги комил инсондир.

Коллеж ўқувчилари ҳам фикрлашда, билимдонликда етук эканликларини кўрсатдилар. 1-Тошкент педагогика коллежи II курс ўқувчиси Садоқат Каримбердиева "Улки огоҳларнинг огоҳидир" мавзусида ёвузликка нафрат, огоҳликка даъват, Ватанга муҳаббат ила ёзади:

— Инсон қашшоқ бўлмагунча бойликнинг, нотинчлик кўрмагунча осудаликнинг қадрига етмас экан. 1999 йил 16 февраль воқеалари одамларнинг кўзини очди. Энди улар атрофга зийраклик билан қарай бошладилар. Биз Ватанимизни ҳимоя қилишимиз керак, Ватан эса оиладан бошланади. Демак, ўз уйимизни ҳимоя қилар эканмиз, маҳалламиз, жамиятимизни ҳам ҳимоя қиламиз. Шунда бизнинг ҳур, мустақил Ўзбекистонимизга ҳеч қандай ёвуз куч раҳна сололмайди.

Мирзо Улуғбек туманидаги 275-мактабнинг 10-"А" синф ўқувчиси Элгиза Нурова "Тил — миллат фахри" номли ижодий ишида ўз она тили билан фахрланиши, бу тил мангуликка даҳлдорлиги ҳақида ёзади:

— Она тилим, сен йўлимни, ёруғлик ила юрагимни меҳр билан тўлғазувчи нурсан! Оналаримиз алласи ила тилимиз мангу яшаб келмоқда. Уларнинг беозоргина, жажжи гўдагига айтган алласи она тилида куйланади.

БИР МАКТАБДАН ИККИ ҒОЛИБ

Информатика ва ҳисоблаш техникаси — замонавий фанлардан бири. Информатикадан олимпиада қатнашчиларининг деярли 90 фоизи ўғил болалар. Бу фан синовлари бирмунча мураккаб, қатнашчиларга тест синовидан сўнг учта масала берилади. Масалаларни ечиб, дастур тузиш керак эди. Эътиборимиз ўғил болалар орасидаги икки нафар қизга тушди. Натижаларини суриштирдик. Гулмира Азаматова биринчи, Нодира Ҳожимуродова иккинчи ўринни эгаллабди. Бу икки ғолиб, қарангки, Юнусобод туманидаги 274-мактабнинг 9- ва 10-синф ўқувчилари экан.

— Тест синовидан 62 балл йиғдим, тўртта саволга тўғри жавоб топа олмадим, холос. Кейин масала ечдим. Саватда бир қанча олма бор эди, ундан бир доналаб, 2, 3, 4, 5, 6 доналаб олинганда биттадан қолдиқ қолди. Етти доналаб олинганда қолдиқ қолмади. Шу масалани ечиб, дастур туздим. Афсуски, компьютерда секинроқ ишлаганим учун бир масалани еча олмадим. Ечилмаган масалага эса балл берилмайди. Келажакда Молия институтига кириб ўқиш ниятим бор, кейинги йилга янада пухта тайёрланиб, биринчи ўринни эгаллаб, институтга имтиёзли кириш учун ҳаракат қиламан. Устозим Аҳад ака Азаматов сабоқларини оқлайман, — дейди Нодира.

Дарвоқе, Низомда кўрсатилишича, фан олимпидаларининг IV босқичида фанлардан 76 ва ундан юқори балл олиб, I, II, III ўринларни эгаллаган умумий ўрта таълим мактабларининг 11-синф ҳамда академик лицей, касб-ҳунар коллежларининг III курс ўқувчилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги 157-сонли қарорига биноан олий ўқув юртларига имтиҳонларсиз кириш имтиёзига эга бўладилар.

ЎЗ ҲУҚУҚИМИЗНИ ПУХТА БИЛСАК...

Ҳуқуқшунослик фанидан олимпиада кескин ўтди. Бу фан мураккаб бўлгани учун юқори балл тўплаганлар 9-синфлар ўртасида деярли бўлмади. Юнусобод туманидаги 260-мактаб ўқувчиси Юлдуз Турдалиева 79 балл, Чилонзор туманидаги 178-мактаб ўқувчиси Тимур Бигуров 77 балл, Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактаб ўқувчиси Элёр Қувноқов 76 балл тўплаб, I, II, III ўринларни эгаллашди.

— Биз ўз ҳуқуқларимизни пухта билсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз. "Сен ҳуқуқни биласанми?", "Сен қонунни биласанми?" каби кўрик танловлар ҳам бежиз ўтказилаётгани йўқ. Бунга юзаки қарамаслик керак.

Албатта, биз ҳам бу фикрларга қўшиламиз. Зеро, ҳуқуқий демократик давлат қуриш сари интиляпмиз-ку!

ЯНГИЛИКЛАР

ХТВ ва ОЎМТ Вазирликларининг қўшма буйруғига илова тарзида Низом тасдиқланди. Унга кўра, иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш, улардаги ноёб фазилатларни янада ривожлантириш мақсадида ҳамкорликда ўтказилаётган олимпиадада умумтаълим фанларидан ўтказиладиган халқаро олимпиадаларда иштирок этувчи Республика жамоаси аъзолари ғолиблар ичидан танлаб олинади. Натижада, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари асосида умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, малака ошириш ҳамда қайта тайёрлаш институтлари орасидаги таълим узлуксизлиги таъминланади. Олимпиаданинг якунловчи босқичи ғолиблари орасидан халқаро фан олимпиадаларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишга муносиб ўқувчилар аниқланади ва Республика терма жамоасига номзодлар таркиби шакллантирилади.

– Физика, математика, кимё, биология ва информатика фанлари бўйича совринли ўринларни эгаллаган умумтаълим мактабларининг 10- синф ҳамда академик лицей, касб-ҳунар коллежларининг 1-2 курс ўқувчилари Халқаро олимпиадада иштирок этувчи терма жамоага аъзо бўлишлари муҳим янгилик ҳисобланади, — дейди РТМ услубчиси Ҳафиза Ибраимова, — бу эса ўқувчиларда масъулият ва ишончнинг янада ортишининг асосий омилларидан.

ЭЪТИРОЗЛАР, ТАКЛИФЛАР

Олимпиада беш кун бир жойда давом этди. Унда мингдан ортиқ ўқувчи қатнашди. Авваллари ҳар бир фан олимпиадаси белгиланган бир неча мактабларда ўтказиларди. Шу ўринда биз ота-оналар, устозлар, ўқувчиларнинг айрим эътирозларини ҳам айтиб ўтмоқчимиз.

Ҳар бир фан олимпиадасида юздан ортиқ ўқувчи иштирок этди. Тест синовлари ўтказиладиган айрим хоналарда 7-8 та компьютер бор, холос. Шунинг учун ўқувчилар 7-8 та гуруҳга бўлиниб, синовга кирди. Демак, айрим қатнашчилар кечгача ҳам қолиб кетишди. Оғзаки жавоблар, ёзма иш натижалари эртасига эълон қилинди.

Албатта, бу каби жузъий камчиликлар олимпиада қатнашчиларининг барчаси томонидан айтилмади. Талаб қилган ўқувчиларга ёзма ишлари кўрсатилди, хатолари тушунтирилди. Олимпиада ўтаётган жойда навбатчилик ишлари намунали ташкил қилинди. Олимпиада учун тест топшириқлари, ёзма иш ва амалий топшириқлар кўп вариантлилик тамойили асосида РТМ томонидан ДТМ билан келишилган ҳолда тайёрланиб, махфийлиги таъминланди. Қуръа ташлаш йўли билан белгиланган компьютерда ўқувчилар тест топшириқларини бажардилар.

Шунингдек, математика, физика, кимё, биология, география, чизмачилик, иқтисодий билим асослари, рус тили каби фанлардан ҳам олимпиада Низом асосида ўтказилди.

СЎНГГИ СЎЗ

Биз Республика олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган ғолиблар рўйхатини газетамиз саҳифаларида эълон қиламиз. Умид қиламизки, ғолиблар баҳорги таътилгача фан сирларини чуқурроқ ўрганиб, фахрли ўринларни эгаллаб, талаба деган номга мактаб партасидаёқ сазовор бўладилар.



Маҳмуда ВАЛИЕВА,
"Маърифат" мухбири

Суратларда: "Олимпиада — 2003" умумтаълим фанлари бўйича III босқич — Тошкент шаҳар кўрик-танлови жараёнидан лавҳалар акс этган.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар

Биламизки, ҳозир мактабда олиб борилаётган ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг янгича шакллари ўзининг ҳар томонлама афзалликларини аллақачон исботлаган. Шунинг учун ҳам Самарқанд шаҳар, Сиёб туманидаги 5-ўрта мактабнинг 1-тоифали ўқитувчиси Шаҳодат Ҳамдамованинг "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция"га бағишлаб ўтказган топқирлар беллашуви баённомасини эътиборингизга ҳавола қилаяпмиз. Ўйлаймизки, бу каби ноанъанавий таълим усуллари ҳеч бир педагогнинг назаридан четда қолмайди.

БЕЛЛАШИБ ЎРГАНАМИЗ

Сценарий

– Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар, муҳтарам устозлар ва билимдон ўқувчилар. Биз бугун мактабимизнинг 8-"Е", 8-"Г" синф ўқувчилари ўртасида "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция "юзасидан бўладиган беллашувни томоша қилгани тўпланганмиз. Ўқувчилар "Бола ҳуқуқлари ҳақидаги конвенция" асосида ўрганган билимлари асосида ўзаро куч синашадилар. Ўйлаймизки, беллашувда иштирок этган барча ўқувчилар қалбида ҳуқуқшуносликдан ўзига хос дарс бўлиб ўрин олажак. Чунки ҳар бир инсон ўзининг ҳуқуқий билимлари ва маданиятини ошириб бориши ва кўп қирраларини ёшлигиданоқ билиши жуда-жуда зарур. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда, бугунги беллашув барча қатнашчиларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

Энди рухсатингиз билан даврага гуруҳ аъзоларини таклиф этамиз. Марҳамат "Аср ёшлари" гуруҳини саҳнага таклиф этамиз (гуруҳ аъзолари мусиқа садолари остида саҳнанинг бир томонидан жой оладилар).

– Даврага "Билимдонлар" гуруҳини таклиф этамиз. Марҳамат!

(Бошловчи давом этиб шартларни таништиради.)

– Ҳурматли беллашув қатнашчилари, гуруҳларимиз қуйидаги шартлар бўйича ўз билимларини синайдилар.

1-шарт – Табрик ва таништириш. (Гуруҳлар ўзларини таништирадилар.)

2-шарт – "Бола ҳуқуқлари ҳақидаги конвенция"ни қай даражада биласиз? (Конвенция моддалари ёзилган карточкани тортиб, ундаги гапларни давом эттириб, қайси модда эканлигини айтишлари лозим.)

3-шарт – Расмларни изоҳлаб бериш. (Шарни ёриб, шар ичидаги расм қайси моддага тегишли эканини изоҳлаб, шу модданинг мазмунини айтиб беришлари шарт.)

4-шарт – "Талаб ва истаклар" варақчалари юзасидан билимларини синаш.

5-шарт – гуруҳ сардорларининг беллашуви.

Ассалом тенгдошлар, даврамизга марҳабо.

Дугоналар, жўралар, даврамизга марҳабо.

Саломимиз Улуғбекнинг юлдузидек беҳисоб,

Сизга бўлган ҳурматимиз, меҳримиз гўё офтоб.

Таништириш экан шартимиз
Танишинглар бизлар билан ҳам.

Биз 8-"Е" синфининг
Шўх, билимдон ўғил-қизларидан.

Гуруҳимиз сардори бизнинг Умиджон
Ўқишда ва ишда жуда билимдон.

Дарсда зийрагу, жуда ҳушёр,
Юрист бўлар, албатта, ё бўлар актёр.

Фармон, Жафар, Элёржон
Улар катта дебатёр.
Асло баҳслаша кўрманг
Сўнгра афсусда қолманг.

Келажакда Фармонжон
Бўлмоқчидир тадбиркор.
Жаъфар эса дипломат,
Орзуси ушалсин албат.

Бизнинг қизимиз Раъно
Қизлар ичра у барно
Бизнинг дўстимиз Элёр
Бўлади зўр режиссёр.

Фирдавс бўлмоқчи ҳарбий
Бунга ишонар қатъий.
Кўринмаса у дарсда,
Демак, у спортзалда.

Дилноз, Зарин, Шаҳзода
Таржимон бўлсам дейди.
Хориж тилин мукаммал
Ўрганиб олсам дейди.

Нилуфар ва Сухробжон
Ичимизда энг гапдон,
Келажакда, чиқади
Улардан зўр сухандон.

– Мана командамиз аъзолари билан ҳам бирма-бир танишиб олдингиз. Ийе, буёғи қандай бўлди? Гуруҳимиз номини айтмадик-ку!

– Гуруҳ сардори:

–Ҳозир, ҳозир ҳаммасини тузатамиз.

– Гуруҳ текислан, ростлан!

– Бизнинг гуруҳ:

Ҳамма: "Аср ёшлари"

– Бизнинг шиор:

Ҳамма: "Ҳуқуқини таниганнинг ҳаёт йўли равондир,
Фарзандлари бахтли юртнинг келажаги порлоқдир."
("Ўзбекистон ёшлари" қўшиғи ижро этилади)

Бола ҳуқуқлари конвенциясин
Ўрганмоқ мақсад
Ўрганиб амал қилмоқ
Олий фазилат.
Синашайлик куч-билим
Кимда қанча маҳорат.
Беллашайлик ўртоқлар
Кенг даврага марҳамат!

Бошловчи:

– Энди навбат 8-"Г" синф гуруҳига (2-гуруҳ ҳам ўзини таништиради)

– Навбат "Табрик ва таништириш" баҳоларини эълон қилиш учун ҳайъат аъзоларига берилади. Марҳамат.

(Ҳайъат аъзоси баҳони эълон қилади)

Бошловчи:

– Мана, дастлабки баллар ҳам қўлга киритилди. Энди беллашувнинг 2-шартига ўтамиз. Гуруҳ сардорлари чиқиб, савол танлаб оладилар.

1-КАРТОЧКА

Болаларга нисбатан барча хатти-ҳаракатларда болаларнинг...

ЖАВОБ:

Бу карточкадаги гаплар Бола ҳуқуқлари ҳақидаги Конвенциянинг 3-моддасидан олинган бўлиб, унда шундай дейилган:

Болаларга нисбатан барча хатти-ҳаракатларда болаларнинг манфаатлари яхшироқ таъминланишига биринчи даражали эътибор берилади.

2-КАРТОЧКА

Иштирокчи давлатлар ҳар бир боланинг ижтимоий таъминот...

ЖАВОБ:

Бу карточкадаги гаплар Конвенциянинг 26-моддаси бўлиб, унда "Иштирокчи давлатлар ҳар бир боланинг ижтимоий таъминот неъматларидан фойдаланиш ҳуқуқини эътироф этадилар", дейилади.

3- КАРТОЧКА

Иштирокчи-давлатлар боланинг соғлиқни...

ЖАВОБ

"Иштирокчи-давлатлар боланинг соғлиқни сақлаш тизимининг такомиллашган хизматларидан, касалликларни даволаш ва саломатликни тиклаш воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқини эътироф этади", дейилади Конвенциянинг 24-моддасида.

Бошловчи:

– Навбат "Билимдонлар" гуруҳига (2-гуруҳ ҳам шу тариқа жавоб беради)

–2-шарт бўйича баҳолаш учун сўз ҳайъат аъзоларига берилади.

(Ҳайъат аъзолари гуруҳларнинг тўплаган баҳоларини эълон қилишади).

Беллашувимизнинг 3-шартига ўтамиз. 3-шарт бўйича беллашув иштирокчилари шиширилган шарни ёриб, унинг ичидаги расмларни изоҳлаб беришлари керак, яъни сиз кўриб турган расм Конвенциянинг қайси моддасига тааллуқли эканлигини айтинг, модданинг мазмунини сўзлаб беринг.

Навбат "Аср ёшлари" гуруҳига. Марҳамат!

1-РАСМ 2-РАСМ

1-ЖАВОБ:

Берилган расм Конвенциянинг 13-моддасига тааллуқли бўлиб, унда "Болалар ҳар қандай чегаралардан қатъий назар, уларни қизиқтирувчи ахборотни олиш ҳамда ўз нуқтаи-назарларини айтиш ҳуқуқига эгадирлар".

2-ЖАВОБ:

Бу расм Конвенциянинг 12-моддасига тааллуқли бўлиб, унда "Болалар эркин фикр билдиришга эгалар ва бу фикрлар инобатга олиниши шарт. Айниқса, бу фикрлар уларга бевосита тегишли бўлса".

(2-гуруҳ шу тариқа жавоб беради)

Бошловчи:

3-шартни баҳолаш учун сўз ҳайъат аъзоларига берилади. (Ҳакамлар ҳайъати балларни эълон қилади).

Энди тўртинчи шартга ўтамиз. Унда қатнашчилар "Талаб ва истак" тушунчаларини фарқлай олишлари лозим.

Навбат "Аср ёшлари" гуруҳига. Марҳамат!

Ойнаижаҳон - ?
Ширинликлар - ?
Маълумот олмоқ - ?
Таътил кунларида саёҳат - ?
Зарурий тиббий хизмат кўрсатиш - ?
Тоза сув - ?

ЖАВОБ:

Ойнаижаҳон _____ИСТАК
Ширинликлар _____ИСТАК
Маълумот олмоқ ___ТАЛАБ
Таътил кунларида саёҳат—ИСТАК
Зарурий тиббий хизмат кўрсатиш _ТАЛАБ
Тоза сув _____ТАЛАБ

Шу тариқа 2-гуруҳ ҳам шартни бажаради.

Бошловчи:

– 3-шартни изоҳлаб бериш учун сўз ҳайъат аъзоларига берилади. (Ҳайъат аъзолари сўзга чиқади).

Энди ҳар бир гуруҳнинг сардорларини саҳнага таклиф этамиз. Марҳамат!

Гуруҳ сардорлари қайси рақамларни тортиб олсалар, Конвенциянинг шу рақамдаги моддасини айтиб беришлари шарт. Марҳамат қилиб 5-шартни бошлаймиз.

1-бўлиб "Аср ёшлари" гуруҳи сардори Шамсиев Умиджондан рақамларни тортиб олишларини сўраймиз. (У 48- ва 47-рақамларини тортиб олди).

ЖАВОБ:

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 48-моддасида: "Ушбу Конвенция унга ҳар қандай давлатнинг қўшилиши учун очиқдир. Қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатлар сақлаб қўйиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига топширилади."

47-модда: "Ушбу Конвенция ратификация қилиниши зарур. Ратификация ёрлиқлари сақлаб қўйиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига топширилади".

(Шу тариқа 2-гуруҳ сардори ҳам жавоб беради.)

Бошловчи:

– Кўриб турибсизки, сардорлар беллашувида иккала гуруҳ сардори "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция"нинг 4-шарти бўйича ўзларининг билимларини намойиш этиб 5 баллдан қўлга киритдилар.

(Мусиқий танаффус)

Бошловчи:

Азизлар, бугунги беллашувда ҳар бир гуруҳ ўз деворий газеталари билан қатнашмоқда. Ҳозир газеталарга қўйилган баҳоларни изоҳлаб бериш учун сўз ҳайъат аъзоларига берилади.

(Баллар ҳисобланиб эълон қилинади.)

Шундай қилиб, бугунги беллашувда 35-балл тўплаган "Аср ёшлари" гуруҳи ғолибликни қўлга киритди. Рухсат этсангиз барчангиз номингиздан ғолиб гуруҳ аъзоларини қутласак.

Яна шуни алоҳида қайд этишни истардимки, бугунги беллашувда ғолиб "Аср ёшлари" гуруҳигина эмас, назаримда, барча қатнашувчилар ғолибдирлар. Энг қувончлиси, шуки, кутганимиздек, бугунги беллашувда юксак даражадаги ҳуқуқий билим тантана қилди.

Ш.ҲАМДАМОВА,
Сиёб туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси

Ахборот хавфсизлигини таъминлашда биринчи навбатда хавф манбаларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш чораларини кўриш бўйича бир мақсад сари йўналтирилган самарали фаолият олиб бориш талаб қилинади.

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

Гувоҳ бўлиб турганимиздек, замонавий компьютер технологиялари ҳаётимизга тез кириб келмоқда. Турли ахборот технологиялари, автоматлаштирилган тизимлар ва маълумотлар базаси – давлат тузилмаларини, иқтисодиётни ва мамлакат мудофаасини бошқаришнинг ажралмас қисми бўлиб қолди. Ҳатто ушбу ахборот тузилмалари фаолияти самарадорлигининг пасайиши ёки издан чиқишини миллий хавфсизлигимизга таҳдид сифатида қараш мумкин. Ҳозирда халқаро майдонда давлатнинг қудрати – унинг ҳарбий кучи билан эмас, балки иқтисодий ва ахборот потенциали билан баҳоланади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда замонавий технологияларни ривожлантиришга йўналтирилган кўпгина қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу давлатнинг ахборот инфраструктурасининг шаклланишида ижобий аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият билан яқинлашуви, кўплаб давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши бизнинг ахборот ҳудудимизда чет эл оммавий ахборот воситаларининг, айниқса телевидение кўрсатувлари ва эшиттиришларининг ҳажми ошишига, тарқатилаётган даврий нашрларнинг сони кўпайишига олиб келди. Бу, албатта, халқимизнинг ахборот олиш имкониятларининг кенгайишига ижобий таъсир ўтказди.

Лекин, айрим давлатлар, халқаро уюшмалар ва транснационал корпорациялар томонидан ўзларининг сиёсий ва иқтисодий манфаатларини кўзлаган ҳолда фаолият кўрсатишлари, яъни маънавиятимизга ўз таъсирларини кучайтириш бўйича геополитик уринишлари ҳам учраб турибди.

Шу сабабли ҳам замонавий ахборот бозорини шакллантиришда ахборот хавсизлиги **муаммолари алоҳида ўрин тутмоқда. Ахборот хавсизлиги, бу – шахс, жамият ва давлат манфаатларининг шаклланиши ва ривожланишини таъминловчи ахборот мажмуининг ҳимояланган ҳолатидир.**

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кўплаб қўлланилаётган ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш тизимларидан фойдаланишда ҳимоя ва киришни чеклаш воситаларидан тўлалигича фойдаланилмаяпти. Бу миллий хавфсизликка таъсир қилувчи маълумотларнинг четга чиқиб кетиши ва давлат ахборот майдонига, жамиятдаги мувозанатга салбий таъсир қилувчи маълумотларнинг эса кириб келиши хавфини кучайтиради.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашда ахборот ресурсларига тажовуз, яъни компьютер тизимларига ноқонуний кириш ва маълумотларни ўғирлаш ёки уларга путур етказишга қаршилик кўрсатиш алоҳида ўрин эгаллайди. Ахборот ресурслари деганда, бу – қандай кўринишдан ёки сақланишдан қатъий назар, ахборот тизимларига киритилишга тайёрлаб қўйилган ёки киритилган маълумотлар (ҳужжатлар, ҳужжатлар тўплами, маълумотлар базаси, кутубхоналар фонди, архивлар) тушунилади. Улар дискетларда ёки қўлёзма сифатида жилдларда сақланиши мумкин.

Бугунги ҳаётимизда ахборот, аниқроқ қилиб айтганда, ахборотнинг тезкорлиги, конфиденциаллиги, ҳаққонийлиги, яхлитлиги ва бошқа шу каби жиҳатлари муҳимдир. Жумладан, ахборотнинг алмашиш тезкорлиги ва ҳаққонийлиги аниқ ва тўғри қарор қабул қилишга ёрдам берса, конфиденциаллиги, яхлитлиги, махфийлиги, янгилиги ва "ноу–хау" ахборотларни сақлашда ва узатишда катта аҳамиятга моликдир.

Ахборот йўқолган ёки шикастланган тақдирда у ташкилотга салбий таъсир кўрсатиши, айрим ҳолларда уни инқирозга олиб келиши мумкин. Шу сабабли ахборотга материаллашмаган актив сифатида қараш мумкин. Демак, бу активларни ташқи ёки ички, табиий ёки техноген салбий таъсирлардан сақлаш лозим.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашда биринчи навбатда хавф манбаларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш чораларини кўриш бўйича бир мақсад сари йўналтирилган самарали фаолият олиб бориш талаб қилинади.

Яна бир масала – бу республикамиз ахборот майдонида халқимизнинг асрлар давомида шаклланган маънавий ва маърифий қадриятларига зид маълумотларнинг кенг тарқалиши билан боғлиқдир.

Дунёда содир бўлаётган мудҳиш ҳодисалар оммавий ахборот воситаларини ёвуз кучлар учун нафақат ахборот олиш воситасига, балки ўзига манфаатли бўлган ахборотларни тарқатиш бўйича муҳим қуролга айлантирди. Бу уларнинг аҳоли кайфиятига, ҳукумат идораларининг қарор чиқаришларига, жамоатчилик фикрига таъсир ўтказишларига имкон яратди.

Оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрини шакллантирувчи восита эканлигини, ундан миллий хафсизлигимизга, миллатлараро тотувлик ва тинчлигимизга, маънавий ва маърифий онгимизга таъсир этувчи "қурол" сифатида фойдаланиш мумкинлигини эътиборга олган ҳолда, ахборот хавфсизлигини таъминлаш талаб қилинади.

Ўтган йили кузда Москвада чечен жангарилари томонидан оддий фуқароларни гаровга олиш билан боғлиқ бўлган мудҳиш ҳодисалар, антитеррорчилик тадбир ва умуман давлат ахборот хавфсизлигини хавф остига қўйди. Фавқулодда ҳодисалар вақтида ҳокимият билан ОАВ ўртасидаги муносабатларнинг йўлга қўйилмаганлиги оқибатида ҳужум бошлангунича телекомпаниялар воқеа содир бўлган жойдан, ҳар хил фактлар ва шовшувларга шарҳ бериб ёритиб турдилар. Теле ва радио эфирда гаровдагиларнинг ва террорчиларнинг овозлари янграб турди. Гаровдагилар қариндошларининг тушкунликка туширувчи ҳис-ҳаяжонли чиқишлари эфирни қамраб олди. "Қизил майдонда" бандитлар талаб қилаётган ҳарбий кучларга қарши митинг бошланишига бир баҳя қолди. Даврий нашрлар тезкорликда телевидениедан ўтишга ҳаракат қилиб, тезкор штаб тадбирларини, махсус хизмат режаларини ўзлари сезмаган ҳолда фош эта бошлади. Журналистлар қайси мавзуни ёритишни ўзларининг дунёқараши ва ватанпарварлигидан келиб чиқиб шахсан танладилар. Бундай ҳаракатлар ҳам қурбонларнинг кўпайишига олиб келмадимикан?

Бундай ҳодисалар таҳлили ва халқаро тажрибадан келиб чиқиб, журналистлар масъулиятини оширувчи ва давлат мутасадди идоралари билан ўзаро ҳаракатларни тартибга солувчи қонун ва қоидаларни ишлаб чиқишга, биргаликда учрашувлар, семинарлар ўтказишга эътибор берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳаракатдаги ахборот жабҳаси таҳлил қилинганда, ахборот хавфсизлигини таъминлаш зарур бўлган йўналишлар ажралиб чиқади. Улардан долзарблари бу сўзсиз "Давлат сирларини сақлаш тўғрисида"ги қонуннинг, Ўзбекистон "Жиноят кодекси"даги зўравонлик, порнография, миллатчилик ва бошқа жиноятчиликка тегишли моддаларнинг бажарилишига эришишдир. Лекин сиёсий-мафкуравий йўналиш ҳам давлатимизда ахборот майдонининг шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Бу йўналишда эътибор бериш зарур бўлган масалалар қуйидагилар бўлиши мумкин:

– маълумотларни маълум шахслар ёки гуруҳларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тарқатилишининг олдини олиш;

– миллий, маданий меросларимизни, она тилимизни ҳимоя қилиш, маънавий – ахлоқий анъаналаримизга ёт бўлган ҳар хил маданиятлар экспансиясига қаршилик кўрсатиш;

– очиқ ахборот манбаларига бемалол кириш ва улардан фойдаланиш имкониятини яратиш;

– сўз эркинлигини ва ҳаққоний маълумотлар тарқатилишини таъминлаш.

Охирги икки масалага алоҳида урғу бермоқчи эдик. Чунки оммага очиқ ахборот манбаларига бемалол киришни, улардан фойдаланишни ва ҳаққоний маълумотлар тарқатилишини таъминлаб бермасак, бу маълумотлар бизга қарши кучлар томонидан бузилган ҳолда талқин қилиниб, тарқатилиши мумкин.

Ушбу йўналишдаги муҳим масалаларни ҳал қилиш ва қонуний баҳо бериш, жумладан, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий ахборот воситаларини мониторинг қилиш ва уларни лицензиялаш марказига ва унинг ҳудудий бўлинмаларига юклатилган. Ўйлаймизки, бу муҳим ва долзарб вазифани бажаришда, мутасадди шахслар масъулиятни ҳис қилиб, давлатимиз ва ҳозирги замон талаблардан келиб чиқиб ишга ёндошадилар.

Қ.ШЕРМАТОВ,
ЎзМАА ОАВ мониторинги ва уларни лицензиялаш маркази бошлиғининг ўринбосари

БАРКАМОЛ АВЛОД — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Одоб-ахлоқ маънавий қадрият сифатида инсоният тарихининг барча даврларида эътиборга молик бўлган. Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Мотурудий, Алишер Навоий, Юсуф Хос Ҳожиб каби буюк бобокалонларимиз бизга одоб-ахлоқ бобида тенги йўқ дурдоналар қолдирганлар.

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистонда аҳлоқ-одоб илми, маънавият масалалари устувор сиёсатга айланди. Фарзандларимизни меҳр-оқибатли, Ватанга садоқат туйғуси жўш урган имон-эътиқодли инсонлар қилиб тарбиялаш йўлида кенг имкониятлар очилди.

Президентимиз ташаббуси ва кўрсатмалари билан узлуксиз таълим тизимига Диншунослик фанини жорий этиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Дин ҳақида маълумот берувчи қўлланма ва дарсликларни яратишдан мақсад буюк мутафаккир аждодларимиз томонидан бунёд этилган бой илмий меросимизни, бетакрор маданиятимизни, шунингдек, замонавий фалсафий қарашларни ўзаро уйғунлаштирган ҳолда ёш авлодга етказишдир. Шу билан бирга уларнинг диний билим ва маълумотларга эга бўлишларига кўмаклашиш, бошқа барча конфессияларга ҳурмат билан қараш, диний бағрикенглик, жамиятда диний айирмачиликка йўл қўймаслик, дунёвий ва диний қараш ва ақидаларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга йўл бермаслик руҳида тарбиялашдир.

Шу мақсадни кўзлаб қўлланма ва дарсликлар яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиб, Тошкент Ислом университети ва Тошкент давлат шарқшунослик институти профессор-ўқитувчилари, Фанлар Академияси шарқшунослик институти илмий ҳодимлари ва халқ таълим тизимидаги тажрибали услубиётчи-мутахассис ва ўқитувчилардан иборат ижодий гуруҳлар ташкил этилди. Мазкур гуруҳлар томонидан мактабгача таълим муассасаларидан тортиб то олий ўқув юртларигача қўлланма ва дарсликлар яратилди.

Яратилган қўлланма ва дарсликларни синовдан ўтказиш мақсадида 2001-2002 ўқув йилида Тошкент шаҳрининг таълим муассасаларида ўқув тажриба майдонлари танлаб олиниб, диншунослик фанидан дарс берувчи ўқитувчиларни тайёрлаш учун махсус малака ошириш курслари ташкил этилди.

Синов натижалари, таҳлил ва хулосалар асосида қўлланма ва дарсликлар такомиллаштирилиб, 2002-2003 ўқув йилида Халқ таълими вазирлиги тавсияси асосида ҳар бир вилоятнинг муайян таълим муассасаларида тажриба майдонлари ташкил этилди.

6-10 январь кунлари Тошкент Ислом университетида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги Диншунослик фани бўйича тажриба-синов майдонларида дарс берувчи тарбиячи ва ўқитувчиларнинг малака ошириш курслари ташкил этилди. Мазкур ўқув курсида республикамизнинг таниқли тарихшунос, диншунос ва исломшунос олимлари, дин уламолари ҳамда соҳанинг етук мутахассислари "Ўзбекистонда диншунослик фанини ўқитишнинг моҳияти ва вазифалари", "Одобнома", "Дин ва Давлат муносабатлари", "Жаҳон динлари", "Юртимиз алломалари", "Исломдаги мазҳаблар" каби мавзуларда маърузалар ўқидилар.

Узлуксиз таълим тизимидаги ўқувчиларни миллий истиқлол ғоясига, миллий ва диний урф-одатларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, уларга барча динлар тарихини илмий нуқтаи назардан тўғри тушунтириш, кўпмиллатли мамлакатимизда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ортиқбек ЮСУПОВ,
фалсафа фанлари номзоди

Ўйинлар болажонларнинг ақлий ривожланишини таъминлаб, уларни гўзалликка, нафосатга ошно қилади. Ўйинларни болалар даврасида, меҳрибон боғча опа ёрдамида ўрганишнинг эса ўз гашти бор.

Боғча опа қанчалик болаларга меҳр билан тарбия берса, уларни турли ўйинларга қизиқтирса, болада ҳам ҳар куни севимли масканига боришга иштиёқ туғилаверади.

Тошкент шаҳридаги 247-мактабгача таълим муассасасида 200 дан ортиқ болалар тарбияланадилар. Ана шу болаларга тарбия беришда тарбиячи Барно Қодирова бор маҳоратини ишга солади.

Суратда: Б.Қодирова болаларга сенсор ўйинларини тушунтирмоқда.

***Б.РИЗОҚУЛОВ** олган сурат*

Спорт миллатни жаҳонга танитишда муҳим омил ҳисобланади. Чунки спортга қизиқмайдиган, бефарқ инсоннинг ўзи йўқ. Биргина спортнинг каратэ йўналиши бўйича республикамизда 60 мингдан кўпроқ боланинг мунтазам шуғулланиши бунга яққол мисол бўла олади.

Бу ёшларни спортнинг ушбу турига қизиқтиришда Нурхон Нафасовнинг ҳам хизматлари беқиёсдир. Нурхон Нафасов 1996 йилдан Ўзбекистон Миллий Каратэ федерацияси президенти вазифасини бажармоқда.Унинг ибратли ишлари талайгина. Шунинг учун бўлса керак, унга 1999 йилда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси" унвони берилди.

Нурхон Нафасов Осиёда ягона 6-ДАН тоифасидаги 2-қора белбоғ соҳибидир. Газетамизнинг бугунги меҳмони Осиё Каратэ федерацияси президентлигига даъвогар ҳисобланаётган Нурхон Нафасовдир.

Нурхон НАФАСОВ:

ЧЕМПИОН БЎЛИШ ОСОН ИШ ЭМАС

— Суҳбатимиз аввалида, бир кунда амалга ошириладиган ишларингиз ҳақида гапириб берсангиз?

— Биласизми, ҳар битта ишни амалга ошириш режа асосида бўлади. Шундай экан, менинг ҳам бир кунлик ишим режа асосида бўлади. Биринчидан, бизнинг хаётимиз спорт билан тирик экан, мунтазам каратэ билан шуғулланиб туришимиз керак. Кун бўйи каратэ хаёлимда. Эрталаб турганимдан, кечки ётгунимча.

— Спорт билан илк шуғулланган ёшлик дамларингизни бироз хотирлаб берсангиз.

— Ҳар бир ёш йигит вояга етганда кучли, забардаст бўлишни орзу қилади. У ўзининг жамиятдаги ўрнини белгилаб олиши керак. Аввало, шу истакни шакллантириш илинжида изланиш лозим. Даставвал, миллий кураш, дзюдо спорти билан шуғулландим, кейинчалик каратэ билан мушғул бўлдим. Каратэ спорти мени ўзининг жозибаси ва кучли интизоми билан ўзига мафтун этган. Ёшлигим каратэнинг сир-асрорларини ўрганиш билан ўтди. Кўп изланганим учундир бугун шундай вазифани менга ишониб топширишган.

— Шу ўринда мактабдаги илк устозингизни ёдга олиб ўтсангиз.

— Мактабдаги илк устозларимни жуда яхши ҳотирлайман. Биринчи синфдан учинчигача, учинчидан ўнинчигача ўқитган барча устозларим кўз ўнгимда туради. Чунки улар менга билим бериш билан бир қаторда ҳаётнинг ўнқир-чўнқирларини ўргатишган. Ўша вақтларни ёдга олсам, энтикиб кетаман. Айниқса, илк марта ҳарф ўргатган устозим Туроб акани эсласам, у кишининг қалбимга қанчалик эзгулик уруғларини сочганини ҳис қиламан. Мактаб даври беғубор — самимият ўчоғидир. Киши умри ўтиб бориши билан ўтган вақтнинг қадрига етар экан. Ўша дамларда фақат илм олиш бизнинг машғулотимиз эди. Мен ҳозир ҳам устозларим билан ҳамфикрман. Улардан ҳозиргача ҳаёт сабоқларини ўрганаман.

— Мактабда қандай ўқувчи бўлгансиз?

— Мен Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги 22-мактабда илк сабоқни бошлаганман. Энди қандай ўқувчи бўлганимни ўзим билмадиму, лекин жуда шўх бўлганимни устозларим, ота-онам кўп таъкидлашади. Лекин мактабдаги ҳамма фанларни аъло баҳоларга битирганман. Ҳатто "4" баҳо олган кунларим уйга келиб йиғлардим. "4" баҳо олиш мен учун қандайдир ҳақоратомуз нарса эди. Бир сафар ўқитувчим "4" баҳо қўйганда, шунақанги жанжал кўтарандимки, ҳатто эртасига онамни мактабга бошлаб борганман. Ўшанда бошланғич синфда ўқирдим. Энг ёмон кўрадиган нарсам дарсга бормаслик бўлган. Бундан ташқари дарсга келмайдиган болаларни ўқитувчиларимиз суриштираётганда, кетадиган вақтга ачинардим. Айрим ўқитувчиларимиз бўлардики, дарснинг кўп вақтини бесамар ўтказиб юборарди.

— Спортдаги илк мураббийларингиз кимлар бўлган?

— Биринчи устозим россиялик Николай Смирнов бўлган. Кейинчалик Эдуард Пак қўлида шуғулландим. Бу икки шахс мен учун улуғ кишилардир. Сабаби, ҳаёт йўлимни топишда "қилкўприк" бўлиб хизмат қилган. Агар бу кишилар бўлмаганда, билмадим мен ким бўлардим...

Лекин бир нарсани таъкидлаш керак, ҳамма вақт ҳам устозлар ўзининг айтганини шогирдига сингдира олмаслиги мумкин. Айтмоқчиманки, кишининг ўзида ҳам ҳаракат бўлиши керак. Устозлар бизга фақат қайси йўл маъқулроқ эканини кўрсатади, холос. Улар фақат ортимиздан кузатадилар.

— Айтинг-чи, Нурхон ака жаҳон чемпионини кашф қилиш учун қанча вақт керак бўлади?

— Менинг фикримча 15 йил керак бўлади.

— Бу жавобни нималарга асослаб айтаяпсиз?

— Бутун жаҳон каратэ федирациясига, каратэ тарихига бир назар солсак, энг кучли каратэчилар 10-15 йилда шаклланганига гувоҳ бўламиз. Нимага деган савол туғилиши табиий. Чунки бола 10 ёшида шу спорт турига кириб келадиган бўлса, у 25 ёшларида жаҳон чемпиони бўлиши мумкин. Чунки чемпион бўлиш осон иш эмас. Бу

Mehmonxona

ҳам каратэда қисқа давр ҳисобланади. Лекин кутилмаганда бундан-да қисқа даврда кашф қилиш мумкин. Бундай ҳоллар миллиондан биттадир.

— Демак, биз Ўзбекистонда жаҳон чемпионини кўриш учун, яна тўққиз йил кутишимиз керак эканда...

— Йўқ, албатта. Чунки ўзбек каратэчилари олти йил ичида жуда катта ютуқларга эришишди. Жаҳон чемпионатларида бронза медалларини қўлга киритиши, Осиё чемпионатларида олтин совринларни юртимизга олиб келиши бунга мисол бўла олади. Биз буни тўлиқ мўъжиза дея оламиз. Чунки бундай қисқа вақт ичида ҳеч қандай давлат спортчилари бизчалик ютуққа эришмаганлар. Буни Жаҳон ва Осиё каратэ федерациялари ҳам алоҳида таъкидламоқда. Кўпинча чемпионатларда, бизда каратэнинг шаклланганига энди олти йил бўлди, десак ишонмайроқ қарашади. Сабаби, бизнинг каратэчилар аниқ, ишончли ҳаракат қилиб, каратэ спорти кучли ривожланган давлатларнинг спорчиларини доғда қолдирмоқда. Бу қисқа даврда эришилган ютуғимиз учунми, 2004 йилда каратэ бўйича Осиё чемпионати Тошкентда ўтказилмоқчи.

— Айтинг-чи, федерациянинг шу спорт турига қизиқувчи истеъдодли ёшларни танлаб олиш механизми яратилганми?

— Албатта, ишлаб чиқилган. Бу борада федерация қошида ташкил қилинган "Ўзбекистон мураббийлар кенгаши" доимий фаолият олиб боради. Бу истеъдодларни танлаб олишда катта ёрдам беради. Фақат ёш спортчиларни шу кенгаш аъзолари танлаб, излаб топар экан, деб ҳамма маъсулиятни кенгашга ташлаб қўйиб бўлмайди. Аввалambор уларни танлашимизда жисмоний тарбия қўмиталари, қолаверса, маҳалла, оила вакиллари ёрдам берса, фойдадан холи бўлмайди.

— Бир марта хизмат сафари билан Республикамизнинг узоқ қишлоғига бордим. У ерда каратэ мактаби очилиб, негадир ёпилиб кетганини эшитдим...

— Сизнинг нима демоқчи бўлганингизни тушундим. Нега шу мактаб ёпилиб кетган демоқчисиз. Аввалambор сиз қанақа каратэ мактаби эканлигига қизиқдингизми? Биринчидан, каратэ мактаби дейилса, бизнинг федерацияга қарайди, дегани эмас. Агар ўша масалани чуқур ўрганганингизда балки бошқача савол берган бўлардингиз.

Гоҳида телевидениеда "Мен жаҳон чемпиони бўлганман" ёки "Мен Ўзбекистон каратэсининг эртанги куниман" деган лавҳаларни эфирга бериб юборганини кўрганман. Аслида бу ҳабар 25 миллион халқимизга ёлғон информация бўлиб кетмоқда. Бунинг замирида катта жавобгарлик ётибди. Буни журналист ҳис қилиши керак! Мана шунга расман мен жавоб беришим мумкинки, Ўзбекистонда катталар ўртасида, умуман жаҳон чемпиони йўқ. Фақатгина жаҳон чемпионатларида бронза медалларини қўлга киритган спортчиларимиз бор. Лекин ёшлар ўртасида Жаҳон Кубоги ғолиблари етишиб чиққан. Буларни бир-бирига аралаштирмасдан ажрата олишимиз керак. Ёшларимиз эришган ютуқларни катта ёшдаги спортчиларимиз ҳали қўлга киритганича йўқ. Сизнинг берган саволингиз шуни эслашга туртки бўлди. Агар ўша спорт мактаби бизнинг федерацияга қарашли бўлган тақдирда ҳам у ўз-ўзидан ёпилиб кетмаган. Агар ноқонуний тугатилган бўлганда, тегишли ташкилотларга мурожаат қиларди.

— Ҳар бир спортчининг фақат жисмонан чиниққанлиги унинг етуклигини таъминлай оладими?

— Менимча йўқ. Бошқа спорт турларига тўхталиб ўтмоқчи эмасману, лекин шуни айта оламанки, Ўзбекистон Миллий Каратэ федерациясининг раҳбариятидан тортиб жамоа аъзосигача — ҳаммаси олий маълумотли спортчилар. Бу билан шуни айтмоқчиманки, ҳаёт фақат спортдан иборат эмас эканлигини ҳам ҳис қилиб туриш керак.

— Сиз қайси университетни тамомлагансиз?

— Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг Ўзбек филологияси факультетини тугатганман. Яқинда номзодлик ишимни ёқламоқчиман.

— Биз биламизки, ҳозирда каратэ спорти билан қизлар ҳам шуғулланишади. Бу уларга келажакда нималар бериши мумкин?

— Кўпинча эшитиб қоламан, қизларнинг каратэ спорти билан шуғулланиши салбий оқибатларга олиб келармиш... Менимча бу гаплар нотўғри. Чунки соғлом онадан соғлом фарзанд туғилиши табий-ку. Бундан кўриниб турибдики, ҳеч қандай салбий оқибатга олиб келмайди. Аксинча, келажакдаги фарзанднинг ҳам соғлом бўлишини таъминлайди.

— Нурхон ака, ростини айтганда сизнинг Ўзбек филологияси факультетида таҳсил олганингиз мени ҳайратга солди. Айтинг-чи, сиз ўзингизнинг мутахассислигингиз бўйича ҳам ишлашни ўйлаб кўрганмисиз?

— Йўқ. Ўйлаб кўрмаганман. Чунки бу факультетни битириб, албатта, мактабга бориб ўқитувчи бўласан дегани эмас. Мен филологияни эски ўзбек тилидан таржимонлик мутахассислиги бўйича томомлаганман. Шунинг учун диплом ишим ҳам шу мавзуда бўлган.

— Бугунги кунда федерацияда қанақа муаммолар бор?

— Ҳозирча муаммолар сезилмаяпти. Чунки ҳукуматимиз керагича ёрдам бериши бизнинг муаммоларни ечишимизга ёрдам беради. Биласизки, бошқа давлатларда молиявий томонини ҳомийлар таъминлаб туради. Бизга давлат бюджетидан ажратилади. Ҳеч қандай ҳомий давлатга тенглаша олмаслиги ҳаммага аён. Фақат спортчиларимизни бевосита чемпионатга тайёрлашда кучли мураббийларимиз кам. Ҳозирда бу масалани ечишга киришганмиз. Яқинда Япониядан уч нафар мураббийни таклиф қилдик. Бундан ташқари, Франция, Англиядан ҳам мураббийлар таклиф қилмоқчимиз. Яна бир нарсани айтиш керак, ҳозирда Жаҳон каратэ федерациясида ҳам, Осиё каратэ федерациясида ҳам Ўзбекистондан етишиб чиққан ҳакамлар йўқ. Бу Ўзбекистон каратэсининг оғриқли нуқталаридан бири десам ҳам муболаға бўлмайди. Лекин буни ҳам яқин кунлар ичида ҳал қилмоқчимиз.

— Спортчи учун мағлубият аянчли ҳол бўлса керак?

— Спортчи учун орият, номус деган тушунча биринчи ўринда туради. Бироқ профессионал спортда талаб бир ҳил бўлади. Спортчи, албатта, биринчи мағлубият таъмини тортишдан бошлаши керак. Чунки бу вазиятга тушмасдан олдинга қараб силжишга имконият йўқ. Мен мағлубият муваффаққият гарови деб биламан. Қачонки киши мағлубиятни ҳис қилсагина, ўзининг камчиликларини кўриб, уларни тўғрилашга ҳаракат қилади. Спортда кимдир мағлуб бўлиши керак. Фақат ғолибликни даъво қилиш ҳам манманликнинг бир кўринишидир.

Шерзод АҲМАТОВ,
суҳбатлашди.

Тажрибали ўқитувчи ўқувчиларга замон талаблари даражасида билим бериш мақсадида ўз педагогик фаолияти давомида 500 дан ортиқ кўргазмали қуроллар, альбом, буклетлар тайёрлаган.

БИЛИМ ВА МАҲОРАТ

Malaka oshirish

Биз яқинда пойтахтимиздаги А.Авлоний номидаги ХТХМОМИда малака ошириб қайтдик.

Республикамизнинг барча вилоятларидан йиғилган биз, курс тингловчилари, бир ой давомида умумий ўрта таълим мактабларида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури биринчи босқичида эришилган ютуқлару мавжуд камчиликларни сарҳисоб қилиб, кейинги босқичда амалга оширилиши зарур бўлган амалий ишлар кўлами, таълим мазмунини такомиллаштириш борасида истиқболдаги вазифаларни белгилаб олдик. Умумтаълим мактаблари директорлари бугунги кунда ўз мактабларида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ва таълим-тарбия жараёнидаги янгиликлар билан ўртоқлашишди.

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Курс давомида, айниқса, Очиқ жамият институти — Ўзбекистон "Сорос" жамғармаси мутасаддилари томонидан ўтказилган қизиқарли машғулотлар амалиётчи-педагогларда катта таассурот қолдирди. "Мактабни самарали бошқариш" мавзусида бўлиб ўтган бу машғулотларда янги педагогик технология нинг турли хил усуллари ва элементларидан кенг фойдаланилди. Бу эса, албатта, туман ва қишлоқлардан келган таълим ходимларига кейинги фаолиятларини самарали ташкил этишларида ҳар томонлама қўлай келиши тайин. Шу ўринда бир фикр: ана шундай машғулотлар вилоятлар ва туманларда ҳам ташкил этилса, нур устига нур бўларди.

Курс тингловчиларига мазкур институт олимлари ва ўқитувчиларидан ташқари, республика Халқ таълими вазирлигидан ҳам мутасадди кишилар умумий ўрта таълим мактабларида ислоҳотларнинг бориши тўғрисида маърузалар, амалий машғулотлар, давра суҳбатларини ўтказишди. Таниқли олимлар, машҳур санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар билан ҳам ташкил этилган тадбирлар ҳар бир тингловчи ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолди, десак янглишмаймиз.

Алишер ЭРГАШЕВ,
Жарқўрғон туманидаги
1-ўрта мактаб
директори,
курс тингловчиси

(Давоми.
Боши ўтган сонда)

Танишинг: "Йил ўқитувчиси – 2002" кўрик танловининг республика босқичи иштирокчилари.

Ирода ҲАМИДОВА, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги 121-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси.

И.Ҳамидова 1973 йил 29 сентябрда Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида зиёли оиласида таваллуд топган. Ирода 1989 йилда Юнусобод туманидаги 247-мактабнинг 9-синфини аъло баҳоларга якунлагач, ёшликдан меҳр қўйган ўқитувчи ота-онаси, устозларидек болажонларнинг қувончига шерик бўлиш, уларнинг кўзлаган мақсадларига эришишларида кўмакдош бўлиш орзусида Тошкент педагогика билим юртида касб сирларини эгаллай бошлади.

1992 йилда билим юртини бошланғич синф ўқитувчиси ва тарбиячиси ихтисослиги бўйича битириб, шу йили пойтахтимиздаги 9-ўрта мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб иш бошлади. 1996 йилдан 2000 йилгача эса ёш ўқитувчи Тошкент қизлар лицейида тарбиячи бўлиб меҳнат фаолиятини давом эттирди. И.Ҳамидова шу йиллар мобайнида тажриба орттирди, ўқитувчилик касбининг масъулиятини тўлиқ англаб етди.

Ҳозирги кунда Мирзо Улуғбек туманидаги 121-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб, мактаб остонасини илк бор ҳатлаган ўқувчи ўғил-қизларни илм-фан оламининг сеҳрли ҳилқатларига бошлаб келмоқда. Албатта, ўқитувчи ўз касбининг етук мутахассиси бўлиш билан бир қаторда серқирра билим соҳиби бўлмоғи лозим. Шу боис, И.Ҳамидова 1999 йилда Республика "Устоз" жамғармасида компьютер, "Маънавият – маърифат" ва "Хорижий мамлакатларнинг таълим тизими хусусиятлари"га бағишланган мутахассисларнинг малака ошириш дастури бўйича ўз билим ва кўникмасини ошириб қайтди.

Тажрибали ўқитувчи ўқувчиларга замон талаблари даражасида билим бериш мақсадида ўз педагогик фаолияти давомида 500 дан ортиқ кўргазмали қуроллар, альбом, буклетлар тайёрлаган. Ҳар бир дарсни кўргазмали қуроллар, техника воситалари, шунингдек, кундалик оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда ўтиб келмоқда. Айниқса, ўқитувчининг ўқувчиларни дарсларга қизиқтириш мақсадида ноанъанавий усуллардан фойдаланиб ўтаётган турли хил "Бинго", "Саёҳат", "Калаванинг учини топ", "29 чин ошнам", "Музлатгич" каби болани мулоҳазага, мустақил ва тез фикрлашга ундовчи дарслари аҳамиятга молик.

Эътиборлиси, муаллима ўз тажрибасини ёш ҳамкасбларига ўргатиш, тажрибали ўқитувчилар билан ўзаро фикр алмашиш мақсадида, республика газета ва журналларида ҳам ўз мақолалари билан иштирок этиб туради. Мисол учун олади-

"Yil o'qituvchisi –2002"

ган бўлсак, "Маърифат" газетасининг 2002 йилда нашр этилган "Дарсларим – асарларим", ҳамда "Ватаним жамолинг кўкдаги зуҳро" номли ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатувчи дарс-машғулотлари кўпчилик мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Бундан ташқари, изланувчан ўқитувчи мактаб, туман, шаҳар ва республика миқёсида таълим тизимини ривожлантиришга бағишлаб, ўтказиб келинадиган семинар, кўрик-танлов, олимпиада ва бошқа кўплаб тадбирларда ҳам фаол иштирок этиб келаётир. Бугунги кунда ёш ўқитувчи ўз касбий билимини янада ошириш мақсадида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида ўқишни давом эттирмоқда.

Қимматжон МАМАТҚУЛОВА, Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги 11-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

Қ.Маматқулова 1965 йил 28 июнда Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида туғилган. 1982 йилда умумий ўрта таълим мактабида ўқишни якунлагач, илм истаб Қўқон Давлат университетининг Она тили ва адабиёти факультетига ҳужжатларини топширди. Ўқитувчи бўлиш орзусида ўқувчилик йилларидаёқ кўпроқ билим олишга ҳаракат қилган Қ.Маматқулова мактабда олган билимларининг мустаҳкамлиги боис, олий ўқув юртининг талабаси бўлишга муваффақ бўлди. Шу боис, илмнинг куч-қудратини ёшликдан англаган талаба касб сирларини мукаммал эгаллаш учун доимо тинимсиз изланишда бўлди.

Бугунги кунда 20 йиллик педагогик иш тажрибасига эга ўқитувчи Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги 11-мактабда ўқувчиларга она тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериб келаётир. Узоқ йиллик тажрибага эга ўқитувчининг ҳар бир дарси ўзига хослиги билан ажралиб туради. Зеро, дарс, машғулот қайтарилмас улкан бир асар. У — ижод маҳсули. Шу боис, ўқитувчи дарсга ижодий ёндошади, янгидан-янги дарс ўтиш услубларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Энг асосийси, изланувчан ўқитувчининг дарслари кўргазмали қуролларсиз ўтмайди. Зотан, кўргазмали дарс ўқувчининг фанни тез ва осон ўзлаштиришида муҳим ўрин тутади. Айниқса, ўқитувчи томонидан ўтилаётган тарбиявий йўналишдаги дарсларнинг саҳна кўринишлари асосида тарихий шахслар тимсолида акс этиши ўқувчиларнинг фанга қизиқишини оширмоқда.

Ҳар бир ўқитувчи, энг аввало, ўз касбини, ўзи ўқувчиларга сабоқ бераётган фанни севсагина муваффақиятга эришиши шубҳасиз. Айни омил ўқитувчининг ўқувчилари эгаллаётган ютуқларга ҳам пойдевор бўлмоқда.

"Йил ўқитувчиси – 2002 йил" кўрик-танловининг вилоят босқичида ўқитувчининг она тили фанидан 6-синф ўқувчилари учун ўтказган "Ундов сўзлар" мавзусидаги муаммоли дарси ўзининг таълимий ва тарбиявий аҳамияти билан юқори баҳоланди.

Шоҳида ТЎЙЛАНОВА, Жиззах вилоятининг 32-мактаб она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

Ш.Тўйланова 1973 йилда Жиззах туманида деҳқон оиласида таваллуд топган. 1980-1990 йилларда тумандаги 31-мактабда билим сирларини эгаллаган ўқувчи устозларига қўйган меҳри туфайли илм даргоҳини битиргач, ҳеч иккиланмай Жиззах Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ҳужжатларини топширди. 1990-1995 йиллар давомида олий ўқув юртида ўз танлаган касбининг сир-асрорларини мукаммал эгаллаш мақсадида тинимсиз ўқиди-ўрганди. Олий ўқув даргоҳини ҳам муваффақиятли тамомлагач, у тумандаги 32-мактабда она тили ва адабиёти фанидан сабоқ бера бошлади.

Ш.Тўйланова ўз фанини севганлиги боис ўқувчиларни ҳам ўзи меҳр берган адабиёт оламининг сирли ҳилқатларига зўр иштиёқ билан саёҳатга бошлайди. Эътиборлиси, ўқитувчининг дарслари кўргазмали қуроллар-сиз ўтмайди. Янги педагогик технология асосида ўтилаётган ноанъанавий дарслар эса ўқувчиларнинг фанни тез ва осон ўзлаштиришларида қўл келмоқда. Бундан ташқари, изланувчан ўқитувчи мактабдаги ижодкор ўқувчиларнинг ижод намуналарини ёритиб борувчи "Машъал" газетаси муҳаррири ҳамда ёшларда адабиётга меҳр уйғотишга хизмат қилувчи "Ниҳол" тўгараги раҳбари ҳамдир.

"Йил ўқитувчиси — 2002" кўрик танловининг вилоят босқичида ўқитувчининг ўқувчиларни ғазал мулкининг султони Алишер Навоий бобомиз ижодини теран англашларига бағишланган "Навоий ижодиётида ўгитлар олами" ҳамда "Адабиёт дарсларида рубоий жанрини ўрганиш" мавзусидаги ижодий дарс ўтиш усуллари муваффақият омили бўлди.

Дилфуза ҒОФУРОВА, Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманидаги 7-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси.

Д.Ғофурова 1974 йил 18 мартда туғилган. 1981 йили илк маротаба мактаб остонасига қадам қўйиб, 1991 йил илм даргоҳини имтиёзли шаҳодатнома — кумуш медаль билан тамомлаган. Шу йили Бўз педагогика билим юртига ўқишга киргач, уни ҳам 1993 йилда имтиёзли диплом билан битиришга муваффақ бўлди. Ўтган йиллар давомидаги изланишлари самараси ўлароқ Д.Ғофурова ўз педагогик фаолияти давомида ўқитувчи, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ҳурмат-эътиборини қозона олди.

1995 йилдан ҳозирги кунга қадар эса изланувчан ўқитувчи Ёзёвон туманидаги 7-мактабда билим ўчоғининг илиқ қучоғини, ўқитувчи мураббийларнинг меҳрини ҳис эта бошлаган бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ бериб келаётир. У ёш, изланувчан, талабчан ўқитувчи сифатида мактаб ўқитувчию ўқувчилари орасида ўз ўрнига эга. Ўқитувчи ўқувчиларга билим беришда дарс ўтишнинг ноанъанавий усулларидан, техника воситаларидан, кўргазмали қуроллардан, тестлардан унумли фойдаланишга муҳим эътибор қаратади.

"Йил ўқитувчиси — 2002" кўрик-танловининг вилоят босқичида Д.Ғофурова "Ўз касбини улуғлаш ва эъзозлаш", "Мураккаб педагогик ва психологик вазиятларда одилона ва оқилона қарорга келиш" каби шартларни муваффақиятли бажариб, ғолиблик учун етакчи даъвогар эканлигини кўрсатди.

Марҳабо НАЗАРОВА, Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманидаги 12-мактабнинг "Одобнома" фани ўқитувчиси.

М.Назарова 1974 йилнинг 4 июлида Қўшкўпир туманининг Кенагас қишлоғида зиёли оиласида туғилган. Ёшлигидан

ЮТУҚЛАР ПОЙДЕВОРИ

илмга чанқоқ ўсган Марҳабо 1981 йилда тумандаги 10-мактабнинг 1-синфига борар экан, унга меҳр тўла қучоғини очган устозларидек барчага эзгулик улашишга ошиққан фидойи ўқитувчи бўлишни қалбига тугди. Бу йўлда ўқиди-изланди. Ундаги билим олишга бўлган иштиёқни кўрган устозлари 1991 йилда мактабни битираркан уни аъло баҳоларга ўқиганлиги, намунали хулқи учун кумуш медал билан тақдирлашди. Албатта, бундай юксак номга муносиб топилиши М.Назарованинг ёшликдаги орзуларига туртки бўлди. Ва у Урганч Давлат университетининг педагогика ва психология факультетида ўқишни давом эттирди.

Бугунги кунда Марҳабо Қўшкўпир туманидаги 11-мактабда ўқувчиларга "Одобнома" фанидан чуқур таълим-тарбия бериб келаётир. Зеро, бола покиза қалб эгаси. Ана шу қалбнинг беғуборлигини таъминлаш, юксак фазилатли, комил инсон қилиб тарбиялаш кўп жиҳатдан ўқитувчининг одоб-аҳлоқи, муомаласига боғлиқ. Шу боис, М.Назарова мактабдаги ўқитувчи-ю ўқувчиларга нисбатан доимо самимий муносабатда бўлишга ҳаракат қилади.

Меҳри дарё ўқитувчи ўз фанини жуда севади. Бу эса унинг ўқувчилар қалбига йўл топа олишида, уларнинг ишончини қозонишда қўл келади. Чунки ўз ишини севган кишигина у қанчалик оғир бўлмасин, меҳнат қилишдан чарчамайди. Ўқитувчининг ҳар бир дарси кўргазмалилик асосида ўтади. Айниқса, ўқувчилар қалбидан муносиб жой эгаллаган ўқитувчининг ёшларни эзгуликка, илм ва фан чўққиларини эгаллашларига ундовчи, оила, Ватанни муқаддас билишга, унинг ҳар сиқим тупроғи муқаддас эканлигини ҳис этишга чорловчи "Қомусимиз – номусимиз", "Қариси бор уйнинг париси бор", "Ўқитувчим – сизга таъзим" номли кўплаб бадиий кечаларни ўтказиб бориши эътиборли ҳолдир.

"Йил ўқитувчиси – 2002" кўрик танловининг вилоят босқичида ўқувчиларнинг Ватан ҳақидаги билимларини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи "Ўзбекистон – Ватаним маним" ҳамда "Адабиёт дарсларида Ватан туйғуси ғоясини ўқувчилар онгига сингдириш" мавзусидаги ўқитувчининг ўтказган ноанъанавий дарслари алоҳида ажралиб турди.

Санобар ХЎЖАМУРАТОВА, Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги 40-мактаб ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

С.Хўжамуратова 1962 йилда Амударё туманида туғилган. Умумий ўрта таълим маълумотини олгач, 1978 йилда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университетининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетига талабалар сафига қабул қилиниб, 1983 йилда олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан якунлади. Ўқитувчилик касбига ёшликдан меҳр қўйган талаба олий ўқув даргоҳида касб сирларини мукаммал эгаллаш мақсадида доимо изланишда бўлди. Бу интилиш эса ёш ўқитувчининг Амударё туманидаги 26-мактабга ўқитувчи бўлиб иш бошлаганида мактаб жамоаси, ўқувчилар орасида муваффақият қозонишига муҳим омил бўлди. Ўз ўрнида ўқувчиларга чуқур билим беришга интилиши боис 1984 йилда, яъни орадан бир йил ўтиб изланувчан муаллиманинг ўқувчиси – Зулфия Юсупова умумтаълим фан олимпиадасининг "Ёш адабиётчилар" баҳсида республика босқичида ҳам ғолибликни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Эътиборлиси, бу ўзига хос анъана 1985-1988 йилларда ҳам давом этиб, ўқитувчидан она тили ва адабиёти фанининг сир-синоатини чуқур ўрганган 3 нафар ўқувчи ҳам умумтаълим фан олимпиадасининг республика босқичида ғолиблик шоҳсупасини забт этганликлари боис фидойи муаллима Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон республикалари Халқ таълими вазирликларининг "Фахрий ёрлиқ"лари билан тақдирланди.

Ўз ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, С.Хўжамуратова 1993 йилда туманда биринчи бўлиб, ўқитувчилик касбига ёшликдан меҳр қўйган ўқувчиларни касб сирларини мактабданоқ ўрганиб боришлари учун педагогик синф ташкил қилди. Эътибор беринг, натижада айни шу синфни битириб чиққан 26 нафар ўқувчидан 14 нафари бугунги кунда педагогика соҳасида меҳнат қилмоқда.

"Йил ўқитувчиси – 2002" кўрик-танловининг вилоят босқичида фидойи ўқитувчининг "Ота-боболаримиз мероси – бизнинг йўлимизни ёритувчи машъала" мавзусидаги бир соатлик дарс ҳамда "Она тили ва адабиёт дарсларида ўқувчиларни миллий тафаккур ва истиқлол руҳида тарбиялаш" номли маърузаси барчанинг эътиборини тортди.

Бахтиёр ХУРРАМОВ, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманидаги 3-ихтисослашган мактаб-интернат кимё фани ўқитувчиси.

Б.Хуррамов 1972 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган. 1979-1989 йиллар давомида тумандаги А.Навоий номидаги 32-мактабда хат-савод чиқарган. Ўқувчилик давридаги табиий фанларни ўрганишга бўлган қизиқиш уни мактабни битиргач, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг Кимё-биология факультетида ўқишни давом эттиришга ундади. Кимё фани оламининг мўъжизаларига мафтун бўлган талаба тинимсиз унинг ҳали етиб бормаган ҳудудларини забт этишга интилди. Талабадаги илм олишга бўлган иштиёқни сезган А.Фофуров, О.Йўлдошев, Н.Умаров каби университетнинг етук малакали профессор-ўқитувчилари Б.Хуррамовнинг чуқур билим олишига кўмакдош бўлдилар.

Устозларидан имкон қадар кимё фанининг сир-синоатларини теран ўрганишга интилган талаба 1994 йилда олий ўқув юртини муваффақиятли якунлагач, ўзининг ҳам ўқувчилик йиллари кечган, А.Навоий номидаги 32-мактабда ўқувчиларга кимё фанидан сабоқ бера бошлади. 1996 йилдан бугунги кунга қадар эса ўқитувчи тумандаги 3-ихтисослашган мактаб-интернатида ўқувчиларнинг табиий фанларни ўрганишга бўлган қизиқишларини ошириб келмоқда.

Қисқа педагогик фаолияти давомида Б.Хуррамовнинг ижодий изланишлари самараси ўлароқ "Кимёдан амалий ишлар ва лаборатория тажрибалари бажаришда маҳаллий материаллардан фойдаланиш" мавзусида методик тавсиянома, "Кимёдан масалалар ечишнинг изчиллик технологияси", "Кимё дарсларида ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланиш" каби бир қанча мавзулардаги дарс ишланмалари туман ва вилоят ўқитувчилари эътиборига ҳавола этилди. Бундан ташқари, ўқитувчи томонидан 5 мингдан ортиқ тарқатма материаллар ва тест саволлари жамғармаси ҳозирланган бўлиб, улар дарсларнинг янада қизиқарли ўтишини таъминлаб келмоқда. Зотан, ҳар бир дарсни ўтиш учун олдиндан кўрилган тайёргарлик, унда фан ютуқларидан ўз ўрнида фойдалана олиш муваффақият гаровидир.

"Йил ўқитувчиси – 2002" кўрик танловининг вилоят босқичида Б.Хуррамовнинг 8-синф ўқувчилари учун "Эришда бўладиган иссиқлик ҳодисалари" мавзусидаги янги педагогик технология асосида ўтган 1-соатлик ўзига хос дарси ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди.

Маълумки, ҳукуматимиз томонидан таълим тизимини ислоҳ қилиш мақсадида бугун амалиётга босқичма-босқич жорий этилаётган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қанчалик ҳаётда рўй-рост ўз аксини топиши кўп жиҳатдан ўқитувчи кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Бу борада эса, албатта, фидойи ўқитувчилар томонидан кўпгина ютуқлар қўлга киритилмоқда. Галдаги вазифа — эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш, уни янада ривожлантириш мақсадида тажрибали ўқитувчилар томонидан тажрибадан ўтган илғор дарс ўтиш усулларини оммалаштириш лозим. Бунда эса доимий равишда республика Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказиб келинаётган "Йил ўқитувчиси" кўрик-танловининг аҳамияти катта. Зеро, кўрик-танлов орқали кўпгина изланувчан, ташаббускор ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибалари жамланиб, кенг оммалаштирилмоқда. Жорий йилнинг 14 — 17-январ кунлари бўлиб ўтадиган "Йил ўқитувчиси — 2002" кўрик-танловининг республика босқичи ҳам кўплаб илғор дарс ўтиш усулларини, таълим тизимидаги ислоҳотлар мазмунини теран англаган фидойи муаммоларни кашф этади, деган умиддамиз.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Maktabgacha ta'lim

БОҒЧАДА ҲАМ УЙДАГИДЕК

Ёшлар — келажагимиз. Эртанги кун эгаларининг баркамол инсон бўлиб воя-га етиши тарбияни жуда барвақт — мактабгача таълим муассасаларида яхшилашдан бошланади. Шунинг учун ҳам болалар боғчаларидаги таълим-тарбияни замон талабларига ҳамоҳанг тарзда ташкил этиш шу куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Ана шундай масканлардан бири —Зомин туманидаги "Зомин" санаторияси-га қарашли "Ором" номли мактабгача таълим муассасаси кичкинтойларнинг севимли масканига айланган. Аҳолининг таклиф ва истакларини инобатга олиб, айни кунда "Ором" қошида хонадон боғча ташкил этилди. Ҳозирги кунда мазкур боғчаларда меҳнаткашларнинг 54 нафар фарзандлари тарбияланмоқда.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, аҳоли ўртасида хонадон боғчасига талаб ва қизиқиш кучли. Чунки унда болаларга кўрсатилаётган хизмат маданияти кўнгилдагидек йўлга қўйилган. Энг муҳими, таълим-тарбия ишларига янгича ёндошилмоқда. Туман марказида жойлашган мазкур хонадон боғчада иккита гуруҳ мавжуд бўлиб, унга асосан чет тилига қизиқиши кучли бўлган болалар танлаб олинади. Инглиз тили ўқитувчиси Мавжуда Умарова ҳафтасига икки марта машғулот ўтказмоқда. Рус тилига ихтисослашган бошқа бир гуруҳда ҳам талаблар кўп. Чунки ўқитувчи Меҳри Тўйчиеванинг рус тилидан олиб бораётган машғулотлари кичкинтойларга манзур бўлмоқда. Олти нафар тарбиячи меҳнат қилаётган хонадон боғчада машғулотларни қизиқарли ўтиш учун керакли методик қўлланмалар ва ўйинчоқлар етарли. Кичкинтойлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда миллий қадриятларимизни, урф-одатларимизни ўзида акс эттирган эртаклардан фарқли ўлароқ, 7-8 нафар бола тарбияланаётган ҳар бир гуруҳда ёш даражаси қатъий чегараланмайди Айтайлик, бир хонадондан келган ака-ука ёки опа-сингиллар битта гуруҳда тарбияланади. Бу ўз-ўзидан кичкинтойларга бевосита уй шароитини яратиб беради.

Хонадон боғча қошида "Ором жажжилари" деб номланган ансамбл ташкил этилган. Мусиқачи Одил Баҳриддинов раҳбарлигида кичкинтойлар Ватан, меҳнат, она, бахт ҳақида қўшиқ ўрганмоқдалар.

Фаолиятнинг муҳим жиҳати бўлмиш саводга ўргатиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Катта гуруҳ тарбиячиси Нагифа Абдухолиқова илғор тажрибалардан фойдаланмоқда. Тарбиячилар асосий эътиборни "Учинчи минг йиллик боласи" давлат дастурини бажаришга қаратганлар. Ана шу мақсадда ноанъанавий машғулотлар ўтказиш, саёҳатлар уюштириш ташкил этилмоқда.

Хонадон боғча ҳомийлар билан ҳамкорликни қатъий йўлга қўйган. Натижада кам таъминланган оила фарзандларини ижтимоий ҳимояга олиш имконияти кенгаймоқда. Айни кунда беш нафар бола бепул тарбияланаяпти. Барча ишни давр талаби даражасида ташкил этишга ҳаракат қилаётган боғча жамоаси "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг ҳаётга татбиқ этилишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

ТАЛАБАЛАР КУРСАНТЛАР ҲУЗУРИДА

Республикамизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни олдидан "Оммавий спорт ва ватанпарварлик ойлиги" ўтказиш анъанага айланмоқда. Ушбу тадбир 14 декабрдан бошлаб, юртимиз бўйлаб бир ой мобайнида давом этади. Шу муносабат билан Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультетида ҳам ушбу ойликка бағишланган "Очиқ эшиклар куни" бўлиб ўтди. Яъни махсус факультет жамоаси ва шахсий таркиби томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалари курсантлар ҳузурида меҳмонда бўлдилар.

Ўзига хос тарзда уюштирилган учрашув давомида махсус факультет деканининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Александр Тян факультет тўғрисида умумий маълумот бериб ўтди. Ўқув бўлими бошлиғининг ўринбосари Саидаҳад Парпиев эса махсус факультетга қабул қилиш тартиби, ўқув жараёни, тайёрланадиган ҳарбий мутахассислар ҳақида талабаларга сўзлаб берди. Талабалар ўзларини қизиқтирган бир қатор саволларга тўлақонли жавоб олишди. Ватанпарварлик ойлиги муносабати билан ўтказилган "Очиқ эшиклар куни" Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабаларида катта таассурот қолдирди. Чунки қатъий тартиб ва интизом бўйича яшаб, билим оладиган курсантлар ҳаёти билан яқиндан танишиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Ҳилола ФАЙЗУЛЛАЕВА

ЮРТНИ ҚЎРИҚЛАШ — МУҚАДДАС БУРЧ



Тарихдан маълумки, юртимизнинг бошига оғир синовли кунлар тушганда унинг озодлиги, осойишталигини ҳимоя қилишга қодир мард фарзандлар кўкрагини қалқон қилиб, ёвга қарши чиққанлар.

Шавкатли қўшинларимиз олис ўтмишда ва ўрта асрларда Осиё қитъасида ўз замонаси талабига кўра энг қудратли куч ҳисобланган. Унинг куч-қудрат ва шонушуҳрат бобида эришган энг олий даражаси соҳибқирон Амир Темур номи билан боғлиқ. Шунингдек, ўтмишдаги Салжуқбек, Алптегин, Сабуктегин, Алпарслон, Маҳмуд Ғазнавий, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Жаҳонгир Мирзо, Султон Ҳусайн Бойқаро, Бобур Мирзо каби лашкарбошиларимиз билан фахрлансак арзийди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг Ўзбекистон Қуролли кучларининг шаклланиши ва ривожланиши қатъий ҳуқуқий асосда олиб борилди. Мавжуд қийинчиликларга қарамай, давлат чегараларини мустаҳкамлаш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш, қўшинларни қайта жойлаштириш қурол-аслаҳалар билан таъминлаш борасида катта ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1992 йил 3 июлдаги ўн иккинчи чақириқ ўнинчи сессиясида республика Қуролли Кучларини ҳуқуқий тарзда мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этувчи "Мудофаа тўғрисида", "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида" ва "Муқобил хизмат тўғрисида"ги қонунлари вазирлигини Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига айлантириш тўғрисидаги Фармони тасдиқланди.

Бошқа касб эгаларига қараганда ҳарбий хизмат кишидан кўпроқ мардлик, матонат ва фидойилик фазилатларини, ўз Ватани олдидаги бурчи ва қасамёдига содиқликни талаб қилади.

Ҳозирда Қуролли Кучларни ташкил қилишнинг замон талабларига асосланган янги тизими жорий қилинмоқда. Биринчи ўринда, қуйи ҳарбий бўлинмаларнинг ташкилий-штат таркиби, уларнинг қуролланиши, низом талаблари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда вазифалари қайтадан кўриб чиқилмоқда.

Айниқса, таълим муассасаларида ўқувчи-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёнида оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлиги таъминланиб, биргаликда тадбирлар уюштирилмоқда

Бугунги ёшлар — мустақил Ўзбекистоннинг келажаги, эртаси. Зотан, биз мана шу навқирон авлод намояндаларини баркамол, қилиб вояга етказсак, уларнинг ҳар бирида ор-номус, миллий гурур руҳини шакллантириб борсак, кўзланган юксак тараққиёт сари комил ишонч билан илгарилаб борган бўламиз.

Республика Таълим маркази "Маънавий-маърифий ишлар" бўлими

ЁШ АСКАР ҚУВОНЧИ

Оддий аскар Элёрбек Арапов Чирчиқ шаҳридаги чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда йигитлик бурчини ўташни бошлаганига атиги икки ойдан ошди, холос. Аммо ўтган қисқа муддат ичида унинг ҳаётида кўплаб эсда қоларли воқеалар бўлди. Эгнига аскарлик либосини кийганида, сафдошлари орасида биринчи бўлиб ҳарбий қасамёд қабул қилганида, илк бор жанговар топшириқни бажарганида жуда ҳаяжонланган эди.

—Акаларим Россия ва Европа давлатларида хизмат қилишган эди. Мен эса ўз юртимда аскарлик бурчимни ўтамоқдаман, — дейди ғурур билан Э. Арапов. —Шунинг учун ҳам аяжонимнинг, уйдагиларнинг қувончи чексиз. Менинг назаримда, аскарлик, ватан посбони бўлиш йигит кишига ўз жисмоний, маънавий тайёргарлигини синовдан ўтказиш, шакллантириш учун катта бир имконият. Мен ушбу имкониятдан унумли фойдаланиш истагидаман.

Элёр билан суҳбатлашар эканман, унинг жуда хурсанд эканлиги кўриниб турарди. Боисини сўраганимда узоқ Андижондан ўз онажонидан мактуб олган экан. Унда шундай жумлалар бор эди: "Суюкли ўғлим Элёрбек! Сени Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан табриклайман. Доим азиз Ўзбекистонимиз, халқимиз манфаатлари ҳимоясида бўл".

Биз шу нарсага амин бўлдикки, бундай фикрлар ҳар бир ёш аскарни янги ютуқлар сари чорлайди. Унга кўшимча куч-қувват бағишлайди.

ҲАРБИЙЧА ҲАНДАЛАР

"Командир ноҳақ бўлса низомнинг 2-бўлимини оч, у ерда командир ҳамиша ҳақ деб ёзилган".

* * *

"Сапёр умрида бир марта эмас, икки марта адашади. Унинг биринчи адашиши сапёрликни танлаши бўлса, иккинчиси минани босиб олишидир".

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛИ

1994 йил 14 июлда Ўзбекистон НАТОнинг "Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик" дастури ТИҲга аъзо бўлди. ТИҲ дастури доирасидаги ҳамкорлигимиз мустақиллигимизни, суверенитетимизни, ҳудудий яхлитлигимизни мустаҳкамлашимиз, замонавий-ҳарбий техника ютуқларини ўрганишимиз, ҳарбий кадрларни илғор тажрибаларни қўллаган ҳолда тайёрлашимизда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ҳарбийлари 1995 йил августда илк бор мазкур дастурнинг ўқув машғулотида қатнашди. Аниқроғи, АҚШнинг Луизиана штатида "Ҳамкорлик куртаклари —95" номи билан ўтказилган бу машқлар Қуролли Кучларимизга ўчун улкан синов бўлгани рост. Ахир, мудофаа тизимидаги ислоҳотлар энди шаклланаётган, миллий армиямиз энди оёққа тураётган пайт эди-да. Хуллас, Америка заминида илғор давлатлар ҳарбийлари билан шунқорларимиз елкама-елка туришганда кўпчиликнинг эътибори бизга қаратилганини табиий. Кўплаб халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб, жаҳон ҳамжамияти сари жадал интеграциялашаётган ёш мустақил республикамизнинг ҳарбийлари илк довондан муваффақиятли ўтдилар.

Ҳарбийларимиз халқаро тинчликни сақлаш ўқув машқларида НАТОнинг аъзо ва ҳамкор давлатлари вакиллари билан ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиши, илғор тажрибаларни ўзлаштира бориши ўз самарасини берди. 1995 йилнинг декабрида эса Жамбул шаҳрида Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон давлатлари раҳбарлари учрашиб, минтақадаги тинчликпарвар батальон — "Марказий Осиё батальони"га асос солинди. Бу коллектив хавфсизлик тамойилидан келиб чиққан ташаббус эди, аслида. 1996 йилнинг ав-густида мазкур батальон ҳарбийлари "Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик" дастурининг навбатдаги машқларига йўл олишди. АҚШнинг Шимолий Каролина штатидаги денгиз пиёдаларининг Кэмп-Лежон полигонида ўтказилган тинчликни сақлаш машқлари "Кооператив Оспрей-96" номини олди.



1996 йилнинг сентябрида мамлакатимиз ҳудудида АҚШ ҳарбий бўлинмаси билан ҳамкорликда "Ультрабаланс-96" машқлари ўтказилди. Бу бир томонда ҳарбий ҳамкорликларимизнинг кенгаяётганидан далолат берса, иккинчидан, НАТОга аъзо давлатларнинг ўзаро манфаатли алоқаларини шакллантиришга ёрдам ҳисобланган ҳамкорлик машқлари бўлиб ўтди. Машқлар давомида тинчликпарвар кучлар ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда аниқ ҳаракат қилиш, маҳорат янада шаклланаётганини намойён қилдилар.

"Марказий Осиё батальонини-99" қўмондонлик ўқув машғулоти АҚШнинг Флорида штати Тампа шаҳрида ўтказилди. Бу минтақамизда ўтказилиб келинган шу номдаги халқаро ўқув машқларининг мазмунан бир давоми эди.

2000 йилда ҳарбийларимиз ТИҲ дастури доирасидаги машқларда фаол қатнашдилар. Булар сирасига Норвегияда бўлиб ўтган "Кооператив Баннерс-2000", Қозоғистон заминида ўтказилган "Марказий Осиё батальони-2000" тинчликни сақлашга қаратилган машқларни қўшиш мумкин.

Германиянинг Айнсидлерхоф шаҳарчасида ўтказилган "Минтақавий ҳамкорлик-2001" ўқув машқлари мазмун ва моҳият жиҳатидан бир оз янгича эди. Ўтказилган олдинги машқларда тинчликни сақлаш операцияларидаги турли тадбирлар амалиёти ўрганилган бўлса, бу сафар асосий вазифани компьютер бажарди. Яъни штаб тайёргарлигига катта эътибор қаратилди.

Бизнингча, юқорида келтирилган мисолларнинг ўзи ТИҲ дастур доирасидаги ҳамкорликларимиз кўлами хусусида тасаввур уйғотади. Келинг, шу ўринда мазкур ҳамкорликлар бизга нима берди-ю, истиқболда нима бериши мумкин, деган савол атрофида мулоҳаза юритсак. Аввало, биз санаб ўтган машқлардан кўриниб турибдики, ҳарбийларимиз фавқулодда ҳолатларда ҳаракат қилиш, штаб тайёргарлигини такомиллаштириш, зиддиятли вазиятларни мувофиқлаштириш, тез фурсатда жанговар шай ҳолатга келиш каби қатор омиллар бўйича малака ҳосил қилиб, илғор тажрибаларни ўзлаштирдилар. ТИҲ доирасидаги тадбирларга қараб ўтирмасдан аъзо ёки ҳамкор давлатлар билан ўзаро алоқа боғлаш мумкин. Дейлик, Швейцарияда тоғ тайёргарлиги бўйича илғор тажрибалар бор. Буни ўргансак бўлади. Бугун биз учун долзарб масалалардан бири ҳарбий таълим масаласи. Масалан, ҳорижий тилларни ўрганиш, офицерлар, сержантлар тайёрлашни олайлик. Ёки бўлмаса, профессионал армияни шакллантиришимизда НАТОга аъзо давлатлар илғор тажрибасини ўрганиш, ўз навбатида НАТО мутахассислари, экспертларини мамлакатимизга таклиф қилишимиз мумкин.

Дастурга аъзолигимиз иттифоқчи ва ҳамкор давлатлардаги ҳудди шундай ўқув масканларини ўрганишга имкон яратади. Масалан, ҳамкорликларимиз натижасида 1996—2000 йиллар давомида ҳарбий хизматчиларимиз АҚШнинг ҳарбий штаб коллежида, ҳарбий ҳаво кучлари ва тил ўрганиш курсларида тайёргарликдан ўтишди. Қолаверса, Германиянинг ҳарбий билим юртлари, Бош штаб академиясида таълим олиб қайтдилар.Шу ўринда НАТОнинг ҳарбий таълим тизими хусусида ҳам маълумот берсак. Стратегик ҳарбий-сиёсий масалалар бўйича махсус курслар ташкил этувчи НАТО ҳарбий коллежи Римда жойлашган. Унда аъзо ва ҳамкор давлатлар офицерлари таҳсил олиши мумкин. Қўшинни бошқарув, кучларни мобилизация қилиш, зиддиятли вазиятларни мувофиқлаштириш, тинчликни сақлаш, атроф-муҳит муҳофазаси ва бошқа мавзулар бўйича курслар ташкил этувчи НАТО мактаби Оберраммергау (Германия)да ёки НАТОнинг Италияда алоқа ва ахборот тизимидан замонавий андозалар бўйича сабоқ берувчи махсус мактаби бор.

Маълумотларга кўра, НАТО илмий дастури доирасида сўнгги саккиз йил давомида ҳамкор давлатлар учун 120 та грант ажратилган. Шундан 5 таси Марказий Осиё мамлакатлари улушига тўғри келади.

Терроризмга қарши кураш бошланган дастлабки онларданоқ Ўзбекистоннинг халқаро коалицияни қўллаб-қувватлаши хусусидаги қатъияти нафақат НАТОнинг, балки ривожланган давлатларнинг ҳам мамлакатимизга муносабатини тубдан ўзгартирди. Бу ҳамкорлик Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи ортиб бораётганидан далолатдир. Бунга Президентимизнинг яқинда НАТОнинг Прага саммитида қатнашиб, нутқ сўзлагани ҳам мисол бўла олади.

Ўзбек — тинчликни қадрлайдиган, ҳамкорларига панд бермайдиган миллат. Ҳали кўп соҳаларда ҳамкорликларимиз истиқболи энди бўй кўрсатмоқда. Юқорида эса ана шундай ҳамкорликлардан бири хусусида фикр юритдик, холос.

Алижон САФАРОВ, капитан

10 ГЕНЕРАЛ ТАЪЛИМ ОЛГАН МАКТАБ

Мели Жумаев.

Мели Жумаевнинг номи шаҳар халқ таълими ходимлари ўртасида гап кетганда ҳарбий мутахассис сифатида ҳурмат ва эътибор билан тилга олинади. У ўқувчи-ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини кучайтиришга катта эътибор қаратди. Мактабнинг ёш ватанпарварлари шаҳар миқёсида ўтказиладиган шунқорлар мусобақасига фаол қатнашиб, фахрли биринчи ва иккинчи ўринларни олишга муваффақ бўлдилар. Бу ишлар беиз кетмайди, албатта. Домла ўқитган ёшлардан мактабни битириб, ҳарбий бўлиб хизмат қилаётган полковник, бир неча қисм бошлиқлари ва юзлаб офицерлар етиштириб берди.

Устоз бугун олтмиш ёшга тўлди. Умр сувдек оқиб ўтди. Лекин унинг дилларни хушнуд этувчи онларида ўқитувчи эзгу ишлари билан кишилар қалбидан муносиб жой олишга эришди.

Дилшод ШАКАРОВ

—Фарзандларимизнинг ёшлигидан қалбида ўзлигини англаши, ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантириш асосан мактаб остонасидан бошланади, — дейди Каттақўрғон шаҳридаги 3-мактаб ўқитувчиси

ЕЎ БАҲТЛИСАН, ЎҒЛОҲ!

Энг юксак талаб ва стандартларга жавоб бера оладиган, мустақиллигимизни, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги ҳамда халқимиз тинч ҳаётини ишончли ҳимоя қила олишга қодир ўз миллий армиямиз Қуролли Кучларимизнинг ташкил этилиши мустақил давлатимиз шаклланиши ва ривожланишидаги муҳим омиллардан бири бўлди.

Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳриридаги "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонуни тасдиқланди.

Бу Ватан ҳимоячилари зиммасидаги вазифаларни бажаришда, жанговар шайлик ва ҳушёрликни ҳар томонлама ошириш ҳамда ҳарбий интизомни мустаҳкамлашда бор куч-ғайратларини аямасликка руҳлантиради. Шу ерда бир нарсани айтиш лозимки, ҳар йили қуролли кучларимизда янги мавсумини янги шиор билан бошлаш анъанага айланган.

Мудофаа вазирлиги ҳарбий коллегияси томонидан бу йилги янги шиор:

"Ватанни, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилиш, ватанпарвар бўлиш, касбий маҳоратни изчил такомиллаштириш, қонунлар ҳамда умумҳарбий низомлар талабларига қатъий риоя этиш ҳарбий хизматчининг бурчи ва мажбурияти", дея тасдиқланди.

Биз бевосита бу шиор билан таништиришимиздан сўнг унинг ўзи нима ва нима учун керак, деган саволга ечим топиш учун Тошкент шаҳридаги Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари қисмига ташриф буюрдик.

У ерда ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Илҳом Ҳамидов шиорни қуйидагича изоҳлади:

— Шиор, бу бош ғоя, масала ёки сиёсий талабни ифодаловчи қисқа шаклда баён қилинган чақириқ. Унда жанговар ўқув вазифаларини ифодалаш ва ўқув мавсумини ҳамда ўқув йили учун қабул қилинган мажбуриятларни бажаришда ҳарбий хизматчиларнинг ўзларини қандай тутишини ва фаолият кўрсатишининг бош новси ифодаланган. Ҳўш, бизга жанговар ўқув шиори керакми? Албатта керак! У бизга компас сифатида ва ниҳоят, яқинда бошланган янги ўқув йилида жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликлар бўйича қўйилган мураккаб вазифаларни бажаришда олға интиладиган ҳаракатимиз учун ўналишини кўрсатувчи йўлчи юлдуз сифатида керак.

Шиор мазмуни ҳарбий ислоҳотлар ва бугунги кун талабларига тўла мос келадиган, қуролли кучлар шахсий таркиби жанговар фаолиятини акс эттирадиган асосий тўртта устивор йўналишни қамраб олган.

Шу боис, у жангчиларимизда ҳарбий-ватанпарварлик, юртга содиқлик ва муҳаббат туйғуларини шакллантиришга йўналтирилган. Бир сўз билан айтганда, жангчиларни ватанпарварлик, юртга содиқлик ва муҳаббат руҳида тарбиялаш тарбияви ишимизнинг ўзаги бўлиши керак. Бу туйғуларсиз Ватан ҳимоячисини тасаввур этиб бўлмайди. Ватанпарварлик туйғуси, бу—ўз муқаддас Ватанидан, унинг мустақиллик йўлидаги ютуқларидан, шонли тарихи ва буюк аждодлари меросидан, фахрланишдир.

Суҳбатимиз давом этаётган пайтда хурсандчилиги чексиз бўлган оддий аскар эътиборимизни ўзига тортди. Ундан боисини сўрадик.

—Андижонлик Мирзохид Отабоев ҳарбий хизматини бошлаганига уч ой бўлганини айтди. Бу вақт ичида ҳарбий қийинчилик ҳам кўп олган.

Шу боис, у жангчиларимизда ҳарбий-ватанпарварлик, юртга содиқлик ва муҳаббат туйғуларини шакллантиришга йўналтирилган. Бир сўз билан айтганда, жангчиларни ватанпарварлик, юртга содиқлик ва муҳаббат руҳида тарбиялаш тарбияви ишимизнинг ўзаги бўлиши керак. Бу туйғуларсиз Ватан ҳимоячисини тасаввур этиб бўлмайди. Ватанпарварлик туйғуси, бу—ўз муқаддас Ватанидан, унинг мустақиллик йўлидаги ютуқларидан, шонли тарихи ва буюк аждодлари меросидан, фахрланишдир.

Ҳатда шундай сатрлар бор эди: Унда, "Салом ўғлим Мирзохиджон, хизматларинг яхшими, қийинчиликлар йўқми? Сени жуда соғиндик.

Расмларингни олдик, дарров ўзгарибсан ўғлим, мен сен билан фахрланаман!"

Оддий аскарнинг қувончини кўриб унга ҳавасимиз келди.. Қандай бахтлисан ўғлон! Чунки сен халқинг хизматидасан!

Қўш саҳифа материалларини "Ma'rifat" мухбири Шерзод АҲМАТОВ тайёрлади.

Seminar

ЮТУҚЛАР БОР, КАМЧИЛИКЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

Пойтахтдаги Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежида "Автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш йўналиши бўйича касбий ва махсус фанларни ўқитишда янги кўргазмали ўқув жиҳозларидан фойдаланиш" мавзусида республика амалий семинар кенгаши бўлиб ўтди. Унда республиканинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистонда ушбу йўналишга ихтисослашган касб-ҳунар коллежларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимияти Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежи ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу семинар бежиз бу ерда ўтказилгани йўқ. Негаки, ушбу саноат касб-ҳунар коллежида бой ўқув-моддий базаси мавжуд. Коллежнинг педагогик жамоаси Тошкент Давлат техника университети, Тошкент автомобил йўллари институти каби яна бир нечта олий ўқув юртлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишади. Мазкур олийгоҳларнинг талабалари ишлаб чиқариш амалиётларини шу ерда ўтказадилар. Шунингдек, мазкур олийгоҳларнинг ректорлари коллеж талабаларига аълочилиги учун махсус стипендиялар ажратган. Ўтган йили коллежни тугатган йигирма нафардан зиёд ёшлар мазкур олийгоҳларга ўқишга киришди. Билим масканида бир-биридан билимдон ва қобилиятли педагоглар ва ишлаб чиқариш таълими усталари талабаларга қунт билан техника сирларини ўргатишмоқда.

Семинарда ЎМКҲТ маркази коллежлар бошқармаси бош мутахассиси Шуҳрат Абдуллаев республикада автомобилларга техник хизмат кўрсатишга йўналтирилган коллежларда таълим-тарбия жараёнининг аҳволи ҳақида маъруза қилди. Нотиқ ўз сўзида ютуқларни қайд қилиш баробарида республикадаги жуда кўплаб коллежларда таълим сифати шу куннинг талаблари даражасида эмаслигини алоҳида таъкидлади.

Куннинг иккинчи ярмида семинар яна ўз ишини давом эттирди. Унда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими Марказининг маҳкамавий метрологик хизмат бошқармасининг бош мутахассиси Бахтиёр Абдуқодиров коллежларда метрология хизмати аҳволи тўғрисида гапирди.

Шундан кейин қизғин савол-жавоблар бўлиб ўтди. Семинар қатнашчилари ўзларини қийнаётган қатор муаммолар тўғрисидаги саволларига мутасаддилардан жавоб олдилар.

Ўткир САИДОВ

ЁШЛАР ВА ҲУҚУҚ

Tadbir

Сирғали тиббиёт коллежида фаолият кўрсатаётган "Қалқон" гуруҳи, мана бир неча йилдирки, туман ва шаҳар миқёсида ўтказилиб келинаётган кўрик-танловларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Ёшларнинг ҳуқуқий онгини ўстириш мақсадида маънавият ва маърифат бўлими ташаббуси билан ташкил этилган мазкур гуруҳ аъзолари Ўзбекистон Республикаси қонунларини қунт билан ўрганибгина қолмай, ёшлар ўртасида кенг тарғибот ишларини ҳам олиб бораяпти. Бу борада коллежда суд, прокуратура, ички ишлар бўлими ходимлари иштирокида учрашувлар, очиқ мулоқотларни мунтазам равишда ўтказиб туриш ҳам яхши анъанага айланган.

Яқинда коллежда "Сиз қонунни биласизми?" мавзусида бўлиб ўтган кўрик-танловда 11-гуруҳ талабаларининг "Бунёдкор" ҳамда 7-гуруҳ талабаларининг "Адолат нури" жамоалари 5 та шарт бўйича ўзаро беллашишди. Айниқса, суд, прокуратура ҳужжатлари асосида тайёрланган саҳна кўринишларида ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ўғрилик каби ёмон иллатларга чалинган ёшларнинг аянчли тақдирлари моҳирона фош этилди. Бундай саҳна кўринишларида, "жиноят жазосиз қолмайди" деганларидек, ёш "судья"лар Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодекси бандларига кўра, маълум бир жазо турларини белгиладилар.

Кўрик-танлов натижасида "бунёдкор"чилар ғолиб деб топилиб, уларга коллеж раҳбари ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимининг эсдалик совғалари топширилди.

Абдунаби ОРИПОВ

КОЛЛЕЖГА УСЛУБЧИ КЕРАКМИ?

Айни кунларда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи, яъни таълим мазмунини такомиллаштириш ва унинг сифатини ошириш, ўқув-тарбия жараёнини янги дарсликлар, ўқув адабиётлари, услубий воситалар ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш, таълим сифати ва самарадорлигини кучайтириш вазифаларини амалга ошириш жараёнига киришилди. Бу долзарб вазифаларни амалга оширишда касб-ҳунар коллежлари зиммасига катта маъсулият юкланади. Айниқса, уларни амалга оширишда бевосита масъул бўлган коллеж услубчиси зиммасига катта талаблар қўйилмоқда. Улар таълим муассасаларида Миллий дастурнинг иккинчи босқичи вазифаларини бевосита ҳаётга татбиқ этувчи асосий куч бўлиб, "коллежнинг юраги", "ўқувчиларнинг ўқитувчиси" деган ибораларга лойиқ бўлишлари талаб этилмоқда. Коллеж услубчиси фаоллиги ўқув-услубий ишларнинг сифати ва самарадорлиги даражаси билан бевосита боғлиқдир.

Услубчи касб-ҳунар коллежидаги илмий-услубий ишларни ташкил этиш ва назорат қилиш билан бирга, ўқитувчиларнинг маҳоратини, тажрибасини, хусусиятларини ўрганади, дарсларига кириб таҳлил қилади, йўл-йўриқлар беради. Ёш ўқитувчилар билан алоҳида иш олиб боради, илғор тажрибаларни ўрганади, оммалаштиради ҳамда тарғибот қилади. Янги педагогик технологиялар, фан ва техника янгиликларини ўқув жараёнига татбиқ этади. Ўқитувчиларнинг очиқ дарсларини ташкил қилади, уларга ўз устиларида ишлаб, фанлар бўйича маъруза матнлари, дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар яратишларида амалий ёрдам беради. Шунингдек, ўқитувчиларнинг малака оширишини таъминлайди ва педагогик маҳоратларини кучайтириш йўлларини ўргатади. Бу вазифаларни амалга ошириш учун коллеж услубчиси лавозимига олий маълумотли, катта педагогик тажрибага эга бўлган, педагогик жамоага ўрнак бўла оладиган, олий тоифали ўқитувчилар тайинланиши лозим. Лекин, кўп ҳолларда катта тажрибага эга бўлган олий тоифали ўқитувчилар бу лавозимда ишлашдан бош тортадилар. Натижада эса, бу лавозимга тажрибаси кам, тоифаси паст бўлган ёш ўқитувчилар тайинланадилар. Сабаб эса равшан: услубчи иш вақтининг кўплиги, юклатилган вазифаларнинг масъулияти ва бажариладиган ишларнинг кенг қамровлилиги, лекин оладиган маошининг ўқитувчиларга нисбатан камлиги, ёзги таътилнинг муддати қисқалиги, вазифасидан ташқари ишларга кўп жалб этилиши ва ҳоказолар. Бундан ташқари, коллеж услубчисининг бошқарув-структурасидаги ўрни, мақоми тўғрисида аниқ кўрсатмалар мавжуд эмас, лавозимий вазифалари аниқлаштирилмаган.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, кейинги вақтларда айрим раҳбарлар ва мутахассислар орасида "Коллежларда услубчи бўлиши шартми?" деган фикр юзага кела бошлади. Уларнинг ғоясига кўра, коллежлардаги услубчининг барча функцияларини кафедра мудирлари ва уларнинг лаборантлари бажариши, шу жумладан, илмий – услубий ишларни ташкил этиши ва назорат қилиш лозим. Кафедралар устидан умумий раҳбарлик эса ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари зиммасига юкланади (Бу тажрибани Тошкент банк коллежи мисолида кўриш мумкин).

Миллий дастурни амалга оширишнинг асосий омилларидан бири ҳам касб-ҳунар коллежлари услубчиларининг мавқеини кўтариш, бу лавозимга коллежнинг энг обрўли, тажрибали, ҳаракатчан, янгиликка интилувчан, ҳар томонлама чуқур билим ва кенг тафаккурга эга бўлган, олий тоифали ўқитувчиларни танлов асосида тайинлашдир. Коллежларда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг вазифалари ниҳоятда кўп эканлигини назарда тутган ҳолда, услубчиларни – илмий-услубий ишлар бўйича директор ўринбосари даражасига кўтариш мақсадга мувофиқ бўлади.

Услубчининг барча ҳужжатлари, ўқитувчиларнинг бажарган услубий ишлари, уларга берилган тавсиялар, йўриқномалар,

Fikr

янги адабиётлар намуналари сингари бир қанча материаллар, коллежнинг "Услубият хонаси"да жамланади. "Услубият хонаси" услубчи ва ўқитувчиларнинг ўзига хос "Ижодий лабораторияси"га айланиши лозим. Бу хонада ўқитувчи ўз илмий-услубий иши учун зарур бўлган маълумотларни, адабиётларни топа олиши, ўз фани янгиликларини, ҳатто Интернет тармоғи орқали ҳам олиши, ўз ишини компьютерда чиқара олиши; таълим-тарбия тизимида қўлланилаётган энг сўнгги, замонавий техник воситаларни ишлатишни ўрганиши учун зарур бўлган барча шароитлар яратилмоғи лозим.

Бунинг учун, ЎМКҲТ Маркази томонидан коллежларнинг услубият хоналарини замон талаблари даражасида жиҳозлаш учун амалий ёрдам талаб этилади.

Шунингдек, колежларнинг махсус услубий қўлланмалар, янги педагогик технологиялар асосида яратилган адабиётлар, дидактик материаллар билан кам таъминланаётганлиги, вилоятлардаги услубий кенгашлар фаолиятининг таъсири камлиги, туманларда жойлашган касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқувчи ва ўқитувчиларининг кўп дала ишларига, турли тадбирларга жалб этилиши коллежлардаги ўқув-услубий ишлар сифатининг пасайишига таъсир этмоқда.

Юқорида таъкидланган муаммоларни инобатга олган ҳолда, республикамиз касб-ҳунар коллежларида услубий ишларни жонлантириш, ривожлантириш, такомиллаштириш ва янада юқори натижаларга эришиш учун, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

– касб-ҳунар коллежлари услубчиларининг бошқарув структурасидаги ўрни, мақомини ойдинлаштириш ва лавозимий вазифаларини аниқ белгилаш;

– услубчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизимини кўриб чиқиш;

– услубчиларнинг фаоллигини ошириш ҳамда уларнинг меҳнатини табақалаштириш мақсадида аттестациядан ўтказиш ва уларга лавозимий тоифалар беришнинг қонуний асосларини яратиш;

– услубчиларнинг ёзги меҳнат таътили кунлари миқдорини қайтадан кўриб чиқиш;

– услубчиларни янги адабиётлар, дарсликлар, услубий қўлланмалар ва дидактик материаллар билан мунтазам танишиб боришлари учун шароит яратиш;

– уларни чет эл лойиҳалари томонидан ташкил этилаётган (Осиё тараққиёт банки; Германиянинг техник ҳамкорлик маркази, Япония кредит банки) ўқув-семинарларига жалб этиш;

– услубчиларни ривожланган мамлакатлардаги етакчи таълим муассасаларига тажриба ўрганиш ва малака оширишга юбориш;

– касб-ҳунар коллежларининг услубият хоналарида ўқитувчиларнинг ва услубчиларнинг ижодий меҳнат билан шуғулланиши учун шароит яратиш. Бу хонани марказлашган ҳолда компьютер, техник воситалар, дидактик материаллар ва услубий қўлланмалар билан таъминланишига амалий ёрдам кўрсатиш;

– вилоятларда ва Республика миқёсида касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари томонидан яратилган услубий ишлар кўрик-танловларини ўтказиб туриш ва уларни рағбатлантириш;

– Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Марказининг ўқув-услубият Маркази ва вилоят ЎМКҲТ бош-қармаларида ташкил этилган услубий Кенгашлар фаолиятини жонлантириш, улар томонидан услубчиларга кўрсатиладиган амалий ёрдамлар таъсирини ошириш.

Буларнинг ҳаётга татбиқ этилиши — касб-ҳунар коллежлари услубчиларининг фаоллигини оширишда, услубий ишларнинг сифати ва самарадорлигининг ошишида, Миллий дастурда кўзланган мақсадларга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Касб-ҳунар коллежларида ёшларга таълим-тарбия бераётган, услубий ишларни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшаётган фидойи, заҳматкаш услубчиларимиз талайгина. Уларнинг меҳнатини қанча эъзозласак ҳам оз. Зеро, биз услубий ишларни бажаришга, дарслик, қўлланма ёки маъруза матнларини тайёрлашга энг илғор ва шарафли вазифа сифатида қарашимиз, яхши дарслик, қўлланма ва тўпламлар яратган ўқитувчиларимизни "бошимизга кўтаришимиз" лозим. Ана шундагина кўзлаган мақсадларимизга эришган бўламиз.

Ҳусайн ШАГИАҲМЕДОВ,
Тўрақўрғон агроиқтисодиёт коллежининг олий тоифали ўқитувчиси, "Халқ таълими аълочиси", услубчи

Inson, jamiyat, qonun

ҲАЁТ ҚАДРИНИ ..... ДАН СЎРАНГ

Туман халқ таълими бўлимининг 30 ёшли ғазначиси Ғуломни отиб кетишди. Бу воқеа билан боғлиқ турли миш-мишлар кўп ўтмасдан бутун Самарқандга тарқалди.

Ўз "Жигули"сида уйига етиб келган ғазначи автомашинадан тушар-тушмас икки ўқ унга бориб тегди... Шу заҳотиёқ мотоциклда "учиб" келган ёлланган қотил осуда тун қўйнига сингиб кетиши мумкин эди.

Ёвуз қотил узоққа қочиб улгурмади. Унинг йўлини ўз вақтида ўқ овозидан сергакланган Ғуломнинг қўшниси тўсди. Жиноятчининг кучли қуролланганлиги Маҳмудни йўлдан қайтара олмади. Албатта, жиноятчини қўлга тушириш осон кечмади - қутилмаган гувоҳдан қутилиш учун қотил Маҳмудга ҳам ташланади ва унга оғир тан жароҳатини етказади. Ҳайриятки, тўполондан хабар топган бошқа қўшнилар ҳам тезликда ёрдамга ошиқдилар. Кўп ўтмасдан милиция ходимлари етиб келдилар ва қотил қўлга олинди.

Ғазначига ким ва нима мақсадда "буюртма" берди? Бу саволларга аниқ жавоблар ҳали олдинда. Дастлабки тергов натижаларига асосан қуйидагилар аниқланди. Ғулом фаолият кўрсатган туман халқ таълими бўлими бош ҳисобчисининг мазкур қонли ҳодисани уюштирганлиги аён бўлди. Анчадан буён бош ҳисобчи билан кассир ўртасидаги зиддиятли муносабатлар, келишмовчиликлардан мазкур идорада ишловчи ходимларнинг кўпчилиги хабардор эдилар. Бироқ уларнинг ҳеч бири бош ҳисобчининг бу қадар қабиҳликка боришини кутмаган эди.

Хуллас, бош ҳисобчи Бўрибой исмли "ўз қўлида" ишловчи ҳисобчига, ашаддий "душмани" бўлган кассирни "йўқотиш" учун бирон тайинли кишини ёллаши мумкинлиги ҳақидаги фикрини ошкор қилди. Шундай одамни қидириб топишни эса унга вазифа сифатида топширди. Ғуломнинг ҳаёти беш миллион сўмга баҳоланиб, "буюртма"нинг ижрочиси шу тариқа мукофотланиши ваъда қилинди.

Бош ҳисобчи бу нозик масалада кимга мурожаат қилганини яхши биларди. Чунки Бўрибой 1998 йилда катта миқдорда давлат мулкини талон-тарож қилганлиги боис, 7 йиллик муддатга озодликдан маҳрум этилган эди. Бироқ у икки йилдан сўнг яна озодликда ўзини "эркин қуш" каби ҳис қила бошлади, ва ҳаттоки, туман халқ таълими бўлими ҳисобхонасига ишга жойлашишга ҳам улгурди.

Ўз ўрнида, бу каби нозик масалаларда анча "тажриба"си ортган Бўрибой ҳам кимга мурожаат қилишни биларди. Бу Мардон Баҳриев исмли 6 йиллик муддатни ўтаб қайтган йигит эди. Аммо "қинғир иш"нинг "устаси фаранг"и бу ишни бажаришга ўзи киришмади. Олдиндан 500 минг сўм аванси қўлга киритган Мардон, қамоқда муддатни бирга ўтаган Зариф исмли ўз дўстига бу ишни таклиф қилиб, эвазига яхшигина пул ишлаб олиши мумкинлигини айтди.

Барча шартлар ўзаро келишиб олингач, Мардон ёлланган қотилни халқ таълими бўлимига бошлаб келди ва бўлғуси "ўлжа"ни кўрсатди. Сўнг улар Ғулом истиқомат қилувчи қишлоқ томон равона бўлдилар ва жойида ишнинг барча "майда-чуйдалар"игача белгилаб олдилар. Ғазначининг уйига қандай транспорт воситасида келиш хусусидаги мунозаралар "Восход" мотоциклига келиб тўхтади ва уни шу қишлоқда яшовчи ўз танишларининг биридан олдилар. Қотилликни амалга оширишда асосий восита бўлувчи қуролярогни топиш ва уни кесиб, ихчамлаштириш иши ҳам улар учун "хамирдан қил суғургандек" кечди. Иброҳим исмли кимсадан 50 минг сўмга ов милтиғи ва унинг учта ўқини харид қилди.

"Дадил бўл, сенга жин ҳам урмайди" шиорини қўллаб, энди қаттиқ пушаймон бўлаётган Иброҳим ҳам бугун одил суд олдида ноқонуний тарзда қурол-яроғ сақлагани, унинг савдоси билан шуғулланганлиги учун жавоб беришга мажбур. Аммо виждон азоби ҳам борки ундан сотиб олинган қурол бегуноҳ инсон умрига завол бўлди...

Таассуф, мактабда болаларга илму маърифатдан сабоқ берувчи, муаллим номига иснод келтирувчи Орипов, бўш вақтларида қурол-яроғларни созлайвериб, "қўли гул" устага айланганди. Ёлланма қотиллар Мардон ва Зариф ҳам бу масалада устадан ёрдам сўраб янглишмагандилар. Устанинг беминнат кўмаги эвазига ишни битирган ёлланма қотиллар, ваъда қилинган миллионларни қўлга киритиш мақсадида "камтар ҳисобхона хизматчилари" учун номаъқул бўлган ғазначини гумдон қилишга эришдилар. Аммо...

Мазкур қотилликда бевосита ва билвосита иштирок этган олти "қаҳрамон" Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг бир қатор моддаларига асосан жиноий жавобгарликка тортилдилар ва айни пайтда Самарқанд вилояти прокуратураси терговчилари олдида кўрсатма бермоқдалар.

Худди шундай "буюртма" сценарийлар асосида турли вақт оралиғида яна бешнафар киши ҳаётдан кўз юмиши мумкин эди. Бироқ хайриятки, бундай муд-ҳиш фожеанинг олди олинди.

— Прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири — бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат. Прокуратура органлари жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини оширишни таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари билан оператив-қидирув фаолиятини мувофиқлаштирмоқда, — дейди вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Илҳом Очилов. — Вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари билан яқиндан олиб борилган ҳамкорлик алоқалари натижасида бир неча ўта оғир жиноятларнинг содир этилишининг олди олиниб, фуқароларнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

— Таъкидлаш лозимки, - дея ўз фикрларини давом эттиради Илҳом ака, — бундай кишилар ҳаётига таҳдид қилиш, яъни қасддан қотиллик жиноятларини бартараф этиш инсон ҳаётига хавфли дақиқаларда эмас, балки тайёргарлик жараёнида амалга оширилди. Жиноят режаси "буюртмачи - ижрочи - қурбонлар" чизмаси асосида тайёрланган. Баъзи ҳолларда ушбу одатий чизмага "воситачи" ҳам қўшилиб, унинг олдига "ёлланма қотил"ни қидириб топиш ва у билан бевосита алоқа боғлаш вазифаси юклатилади.

Вилоят прокуратураси тезкор ходимлари томонидан фош этилган қасддан содир этилган қотилликлар, унинг ижрочилари томонидан катта миқдордаги моддий мукофотлар эвазига содир этилиши керак эди. Жиноят ташкилотчилари бундай "буюртма"ларни улар асосан "ни-шон"даги шахслар, яъни, уларнинг тасдиқлашларича, осойишта яшашлари учун халақит берганлар учун тайёрлашган.

...

Тўлақонли бажарилмай қолган яна бир "буюртма" ҳақида газетамизда илгари ҳикоя қилган эдик. Унинг мазмунини қисқача ёдга олсак. Қаттиқ қаҳрланган аёл Чимкент шаҳрида истиқомат қилувчи ёш, чиройли, келишган ва бадавлат ўз қариндошини йўқ қилишга қарор қилди. Унга бу ишда Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида истиқомат қилувчи болаликдаги дўстлари — ака-сингиллар кўмак беришга розилик билдирдилар. Ўз навбатида, бу оилавий дуэт даҳшатли режани амалга ошириш мақсадида бу ишга илгари судланиб, жазони ўтаб қайтган "ҳамюрти"ни ҳам жалб қилдилар. Бир сўз билан айтганда, пухта ўйланган ва узоқ "пишитилган", ақл бовар қилмас сценарийга асосан, ёш аёл ҳаётдан кўз юмиши аниқдек эди. Ва агар, мукаммал ишланган жиноий иш ўз вақтида бартараф этилмаганида, бутун жиноий "занжир"ни узиш анча оғир кечган бўларди.

Амалга оширилган тезкор тадбирлар натижасида буюртмачи ва унинг жиноятдаги ҳамтовоқларининг мудҳиш режалари барбод бўлди. Ёш аёлнинг ўлими эвазига 76 минг сўм қийматида аванс-ни олиш пайтида оилавий дуэт осонликча қўлга олинди. Суд оғир ҳолатда қасддан қотилликка қўл урмоқчи бўлган, унга тайёргарликни ташкил этган ака-сингилни жиноий айбдор деб топди ва уларга нисбатан тегишли жазо белгиланди. "Буюртмачи"-га алоқадор материаллар эса алоҳида жиноий иш сифатида ажратилди. Малъун жиноятчи Қозоғистон фуқароси бўлганлиги ва айни пайтда ушбу республика ҳудудида истиқомат қилаётганлиги инобатга олинган ҳолда, Минск конвенциясининг жиноий, фуқаролик ва оилавий ишларда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш моддаларига асосан, мазкур жиноий ҳодисанинг асосий қаҳрамонига алоқадор жиноий иш ҳужжатлари ўрганилиб, ҳал этилиши учун қўшни республика ҳуқуқ-тартибот органларига тақдим қилинди.

...

Иброҳим Муслимов нима сабабдан ўз қўшниси Қурбонов билан осойишта яшай олмаганлиги тафсилотларига тўхталиб ўтирмаймиз. Она ва қиз томонидан қандай золимлик кўрсатилгандики, "буюртмачи" уларнинг иккисини ҳам ўққа "нишон" қилишга уринди?

Қўшнилар ўртасида не-не гаплар бўлмайди, дейсиз? Бироқ Муслимов ўз қабиҳ режасини амалга оширишга жиддий киришди. У Самарқанд туманида истиқомат қилувчи Ш. исмли танишига мурожаат қилиб, она ва унинг қизига қарши "қароқчилик" ҳужумини амалга ошириш, сўнг эса 100 минг сўм қийматидаги мукофот эвазига уларни йўқ қилишни сўради. Муслимов пулни қотилликка тайёргарлик жараёнидаёқ тўлашни ваъда қилди.

Шу тарзда аёлларга нисбатан жазо "гилдираги" ишга тушди. Муслимов ёлланма қотилни бўлғуси қурбонларнинг ҳаёт тарзи хусусидаги маълумотлар билан таъминлади, уларни ўлимга маҳкум қилишнинг анча қулай усулларини муҳокама қилди. Бошқа турли шартлар ҳам аввалдан келишилди, маслаҳатлашилди. Ваъда қилинган мукофотга ишончни мустаҳкамлаш мақсадида Ш. га 30 минг сўм миқдорида пул ҳам берди. Бироқ буюртмачи кўп нарсаларни эътиборга олган ҳолда, арзимас жиҳатларни эътибордан соқит қилди: Вилоят ИИБ ходимлари Муслимовнинг нафратига дучор бўлган бегуноҳ қурбонлар қонини тўкишга ўзида куч топа олмаган "ёлланувчи"нинг аризасига асосан тайёрланаётган жиноятдан огоҳ бўлдилар.

— Жиноятга ҳозирлик кўрилаётганлиги хусусида хабар келгач, — дея ҳикоя қилади Илҳом Қаландарович, — уни бартараф этиш бўйича тезкор режа ишлаб чиқилди. "Ижрочининг ҳамкори" ролига тезкор ходимлардан бири жалб қилинди. Ушбу ходим томонидан йиғилган маълумотлар Муслимовнинг қўшниси ва унинг онасига бўлган адоватли муносабати ўз тасдиғини топди. Энди уларнинг ҳаёти ҳақиқатан ҳам "буюртма" харитасига "тикилган"лиги хусусида шубҳага ўрин қолмаганди.

Бу воқеадан хабар топган аёлларнинг қай даражада ваҳимага тушганини тасаввур қилиш қийин эмас. Уларнинг ёрдамисиз Муслимовнинг бўлажак қонли қилмишларини фош қилиш анча қийин кечган бўларди: ИИБ сценарийсига асосан, она ва унинг қизи кутилмаганда ғойиб бўлади. Маҳаллада уларнинг ном-нишонсиз йўқолганлиги, аниқроғи ўлдирилганлиги ҳақидаги турли миш-мишлар тарқалади. Бу ёлғон "ривоят"га ҳатто буюртмачи ҳам ишонди. Вилоят прокуратурасининг қидирув бошқармаси ҳамда ИИБ тезкор ходимларининг ҳамкорликдаги ҳаракати натижасида "жуфт қотиллик" ижрочиларига 60 минг сўм миқдорида пул тўлаётган лаҳзада Муслимов далилий ашёлар билан қўлга олинди.

Суд Муслимовни жиноий айбдор деб топди ва 10 йиллик муддатга озодликдан маҳрум этиш бўйича ҳукм чиқарди.

...

Айни пайтда вилоят прокуратураси томонидан туман адвокатлар кенгаши аъзоларининг бири устидан қўзғатилган жиноий иш юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Қонун хизматчиси ва ҳимоячиси бўлган адвокат кишиларга нисбатан адоват ва нафрат асирига айланиб, ақлҳушидан айрилган эди. Жазо объекти "буюртмачи" акасининг хотини ва унинг яқин таниши эди. Уларнинг ўлик жасади учун адвокат каттагина сумма, яъни 10 минг АҚШ доллари ваъда қилди ва бу "ролни ижро қилиш"га Б. исмли илгари судланган қотилни кўндирди. Бироқ қонун ҳимоячиси ўзининг ноқулай қариндош ва унинг танишига нисбатан юрагидаги аламни қон билан юзага чиқаришнинг уддасидан чиқа олмади. Бир қатор тезкор тадбирлар натижасида гўёки содир этилиши аниқ бўлган "жуфт қотиллик" учун елланма қотилга олдиндан аванс тўлаш чоғида, у милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

Буюртма қотилликлар содир этилаётган қотилликларнинг юздан бир қисмини ташкил этади. Бу каби жиноий ҳодисалар, афсуски, ҳамон содир этилмоқда ва бу ҳақда фуқароларимизни огоҳ этишимиз зарур. Шуни ҳам унутмаслик лозимки, оғир жиноятларни олдини олиш мақсадида прокуратура ва милиция ходимларининг ўзаро ҳамкорликда иш олиб борилмаганида, балки бир неча қуроллардан нафрат, ғараз, ҳасад ўқлари отилиши мумкин эди.

(Айрим сабабларга кўра воқеа иштирокчиларининг исми-шарифи ўзгартирилган ҳолда берилди.)

Наталья ШОКИРОВА,
"Правда Востока"
газетасининг ўз мухбири

("Правда Востока"
газетасининг 2003 йил
8 январь сонидан олинди.)

Институтнинг негизини ташкил этувчи кончилик ишлари ва металлургия йўналишлари бўйича ҳозирда 1000 га яқин талаба билим олмоқда.

Milliy dastur: ta'lim, fan va ishlab chiqarish

ТАЪЛИМ, ФАН, ТАЛАБ

Президентимизнинг "Кон-металлургия саноати учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан, республика кон-металлургия тармоғи корхоналарини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, таълим дастурларида Ватанимиз ҳамда хорижий кончилик ва металлургия корхоналари томонидан тўпланган илғор тажрибалардан кенг кўламда фойдаланган ҳолда замонавий ўқитиш услубларини жорий этиш, таълим жараёнининг ишлаб чиқариш билан алоқасини кучайтириш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида институтимиз "Қизилқумнодирметалолтин" Давлат концерни таркибига ўтказилди.

Республика кон-металлургия саноатининг устувор соҳалари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш, уни илмий таҳлил қилиш, ҳамда жаҳон фани ва технологияларининг энг янги ютуқлари негизида янги илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш институт фаолиятининг асосий вазифаси ва йўналишларидир.

Айни пайтда институтда кончилик, кимё-металлургия, энергия-механика, Зарафшон умумтехника, Олмалиқ конметаллургия факультетлари мавжуд.

1995 йилда институтда 6 та таълим йўналиши бўйича талабалар ўқитилган бўлса, ҳозирда 9 та таълим йўналиши бўйича бакалавр кадрлар тайёрланмоқда.

1999 йилда институтни биринчи бор 6 та таълим йўналиши бўйича 266 бакалавр битирган бўлса, 2002 йилга келиб 9 та таълим йўналиши бўйича 403, шу жумладан, 9 киши имтиёзли диплом билан бакалаврликни битирди. Ҳозирги кунда ёш мутахассисларнинг кўпчилиги Навоий кон-металлургия комбинати корхоналарига ишга жойлашишаяпти. Институтимиз битирувчилари "Навоий-азот" ишлаб чиқариш бирлашмасида ва вилоятимиз Навоий ГРЭСи, "Қизилқумцемент" ҳиссадорлик жамияти, "Электро-кимё" заводи, "Навоий электр тармоқлари" каби йирик корхоналарда ҳам фаолият кўрсатмоқдалар.

Ўқув жараёнига янги педагогик технологиялар жорий қилинмоқда. Талабалар билимини баҳолаш рейтинг тизими асосида амалга оширилиб, компьютер тестларидан кенг фойдаланилмоқда, муаммоли маърузалар ўқиш учун Навоий тоғ-кон металлургия комбинатида фаолият кўрсатаётган фан докторлари кенг жалб қилиняпти. Таълим жараёнига дуал тизим ва масофадан ўқитиш тизими татбиқ қилинган.

Қобилиятли, зукко талаба-ёшларни бирлаштириш, уларнинг куч-ғайрат ва билимларини муносиб ишларга жалб қилиш, ҳамда талаба-магистрлар интеллектуал билимларини тўла-тўкис намоён қилиш учун "Иқтидорли талабалар жамияти" тузилган. "Заковат" интеллектуал ўйини ташкилотчилари режа асосида иш олиб бормоқдалар.

Яқинда Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан Олмалиқ кон-металлургия комбинати етакчи олимлари иштирокида "Фан куни"га бағишланган "Олмалиқ шаҳрида фан ва минтақа тараққиёти масалалари" мавзусидаги илмий-амалий анжуманда 13 нафар иқтидорли талабанинг маърузаси тингланди. Талабалар олимпиадаси ҳам ўтказилади. Бу йилги ғолиблардан 21 нафари Республика олимпиадасида қатнашиш учун тавсия этилди.

Институтимизда фойдали қазилма конларини ер ости усулида қазиб олиш, очиқ кончилик ишлар ихтисосликлари бўйича номзодлик диссертациялари ҳимоясини ўтказувчи ихтисослашган кенгаш фаолият кўрсатмоқда. Ўтган давр ичида кенгаш мажлисида 4 та номзодлик диссертациялари ҳимояси ўтказилди ва кончилик соҳаларидаги 2 та докторлик диссертациялари ҳимояси ҳам мазкур ихтисослашган кенгаш мажлисида муҳокама қилинди.

Институтимиз "ТЕМПУС-ТАСИС" дастурининг 1999-2002 йилларга мўлжалланган "Ўзбекистон ва Европа иттифоқи олий ўқув юртларида масофадан ўқитиш" лойиҳасида Германия, Голландия, Дания ва Тошкент давлат техника университетлари билан ҳамкорликда иштирок этмоқда. Лойиҳани молиялаштириш учун Европа Иттифоқи томонидан 467 минг ЕВРО миқдорида маблағ ажратилган бўлиб, 2001-2002 ўқув йили давомида иқтидорли ёш олимлардан — техника фанлари номзоди Т.Нурмуродов Европа давлатлари университетларида педагогик технология асосида масофадан ўқитиш бўйича икки марта малака ошириб қайтди.

Институтимиз магистратурасига рангли ва ноёб металлар металлургияси, фойдали қазилма конларини ер ости усулида қазиб олиш, фойдали қазилма конларини очиқ усулда қазиб олиш, фойдали қазилмаларни бойитиш, кончилик педагогикаси мутахассисликлари бўйича 18 нафар, 2002-2003 ўқув йилида эса 10 нафар битирувчи ўқишга қабул қилинди. 2002 йил 7 июнда кончилик саноати муаммоларига бағишланган магистрантларнинг биринчи илмий-амалий конференцияси ўтказилиб, унда долзарб илмий муаммоларни ўз ичига олган 16 та маъруза тингланди.

1999 йилда институт олимлари томонидан ўқув адабиётлари яратишни такомиллаштириш мақсадида кичик босмахона ва нашриёт ташкил қилинди. Унда соҳага тегишли қўлланма, монография, маъруза матнлари нашр этиляпти.

Республикамиздаги ягона "Ўзбекистон кончилик хабарномаси" журнали институтимиз жамоаси томонидан нашр қилинмоқда. Журнал нафақат кончилик тармоғи илмининг, балки кон саноати ишлаб чиқариш муаммоларини ҳам кенг ёритиш ва уларга ечим топиш учун ҳам хизмат қилмоқда.

1999-2002 йилларда республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари дастурига киритилган долзарб илмий муаммоларни ечиш бўйича бюджет ҳисобидан, Фан ва технологиялар маркази томонидан йилига 5600 минг сўм миқдорида молиялаштирувчи иккита илмий мавзу "Олтин ва уранни самарали экологик хавфсиз ажратиб олишнинг биоксидли технологиясини яратиш" мавзуси ҳамда "Траншеяли портлатгич модда зарядлари ёрдамида тупроқларда ўйиқлар ҳосил қилиш самарадорлигини ошириш" мавзуси бўйича илмий ишлар таҳлили ўтказилди. Минерал ресурсларни қазиб олишнинг янги технологиялари. Уларни ноанъанавий бойитиш, қайта ишлаш ва комплекс фойдаланиш усуллари, кончилик корхоналарининг чиқинди хом-ашё базасидан саноатда фойдаланиш услублари яратилди ва ишлаб чиқариш учун таклифлар берилиб, талабалар учун қўлланмалар чоп этилди.

Институтнинг негизини ташкил этувчи кончилик ишлари ва Металлургия йўналишлари бўйича ҳозирда 1000 га яқин талаба билим олмоқда. Олиб борилаётган илмий ишлар ушбу соҳалар бўйича ўқув лаборатория базасини мустаҳкамлашга хизмат қилиб, қуйидаги янги замонавий ўқув лабораторияларини яратиш имконини берди: "Фойдали қазилмаларни бойитиш", "Рангли металлар металлургияси", "Кончилик машиналари ва ускуналари", шу билан бирга "Электрэнергетика" йўналиши бўйича 3 та ҳамда "Физика" фани бўйича 2 та замонавий ўқув лабораториялари ташкил қилинди.

Б. РАИМЖОНОВ,
Навоий давлат кончилик институти ректори, профессор

G'urur

ЙЎЛИНГИЗ РАВОН БЎЛСИН

Қизил ёнса қимирламанг,
Яшил ёнса яхши боринг.

Ушбу машҳур жумлали қўшиқлар барчамиз учун ёд бўлиб кетган. Фалокат инсон оёғининг остида бўлади, дейдилар. Айниқса мана шундай қишнинг совуқ кунларида, йўл музлаган пайтда кўчани кечиб ўтиш анча қийин. Озгина бепарволик, эътиборсизлик натижасида бутун умрга ногирон бўлиб қолиши ёки бирор жойи лат ейиши мумкин. Бу борада Йўл ҳаракати қоидалари бўйича дарс берувчи ўқитувчиларнинг зиммасига юклатиладиган масъулият юки оғирдир.

Куни кеча Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси Юнусобод туманидаги 70-умумий ўрта таълим мактабида "Ўқувчилар ўртасида йўл ҳаракати ҳодисаларини олдини олиш борасидаги ишларни янада яхшилаш" мавзусидаги шаҳар семинарини ўтказдилар. Ушбу семинарда 11 та тумандан келган 200 нафардан ортиқ иштирокчиларга тажриба улашиш, дарс жараёнини жонли кўрсатишга шароит яратиб берди.

Назокат ХОЛМЕТОВА

ДАҲОЛАРНИ БЕРГАН ХАЛҚ

Биз ўзбеклар ҳам кураи заминдаги бошқа халқлар каби қадимий ва кўп асрлик тарихга эгамиз. Хоразм, Қашқадарё ва Сурхон воҳаси, Самарқанд билан Бухоро, Тошкент ва Фарғона воҳаси ҳамда Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимидан кейинги пайтда топилган археологик, антропологик ашёлар, улкан ва ҳашаматли қасрлар, мадрасалар, сув иншоотларининг қолдиқлари ва ниҳоят, ота-боболаримизнинг ақлу заковати билан яратилган, минг йилдан ортиқ тарихимизни ўз ичига олган қўлёзма ки-тоблари бунга далилдир.

IX-XII асрларда Хоразмий, Форобий, Фарғоний, Ибн Ироқ, Ибн Сино, Беруний, Қошғарий каби дунёвий фан даҳолари, Ал-Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Замаҳшарий, Ан-Насафий, Аҳмад Яссавий каби муҳаддис ва фиқҳшунос, Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Навоий, Заҳириддин Бобур каби даҳо шоирлар, неча-неча меъморлар, бастакорлар, тарихнавислар, хаттотлар, созандаю хонандалар етишиб чиқдилар. Улар ижодида Шарқ ва Ғарб маданияти ютуқлари, энг илғор ғоялари синтезлашган. Академик Николай Конрад таъбири билан айтганда, ўша даврларда Ўрта Осиё дунёнинг нафақат жўғрофий, балки том маънодаги маданий ва илмий маркази ҳам эди. Дунё тараққиётида биз пешқадам эдик, маънавияти энг юксак халқ эдик.

Мустамлакачилик даврида расмий даҳрийлик сиёсатининг олиб борилиши ва маданий меросннинг атеизм андозаси билан ўлчаниши натижасида халқимизнинг атоқли ислом олимлари ҳамда тасаввуфчи шоирларининг ижодий мероси ўрганилмай қолди. Навоий, Бобур, Машраб ижоди тўлиқ нашр қилинмади, уларнинг айрим асарлари сунъий равишда қисқартирилди ва даҳрийлаштирилди. Жамиятда маънавий инқироз кучайгани сари маданий меросга нисбатан муросасизлик ортиб борди, халқимизнинг асрлар оша нишонланиб келаётган айёми бўлмиш Наврўз байрами таъқиқланди.

Мустамлакачилик даврида Фарғона генерал-губернатори М.Д.Скобелев "Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг тилини, маданиятини йўқ қилсанг, тез орада ўзи адойи-тамом бўлади", деб айтган эди. У мазкур фикрни амалга ошириш учун кўп ҳаракат қилди. Шўролар даврида ҳам бу сиёсат давом эттирилди. Зиёлиларнинг қатағон қилиниши, муҳим асарларнинг йўқотиб юборилиши ижтимоий тараққиётдаги ворисликка ниҳоятда катта зиён етказди.

Бугунги кунда тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг умумхалқ мулкига айланаётган мероси янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ватанимизнинг мустақилликка эришганига 11 йилдан ошди. Мутеликдан қутилган, озод бўлган юрт байроғи ҳилпираб, дилларга бемисл завқ-шавқ бахш этиб турибди. Она-Ватанимизнинг муносиб ва шарафли ўтмишида жаҳонга довруғ солган улуғ арбоблари, алломалари борлигини ўтган ўн бир йил ичида тарихий аслиятга мувофиқ кашф этиб, ғурурдан бошимиз сарбаланд бўлмоқда.

Хива, Бухоро ва Термиз шаҳарларининг 2500 йиллиги, Амир Темур, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Имом ал-Мотуридий ва Бурҳониддин Марғиноний ҳазратларининг таваллуд саналари кенг нишонланганлиги халқимиз руҳиятини беҳад кўтарди. Бир сўз билан айтганда, мустақиллик шарофати билан Туронзамин устидан мозий пардаси кўтарилиб, юртимизнинг бемисл жавоҳирлари намойиш этилмоқда.

Зумринисо КОЗИМОВА,
Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университети талабаси

ҚАТНАШИШНИНГ ЎЗИ ҒОЛИБЛИК

Ўзбекистон Миллий университети олимлари ўртасида "Олимлар куйлаганда" мавзусидаги кўрик-танлов бўлди. Тўғриси, бу хилдаги беллашув ҳали ўтказилмаган. 12 та номердаги чиқишда олимларнинг қобилияти ҳар томонлама синаб кўрилди. Танлов якунида учта ўрин эълон қилинди. Аммо гап ўринда эмас, балки олимларнинг ижодий фаолиятида эканлиги ҳаммага аён эди. Яъни ғолиблар деб фақат уч кишини эмас, балки ўн икки ижодий иш билан чиққан ўн икки олимни ҳам кўрсатиш ўринлидир. Бу кўрик-танловда қатнашишнинг ўзи ғолиблик. Чунки унда фақат ўз билими ва заковатига ишонган кишиларгина иштирок этишади.

Тадбир сўнгида Усмон Азимовнинг "Бир қадам йўл" драмаси саҳнага қўйилди. Бу ҳам маълум маънода ижодий баҳснинг давоми бўлди.

Б.ЭРНАЗАРОВ

ПХЕНЬЯН ШАРТНОМАДАН ЧИҚМОҚЧИ

Шимолий Корея ҳукумати ядро қуролини тарқатмаслик шартномаси ва мамлакатдаги ядровий объектларнинг мониторинги бўйича МАГАТЭ (атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик) билан тузилган битимдан чиқишини расман эълон қилди. Пхеньян ядро қуроли ишлаб чиқариш ниятида эмас, балки тинчлик мақсадларида, шунингдек, электр энергияси ишлаб чиқаришда ядро дастуридан фойдаланмоқчи, холос. Эслатиб ўтамиз, Шимолий Корея 1985 йилнинг декабрида ядро қуролини тарқатмаслик шартномасига қўшилган. Лекин 1992 йил март ойида ундан чиққан эди. 1994 йилнинг октябрига келиб эса АҚШнинг Кореяга ёнилғи маҳсулотлари етказиб бериши эвазига, яна шартномага қўшилганди. Аммо жаҳон ҳамжамияти бугун Пхеньяннинг ядро қуроли ишлаб чиқаришидан хавотирда турибди.

ДУНЁ ДАРИЧАСИ

КОИДЗУМИНИНГ МОСКВА САФАРИ

8 январь куни ўзининг 61 ёшини нишонлаган Япония бош вазири Дзюнитиро Коидзуми 9-10 январь кунлари Москвага келди ва Россия президенти Владимир Путин билан учрашди. Бўлиб ўтган музокаралар чоғида нафақат икки томонлама ҳамкорлик, балки Шимолий Корея ва Ироқ масалалари ҳам муҳокама этилди. Шунингдек, Курил ороллари муаммоси ҳам музокаралар мавзусига айланди. Сабаби, Коидзуми 2001 йилнинг апрель ойида бош вазир этиб сайлангач, Москва-Токио алоқаларига муносабат билдирган ва Жанубий Курилнинг тўрт ороли устидан Япония суверенитетини Россия тан олсагина, икки давлат ўртасида тинчлик шартномаси имзоланишини айтган эди.

ҲАФТАНИНГ ҲАЛОКАТЛАРИ

Ўтган чоршанба куни кечқурун "Turkish Airlines" авиакомпаниясига қарашли "Avro RJ-100" самолёти ҳалокатга учраган эди. Истамбулдан парвоз қилган самолёт бортида 75 йўловчи ва 5 кишилик экипаж аъзолари кетаётган бўлиб, унинг мамлакат жанубий-шарқидаги Диёрбакир шаҳри аэропортига қўниши олдидан бир неча дақиқа аввал фалокат юз берди. Фожеа туфайли 74 киши ҳалок бўлган бўлса, шифохонага келтирилган йўловчилар ичидан икки ёшли қизалоқ ҳам вафот этди. Ҳозир шифохонада тўрт йўловчи ва бир экипаж аъзоси даволанмоқда. 634-рейс бўйича ҳаракатланган самолёт қўниш йўлагидан 5 километр узоқликда қулаб тушган ҳамда иккига бўлингач, унда катта ёнғин юз берган. Туркия транспорт вазири Бинали Йилдиримнинг айтишича, ён-ғин оқибатида бир неча йўловчилар батамом ёниб кетганлар. Шунингдек, марҳумларнинг 25 нафарининг исм-фамилиялари аниқлаштирилиб, 17 нафарининг жасадлари яқин қариндошларига берилди. Улар орасида 7 нафар хорижликларнинг уч нафари араблардир.

Маълумотларга кўра, ди. Бахтли тасодиф туфайли тирик қолган йўловчи Илие Илнинг айтишича, бўлган бу фалокатга кучли туман тушганлиги сабаб бўлган. Тўқнашувдан сўнг эса учувчилар парашют орқали самолётдан сакрашга улгурганлар.

Туркия ҳаво транспортлари тарихига назар ташласак, 1974 йил 3 март куни Фран-циянинг Орли аэропортидан кўтарилган "DC-10" самолёти Париж шаҳридан шимолий-шарқда жойлашган ўрмонга қулаб тушган ва унинг бортидаги 246 кишининг барчаси ҳалок бўлган эди. 1976 йил 19 сентябрда эса туркларнинг "Боинг-727" самолёти ҳалокатга учради ва 154 киши ҳаётдан кўз юмди. 1994 йил 29 декабрь Анқарадан кўтарилган "Боинг-737" мамлакат шарқидаги аэропортга қўнаётиб, қорли бўрон сабабли ҳалокатга йўлиқди. 57 киши бу фожеанинг қурбони бўлишди. 1997 йил 4 июн — 11 нафар ҳарбий хизматчи ва 2 нафар юқори мартабали офицерлар кетаётган самолёт Ироқ тоғларига бориб урилди ва уларнинг барчаси ҳалок бўлдилар. Орадан уч ой ўтиб, 14 сентябрь куни 10 нафар аскар электр симига тегиб, ерга қулаган "Сикорский" ҳарбий вертолётининг қурбони бўлдилар. 2001 йил 16 май куни мамлакат жанубий шарқида "Casa CN-235" ҳарбий самолётининг ҳалокати 34 нафар офицер ва махсус қўшин аскарлари ўлимига сабабчи бўлди.

Туркиядагидан ташқари ушбу ҳафтада АҚШнинг Шимолий Каролина штати Шарлотт шаҳридаги Дуглас халқаро аэропортидан кўтарилган "Beech-1900" аэробуси ҳам бирдан мувозанатини йўқотиб, ерга қулади. Натижада 17 нафар йўловчи ва икки учувчининг барчаси ҳалок бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, 8 йил хизмат қилган самолётнинг техник ҳолати юқори даражада бўлган. Лекин фалокат вақтида кучли шамол эсаётган эди. Шунингдек, Афғонистоннинг шимолий вилояти Кунарда "Ал-Қоида" жангариларини тугатиш операциясини ўтказаётган АҚШ вертолёти ҳам дарахтга келиб урилди ва ерга қулади. Оқибатда унинг ичида бўлган 5 америкалик аскар ва икки нафар афғон ҳаётдан кўз юмди.

Тугаётган ушбу ҳафтада Туркия, АҚШ ва Афғонистонда юз берган авиаҳалокатлар умумий ҳисобда 103 кишининг бевақт ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлди. Пайшанба куни Перу чангалзорларида бедарак йўқолган "Fokker-28" русумли самолётнинг 42 йўловчисининг тақдири ҳозирча аниқ эмас. Самолёт Чачапойяс аэропортига қўниш жараёнини бошлашидан уч дақиқа олдин йўқолган. Айни пайтда қидирув ишлари олиб борилмоқда.

учувчилар қўниш олдидан ёрдам сўраб, диспетчерга хабар бермаганлар. Шунинг учун воқеа юз берган жойга қутқарув гуруҳи кеч етиб борган. Ҳозирда эса самолётнинг "қора қути"лари топилган. Улар ўрганиб чиқилгач эса, воқеага ойдинлик киритилади.

қаттиқ гумбурлаган овоз келган. Самолёт ерга келиб урилиши оқибатида уни қандайдир сарой томига отиб юборган. Шу боис у тирик қолган. Йўқса у ҳам ёнғин остида қолган бўларди.

Ҳарбий ва фуқаро авиацияси хизматига эга бўлган Диёрбакир аэропорти Ироқ ва Сурия давлатларига яқин жойлашган бўлиб, Бағдодга қарши кутилаётган урушда АҚШ қўшинлари ундан фойдаланишни режалаштираётган эдилар. Мазкур фожеадан бир кун ўтиб эса Малатия шаҳри яқинида ўқув машқларини ўтказаётган Туркия ҳарбий ҳаво кучларига қарашли иккита "RF-4 Phantom" қирувчи самолётлари ҳам бир-бирлари билан тўқнашиб кетганлар. Тоғли ҳудудда содир

ҲИСОБОТ БЕРИШГА ОЗ МУДДАТ ҚОЛДИ

Бағдодда иш олиб бораётган халқаро инспекторлар раҳбари Ханс Бликснинг айтишича, Ироқда бошланган текширув жараёнларига қарийб икки ой тўлаётган эса-да, ҳали оммавий қирғин қуролларига даҳлдор бирор манба топилгани йўқ. БМТ Хавфсизлик Кенгашига ҳисобот берган Бликс ва МАГАТЭ раҳбари Ал-Барадейлар аввалги фаолиятларида текшириб кўрилмаган 125 та объектни кўздан кечирганликларини маълум қилдилар. 27 январь куни эса Ханс Бликс ўз инспекторлари миссияси бўйича Хавфсизлик Кенгашига якуний хулосани бериши керак.



Бошқа бир жиҳат, яъни Бағдод томонидан БМТга тақдим этилган 12 минг саҳифадан иборат ҳисоботда эса айрим саволларга жавоб топиш мушкул бўлмоқда.

ОЧЛИК МЎЪЖИЗАСИ

Швециянинг жанубий ғарбида қуён ушлаш учун жалб этилган овчи итга ҳавода учиб юрган бургут бирдан ташланган ва уни ўлдириб, батамом еб қўйган. Орнитологларнинг фикрича, Шимолий Европада кузатилаётган қаҳратон қиш қушларни шаҳар атрофи ва қишлоқларга овқат излаб боришга мажбур этмоқда. Стокгольмлик 48 ёшли овчи Вальдемар Нилсоннинг айтишича, унинг ити далага қараб югурган вақтида бургут итга ҳужум қилган ва уни кўтариб олиб кетган. 500 метрлар узоқликка олиб боргач, ўлдириб еган. Швецияда мушук ва итлар айиқ, бўри, силовсин ва бургутлар томонидан ўлдирилса, ҳукумат ит ёки мушук эгасига товон пули тўлаши керак. Ҳозирда овчи ўзининг вафодор ити учун давлатдан товон пули сўрамоқда.

ҲУКУМАТ БИНОСИДА ЁНҒИН

Молдово ҳукумати биносининг бешинчи қаватида жойлашган биринчи вице-премьер Василий Иовнинг хонасида ёнғин юз берди. Дарҳол ёрдамга келган ёнғин хавфсизлиги ходимларининг кўмаги билан фалокат бартараф этилиб, бино ичидагилар эвакуация қилиндилар. 1960 йил Кишинёв шаҳрида қурилган мазкур 6 қаватли ҳукумат биносининг бешинчи қаватида мамлакат бош вазири ва унинг ўринбосарлари хоналари жойлашган эди.



ҚИРҒИЗИСТОНДА ЯДРО ХОМ АШЁСИ ЎҒИРЛАНДИ

8 январь куни кечқурун Қир-ғизистон Республкасининг Чуй вилоятидаги Орловка қишлоғида жойлашган "Орлов кимё-металлургия комбинати" акционерлик жамиятига бостириб кирган 6 нафар қуролли шахс тайёр маҳсулотлар омборида сақланаётган 23 та қутидаги нодир элементларни ўғирлаб кетганлар. Юзларига қора ниқоб тақкан жиноятчилар аввалига омборхона қўриқчиларини калтаклашган, сўнг ядровий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда керак бўладиган стратегик материал ҳисобланувчи европий оксидини ўғирлаб кетишган.

Собиқ Иттифоқ даврида "ёпиқ" объект ҳисобланган бу корхонада ядровий материаллар қайта ишланган бўлса, ҳозир Қирғизистон бу ерда европий оксидидан юқори сифатли пўлат ҳамда оптика жиҳозлари ишлаб чиқаришда фойдаланаётган эди. Айни вақтда жиноятчиларни ушлаш ва кимёвий элементларни топиш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Саҳифани "ИНТЕРНЕТ" хабарлари асосида К. АЛИОХУНОВ тайёрлади.

Адҳам кўз олдида рўй бераётган бу ҳолатларга ортиқ бардош беролмади. Бошини чангаллаб, ўтириб қолди.

“БОЛАМГА БАХТ АТО ҚИЛ...”

Turmush soqmoqlarida

— Адҳамжон болам, ёшинг қирққа яқинлашяпти, ҳали ҳам ақлинг кирмади-кирмади-да, - дея Омина хола сўрида маст ётган ўғлига тинмай насиҳат қиларди. — Ичмагин шу зормандани, деганим сайин ичасан-а, болам. Ундан кўра, болаларингни ўйласанг-чи? Бунақада охиратингни куйдирасан-ку! Худонинг айтганини ҳам қилсанг-чи, болам... Кўзим очиқлигида болаларинг бахтини кўрсам девдим. Ўлсам, ортимдан дуо қиладиганим борлигини кўрсам девдим...

— Нималар деб валдираяпсиз? — деди уйқу аралаш Адҳам. — Кўзим очиқлигида... ўлмасимдан бурун... намоз.... охират... Худди эртага ўладигандай, жаврайсиз-а!..

Шу пайт кўча бошидаги масжиддан азон эшитилди. Омина хола индамай қолди. Азон тугагач, ўрнидан турди. Сўри ёнидан офтобани олиб, таҳоратланди.

Намозга тушди...

Адҳам Омина холанинг ёлғиз ўғли эди. Отаси юрак хасталиги билан оғриб, барвақт оламдан ўтган, ёш Адҳам онаси билан қолган эди. Турмуш-мушт деганларидай, шўрлик бева аёлнинг бошига не кунлар тушмади, ҳам болаларини эргаштириб кетди-қолди.

Шу воқеадан сўнг Омина холанинг сира кўнгли ёришмади, сочлари оқариб, қадди чўккани биров сезди, биров сезмади...

Омина хола икки тарафга салом бериб, дуога қўл очди:

— Эй, Парвардигор, гуноҳларимни кечир. Дўзахингни узоқ қил, жаннатингни яқин қил... Болагинамга инсоф бергин, — деди-ю, кўнгли тўлиб, йиғлаб юборди. Шу пайт юраги қаттиқ санчди. Онаизор “оҳ” уриб нола қилди:

— Эй, Аллоҳим, Сендан сўнгги тилагим — менинг болагинамга бахт ато қилгин. Мендан кейин хор қилмагин, — дея давомига ҳоли қолмай, калимаи шаҳодатни пичирлашга тушди...

* * *

Қўшнилар майитни меҳмонхонага ётқизишди. Эртаси кун пешин намозига кўтарадиган бўлишди.

Адҳам меҳмонхонага кираркан, қўшинларидан бири:

— Кел, Адҳам, онанг билан видолашиб ол. Онанг бугун меҳмон. Эртага йўқ, рози-ризолигини сўраб қол. Ҳаммамиздан ҳам хато ўтади. Ҳозир сени эшитади, эртага эса йўқ... — деб қолди.

Бутун вужудини титроқ босган Адҳам онасининг юзларига боқди. Бўғзига нимадир тиқилди.. Ўпкаси тўлиб, йиғлаб юборди:

— Онажон, кечиринг мени... Кўр эканман... айбдорман... кечиринг...

Жаноза ўқилгач, тобутни мозорга олиб жўнашди. Қабрга қўйишиб, тупроқ тортишди.

Адҳам кўз олдида рўй бераётган бу ҳолатларга ортиқ бардош беролмади. Бошини чангаллаб, ўтириб қолди...

Тиниқ, оромбахш Қуръон тиловати янгради. Ҳамма дуо қилди.

Райҳона ХОЛБЕКОВА



Болалик ҳайрати

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА олган сурат.

ИЖОД ДУНЁСИ НАШРИЁТ УЙИ

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 8-СИНФЛАРИ УЧУН “ФИЗИКА” (РУС ТИЛИДА), 9-СИНФЛАРИ УЧУН “ИНФОРМАТИКА” (РУС ТИЛИДА) ДАРСЛИКЛАРИНИ НАШРДАН ЧИҚАРДИ.

УШБУ ДАРСЛИКЛАРНИ ЧАКАНА ВА УЛГУРЖИ ТАРЗДА ХАРИД ҚИЛМОҚЧИ БЎЛГАНЛАР ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА МУРОЖААТ ЭТИШЛАРИ МУМКИН:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ, НАВОИЙ КЎЧАСИ 30-УЙ. ТЕЛ: 1443013

ЎҚИТУВЧИ ЯРАТГАН БОҒ

Xotira

Ёш авлодга таълим-тарбия бериш, етук ва баркамол ёшларни тарбиялаб вояга етказиш маърифатчилардан билимдонликни, меҳнатсеварликни ва фидойиликни талаб қилади. Ўзида ана шу хислатларни мужассамлаштирган ўқитувчилар жуда кўпчиликни ташкил қилади. Улар сабр-бардош билан ўзларининг бор куч-қувватларини ўқувчиларни билимдон қилишга бағишлайдилар. Маҳоратли ўқитувчи Абдуғофур Жиянов ҳам ана шундай кишилардан бири эди.

Пахтачи туманидаги Янгиобод қишлоғида туғилиб, ҳаётини ўқувчиларни тарбиялаш йўлига бағишлаган А. Жиянов Самарқанд Давлат университетининг физика факультетини тамомлагач, тумандаги 12-ўрта мактабга ишга борди. Билимдонлиги ва тиришқоқлиги билан тезда кўзга ташланганлиги учун у 1976 йилда шу мактабда маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасида ишлай бошлади.

Тиниб-тинчимайдиган А. Жияновнинг кўнглида битта орзуси бор эди. У ҳам бўлса анчагина йўлдан қўшни қишлоқ мактабига қатнаб ўқиётган ҳамқишлоқларининг болалари учун Янгиободда мактаб қуриш орзуси. А. Жиянов ана шу мақсадда туман халқ таълими бўлимига, туман ҳокимиятига кўп қатнади ва ниҳоят, 1992 йилда Янгиобод қишлоғида 450 ўринга мўлжалланган янги мактаб қурилишининг бошланишига эришди. Ташаббускор маорифчи А. Жияновнинг интилишларини самимий қувватлаган туман ҳокимлиги ва 178-қурилиш корхонасининг саъй-ҳаракатлари туфайли янги мактаб қурилиши тугалланиб фойдаланишга топширилди.

Абдуғофур Жияновнинг меҳнатсеварлик, ташкилотчилик хислатлари туман халқ таълими бўлими этиборига тушди ва у янги қурилган Янгиободдаги 47-мактабга директор вазифасига тайинланди. Қишлоғида янги мактаб қуриш орзусига эришган ва шу мактабда директор бўлиб ишлай бошлаган А. Жиянов энди бутун эътиборни мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратди.

У мактаб ҳудудидаги мавжуд ерларнинг бир ярим гектар жойида мевали боғзор яратди, мактаб атрофидаги очиқ жойларга ёғочбоп дарахтлар эктирди, қолган ерларга эса буғдой экилди. Боғда етиштирилган мевалар ва хосилдор ердан олинган даромадлар ҳисобига мактаб учун китоб жавонлари ва бошқа зарур жиҳозлар,меҳнат таълимини ривожлантириш учун тикув машиналари сотиб олинди.

Бундан ташқари, ана шу даромадлар ҳисобидан мактаб замонавий шаклда қайтадан безатилди ва жиҳозланди.

Доно халқимиз “Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ” деб бежизга айтмаган. Афсуски, ажойиб педагог, моҳир раҳбар А. Жиянов бугун орамизда йўқ. Бешафқат ажал уни ҳаётдан эрта олиб кетди. Лекин бугун у яратган боғда унинг шогирдлари, мактаб ўқувчилари хордиқ чиқаришар экан, доимо яхши гаплар билан ўз устозларини хотирлайдилар.

К. СУВОНОВА,
Пахтачи туманидаги 47-мактаб ўқитувчиси

Республика Таълим маркази жамоаси марказнинг илмий котибаси, халқ таълим аълочиси Мунирахон Рахматуллаевага опаси

Фаридахон АСҚАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Республика Таълим маркази жамоаси марказнинг бош методисти Саидолим Орифхўжаевга опаси

Лазокат ОППОҚХЎЖАЕВАнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 243-мактаб жамоаси шу мактабнинг собиқ илмий бўлим мудири

Шомақсуд ШОМАҲАМАДОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

—Бугунги кунда "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларига қатнашиш мактаб партасида ўтирган ҳар бир ўғил- қизнинг орзуси бўлиб қолди, десак муболаға бўлмаса керак, чунки йил сайин такомиллашиб бораётган бу беллашувлар барча болажонларни ўзига жалб этмоқда.

ЁШЛАР ИМКОНИЯТДАН БЕБАҲРА ҚОЛМАСИН!

Қайси соҳа бўлмасин, яхши натижаларга эришиш, иқтидор, имкониятни тўлароқ намоён этиш ва пировардида муваффақиятга эришиш, аввало, маҳоратга боғлиқ. Маҳорат эса ўз навбатида тинимсиз изланиш, ўз устида ишлаш, машқ қилиб бориш туфайлигина ортиб боради. Бу ҳаёт ҳақиқати "Умид ниҳоллари" мусобақаларида яна бир карра ўз исботини топмоқда.

Бухоро шаҳридаги 3-ихтисослаштирилган Олимпия заҳиралари футбол мактаби ана шундай маҳорат масканларидан биридир. Унда Сулаймон Раҳматов, Владимир Лукьянов, Иброҳим Шарипов, Ноил Лутфулин сингари тажрибали мураббийлар вилоят маркази мактабларида таҳсил кўраётган ва тўп суриш сирларини ўрганишга иштиёқманд ёшларнинг орзуларини рўёбга чиқариш йўлида куч-ғайрат, билим ва тажрибаларини аямаётирлар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аввало уларнинг ўзлари соҳаларининг пешқадамларидан саналадилар. Мазкур даргоҳга раҳбарлик қилаётган Иброҳим Шарипов устозлик қилган кўплаб ёшлар бугунги кунда мамлакатимизнинг турли олий ва биринчи лига жамоаларида тўп суришмоқда.

Улуғбек Бақоев Россия чемпионати олий лигасидаги "Торпедо—ЗИЛ", Элдор Магдеев "Пахтакор"нинг асосий таркибида майдонга тушаётганлиги, шу йил ёзида футбол бўйича ёшлар ўртасида бўладиган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиш ишониб топширилган чарм тўп усталари орасида ҳам И. Шариповнинг шогирди — Шавкат Саломов борлиги фикримизнинг далилидир. Спорт мактабида қизғин шуғулланиш билан бир қаторда 23-мактабнинг битирувчи синфида ўқиётган бу йигит айни пайтда олий лигадаги "Бухоро" жамоаси таркибида тўп суришмоқда. Ёки спорт устаси Ноил Лутфулинни олинг. У мамлакатимиздаги кучли ўнликдан ўрин олган хакамлардан саналади. Куни кеча поёнига етган "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг вилоят босқичида ғолибликка эришган Бухоро шаҳридаги Тўқимачилик тумани жамоаси аъзолари ҳам Н. Лутфулиннинг шогирдларидир. Улар финал беллашувида ғиждувонлик тенгдошлари билан майдонга тушиб 5—0 ҳисобида устунликка эришганликлари ҳам нақадар пухта ҳозирлик кўрганликларидан далолат беради.

—Бир муҳим фактни алоҳида таъкидлашни истардим, — дейди ғолиб жамоа устози фахр билан. — Дарвозабон Алишер Камолов беллашувларда бирорта ҳам тўп ўтказиб юбормади. Ахмад Шукуров, Мирали Холбоев, Руслан Мирзаев, Жасур Исматов сингари ёшлар нисбатан ниҳоятда чиройли ўйин намойиш этишди.

Ҳа, футбол мактаби тарбияланувчилари орасидан яна кўплаб иқтидорли чарм тўп усталари етишиб чиқади. "Умид ниҳоллари" беллашувлари ана шундай ёшларнинг кўзга ташланишлари, иқтидорларини намойиш этишлари, ўз олдиларига янада қатъий мақсадлар қўйишлари, энг муҳими, жисмонан чиниқиш ва маҳоратларини оширишлари учун ўзига хос имкониятдир.

Аммо афсуски, вилоят мусобақаларида Қоракўл, Олот, Вобкент, Пешку туманлари, Когон шаҳри вакиллари қатнашмади. Мазкур худудлардаги таълим масканларида футбол ўйнашга иштиёқманд ўқувчилар йўқ дейсизми? Бор, албатта! Ҳатто улар орасида келгусида бутун ҳаётини спортнинг шу тури билан боғлашга, футбол жамоалари таркибидан жой олишга ва яшил майдонга тушиб ишқибозлар ишончини қозонишга орзуманд ёшлар бўлиши мумкин. Лекин юқорида таъкидланган шаҳар ва туманлар халқ таълими бўлимлари раҳбарлари, бевосита "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг дастлабки босқичларини ташкил этиш ва ўтказишга масъул мутасаддиларнинг масалага етарли аҳамият бермаганликлари, зарур ташкилотчилик кўрсатмаганликлари туфайли улар эътиборидан четда, яхши бир имкониятдан бебаҳра қолишди.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНМОҚДА

Фарғона вилоятида ҳам ўқувчиларнинг қишки таътили даврида "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг навбатдаги саралаш босқичи бўлиб ўтди. Ҳудуд босқичларида ғолибликни қўлга киритган 5-7 синфлар жамоалари бир ҳафта давомида спортнинг 9 тури бўйича вилоят биринчилиги учун ўзаро куч синашди. Қиргули туманидаги "Кимёгар" спорт мажмуасида бўлиб ўтган муросасиз мусобақалар ўз ғолибларини аниқлади.

Умумкоманда хисобида белбоғли кураш бўйича тенг очко тўплаган Бағдод ва Ўзбекистон тумани полвонлари вилоят бўйича биринчиликни қўлга киритишди. Шунингдек ўзбек кураши бўйича Қува тумани, шахматдан Бағдод тумани, баскетбол бўйича қизлар ўртасида тошлоқликлар, ўғил болалар ичида эса Қува тумани жамоалари, волейболдан Ўзбекистон туманининг ўсмирлар ва қизлар жамоалари, сузиш мусобақасида Қиргули тумани жамоалари мутлақ ғолиб деб топилиб, баҳорда Хоразмда бўлиб ўтадиган "Умид ниҳоллари" Республика мусобақаларида қатнашадиган бўлишди. 8—11 синфлар ўртасидаги беллашувлар давом этмоқда.

Акромжон ТУРСУНАЛИЕВ
Фарғона вилояти

ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАР

Фарзандлари қудратли бўлган юрт ҳеч қачон, ҳеч кимга бўйсунмайди. Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар келажак авлодни жасур, мустақил фикрли, ватанпарвар қилиб тарбиялашга йўналтирилмоқда. Бундай хислатларни эса жисмоний мукаммал ривожланган болаларгина ўзида намоён қила оладилар. Алпомиш, Паҳлавон Маҳмуд, Барчиной, Тўмарис, Асқар полвон каби буюк аждодларимизнинг ҳаётидан, кўрсатган жасоратларидан ибрат олган ҳолда комиллик ва саломатлик гарови бўлмиш спорт соҳасида ўзларининг бор маҳоратларини кўрсатмоқдалар.

Хусусан, айни шу кеча-кундузда мамлакатимизда шиддатли жараёнларда ўтказилаётган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг барча турлари бўйича беллашувлар бирин-кетин ниҳоясига етмоқда.

Жумладан, шу бугун Қорақалпоғистон Республикасида муросасиз бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" спорт беллашувларининг 3-босқичи ўз ниҳоясига етди ва спортнинг жами 11 тури бўйича 15 та туман ва иккита шаҳар ўртасида ўтказилган беллашувларда 3162 нафар спорт ишқибозлари иштирок этишиб, улар ўртасида умумий ҳисобда Нукус шаҳри ўқувчилари илдамлик қилдилар. Улар футбол, қўл тўпи, баскетбол, катта теннис, миллий кураш, бадиий гимнастика турларида биринчиликни қўлдан бермадилар. Футбол мусобақалари 3-5 январь кунлари бўлиб ўтди ва унда 2-ўринни Тўрткўл, 3-ўринни Шуманай туманлари футбол ишқибозлари қўлга киритдилар. Учрашувларга 1-тоифали ҳакам Максед Бегдуллаев бошчилик қилди. Юқорида таъкидлаганимиздек, айниқса нукусликлар футболда бор маҳоратларини ишга солиб, ушбу ўйинларга чуқур тайёргарлик кўрганликларини намоён қилдилар. Шунингдек, қўл тупи бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида 2- ўринни шуманайликлар ва учинчиликни Чимбой тумани ўқувчилари эгаллашди. Мазкур турдаги спорт ўйинларига Сапарбой Абдуғаффоров ҳакамлик қилиб, бир-биридан чапдаст ўқувчилар ичидан ғолибларни аниқлашга етакчилик қилди. Баскетбол бўйича ўсмирлар ва қизлар иштирокидаги беллашувларда эса Жамила Боймуратова ҳакамлик вазифасини астойдил бажариб, нукусликлар биринчиликни, Тахиаташ тумани спорт ихлосмандлари иккинчиликни, Чимбой, Шуманай тумани ўқувчилари 3-ўринни эгалладилар. Катта теннис бўйича ўтказилган беллашувлар жуда қувноқ тарзда бўлиб ўтди, унда қалликўлликлар 2-ўринни, Амударё туманидаги мусобақа иштирокчилари 3-ўринни эгалладилар. Енгил атлетика тури бўйича элликқалъаликлар 1-ўринни, нукуслик ўқувчилар иккинчиликни, Хўжайли туманидаги енгил атлетикачилар 3-ўринни эгалладилар. Шунингдек, миллий кураш, белбоғли кураш, стол тенниси, волейбол, бадиий гимнастика, шахмат каби спорт турларидан Амударё, Нукус, Қўнғирот, Қараўзак, Беруний, Тахтакўпир туманлари спорт ишқибозлари ҳам жонбозлик кўрсатдилар. Шунингдек, мазкур спорт мусобақаларининг ёпилиш маросими ҳам катта тантана билан ўтказилди ва унда Қорақалпоғистон Республикаси спорт қўмитасининг бошлиғи Эркин Қутибоев, Халқ таълими вазирининг 1-ўринбосари Озод Матмуратов иштирок этишди. Мусобақаларда ўз туманидан келган ўқувчиларининг муваффақият қозонишларида астойдил куюниб, жонбозлик кўрсатган устозлардан Алижон Худайберганов, С. Сапарниёзов, Қўнғирот туманидаги 1-махсуслаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (БЎСМ) директори Б. Қурбоновлар ўқувчиларининг эришган ютуқларидан хурсанд бўлишиб, кейинги йилги беллашувларда ғолиб чиқишлари учун бор куч- ғайратларини ишга солишларини билдирдилар.

—Бугунги кунда "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларига қатнашиш мактаб партасида ўтирган ҳар бир ўғил- қизнинг орзуси бўлиб қолди десак муболаға бўлмаса керак, чунки йил сайин такомиллашиб бораётган бу беллашувлар барча болажонларни ўзига жалб этмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси "Ёшлик" КСЖ раиси ўринбосари Ў. Тўлаганов.

Шундай қилиб, қардош қорақалпоқ болалари ҳам "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларини биринчилар қаторида, ижобий натижалар билан якунладилар.

Тошкент шаҳрида ушбу мусобақаларнинг еттита тури ўз ниҳоясига етди. Спорт турлари бўйича етакчи ўринда турувчи футбол мусобақалари, аввал хабар берганимиздек, 110-293-мактабларда иккита гуруҳга бўлинган ҳолда ўтказилди. Унда финал босқичида А. Икромов ва Чилонзор тумани ўқувчилари беллашдилар. Қизғин баҳсларда кечган ўйин сунггида ҳисоб 3—2 га етди ва А. Икромов тумани ёш футболчилари ғолибликни қўлга киритдилар. Ўйинларнинг шиддатли ва муросасиз ўтишида ҳакамлардан А. Бурикин ва В. Кузменколарнинг хизматлари беқиёс бўлди. С. Раҳимов ва Шайҳонтоҳур тумани жамоалари ҳам жуда чиройли ўйин намойиш қилишди ва натижага кўра 3-4-ўрин эгалари бўлишди.

Енгил атлетика бўйича ўтказилган қизғин баҳслар Олимпиа заҳиралари коллежининг енгил атлетика монежида бўлиб ўтди. Юнусобод туманилик ўқувчилар 1-ўринни, Мирзо Улуғбек туманидан келган енгил атлетикачилар иккинчиликни, чилонзорликлар 3-ўринни эгалладилар. Баҳсларнинг адолатли ва қоидаларга риоя қилинган ҳолда ўтказилишида ўйин ҳаками Л. Висовскаянинг меҳнатлари беқиёс бўлди. Теннис мусобақалари Юнусобод туманидаги "Учқун" соғломлаштириш марказида давом этди ва унда М. Улуғбек туманилик теннис ишқибозлари биринчиликни қўлга киритдилар. Юнусобод, Ҳамза тумани тенгдошлари ҳам ғолиблардан қолишмагани ҳолда 2-3- уринларни эгаллашди. Стол тенниси, миллий кураш, белбоғли кураш сингари спортнинг бошқа турларида ҳам ўқувчилар илдам ҳаракатлар, пешқадамлик билан ўз туманлари шаънини ҳимоя қилиб, устозларини, ота-оналарини уялтириб қўйишмаётир.

— Бўлиб ўтаётган мусобақаларда спортнинг барча турлари бўйича умумжамоалар ҳисобида Мирзо Улуғбек тумани жамоаси 14 очко тўплаб, етакчиликни қўлдан бермаётир. Юнусобод ва Акмал Икромов тумани жамоалари ҳам мусобақалар жараёнида жонбозлик кўрсатишмоқда,— дейди Тошкент шаҳар "Ёшлик" КСЖ раис ўринбосари Дониёр Султонов. Беллашувлар яна давом этмоқда ва жойларда спортнинг қолган турлари бўйича ғолиблар аниқланади. Булар ҳақидаги батафсил маълумотлар билан сиз муштарийларни газетамизнинг кейинги сонларида таништириб борамиз.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
"Ma'rifat" мухбири.

Аждодларимиз кишиларнинг ёшини аниқлашда ҳайвонлар номи билан аталувчи 12 йиллик Мучал йил ҳисобини ҳам юритганлар. Бу ҳисоб юлдузлар туркумининг жойлашувига асосланиб юритилган.

Ma'rifat

ЙИЛЛАР ВА ОЙЛАР

Ой, Қуёш, Юлдузларга қараб вақт ҳисобини юритиш аждодларимизнинг энг қадимий мерослари-дан бири ҳисобланади. Биз мана шу ҳисоб-ларга боғлиқ йиллар ва ойлар ҳақида фикр юрит-моқчимиз.

Ҳозир биз XXI асрда яшаяпмиз. Бу йил 2003 йил. Бу ҳисоб милодий йил ҳисоби. "Милод" араб-ча сўз бўлиб, ўзбекча "туғилиш", маъносини бил-диради. Милодий йил Исо пайғамбар туғилган йилдан бошлаб ҳисобга олиниб келинади. Ми-лодий йил ҳисобида 12 ой бўлиб, бир йил 365 ёки 366 кундан иборат. Бу ҳисобда янги йил 1 январдан бошланади.

Иккинчи йил ҳисоби ҳижрий йил ҳисобидир. Ҳижрий йил ҳисоби мелодий йилнинг 622-йили-дан бошланади. Шу йили пайғамбаримиз Муҳам-мад саллоллоҳу алайҳи васаллам Макка шаҳри-дан Мадина шаҳрига кўчиб ўтган. "Кўчиб ўтиш" ибораси араб тилида "ҳижрат" деб юритилади.

Ҳижрий йил 2 турга бўлинади.

Биринчиси, Ҳижрий - Қамарий йил ҳисоби. Бу ҳисоб Ойнинг ҳаракатига қараб юритилади. Ҳиж-рий - Қамарий йил ҳисоби 622-йилдан бошлан-ган. Унда 12 ой ҳисоби бўлиб, тоқ ойлар 30 кун-дан, жуфт ойлар 29 кундан иборат. Бир йил 354 кундан иборат бўлиб, милодий йилдан 11 кун, кабиса йилларда 12 кун фарқ қилади.

Бу ойлар қуйидагича.

1. Муҳаррам (30 кун) 2. Сафар (29)
3. Рабиул-аввал (30).
4. Рабиул-соний (охир) (29)
5. Жумодул аввал (30)
6. Жумодул — соний (30) 7. Ражаб (30)
8. Шаъбон (29) 9. Рамазон (30)
10. Шаввал (29) 11. Зулқадъа (30)
12. Зулҳижжа (29).

Ҳижрий — Қамарий йил ҳисобида ўтган йил-нинг 14 мартидан 1423 йил бошланди.

Кейинги йил ҳисоби Ҳижрий — Шамсий деб юритилади. Бу йил ҳисоби, Қуёшнинг ҳаракати-га асосланган. Бу йил ҳам Муҳаммад алайҳисса-ломнинг Маккадан Мадинага кўчишларидан (622 йил) бошланади. Унда бир йил 365 кундан ибо-рат. Унинг ойлари қуйидагича:

1.	Ҳамал	(22.III—20.IV)	30 кун
2.	Савр	(21.IV—21.V.)	31 кун
3.	Жавзо	(22.V—21.VI.)	31 кун
4.	Саратон	(22.VI—22.VII.)	31 кун
5.	Асад	(23.VII—22.VIII.)	31 кун
6.	Сунбула	(23.VIII—21.IX)	30 кун
7.	Мезон	(22.IX—20.X)	29 кун
8.	Ақраб	(21.X—18.XI)	29 кун
9.	Қавс	(19.XI—18.XII)	30 кун
10.	Жадий	(19.XII—18.I)	31 кун
11.	Далв	(19.I—18.II)	31 кун

Bilasizmi?

12. Ҳут (19.II-21.III) 31 кун

Ҳижрий — Шамсий йил ҳисоби 22 мартдан бош-ланади. Бу йил 1381 йилдан бошланган.

Ҳижрий — Қамарий ва Ҳижрий - Шамсий йил-ларнинг ўртасида қандай фарқ бор?

Ҳижрий — Қамарий йил ҳисоби ўзгарувчан бўлиб, ҳар йили Милодий ва Ҳижрий — Шамсий йилдан 11 кун (кабиса йилидан 12 кун) фарқ қила-ди. Унда янги йилнинг келиши 4 фаслда ҳам бўлиши мумкин, чунки ҳар йили 11 кун олдинга силжийди. Шу сабабли Ҳижрий — Қамарий йил Ҳижрий — Шамсий йилдан ҳар 33 йилда бир йил олдинга ўтади. Бу ҳисоблар жорий бўлгандан буён ҳозирги кунгача бўлган фарқ 42 йилни таш-кил қилади.

Ҳижрий — Қамарий ва Ҳижрий — Шамсий йил-лар қандай топилади?

2002 мелодий йилдан 621ни айирсак, Ҳижрий - Шамсий йил чиқади. 2002-621=1381. Унга ора-даги 42 йил фарқни қўшсак: 1381+42=1423 Ҳиж-рий - Қамарий йил келиб чиқади.

Аждодларимиз кишиларнинг ёшини аниқлаш-да ҳайвонлар номи билан аталувчи 12 йиллик Мучал йил ҳисобини ҳам юритганлар. Бу ҳисоб юлдузлар туркумининг жойлашувига асосланиб юритилган. Улар Сичқон, Сигир, Йўлбарс, Қуён, Балиқ, Илон, От, Қўй, Маймун, Товуқ, Ит, Тўнғиз, Мучал йили ҳам 22 мартдан бошлаб ҳисоблана-ди.

Шу билан бир қаторда юлдузлар билан боғ-лиқ ой ҳисоби ҳам юритилган. Улар қўй (22.03-20.04), бузоқ (21.04-20.05) эгизаклар (21.05-21.06), қисқичбақа (22.06-22.07), шер (23.07-23.08), паризод (24.08-23.09), тарозу (24.09-23.10), чаён (24.10-22.11), ўқотар (23.11-21.12), тоғ эчкиси (22.12.19.01), қовға (20.01-18.02), балиқ (19.02-21.03).

Бу ҳисобларни аждодларимиз табиат ва кои-нот қонунларини ҳисобга олиб яратганлар. Хал-қимизнинг тарихини, маданий меросини, удум-ларини ёшларга ўргатиш ҳар биримизнинг бур-чимиздир.

Сувон АСРОРОВ,
Абдужалил ОТАНИЁЗОВ,
Касби туманидаги 20-мактаб ўқитувчилари



Ватан манзаралари

ЎЗБЕК УРУҒЛАРИ

Ушбу венгерча кроссвордда 35 та ўзбек уруғлари номи яширинган.

А	В	Л	О	Р	И	Б	О	Ё	Б	Т	О	Ж	А	Л
О	F	Р	С	Ҳ	Н	Й	А	В	Ў	С	Н	М	О	О
Н	Б	А	Б	А	Б	И	Д	У	Т	Д	Ў	Р	Н	И
Ё	К	Е	А	Р	О	Қ	Қ	О	Р	Л	И	Ў	З	Р
Б	У	Н	Қ	А						Т	Қ	Қ	А	Л
А	Г	А	П	Л						И	Л	Қ	О	М
С	М	А	О	Қ						В	А	И	Қ	Қ
И	F	Н	Қ	И						А	Р	П	Ч	О
Т	М	И	Қ	Ё						Б	А	Қ	А	Т
Н	Г	Н	И	Т						У	Р	О	F	А
А	Й	М	Р	F						Т	К	Н	Қ	Ў
Т	У	А	З	И	О	Р	И	Й	Н	А	М	И	F	Н
К	Р	Н	Б	О	И	Р	Н	Ў	З	Қ	А	Р	О	Т
У	А	Т	М	Й	Б	F	О	Е	Б	Г	В	Қ	И	Р
Й	Р	Ч	И	Ш	И	Ю	З	К	Ў	Н	Ч	И	Н	Қ

Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

НОТЎҒРИ ТАЛҚИН

Ўқувчи терисига сиғмасдан бўсағадан қичқирди:

—Ойи, ўқитувчимиз ниҳоят мени ҳам мақтади!

—Хўш, нима деб мақтади?- қизиқсинди ойиси.

—"Ёзма ишни худди эллик йил ишлаган шифокорга ўхшатиб ёзибсан!" деб.

ШОВҚИНГА МОСЛАШГАН ИШЧИ

Бурғу билан асфалтни бурғулаётган йўл ходимига аллақандай ўткинчи мурожаат қилди:

—Бундай даҳшатли шовқинга қандай қилиб чидаш берасиз?

—Булар ҳолва, сеньор, камина бошланғич синфларда ишлай бериб, кўникиб кетганман!

ИНГЕНИНГ МАКТУБИ

Инге онаси ва жажжи укаси Томас билан Клара холасиникига ашаддий арақхўр отаси дастидан қочиб кетди. Бир неча кундан сўнг қизча безори отасига хат йўллади:

"Дадажон! Биз бу ерда жуда тинч ва осойишта яшаяпмиз. Томас ҳам улғайиб, катта бўлаяпти. У бошқа чинқирмайди ва деярли тагини ҳеч ҳам "ҳўл" қилмайди. Кечадан бошлаб ҳатто стулга суяниб, ўзи бемалол тураяпти.

Дадажон! Сизнинг ҳам худди Томасдек бўлишингизни астойдил хоҳлардим.

Қизингиз Инге"

ТАРИХИЙ ҲОДИСА

—Дада, бир вақтлар сизни гимназиядан ҳайдашган экан. Шу гап ростми?

—Рост, ўғлим. Сен бунга нега қизиқиб қолдинг?

—Чунки мана шундай воқеа мен билан ҳам содир бўлди-да!

КЕСАТИҚҚА ЖАВОБАН

—Сендан ҳеч ёруғлик чиқмади-чиқмади-да, болам, — деди она зорланиб.

—Ахир, мен электр лампочкаси эмасманку, ойи, — жавоб берди такасалтанг ўғил.

Олмон тилидан
Бойхўроз МАМАТҚУЛОВ
таржимаси

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-28. Тиражи 31 225. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир: Аҳмад ОТАБОЕВ.
Навбатчи: Фарруҳ БЎТАЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими—136-55-58.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931 yildan chiqa boshlagan | 2003 yil 15 yanvar, chorshanba | № 5 (7510)

Da'vat

Odamni qobiliyati uchun emas, balki o'sha qobiliyatidan qanday foydalana bilgani uchun qadrlash kerak.

Fransua de LAROSHFUKO

Ibrat

Uzun tumanidagi «Guliston» shirkat xo'jaligi o'z hududidagi 7 ta maktabga ta'mirlash ishlari uchun 2 million so'mlik yordam ko'rsatdi.

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз аскар ва сержант ўғлонларим!

Қадрли офицер ва генераллар, муҳтарам фахрийлар!

Ўз ҳаётини она заминимизни ҳимоя қилишдек муқаддас ишга бағишлаган юртдошларим!

Аввалambор, барчангизни қутлуғ байрам - Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий мубораkбод этишга рухсат бергайсизлар.

Бугун биз юртимизда эркин ва обод ҳаёт, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, халқимиз турмушини ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага кўтариш, жаҳон майдонида ўзимизга муносиб нуфузли ўрин эгаллаш йўлида қўлга киритаётган, халқаро ҳамжамият тан оладиган ютуқларимиз ҳақида мамнуният билан гапиришга ҳақлимиз.

Шу билан бирга, атрофимизда, яқин ва узоқ минтақалардаги қарама-қаршилик, зиддият ва низолар, халқаро терроризм каби дахшатли хавф тобора кучайиб бораётган мураккаб бир вазиятда элюртимизнинг тинчлиги ва осо-йишталигини сақлаш, уни турли бало-қазолардан асраш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашни бугунги кундаги ўта муҳим ва энг долзарб вазифамиз тариқасида қабул қилишимиз даркор.

Шу борада замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, ихчам ва ҳаракатчан, бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган Қуролли Кучларимизни шакллантириш ва шу мақсадда амалга ошираётган ислоҳотларимиз нақадар долзарб эканини, уларнинг аҳамияти ва моҳиятини тушуниш, англаб етиш қийин эмас.

Миллий қадриятларимиз ва аждодларимизнинг жанговар анъаналарига, шу билан бирга, энг замонавий талаблар ва андозаларга мос келадиган армиямизни барпо этиш ҳақида гапирар эканмиз, ўтган қисқа давр мобайнида ана шу мақсадга эришиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилганини айтиш зарур.

Аввало, мамлакатимизнинг Мудофаа доктринаси ишлаб чиқилиб, шу негизда Қуролли Кучларимиз модернизация қилинаётган бир пайтда унинг таркибини мутлақо янгича асосда - энг кичик гуруҳдан тортиб бригадагача қайтадан тузиш, ҳарбий округлар, махсус қисм ва бўлинмалар ташкил этиш, биз яшаётган Марказий Осиёдаги мавжуд хавф-хатарлар, юртимизга қарши қаратилган ҳар қандай хуруж ва юришларнинг олдини олиш борасидаги ислоҳотлар минтақамиздаги ҳарбий ҳаракатлар майдонининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилаётгани шулар жумласидандир.

Юртимиз хавфсизлиги ва мамлакатимиз истиқболини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга молик бўлган бундай йўналишда олиб борилаётган ислоҳотларни қатъиятлик билан охирига етказиш, бир сўз билан айтганда, <u>халқимизнинг энг ишончли таянчи ва суянчи, фахри ва ифтихори бўлмиш миллий армиямизни барпо этиш давлатимиз ва жамиятимиз, Ватанимизнинг тақдирига бефарқ қарамайдиган ҳар қайси инсоннинг муқаддас бурчига айланиши зарур.</u>

Албатта, ўз Қуролли Кучларини қураётган ва унинг куч-қудратини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳар қайси давлат ҳарбий тузилмаларни энг замонавий, мутлақо янги тамойиллар асосида яратилган техника ва ҳарбий ускуналар, қурол-яроғ билан таъминлаши даркор. Буни ҳеч ким инкор этолмайди.

Аммо бундай вазифани ҳисобга олган ҳолда Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий маҳоратини ошириш, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳар қандай машаққатли синовдан шараф билан чиқиш, аввало, сиз, бугун хизмат қилаётган ҳарбийлардан нафақат жисмоний тайёргарликни, балки юксак ақл-идрок, интеллектуал салоҳият, алоҳида руҳий-маънавий хусусият ва фазилатларга эга бўлишни, энг замонавий қурол-яроғларнинг сир-асрорини пухта эгаллашни тақозо этади.

Бу ўз навбатида Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган инсонларимиз, аввалambор, оддий аскар ва сержантлар, офицер ва генералларимизнинг мустаҳкам ирода ва фидойилиги, она юртга меҳр-муҳаббат ва садоқатига сўзсиз боғлиқдир.

Шу маънода, <u>армиямизда соғлом маънавий муҳитни яратишда таълим-тарбия ишларига алоҳида эътибор бериш, ҳарбий тайёргарлик жараёнини илғор техник ва технологик воситалар, янгича усул-услублар асосида ташкил этиш, ҳарбий хизматнинг интеллектуал мезонлари ва йўналишларини такомиллаштириш йўлида бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз шарт.</u>

Айниқса, сержантлар тайёрлаш мактаблари, замонавий ҳарбий полигонлар, офицер кадрларни тайёрлаш бўйича моделлаштириш ва симуляция марказлари фаолиятини, шунингдек, НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида амалга оширилаётган ўқув машғулотларининг самарадорлигини юксак босқичга кўтаришимиз лозим.

Энг муҳими, шуни такрор ва такрор айтмоқчиман: <u>ҳарбий хизматни ўзининг касби, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчи деб биладиган, бутун ҳаётини Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилишга бағишлаган ўғлонларимизнинг оғир хизматини қадрлаш, уларнинг туну кун, тиним билмасдан ўз ҳарбий маҳоратини ошириш йўлида қилаётган машаққатли меҳнатини эъзозлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.</u>

Биз бу борада ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, нафақат сержант ва офицерлар, шартнома-контракт бўйича хизмат қиладиган ҳарбийларнинг, айни вақтда муддатли хизматга чақирилган оддий аскарларнинг ҳам молиявий таъминотини янада яхшилашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Шундай амалий мақсадларга эришиш йўлида Олий Мажлисимизнинг яқинда бўлиб ўтган X сессиясида қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонун алоҳида ўрин тутади. Бу қонунга мувофиқ, ҳарбий хизмат муддатини 12 ойгача қисқартириш, янги турдаги армияни шакллантиришга доир ҳуқуқий асосларнинг яратилиши ўз фарзандларини катта орзу-умидлар билан армия сафига кузатаётган ота-оналарнинг кўнглини хотиржам қилишига, мухтасар қилиб айтганда, фуқароларимиз учун <u>армияда хизмат қилишни нафақат фахрли бурч, балки олий шарафга, ўз Ватани ва халқига садоқат, жасорат ва матонат мактабига айлантиришга, унинг нуфузини янада оширишига ишонаман.</u>

Қадрли Ватан ҳимоячилари, мард ўғлонларим!

Тинч ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз, жажжи болаларимизнинг қувноқ кулгуси, ота-оналаримизнинг осуда умр кечириши — Оллоҳ таоло ўзи бизга берган мана шундай ҳаётнинг ҳимояси, уни асраб-авайлаш, кўз қорачиғидай сақлаш барчамизнинг, аввалambор, сизларнинг қўлингиздадир.

Халқимиз армия сафларида хизмат қилаётган ўз фарзандларига ҳамиша ғурур ва ифтихор билан қарайди, ўз армиясига, Ўзбекистон Қуролли Кучларига ишонади.

Ана шу юксак ишончга доимо муносиб бўлишингизни истайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони

МАҒЛУБЛАРСИЗ КЕЧАР БЕЛЛАШУВ

"Йил ўқитувчиси — 2002" — билим ва маҳорат кўриги. Унинг ўзига хос томони шундаки, мазкур танловда мағлублар бўлмайди. Ажаблангандирсиз. Тўғри, ҳар қандай беллашув ғолиб ва мағлубларсиз якунланмайди. Бу ҳар бир мусобақанинг асосий шарти. Бироқ, ўқитувчилар, эл-юрт эртаси қайғусида ўзи амалга ошираётган эзгу ишларини кўрсатиш, унинг самарали жиҳатларидан бошқаларнинг ҳам унумли фойдалана олишларига даъват этиб синов майдонига кирган ҳеч бир қатнашчи мағлуб эмас. Зотан, бунда ҳар бир иштирокчи бир-бирига рақиб эмас, аксинча, фикрдош, маслакдошдир. Бинобарин, улар бир юрт, бир эл, унинг порлоқ истиқболи ташвишида ёнаётган фидойилардир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 1991 йилдан буён ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Йил ўқитувчиси" кўрик-танловига айни шу жиҳатдан эътибор қаратадиган бўлсак, унинг мақсад-моҳиятини илғаш қийин эмас. Зеро, ушбу тадбир орқали юртимизнинг турли ҳудудларида фарзандларимиз камолини ўйлаб тонг оттираётган фидойи ўқитувчиларнинг илғор дарс ўтиш усуллари, уларнинг кўп йиллик иш тажрибаларини оммалаштириш, ёшларнинг улардан ибрат олишига туртки бериш ҳамда энг асосийси тўпланган ўзига хос тажрибадан хулоса чиқарган ҳолда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда ҳар бир ўқитувчини ижодкорлик ва ташаббускорликка интилишини таъминлаш кўзда тутилади.

Кеча республика Таълим марказида "Йил ўқитувчиси — 2002" кўрик-танловининг республика босқичи бошланди. Республика Таълим маркази директори, танлов ҳакамлар ҳайъати раиси Г.Алимова танловнинг асосий мақсад ва вазифаларига тўхталиб, уни ўтказиш тартиби билан иштирокчи ва йиғилганларни таништирди.

— Бу йилги кўрик-танловнинг Республика босқичини ўтказишга тайёргарлик кўришда, — деди Г.Алимова, — бироз янгича ёндошилди. Хусусан, Низом талабларидан чиқмаган ҳолда уни ўтказиш тартиби, барча йўналишлар бўйича ўқитувчилар фаолиятини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилиб, аввалдан барча иштирокчилар, ҳакамлар ҳайъати, экспертлар гуруҳига етказилди.

Дарҳақиқат, юртимиз жонкуяр ва фидойи ўқитувчиларга бисёр. Уларнинг ўз тажриба мактаби, ўзига хос дарс ўтиш усуллари бор. Бу эса "Йил ўқитувчиси — 2002" кўрик танловининг якуний босқичидаги дастлабки шартларнинг бажарилишиданоқ сезила бошланди. Шундай қилиб ўқитувчиларнинг компьютер саводхонликларини яна бир бор синовдан ўтказиш билан бошланган танловнинг биринчи кунида иштирокчилар кейинги турларда Президент асарлари ва миллий истиқлол ғояси юзасидан ўтказилган суҳбат, дарсда ўтилажак машғулотнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи тайёрланган кўргазмали қуроллар ҳимояси шартларини бажаришди. Танаффусдан сўнг эса ҳакамлар ҳайъати ва эксперт комиссияси томонидан ўқитувчиларнинг видеотасмаларга муҳрланган дарслари таҳлил қилингач, иштирокчилар Тошкент шаҳридаги 110-мактаб фаолияти билан таништдилар.

"Йил ўқитувчиси — 2002" кўрик танлови республика босқичининг ўтказилиш жараёни билан газетамизнинг кейинги сонларида батафсилроқ танишасиз.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
"Маърифат" мухбири

Суратда "Йил ўқитувчиси — 2002" кўрик-танлови иштирокчиларининг компьютер саводхонлиги бўйича синов жараёни акс этган.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат

ҲАР БИР ХОНАДОН ЮКСАЛА БОРАДИ

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2003 йилни — Обод маҳалла йили, деб эълон қилганда хаёлимни ажиб бир туйғулар қамраб олганди. Негаки, Юртбошимиз фарзандлар камолоти ҳақида узлуксиз қайғураётганини улар камоли бевосита маҳалла билан боғлиқ эканлигини янада чуқурроқ ҳис этдим.

2003 yil— Obod mahalla yili

Аслида ҳам инсоннинг мукаммал шаклланишида маҳалланинг ўрни беқиёс , яъни "Бир болага етти маҳалла ота-она". Шу боис биз жамоамиз билан биргаликда "Мактаб ва маҳалла қўмитаси ҳамкорлиги ҳақида"ги Низомимизни яна бир карра муҳокама қилдик. Муҳокама жараёнида Низомнинг ***"Синф раҳбари, фан ўқитувчилари битирувчи (9-11) синф ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтиришда ота-оналар ва маҳалла қўмитаси ва унинг фаоллари билан ҳамкорликда иш юритади", "Синф раҳбарлари ўқувчиларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш мақсадида маҳалла қўмитаси билан биргаликда иш олиб борадилар",*** *каби бандларига алоҳида тўхталиб ўтдик. Чунончи, комил инсон тарбияси кўп қиррали ва мураккаб жараён эканлигини инобатга олиб, мактаб ота-оналар қўмитаси сафини кенгайтирдик.*

Дарвоқе, Обод маҳалла йили муносабати билан мактабимизда ўзига хос янгилик ҳам жорий қилинди. Яъни, ўқувчиларнинг тартиббузарлар рўйхатида бўлмаслиги ҳамда бўш вақтларни унумли ташкил этиш мақсадида илм масканимизда ўғил-қизларни касб-ҳунарга йўналтириш марказини ташкил этдик. Хуллас,келажакда касб-ҳунарли ўғил-қизлардан ҳам маҳалла, ҳам мактаб, ҳам оила манфаатдор бўлади.

Асқар СУЛАЙМОНОВ,
Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 237-мактаб директори

ҚУТЛУҒ БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимизда умумхалқ байрами — Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг ўн бир йиллиги кенг нишонланмоқда.

Шу муносабат билан 13 январь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тантанали йиғилишга Қуролли Кучларимиз вакиллари — оддий аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, уруш ва меҳнат ҳамда армиямиз фахрийлари, олий ҳарбий ўқув юртларининг курсантлари, армия сафида Ватан олдидаги муқаддас бурчини шараф билан адо эта-ётган ёшларнинг ота-оналари, шаҳар жамоатчилиги вакиллари, меҳмонлар йиғилди.

Уни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Мудофаа вазири Қ.Ғуломов шонли санага бағишлаб маъруза қилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан энг замонавий талаб ва андозаларга жавоб бера оладиган Қуролли Кучларимиз ташкил топгани, армиямиз ўн бир йил мобайнида мураккаб, аммо шарафли йўлни босиб ўтгани таъкидланди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини мустаҳкам ҳимоя қилмоқда.

Ўтган қисқа вақт мобайнида армиямизда улкан ўзгаришлар содир бўлди. Бу муваффақиятлар, аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов ташаббуси билан ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар билан бевосита боғлиқ, албатта.

Йиғилишда мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, яхши тайёрланган ва бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган, сон жиҳатидан ихчам ва ҳаракатчан Қуролли Кучларни вужудга келтириш — Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидланди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита раиси М.Ўтаганов, истеъфодаги подполковник Б.Рўзиев, ўғли Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган З.Азимова ва бошқалар Ватан ҳимоячиларини анъанавий байрам билан қизғин табриклади.

Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва миллий хавфсизлигини таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартибот ва элюрт осойишталигини мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги самарали фаолияти учун «Ватан ҳимоячилари куни» муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи ҳамда Божхона қўмиталари, «Ватанпарвар» ташкилоти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10 январдаги Фармонига биноан, фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланди. Йиғилишда ана шу давлат мукофотлари уларга тантанали вазиятда топширилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизнинг бир гуруҳ ҳарбийларига ҳарбий ва махсус унвонлар бериш тўғрисидаги Фармони ҳам ўқиб эшиттирилди.

Тадбир катта концерт билан якунланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Худайбергенов, А. Азизов, Президент ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг котиби Ғ.Облоёров иштирок этди.

(ЎзА)

МАКТАБЛАР КУНИ:

ТАҲЛИЛЛАР, ЯКУНЛАР, РЕЖАЛАР...

Яқинда Бухоро вилоят "Мактаблар куни"ни ўтказиш мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилишига келган шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят жамоат ташкилотлари, таълим тизими раҳбарлари дастлаб Бухоро шаҳридаги 2-мактабга ташриф буюрдилар. Илм масканида ташкил этилган интернет-кафе билан танишдилар. Катта мамлакатимизга монанд равишда бу даргоҳда таркиб топган "Янги авлод давлати", ундаги ўқувчилар томонидан сайланган ва таълим-тарбия жараёни самарадорлигига эришишда педагогик жамоага кўмаклашаётган болалар ўз бошқарув фаолиятлари ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

— Бешта компьютер Интернет тармоғига уланган, — дейди мактаб директори Замира Аҳмедова. — Ундан барча ўқитувчиларимиз, ўқувчиларимиз кенг фойдаланадилар. Хусусий фирма билан шартнома тузиб, ошхонамизни ижарага берганмиз. Оталиқ ташкилотлари ҳисобидан

Xalq ta'limi va hokimiyat

ўқув йили мобайнида 25 ўқувчи бепул овқатлантирилиб, 50 нафар ўқувчи дарсликлар билан текин таъминланмоқда. Иссиқ овқат ҳам нисбатан жуда арзон нархда.

Сабоқлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилаётган таълим муассасасида "Мактаблар куни" туфайли юз бераётган ислоҳий ўзгаришлар билан Бухоро шаҳар ҳокими К.Каюмолов ҳам тўпланганларни таништириб ўтди. Бу даргоҳда "Мактаблар куни" самараси, таълимдаги ислоҳотлар натижаси сифатида амалга оширилаётган ишлар барчада катта қизиқиш уйғотди. Айни пайтда, оталиқ ташкилотлари, ота-оналар билан ҳамкорликда мактаб жамоаси ташаббускорлик кўрсатса, ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилияти юзага чиқарилса, қанчалик катта ижобий ўзгаришлар қилиш мумкинлигини ўз кўзлари билан кўрдилар. Ва ташриф буюрган аксарият шаҳар ҳамда туман ҳокимлари, халқ таълими тизими раҳбарлари кўнглида жойларда ана шундай даргоҳлар барпо этиш нияти туғилганлигига ҳам аминмиз.

(Давоми 2-бетда).

ТАҲЛИЛЛАР МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ — 2-бет

ТААССУРОТЛАРГА БОЙ СИНОВ — 2-бет

УНИВЕРСИТЕТДА ДАРС СОАТЛАРИ КАМ
БИРОҚ БУ ТАЛАБАНИНГ МУСТАҚИЛ ИЗЛАНИШИГА ИМКОН БЕРАДИ — 3-бет

ГАПДА УЮШИҚ БЎЛАКЛАР — 4-бет

ТЎҒРИЛИК НАЖОТ ЙЎЛИГА БОШЛАР... — 5-бет

ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ
ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ИНҚИРОЗДАН ОЛИБ ЧИҚИШНИНГ ОМИЛИ — 6-бет

Ана шу мулоҳазалар талқини "Мактаблар куни"ни бундан буён ҳам давом эттириш керакми, керак бўлса, қандай шакл ва мазмун билан бойитиш, қандай кўтинчалар киритиш зарур, деган саволларга ҳам жавоб беради.

Ўқитишда ўқувчиларни китоб билан таъминлаш, уларни ўқув дарсликлари билан ишлашга кенг жалб қилиш, мунтазам кутубхоналар фаолиятини такомиллаштиришда ЎМКҲТга мос равишда ижара тизимини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Ma'rifat

ТААССУРОТЛАРГА БОЙ СИНОВ

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасига борганимизда кираверишдан тортиб, ички фойегача ўқитувчи, ўқувчи, ота-оналар билан гавжум эди. Айниқса, ўқувчиларнинг юз-кўзларидан ҳаяжон аломатларини илғаш қийин эмасди.

Дарҳақиқат, вилоят халқ таълими бошқармасида туман умумий ўрта таълим мактаблари фан олимпиадаси ғолиб чиққан ўғил-қизлар вилоят босқичида иштирок этаётгандилар.

Ҳар бир ўқувчи ўз тумани, ҳудуди, мактаби шарафини ҳимоя қилиш учун астойдил тайёргарлик билан келгандилар. Олимпиада кунларининг сўнгги куни ўтаётгани боис зални тўлдириб турган ўқитувчи-ўқувчиларни тадбир таассуротлари ҳақидаги суҳбатга тортдик. Қуйида тадбир иштирокчиларининг фикрларини баён қиламиз.

Шомурод МАҚСУДОВ, Паркент туманидаги 13-мактабнинг 11-синф ўқувчиси:

— Мен вилоят босқичи олимпиадасида учинчи маротаба иштирок этаяпман. 2000-2001 ўқув йилида эса 10-синфлар ўртасидаги вилоят олимпиадасида 1-ўринни эгаллагандим. 2002-2003 ўқув йилида яъни бугунги вилоят олимпиадасида фахрли 2-ўринни олдим. География фанидан олган билимларимни янада бойитдим, десам янглишмайман. Олдингиларига қараганда буниси ажойиб ўтяпти. Эътироф этилган баъзи камчиликлар бартараф қилинган. Ҳатто олимпиада жараёнини ота-оналар ҳам бемалол кузатиб ўтиришибди.

Адолат, ҳалоллик, тўғрилик мезонларига қатъий амал қилинган. Вилоят мусобақаси ўқувчидан кучли билимни талаб этар экан. Қунт билан ўқиш, билимни бойитиш учун эринмай мутолаа қилиш лозимлигини тушундим. Тадбирдан таассуротларим ортди.

Дилноза ДЎСТМАТОВА, Ангрен шаҳридаги академик лицей ўқувчиси:

— Мактабда ўтиладиган кимё фани машғулотларининг жонлилигига эътибор кучайтириш кераклигини тушундим. Ўқувчилар лаборатория, амалий машқларини

"Olimpiada—2003"

кўпроқ ўрганиш лозимлигини билдим. Ўқишдан эринмаган ўқувчи ўз меҳнати маҳсулини кўриши аниқлигига ишонч ҳосил қилдим. Фан олимпиадалари ўқувчининг ана шу лаёқатларини шакллантиришга ёрдам берар экан. Кўп дўстлар орттирдим.

Ойдин ХОЛМУРОДОВА, Бекобод туманидаги педагогика коллежи 3-курс талабаси:

— Ўз билимларимни чизмачилик фанидан синагани келдим. Бундай ҳаяжонли лаҳзаларни биринчи маротаба ўтказяпман. Аввалига мени ҳаяжон босди. Ўқитувчиларимизнинг йўл-йўриқ ва сабоқларига қунт билан эътибор берганлигим туфайли тайёргарлигим чакки бўлмади. Тўғри, тест ва амалий машқларда бироз қийналдим. Бир нимага аниқ ишонч ҳосил қилдим, қийналсак ҳам мактабда ўқувчидан кучли билим талаб қилиниши керак экан. Олимпиада кўзимни очди. Бу ердан бориб ўз таассуротларимни ўртоқларимга сўзлаб бераман.

Жанглиой ШОДМОНОВА, Бекобод туманидаги С.Айний номли 34-мактабнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари:

— 11-синф ўқувчиси Динора Қурбоновага ҳамроҳ бўлиб келганман. Ўқувчим тожик тили ва адабиёти фанидан иштирок этаяпти. Биринчи тур натижалари чакки эмас. Энди II тур маълумотини кутяпмиз. Олимпиадада тартиб-интизом яхши йўлга қўйилган. Бироқ бир масала бизни ўйлантиради. Олимпиада саволлари билан таниш эмасмиз. Бизни қийнаётгани тузилган саволлар мактаб дастурига мос келадими ёки олий ўқув юртларигами?

Яна бир муҳим масала. Биз Ўзбекистон Республикасида яшаймиз. Миллатимиз тожик. Тожик, қозоқ, қирғиз фарзандлари учун тузукроқ дарслик ва қўлланма, дастурлар йўқ ҳисоби. Услубий ёрдамларни сезмаймиз. Адабиётлар етарли эмас. Бу борада наинки ўқувчилар, балки муаллимлар ҳам қийналишяпти. Тўғри, 1-5-синфлар ўқувчилари учун дарсликлар бор. Аммо 6-синфдан юқорисига қандай дастур, қўлланма асосида иш олиб боришга қийналяпмиз. Истардимки, тожик тилидаги дарслик қўлланмалар билан таъминлаш чораси кўрилса, айни муддао бўларди. Олимпиадага келган ўқувчим Динорага ишонаман. У ишончимизни оқлайди, деган умиддаман.

Ҳа, таассуротларга бой бўлган Тошкент вилояти умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг фан олимпиадаси ўз ғолибларини топади. Ўқувчилар республика босқичида муносиб иштирок этишларида омад тилаймиз.

Абдузуҳур ҚОРАБОЕВ, журналист

Ўтган ҳафтада Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази бошқарув кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси ЎМКҲТ бошқармалари раҳбарлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорлари иштирок этдилар. Йиғилишни олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари, ЎМКҲТ Маркази раҳбари, бошқарув кенгашининг раиси Жуманазар Ҳусанов олиб борди.

Boshqaruv kengashi

ТАҲЛИЛЛАР МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

Мажлис кун тартибидаги биринчи масала сифатида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичида белгиланган талабларнинг Андижон ва Фарғона вилоятларидаги ЎМКҲТ муассасаларида қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди.

Таъкидландики, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи — сифат босқичида таълим сифатининг асосини ташкил этувчи моддий-техник базани мустаҳкамлаш, ўқув режа ва дастурларнинг самарадорлигини ошириш, таълим муассасалари кутубхоналари ва ўқувчиларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш ва, энг муҳими, педагог кадрлар салоҳиятини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришдан иборат. Шу боис, йиғилишда ҳар иккала бошқарма фаолияти ана шу мезонларга асосан таҳлил қилинди. Маълумотларга қараганда, айни пайтда Фарғона вилоятида 76 та ЎМКҲТ муассасалари мавжуд. Ўтган 1998-2002 йиллар мобайнида 3 та академик лицей ва 35 та касб-ҳунар коллежи қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Худди шунингдек, Андижон вилояти ЎМКҲТ бошқармаси тасарруфида ҳам 75 та таълим муассасаси фаолият кўрсатаётган бўлиб, 1998-2001 йиллар давомида 3 та академик лицей ва 34 та касб-ҳунар коллежи капитал таъмирланиб, ишга туширилди.

Мазкур икки вилоятда 2002 йил мобайнидаги касб-ҳунар коллежлари қурилиш-монтаж ишлари ЎМКҲТ Маркази ходимлари томонидан ўрганилганда, бир қатор камчиликлар аниқланди. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 14 августдаги 338-сонли қарорига асосан Фарғона вилояти бўйича 2002 йилда 22 та касб-ҳунар коллежларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш белгиланган эди. Бироқ, вилоятда 2002 йил инвестиция дастурига асосан, 17 та коллежни фойдаланишга топшириш режалаштирилган ва белгиланган 6 та касб-ҳунар коллежлари 2002 йил дастурига киритилмаган.

Шунингдек, Андижон вилоятида ҳам белгиланган 18 та касб-ҳунар коллежидан 2002 йил инвестиция дастурига асосан, 15 таси қурилиб, ишга туширилиши режалаштирилган эди. Қарорда белгиланган 6 та касб-ҳунар коллежи қурилиш-реконструкция ишлари 2003 йилга қолдирилди.

1999-2001 йиллар мобайнида бунёд қилинган касб-ҳунар коллежларининг жиҳозланишида ҳам бир қатор камчиликлар аниқланган.

Вилоятларда жойлашган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқув-лаборатория жиҳозлари, ўқув-техник воситалари ва кўргазмали қуроллар билан таъминланмоқда. Бироқ, улардан самарали ва тўлақонли фойдаланиш борасидаги ишларни қониқарли ташкил этилган деб бўлмайди. Шунингдек, замонавий ўқув-техник воситаларининг турлари ортиб, мазмунан такомиллашиб бораётган бугунги шароитда улардан фойдаланиш бўйича жойларда ўтказилаётган ўқитувчиларнинг семинар машғулотларини етарли ва қониқарли даражада эмаслиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда мазкур вилоятлар ЎМКҲТ муассасаларида таълим стандартларининг жорий қилинишининг бугунги аҳволи ҳам таҳлил қилинди. Чунончи, Андижон вилоятидаги таълим муассасаларида 96 та, Фарғона вилоятида 82 та йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Таълим муассасаларининг аксарияти тайёрлов йўналишлари бўйича ўқув режа ва дастурлар билан тўлиқ таъминланган ҳамда улар кутубхона фондига киритилган. Ўқитувчилар давлат таълим стандартлари талаблари асосида йўналишлар бўйича ишлаб чиқилган намунавий ўқув режа ва дастурлар асосида барча умумтаълим ва махсус фанлардан ўз иш режаларини ишлаб чиқиб, шу асосда иш олиб бормоқдалар. Шунга қарамасдан, Андижон алоқа касб-ҳунар коллежида "Қуриқлаш ёнғин алоқаси ва сигнализация тизимларини ишлатиш", Андижон тумани саноат касб-ҳунар коллежи ҳамда Андижон педагогика коллежларида "Дизайн" йўналиши бўйича тасдиқланган ўқув дастурлари мавжуд эмас. Шунингдек, баъзи таълим муассасаларида "Автотранспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш", "Мактаб ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар", "Бошланғич синфларда таълим-тарбия ишлари", "Қишлоқ хўжалиги машиналари ва улардан фойдаланиш", "Халқаро алоқа", "Агрономия" сингари унлаб йўналишларда ўқув дастурлари етишмайди.

Ўқув режа ва дастурларнинг сифатини ошириш борасидаги ишлар ҳам бугунги кун талабига жавоб бермайди. Таълим мазмунини белгиловчи давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари бугунги педагогни қаноатлантирмаяпти. Янги ўқув режа ва дастурларини яратишда давлат таълим стандартларига мос равишда ҳар бир мутахассислик тайёрлов йўналиши бўйича жойларнинг реал шароитлари, бозор иқтисодиёти қонуниятларини ўзида мужассамлаштирган, шунингдек назария ва амалиётнинг узвийлигини таъминловчи механизм яратилиши зарур.

ЎМКҲТ муассасаларини дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш масаласи ҳам кенгаш йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди. ЎМКҲТ Маркази томонидан академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун зарур булган дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш ва нашр қилиш ишлари режа асосида олиб борилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига асосан 2006 йилга қадар 2035 номдаги дарслик ва қўлланмалар яратилиши лозим. Марказ томонидан ўтган йилда жами 160 номдаги адабиётларнинг янги авлоди яратилди ва нашр қилинди. Бу соҳадаги ишлар, асосан, пойтахтда яхши йўлга қўйилган, холос. Вилоятларда эса аҳвол бир нави. Чунончи, Андижон вилоятида ўтган йилда атиги 9 та дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш устида иш олиб борилмоқда. Шунингдек, таълим муассасаларини янги авлод адабиётлари билан тўлиқ, ўз вақтида таъминлаш ишларида ҳам оқсашлар кўзга ташланмоқда. Йиғилишда ўқувчиларни китоб билан таъминлаш, уларни ўқув дарсликлари билан ишлашга кенг жалб қилиш, шунингдек кутубхоналар фаолиятини такомиллаштиришда УМКҲТга мос равишда ижара тизимини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Кенгаш мажлисида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш хусусида ҳам сўз борди. Айни пайтда Андижон вилояти УМКҲТ муассасаларида фаолият курсатаётган 2957 нафар, Фарғона вилоятида меҳнат қилаётган 4219 нафар педагогнинг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлашда олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчиларини жалб этиш, замонавий хорижий методикалардан фойдаланган ҳолда таълимнинг инновацион усулларини ўқитиш жараёнига татбиқ қилиш зарур. Шунингдек, ҳар бир педагог ва ишлаб чиқариш таълими устасидан ўз иш услубларини узлуксиз равишда бойитишни, касбий-педагогик маҳоратини ошириши учун бошқарма мутасаддилари томонидан зарурий барча шарт-шароитларни яратиш лозимлиги уқтирилди.

Кенгаш мажлиси кун тартибидаги навбатдаги масалалар — таълим муассасаларининг қишки мавсумдаги ҳолати, ўқитувчилар малакасини оширишда доимий ҳаракатдаги малака ошириш курсларининг аҳамияти ва унинг бугунги фаолияти ҳам таҳлил қилинди. Бу борадаги белгиланган вазифаларни бажариш бўйича зарур йўл-йўриқлар, таклифлар билдирилди. Шунингдек, жорий йилнинг май ойида Андижон вилоятида бўлиб утадиган УМКҲТ тизими ўқувчи-ёшларининг "Баркамол авлод" спорт ўйинларига тайёргарлик аҳволи хусусида ҳам кенгаш аъзоларига батафсил ахборот берилди. Йиғилиш якунида бошқарув кенгаши кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ, "Ma'rifat"нинг махсус мухбири

МАКТАБЛАР КУНИ: ТАҲЛИЛЛАР, ЯКУНЛАР, РЕЖАЛАР...

(Давоми. Боши 1-бетда)

Вилоятда "Мактаблар куни"нинг ўтказилиб келинаётганлигига ҳам мана уч йил тўлди. Бу даврда кўзланган мақсадларга қанчалик эришилганлиги, қандай натижалар берганлиги ҳақида холисона фикр юритса, хулоса чиқарса арзигулиқдир. Ана шу мулоҳазалар талқини "Мактаблар куни"ни бундан буён ҳам давом эттириш керакми, керак бўлса, қандай шакл ва мазмун билан бойитиш, қандай қўшимчалар киритиш зарур, деган саволларга ҳам жавоб беради.

Дарвоқе, уч йил мобайнида "Мактаблар куни" нима берди? Буни ҳеч қандай изоҳ, исботсиз юқоридаги факт ва рақамларни ўзаро муқояса этиш орқали аниқ ва равшан англаш мумкин. Кўрсаткичлар орасидаги фарқ замирида таълим-тарбия жараёнларининг яхшиланиши, мактаблар моддий базаси мустаҳкамланганлиги, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, касб-ҳунар эгаллаш имкониятлари кенгайганлиги, меҳнат қилиш, бозор иқтисодиёти шароитига қараб иш кўриш кўникмалари шаклланиши сингари ёш авлод камолоти учун муҳим жиҳатлар мужассамлигини ҳисобга олганда "Мактаблар куни"нинг аҳамияти янада тўлароқ ўз аксини топади. Ва бу ўз навбатида "Мактаблар куни"ни ўтказиш керакми қабилида ўйлайдиганларнинг нақадар юзаки, бир ёқлама, фақатгина ўз манфаатлари ва тинчини назарда тутиб фикр юритишларини исботлаб берди.

Албатта, 202-сонли қарор чиққан ва уни амалга оширишга киришилган дастлабки пайтларда "Бу шунчаки мавсумий, қоғозда қоладиган тадбир, секин-аста унутиб юборилади", деган фикрга борганлар ҳам бўлди. Вилоят ҳокимлигининг доимий назорати ва узлуксиз иш юритиши туфайли бундай мулоҳазалар ҳам пучга чиқди.

Вилоятда ҳар ойда, ҳатто мамлакатимиз иқтисодиётида асосий ўрин тутадиган пахта йиғим-терими долзарб паллага кирган даврда, таълим тизимида аксарият ходимлар таътилга чиққан ёз ойларида ҳам узлуксиз "Мактаблар куни"нинг ўтказилиши, аҳвол дастлаб туманларда, кейин эса вилоят мувофиқлаштирувчи кенгашида чуқур муҳокама этилиши, принципиал талаблар қўйилиши, қилинаётган ишлар сарҳисоби билан бир қаторда муаммолар ечими изланиши, чора-тадбирлар кўрилиши ҳам бу тадбирга қай даражада қатъиятлик, изчиллик билан киришилганлигидан далолатдир. Кўпчилик газетхонлар, кенг жамоатчилик, халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган минг-минглаб ўқитувчилар билиши учун шу нарсани алоҳида қайд этиш керакки, "Мактаблар куни" ишчи гуруҳлар йиғилишлари, шунчаки, ҳисоботлар тарзида ўтган эмас. Муайян иш участкаларида юз берган хато ва камчиликлар, бир ёқлама ёндашувлар, "хўжакўрсин"га юритилаётган фаолият, кадрлар тизимидаги нуқсонлар учун қатъий жавоблар талаб қилинди. Ютуқлар эътироф қилингани ҳолда камчиликлар очиб ташланди, уларни келтириб чиқарган сабаблар аниқланди. Тегишли баҳолар берилди. Фаолиятидаги сусткашлик, масалага талаб даражасида ёндашмаётганликлари учун нафақат таълим тизими мутасаддилари, балки шаҳар ва туманлар ҳокимлари ҳам жавоб беришга мажбур бўлдилар. Ҳатто айрим раҳбарларнинг вазифаларидан кетишларига тўғри келди. Шу ўринда бу жараёнлар катта меҳнат, таҳлиллар, асабийлашишлар, ҳузур-ҳаловатдан кечишлар эвазига келишини таъкидлаш жоиздир.

Албатта, эртанги кунига бефарқ қарайдиган, ўзидан кейин келадиган авлод тақдирини ўйламайдиган, "ҳозирим — ҳузурим" қабилида турмуш кечирадиган одам ҳаловати бузилишини хоҳламайди, кун бўйи мактабма-мактаб юргандан кўра тинчгина хизмат кабинети ёки уйида ўтиришни афзал билади. Дастлаб, сиртдан, оғизда маъқуллаб, ичда "шу иш керакмиди, тизимдагилар, муаллимнинг ўзи муаммоларини ўзлари ечаверсин, бизга нима", тарзида монелик қиладиганлар ҳам топилган бўлса ажаб эмас. Лекин вақт, ойма-ой ўтказиб борилган "Мактаблар куни" бундай муносабат ўта маънавий қашшоқлик эканлигини кўрсатди.

"Мактаблар куни" берган яна бир муҳим хулоса шу бўлдики, айрим катта-кичик раҳбарлар, кўпчилик ота-оналар, жамоатчилик таълим муассасаларидан узоқлашганини, мамлакатимиз, пировардида ўзининг эртанги куни, бошлаган йўли, амалга ошираётган ишлари давомчилари саналган ёш авлод таълим-тарбияси, ўқиш шароитлари, ташвиш-муаммоларига етарли аҳамият бермай қўйганини англади. Бу ҳақиқат дастлабки пайтларда хижолатомуз тарзда тан олинганлигини ҳам биламиз. Бир сўз билан айтганда, одамлар мактаб, таълим-тарбия барчанинг иши эканлигини, мактаб ҳаётига дахлдорлигини, ўқувчи ва муаллим учун қўлидан келган барча ишни қилишга бурчли-лигини англади.

Кези келганда, яна бир ҳақиқатни очиқ-ойдин, ҳеч муболағасиз тан олиш ва эътироф этиш керак. Вилоятнинг биринчи раҳбари масалага бу қадар қаъиятлилик билан, изчил ёндашмаганида, "Мактаблар куни"нинг бугунги натижаларига эришиб бўлмаслиги муқаррар эди.

Изчилликни таъминлаш мақсадида ҳар йили "Мактаблар куни"ни ўтказишнинг амалий дастури ишлаб чиқилмоқда. Шунга асосан маҳаллий ҳокимиятлар, оталиқ ташкилотлари, мактаб жамоаси томонидан қилиниши кўзда тутилган ишлар белгилаб олинмоқда. Дастур лойиҳаси қайта-қайта ўрганилиб, эътирозлар, танқидий фикрлар, таклифлар асосида янада бойитилмоқда. Масалага юқори талабчанлик билан ёндашиб, тизим равнақи йўлида астойдил қайғуриб иш тутадиганлар қаторида шунчаки, номигагина тадбирларни киритиб, енгилини кўзлаганлар ҳам бўлди. Лекин муҳокама, таҳлиллар жараёнида барча юзакиликка чек қўйилди. Энг муҳими, унинг бажарилиши доимий назоратга олинди. Келинг, ўтган йилги дастур ижросининг мониторингига биргаликда назар ташлайлик. Мактабларга 2468 дона парта, стоматология хоналари учун 27 та "Бор" машинаси, 29 та стоматология креслоси, ошхоналар учун 48 та музлаткич, 3282 та ўриндиқ сотиб олинди. 14 та спорт зали, 88 та қўшимча синф хоналари қурилди... Вилоят бўйича 2460 нафар ўқувчи учун стипендиялар жорий этилди. Мактаб моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилалар фарзандларини дарслик билан таъминлаш, ўқув лабораторияларидаги шарт-шароитларни яхшилаш, бюджетдан ташқари маблағ топиш борасида ҳам режалаштирилган бир қатор ижобий ишлар поёнига етказилди.

Аммо шуни айтиш керакки, барча ҳам масалага бирдай масъулият, талабчанлик билан ёндашмаётир. Тузилаётган дастурлар таҳлилига назар ташлаганда бу жиҳат янада ойдинлашади. Масалан, вилоят ҳокими қарори билан ажратилган 1 гектар ердан Жондор тумани 13 миллион 460 минг сўм даромад олишни режалаштирган тақдирда бу миқдор Бухоро туманида 3 миллион 500 минг, Ғиждувон туманида эса 3 миллион 520 минг сўмни ташкил этган. Ҳолбуки, масалага тадбиркорлик, ишбилармонлик билан ёндашилганда, 1 гектар ердан туманлар халқ таълими бўлимлари дастур ижросига киритган энг юқори миқдордан ҳам кўпроқ даромад олиш мумкинлиги деҳқончилик амалиётидан яхши маълумдир. Ёки Бухоро туманида 468, Вобкент туманида 220 нафар ўқувчига стипендия жорий этиш кўзда тутилган бўлса, бу кўрсаткич Когон шаҳрида 13, Пешку туманида 122 та қилиб белгиланган.

— Ҳар биримиз ўзимизга "Мен бугун нима учун яшаяпман?", деган саволни беришимиз зарур, — деди мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишини бошқариб борган Бухоро вилояти ҳокими С. Ҳусенов. — Унинг замирида кейинги авлод учун яшаяпмиз, деган оддий мантиқ ётади. Бу — юрт, мамлакат келажаги, ўз фарзандларимиз тақдири, камолоти, таълим-тарбияси тўғрисида қайғуриш, демакдир. Биз масалага ана шу нуқтаи назардан қарашимиз ва очиқча фикрлашиб олишимиз зарур.

Вилоят ҳокими амалдаги йилга мўлжалланган "Мактаблар куни"ни ўтказиш дастури ҳар томондан асосли, пишиқ-пухта, энг муҳими, таълим-тарбия жараёнида кутилган самарани бериши кераклигини алоҳида таъкидлади. Тўпланганлар вилоят ҳокимининг ўринбосари М.Бўронов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Р.Шукуровнинг кун тартибидаги масала юзасидан ахборотларини тингладилар.

Шундан сўнг С.Ҳусенов ўтган йил "Мактаблар куни" дастурига киритилиб, ижроси таъминланмаган ва бу йил дастурга қайта киритиш ёки осон бажариладиган юмушларни номигагина мақсад қилиб қўйишдек мутлақо яramас тажрибани қоралади ва мутасаддилардан қаттиқ жавоб талаб қилди. Дастурни мазмунан бойитиш мақсадида қатнашчиларнинг мулоҳазалари билан қизиқди. Қуйида ана шу фикрлардан айримларини келтирамиз.

К.МУҚИМОВ, БДУ ректори, академик:

— "Мактаблар куни" пировардида таълим сифати ва мазмунини яхшилашга қаратилган. Уни таъминлаш ўқитувчига боғлиқ. Лекин баъзи бир ўқитувчиларнинг билими саёз, педагогик маҳорати етишмайди. Улар билан семинарлар, ўқувлар ташкил этиш зарур. Олий таълим ва мактаб ҳамкорлигини янги погонага кўтариш орқали бу масала ўз ижобий ечимини топиши мумкин.

З.РАҲМАТОВА, Қоровулбозор туман ХТБ мудири:

— Туманимиздаги мактабларда айрим фан ўқитувчиларига эҳтиёж катта. Аммо ҳар ким ҳам олий ўқув юртини тугатгач, чўл шароитида ишлашга боравермайди. Дастурда ана шу масала ечимига эришиш чоралари белгиланиши керак.

А.МУЗАФФАРОВ, халқ таълими фахрийси, "Бола-

лар" жамғармаси Бухоро вилояти бўлими раиси:

— "Мактаблар куни" самарадорлигига эришишда асосан мактаб директорининг ташкилотчилиги, оталиқ ташкилотлари билан ишлаши, раҳбарлик қобилияти муҳим аҳамиятга эга. Айрим мактабларда масъулиятни англамайдиган кишилар директорлик лавозимини эгаллаб турибди. Тизимда кадрларга нисбатан талабчанликни кучайтириш, муносабатни тубдан ўзгартириш зарур.

Ҳ.БАФОЕВ, Ғиждувон туман ХТБ мудири:

—Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги ҳамкасбларимиз билан бордикелдимиз бор. Тажриба алмашиб турамиз. Очиғи, улар "Мактаблар куни" муносабати билан амалга ошираётган ишларимизни кўриб, ҳавас қилишди. Ўзларида жорий этиш ниятида "Мактаблар куни" тўғрисидаги қарор, дастурлардан намуналар олиб кетишди. Вилоятнинг, шаҳар ва туманлари ўртасида ҳам ўзаро тажриба алмашиш йўлга қўйилса, фойдадан холи бўлмасди. Яхши тажрибаларни оммалаштириш, ҳам ўргатиш, ҳам ўрганиш имкониятлари кенгаярди.

Ғиждувон, Жондор, Бухоро туманлари ҳокимлари Т.Қудратов, Х.Жумабоев, Н.Пўлатов, Бухоро тиббиёт институти ректори Р. Аҳмедов, Жондор тумани ХТБ мудири А.Шодиева ва бошқалар ҳам ўз таклифларини ўртага ташладилар.

— **Масалага фақат танқидий нуқтаи назардан ёндашмоқ зарур,** — деди вилоят ҳокими мунозарага якун ясар экан. — **Фаолиятимизда асло қониқиш бўлмаслиги, яна бир карра аввалги йиллар таҳлил қилиниши, дастурда ёшлар, оталиқ ташкилотлари, маънавият-маърифат, таълим-тарбияга алоқадор барча тизимларнинг ўрни ва вазифалари аниқ белгилаб олиниши шарт.**

Ҳа, шу тариқа амалий дастур янада бойитилади. Жойларда "Мактаблар куни"ни ўтказишнинг қатъий тартиби жорий қилиниши туфайли бажариладиган ишлар кўлами кенгаяди. Бу ишлар самараси келгусида пировард натижа — навқирон замондошларимиз камолотига хизмат қилиши, эртанги кунимизнинг ворисларини тарбиялашда ўз муносиб аксини топиши муқаррар. Зеро, "Мактаблар куни" вилоятда анъанага айланиб қолганлиги, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида Бухоро тажрибаси сифатида қўлланилаётганлигининг асосий сабаби ҳам ана шу улуғ, олижаноб мақсад билан изоҳланади.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ, "Маърифат"нинг махсус мухбири.

Тадбирлар	"Мактаблар куни"гача (2002 йил 1 январь ҳолатида)	"Мактаблар куни"дан сўнг... (2003 йил 1 январь ҳолатида)
Хомийлар сони	455	3712
Оталиқ ёрдами	100 минг сўм	2 млрд.847 млн
Авария ҳолатидаги мактаблар	22	3
Қурилиши тўхтатилган мактаблар	40	27
Етишмайдиган синфхоналарини қуриш	—	345
Мактабларни модемга улаш	—	139
Мактабларда интернет-кафе ташкил этиш	—	2
Махсус ҳисоб рақами очилган мактаблар	28	511
Ер ажратилган мактаблар	—	394,6 гектар
Ёрдамчи ҳўжалик ташкил этган мактаблар	1	460
Ўқувчиларга стипендиялар	58	2460
Комплекс овқатлантиришни ташкил этган мактаблар		476
"Таянч-намунали мактаблар" сони	—	45
Ошхонаси йўқ мактабларда ошхона қуриш	—	18
Спорт зали бўлмаган мактабларда спорт зали қуриш	—	16
Кам таъминланган оила фарзандларини кийим-кечак ва дарслик билан таъминлаш	10000	23830
Мактабларда ташкил этилган тиббий хоналар	238	530
Жумладан: стоматология хоналари	92	249
Ҳакимлар	187 нафар	433 нафар
Ҳамшираллар	248 нафар	530 нафар
Спорт шаҳарчалари ташкил этган мактаблар сони	172	490
Мактабларга қўшимча парта қўйиш	—	12300
Мактабларга водопровод суви келтириш	—	36
Бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топиш	19-20 млн	286 млн. 200 минг.

"МУАММОНИНГ ЕЧИМИ ҚАЕРДА?"

("Маърифат", 2002 йил 25 сентябрь).

Aks-sado

Мен М.Валиеванинг "Муаммонинг ечими қаерда?" мақоласини ўқиб жуда таъсирландим. Негаки, муаллиф долзарб мавзуга қўл урган. Шу боис ўзимнинг баъзи бир фикр-мулоҳазаларимни ёзиб юборишни лозим, деб топдим.

Менимча, бу муаммоларнинг ечими битта. Бу ҳам бўлса мактаб ва ота-оналар ҳамкорлиги масаласидир. Очиғи, бу борадаги ишимиз ҳозирги кун талабига тўла жавоб бермаяпти.

Ота-оналаримиз мактаб билан узвий алоқа ўрнатишга шошилмаяптилар. Хуллас, фарзандлари тарбияси билан чуқур шуғулланмаяптилар.

Маълумки, Юртбошимиз Ислом Каримов "Ўзимизга хос, ўзимизга мос йўл танлаб келажаги буюк давлат қурамиз" – деб фидокорона ишлашга бутун кенг жамоатчиликни чорлаб келмоқдалар. Шундай экан, келинг биз таълим фидойилари ҳам жонбозлик кўрсатиб, янгиликлар кашф этиб, янги педагогик технология асосида ўқитиш ишларини амалга оширсак, ўйлайманки, барча муаммолар ўз ечимини топади. Бунинг учун биринчи галда мактабларда ота-оналар учун "Очиқ эшиклар" кунини ҳар ойда бир неча маротаба ташкил этиш керак. Марҳамат, фарзанди ўқийдиган мактабга келсин ва дарс кузатсин. Шу куни ўқитувчи шу ота-онанинг фарзанди билан шуғулласин ва ота-она хулоса чиқарсин. Қани, фарзанди бугунги дарсга қандай тайёргарлик кўрган? Бошқа ўқувчиларга нисбатан билим савияси, кийиниши, юриш-туриши, муомаласи қандай? Таққослашга вазият мажбур қилади. Сўнг шу ойнинг охирги ҳафтасини, дейлик, шанба куни бир вақт мактабнинг бутун ота-оналари иштирокида умумий йиғилиш ўтказилсин ва очиқчасига ютуқ ҳамда камчиликлар муҳокама қилинсин. Навбатдаги ойнинг, (келгуси) дейлик, биринчи шанба куни туман (шаҳар) ХТБнинг йиғилишида барча мактаб раҳбарлари ва ҳар бир мактабдан фаол (саноқли) ота-оналар вакиллари иштирокида якуний ҳисобот йиғилишини шахсан халқ таълими бўлими мудирининг ўзи ўтказса, нур устига аъло нур бўлади.

Бунинг учун туман (шаҳар) халқ таълими бўлими ҳокимият билан келишиб фармойиш чиқариши ва жойлардаги барча ташкилот раҳбарлари қўлига шу фармойишдан бир нусхадан етказиб бериши зарур бўлади. Шунда ота-оналар бир ойда бир маротаба ишдан рухсат сўраб мактабга келадилар ва 4-5 (ва ундан кўп) нафар фарзанди бўлса ҳам бир кунда бир соатдан бўлса ҳам ҳаммасининг синфига кириб дарс кузатиб чиқади ва хулосага эга бўлади. (Ушбу ишни ҳар ойда узлуксиз бажариб давом эттириб бориш шарт).

Оиласига борганда эса, фарзанди учун алоҳида тарбия режасини тузади ва назоратни кучайтиради. Натижада ўқувчиларимиз ҳар томонлама ижобий хислатларга эга бўладилар ва ҳар соҳада камчиликсиз юриш-туришга одатланадилар. Бу ишларнинг барчаси мактабни битиргунларича рефлекс бўлиб қолади ва кейинги ҳаётларида коллеж, олий ўқув юртларига кириб ўқиганларида ҳам ушбу ижобий хислатларнинг барчасини тўлиқ бажариб юришга одатланадилар, деб ўйлайман.

Қолаверса, мактабларда юзага келиб турувчи айрим жузъий камчиликларимиз ҳам бартараф этилади. Жумладан, ўқитувчиларимиз ўз устларида муттасил ишлайдилар, кўргазмалиликка, тарқатмалиликка эътибор берадилар. Мактабларимизда ремонт учун пул йиғишлар йўқ бўлади. Сабаби айрим қўли узун ота-оналаримиз ўзлари мактабни кўзи билан кўриб ремонт учун маблағни аямайдилар, ҳатто ишончим комилки техника воситалари олиб беришга ҳам тайёр турадилар

Қисқаси ушбу ишлар тўлиқ амалга оширилса, ҳаммамиз ўз устимизда ишлаб, ижобий томонларимиз билан бир-биримизга намуна бўлишга интиламиз ва муаммонинг ечимини топамиз, деган умиддаман.

Ҳасан ОТАЖОНОВ,
Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси

Каттақўрғон транспорт коллежида 700 нафардан ортиқ ўқувчи илм олиш билан бирга, касб маҳоратини қунт билан эгаллаб келишмоқда. Коллеж маъмуриятининг ташаббуси билан ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси 2003 йил учун мамлакатимиз ва вилоятимизда нашр этилаётган турли газета ва журналларга 950 минг сўмлик обуна бўлишга эришдилар. Бунинг ичида айниқса, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг севимли газетаси — "Маърифат"га обуна бўлганлар сони кўпчиликни ташкил этади. Чунки, газетада муаммоли, таҳлилий мақолаларнинг кўпроқ берилиши ҳаммани қизиқтирмоқда.

Дилшод ШАКАРОВ

950 МИНГ СЎМЛИК ОБУНА

Xalqaro hamkorlik

2002 йилнинг октябрь ойидан бошлаб пойтахтимизда дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилган Тошкент Халқаро Вестминстер университетида дарс жараёнлари бошланди. Мазкур университет ҳам олий таълим сифатига қўйиладиган халқаро талабларни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсад ва вазифаларини адо этишга киришди.

Университетда асосан "Иқтисодиёт", "Менежмент", "Ҳуқуқ", ва "Ахборот технологиялари" йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади. Мухбиримиз Халқаро университет ректори Абдужаббор Абдувоҳидов билан бу даргоҳдаги ўқув жараёнининг ташкил этилиши хусусида суҳбатлашди.

— Даставвал, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида айнан олий таълим сифатини оширишда ривожланган хорижий давлатларнинг қандай илғор тажрибалари амалда жорий қилинаётганлиги хусусида сўз юритсак.

Кўпчиликнинг хабари бор, даргоҳимиз 2002 йилда Президентимиз фармойишига асосан халқаро мақомда хорижий университет билан ҳамкорликда ташкил топди. Шу боис, университетда ўқитиладиган деярли ҳар бир фан буюк британиялик мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган таълим дастурлари асосида олиб борилади. Таъкидлаш лозимки, инглиз таълим стандартлари энг сўнгги ютуқларни ўзида мужассам этган ва бир қатор афзалликларга эга.

Дунё миқёсида кенг қўлланиладиган таълим дастурларига асосан, талабанинг ўз устида мустақил ишлашига кўп вақт ажратилади. Яъни, маълум бир фанни ўзлаштириш, бу соҳада зарур билимларга эга бўлишда ўқитувчи маърузаси, унинг билимлари билан чекланиб қолмай, балки уни ривожлантириш, такомиллаштиришга бирламчи эътибор қаратилади. Дарс жараёнида фақат ўқитувчини эшитиш эмас, балки у томонидан берилган билимларни янада бойитиш услубига эга бўлиш ва шу асосда талаба билим олиши зарур. Фан ўқитувчиси томонидан берилган маълумотлар, билдирилган фикр-мулоҳазалар эса қўшимча манбадир.

Айни пайтда 12 нафар бакалавр ва 4 нафар магистрант Буюк Британиянинг Вестминстер университетида таҳсил олишмоқда. 4 нафар магистрантларимиз шу йил мамлакатимизга қайтгач, университетимизда фаолият кўрсата бошлайдилар. Демак, ҳозирданоқ университетимизда иш олиб борувчи ёш мутахассисларни тайёрлаш устида ҳам иш олиб бормоқдамиз. Январь ойининг охирида биринчи семестр имтиҳонлари бошланади. Ушбу имтиҳон натижалари ҳам ишимиздаги ютуқ ва заиф томонларни аниқлашда ёрдам беради.

— Жаҳоннинг юксак таълим сифати ва замонавий андозаларини юртимиз ўқув тизимига жорий қилинаётганлиги қувонарли ҳол. Бу юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қондиришда бирламчи омил. Ўзбекистонлик талабаларга инглиз таълим стандартлари бўйича дарс беришда қандай ўзига хосликлар мавжуд?

— Энг аввало, бутун дунё миқёсида эътироф этилган Буюк Британия таълим стандартларида белгиланган барча талабларнинг ўзлаштирилишига эришиш лозим. Бироқ, университетимизда ушбу дастурлар асосида фанларни ўқитишда услубий ва мазмун жиҳатдан ўзига хосликлар мавжуд. Ўқитиш ишлари фақат инглиз тилида олиб борилади ва тилдан восита сифатида фойдаланилади.

Таълим жараёнига Лондондаги Вестминстер университетида фаолият кўрсатаётган бир қатор етук профессор-ўқитувчилар ҳам жалб қилинган. Улар асосан ҳуқуқ, бизнесни бошқарув ва бошқарувда этика йўналишлари бўйича талабаларимизга билим бермоқдалар.

Шу ўринда, университетимизда ўқитиладиган фанлар орасида биргина бошқарувдаги этика фанининг ўзига хосликлари хусусида қисман тўхталиб ўтсам. Мазкур фан биздаги олий таълим муассасалари ўқув дастурларига ҳам киритилган. Бироқ, бошқарувда этика фани университетимизда янгича талқинда, бир неча курс давомида ўқитилади. Бу фан турли соҳаларда, хоҳ тижорат, хоҳ иқтисод, ёки сиёсат бўлсин, ҳар бир мутахассис учун бирдек зарурий билимларни беради. Ўзбекона тил билан айтганда, лафз, ваъдага вафо, айтилган ишни ўз вақтида бажариш, ҳурмат қилиш каби фазилатларни нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий, яъни турли техник воситаларни қўллаш ёрдамида тушунтирилади, ҳамда талабада тўлақонли тушунча ҳосил қилинади. Ўқув курси якунида турли шаклдаги тест саволлари ёрдамида билимлар баҳоланади.

Инглиз таълим стандартларининг яна бир ўзига хослиги шундаки, унга асосан талабаларнинг дарс жараёнида спорт билан шуғулланишлари учун алоҳида вақт соатлари ажратилмайди ва жисмоний тарбия машғулотлари бўйича меъёрий талаблар белгиланмаган. Бироқ, шунга қарамасдан, бугунги кунда университетимиз талабалари доимий равишда жисмоний тарбия, спорт билан шуғулланишга ҳам имконият топмоқдалар. Талабаларнинг бундай ташаббусларга жавобан университет раҳбарияти барча шароитларни яратиб бермоқда.

— Маълумки, бу университетда компьютер технологиялари бўйича талабаларга чуқурлаштирилган тарзда билим берилади. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбарининг ўтган йили эълон қилинган махсус Фармонига асосан, республикамизнинг барча таълим муассасалари раҳбарларига ушбу соҳани ривожлантириш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилган. Ана шу талаблар бугунги кунда университетда қай тарзда бажарилмоқда?

— Шуни таъкидлаш керакки, ахборот технологияларидан фойдаланишда бизда кўпроқ унинг технологик жиҳатларига эътибор қаратилаётгандек кўринади. Аслида улардан фойдаланишда кўпроқ мазмунга эътибор қаратиш лозим. Бу борада миллий, замонавий, янги педагогик технологияларга асосланган ўзига хос ахборот дастурлари, турли мультимедиалар яратиш талаб этилмоқда. Университетимизда айнан шу борада бир қатор ишларни амалга ошириш режалаштирилган. Чунончи, ҳозирда технологик жиҳатдан мукаммал даражада ишланган, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида фойдаланиладиган мультимедиа, компьютер дастурлари яратилмоқда. Бунинг учун ўқув юртимизда барча техник шароитлар билан таъминланган махсус хоналар ташкил қилинмоқда. Ҳозирда бир неча талаба ўқитувчилар билан ҳамкорликда маънавият асослари, бизнесни бошқариш, ҳуқуқ, иқтисодиёт, ахборот технологиялари бўйича дастурларни яратиш устида иш олиб бормоқдалар.

— Талабаларни хорижий тилда нашр қилинган ўқув адабиётлари билан таъминлаш масалалари қандай ҳал этилмоқда?

— Ҳозирда хориждан дарсликларни келтириш ва улар билан талабаларни тўлиқ таъминлаш устида иш олиб бораяпмиз. Талабалар университетимиз кутубхонасидаги ўқув адабиётларидан ташқари, Жаҳон иқтисоди ва дипломатия, Тошкент давлат техника университетлари ҳамда Британия Кенгаши кутубхоналаридаги дарсликлардан ҳам фойдаланишмоқда. Яқин келажакда университетимизда чет эл адабиётлари билан тўлиқ таъминланган кутубхона ташкил қилиш ва ундан пойтахтимиздаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган барча талабаларнинг фойдаланишлари учун имконият яратишни режалаштирганмиз.

Ҳиндистонда нашр қилинган инглиз тилидаги бир талай дарсликларни харид қилиш бўйича шартнома имзоладик. Ушбу дарсликлар Буюк Британия таълим стандартларига тўла жавоб беради ва инглиз таълим сертификатлари асосида чоп қилинган.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонаси томонидан ҳам университетимиз талабаларининг малакали билим олишларига кўмак бериш мақсадида 5 мингга яқин ўқув адабиётлари тақдим қилинди.

"Ma`rifat" мухбири Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ, суҳбатлашди

УНИВЕРСИТЕТДА ДАРС СОАТЛАРИ КАМ

Бироқ бу талабанинг мустақил изланишига имкон беради

Республикамизда ўқувчилар ўртасида фанлар бўйича олимпиадалар ўтказилиши анъанага айланиб қолди. Ҳар йили ўтказиб келинаётган бу олимпиадалар ўқувчилар орасидан энг зукко ва билимдонларни саралаб олиш имконини бермоқда. Бу йил ҳам ўқувчиларнинг қишки таътили даврида фанлар олимпиадаларининг III босқичи бўлиб ўтди.

Фарғона вилоятида ҳам умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича I-II босқич ғолиблари ўзаро куч синашдилар. 1300 нафардан зиёд билимдон ўқувчилар 6-10 январь кунлари ўз билимларини яна бир карра синовдан ўтказишди.

Аввало, олимпиада ўтказиш учун яратилган шарт-шароитларга назар ташласак. Олимпиадани ўтказиш ташкилий қўмитаси уни ўтказиш ва етарли шарт-шароитлар яратиб беришга алоҳида эътибор қаратди. 3 кишидан иборат апелляция гуруҳи, 7 кишидан иборат (ҳар бир фан бўйича) ҳакамлар ҳайъати тузилиб

19 ФАН БИЛИМДОНЛАРИ ТОШКЕНТГА БОРАДИ

синовларнинг адолатли ўтказилиши назорат қилиб борилди. Узоқ туман ва шаҳарлардан келган қатнашувчилар учун алоҳида ётоқхона, бепул овқат ташкил этилди. Олимпиада ўтказилаётган ВПҚТМОИ ҳовлисида китоб савдоси, овқатланиш шахобчалари ташкил этилди. Энг асосийси тест синовларини ўтказиш учун 140 ўринли IBM компьютерлари ўрнатилиб, химия, физика, биология фанларидан ўтказиладиган амалий ишлар учун керакли бўлган асбоб-ускуналар тахт қилиб қўйилди.

Тест синовлари амалий машғулотлар юқорида айтганимиздек, нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан адолатли баҳоланиб борилди. Ёзма ишлар олинган куниёқ текширилиб, натижалари ота-оналар ва ўқувчиларга эълон қилиниб борилди.

Ниҳоят, ҳаяжонли дақиқалар етиб келди. Тўрт кун давомида йиғилган баллар натижаси бўйича ғолиблар эълон қилинди. 19 та фан бўйича (вилоят миқёсида қўшимча равишда араб тили фани олимпиадаси жорий қилинган) қатнашган ўқувчиларнинг энг билимдонлари шу фанлар бўйича юқори балларни тўплаб, ғолибликни қўлга киритишди ва кейинги, яъни республика миқёсида ўтказиладиган IV босқичда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Акрамжон ТУРСУНАЛИЕВ,
Фарғона вилояти

МАҲАЛЛАГА МУНОСАБАТИНГИЗ...

So'rov

Давлат юритаётган сиёсат жамиятда ўз аксини қай даражада кўрсатаётганлигини билиш учун ҳар доим жамоатчилик фикрига, муносабат ва қарашларига эҳтиёж сезилади. Зеро, демократик давлатда кичик бир воқеа ҳам халқ розилиги ва тарафдорлиги билан амалга оширилади. Демак, давлат ҳар бир ижтимоий-сиёсий қадамни аҳоли қизиқишларига кўра ташлайди. Шу боис, жамиятдаги ижтимоий фикрлар йиғиндисига кўп нарса боғлиқ. Шунинг учун ҳам республикамизда фаолият кўрсатаётган "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази жамиятимизда рўй бераётган жараёнларга нисбатан халқ муносабатларини изчил равишда ўрганади.

Жуда кўплаб ижтимоий-сиёсий мавзулар қаторидан шубҳасиз маҳалла мавқеи ҳам ўрин олди. Боиси маҳалла ижтимоий институт сифатида ҳар бир кишининг ҳатти-ҳаракатларида ўз ўрнига эга. "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази доимий равишда маҳалланинг ҳар бир шахс ҳаётидаги ўрнини ўрганиб келмоқда. Айниқса 2003 йилнинг "Обод маҳалла" йили деб эълон қилиниши бу борадаги фикрлар долзарблигини белгилайди.

Ҳозир сизнинг эътиборингизга мазкур Марказ ўтказган "Сиз ва оилангиз ҳаётида маҳалла қандай роль ўйнайди?" тезкор — сўровлар натижасини ҳавола қиламиз.

Сиз ва оилангиз хаётида маҳалла қандай роль ўйнайди?

(сўралганлар жавоби %да, №=8443)

Жавоблар	1998	1999	2000	2001	2002
Менинг ва оиламнинг ҳаётида маҳалла катта ва муҳим роль ўйнайди	52,4	66,9	58,8	59,3	60,1
Менинг ва оиламнинг хаётида маҳалланинг роли катта эмас	24,8	14,8	19,3	21,8	24,1
Менинг ва оилам хаётида маҳалла ҳеч қандай роль ўйнамайди	22,8	14,5	13,8	13,1	12,4
Айтишим қийин	—	3,8	8,7	5,8	3,4

Ўйлаймизки, бу маълумотлар ҳамма учун қизиқ. Сабаби халқ ҳаётида маҳалланинг қай даражада муҳимлигини бир қадар ушбу рақамлардан ҳам билса бўлади.

ИСТЕЪДОД ЭЪТИБОРНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Низомий номидаги ТДПУда ўтказилган "Кўнгил гулшани" тадбирида ушбу фикрга алоҳида урғу берилди.

Ta'kid

Бугунги кун ўқитувчиси ўз касбининг билимдони бўлиши керак. Лекин фақат шугина эмас. Муаллим ўзидаги бор билимини ўқувчиларга етказа олиши, яъни педагогик маҳоратга эга бўлиши ҳам лозим. Етказганда ҳам замонавий илғор усуллардан, янги педтехнологиялардан ўринли ва самарали фойдаланиши катта аҳамиятга эга. Шундай деймизу, яна савол туғилаверади. Фақат шу уч фазилат бўлса кифоями? Саволларга эса ўтган ҳафтада Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети махсус сиртқи бўлим талабалари иштирокида ўтказилган "Кўнгил гулшани" деб номланган баҳс-мунозарали анжуманда жавоб излашга ҳаракат қилдик. Баҳсларда университетнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи проректори Абдуғаффор Қирғизбоев, ўқув даргоҳининг махсус сиртқи бўлим бўйича проректори, профессор Самихон Аширбоев, ўзбек адабиёти кафедраси мудири, профессор Сафо Матчонлар ҳам қатнашишди.

Аслида махсус сиртқи бўлим талабалари илм масканларида бевосита фаолият кўрсатаётган муаллимлар ҳамдир. Шу боис мунозаралар мавзуи бевосита мактаблар ҳаётига, ўқитувчи маҳорати ва ижодкорлигига бориб тақалди. Қизғин мулоқотлар жараёнида ёш ўқитувчилар йиғилганларни ўз ижодлари билан ҳам баҳраманд этиб боришди, шеърларини ўқиб беришди. Ёш ўқитувчилар — Маҳфуза Назарова, Адолат Шербекова, Шоира Эрназарова, Норой Соатова, Дилфуза Муродоваларнинг баҳрубайт айтишишлари, 2-босқич "Д" гуруҳи қизлари айтган лапарлар, мусиқа факультети махсус сиртқи бўлим талабалари — Кўпайсин Деҳқонов, Феруза Маҳкамова, Ҳабиба Чинмирзаева, Дилшода Хидирова ижроларидаги куй-қўшиқлар, Умида Раҳматова, Муяссар Юнусова рақслари давомли қарсаклар билан олқишланди.

— Ўқиш жараёнида кўплаб ёш истеъдодлар билан учрашиб, суҳбатлашдим, — дейди Тошкент вилояти Паркент туманидаги 43-бошланғич мактаб ўқитувчиси, "Ибратли келинчак" кўрик-танлови вилоят босқичи ғолиби Умида Тўлаева. — Улар изланишларининг ҳар бирида ўзига хос жиҳатлар билан бирга таълим ва санъатни, ижодкорликни уйғунлаштиришга бўлган иштиёқ яққол кўзга ташланади. Менимча, бу муаллим учун энг муҳим фазилат бўлса керак.

— Муаллимлик кишидан ўзига хос шиддат, ғайрат-шижоатни, ижодкорликни талаб этадиган касб, — дейди профессор Сафо Матчон. — "Агар унда бу хислатлар мужассам бўлмаса, ўқувчилар меҳрини қозониш қийин кечади.

Дарҳақиқат, меҳр-инсонлардаги энг ноёб туйғу. Меҳр — болага она алласидан сингадиган жавоҳир. Агар муаллимлар меҳр берсалар, улар ундан-да зиёд меҳр-мурувватга сазовор бўладилар.

Кўрик-танлов тусини олган "Кўнгил гулшани" анжуманидаги чиқишларни томоша қилар эканман, кўнглимдан шу каби мулоҳазалар ўтар эди. Муҳими, саҳна ёнида ўз истеъдодини, билимини намоён этиш истагида турган изланувчан ёш муаллимлар кўплигидан ҳайратланар, ҳавасланар, чунончи, илм масканларида ижод билан шуғулланадиган, машғулотларига ҳар куни янгича ёндошадиган муаллимлар сафи кенгаяётганидан шодланар эдим.

Алалхусус, иқтидорли, изланувчан, истеъдодли ёш ўқитувчиларни излаб топишга бағишланган тадбиру танловларни кўпайтиришимиз, улар ижодига, изланишларига ўзгача эътибор билан қарашимиз, кези келганда, рағбатлантириб боришимиз зарурдир. Бу каби мулоҳазалар мазкур тадбир жараёнида бот-бот такрорланиб турди. Зеро, истеъдодларни кашф қилиш ҳам узлуксиз, давомли жараёндир.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

Адабиёт дарсида ўқувчининг бефарқ, эснаб ўтириши мумкинлигини мен ҳатто тасаввуримга сиғдиролмайман. Бунинг учун кимни айбдор қилишни билмайман, — ўқитувчими, ўқувчими?

Чинакам ижод қилиб, мустақил фикрга эга бўлайлик.

Ma'rifat

ГАПДА УЮШИҚ БЎЛАКЛАР

Маълумки, она тили ва адабиёт дарсларига илғор педагогик технологияларни олиб кириш ва уни таълим мазмунига сингдириш, дарсда янги-янги усулларни топиш, ноанъанавий дарсларнинг аҳамияти ДТС талабларини бажаришга замин яратади. Инсон шахсини ҳар томонлама камол топтириш, ўсиб келаётган ёш авлодда умуминсоний ва миллий қадриятларга ҳурмат туйғусини сингдиришда, она тилига, ўз халқининг анъаналарига ифтихор туйғусини таркиб топтиришда она тили ва адабиёт дарсларининг ўрни беқиёсдир. Мирзо Улуғбек туманидаги 112-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Муборак Мирзараҳимова дарс машғулотларини ташкил этишда айнан шу мақсадларни кўзлаган ҳолда иш олиб боради. Мураккаб мавзуни ўқувчилар онгига осонгина етказиш учун "Ақлий ҳужум", "Заковат", "Модул дарс", "Зигзаг", "Ўйин дарс", "Муносарали-баҳс дарс", "Саёҳат дарси" каби усуллардан фойдаланади.

Изланувчан ва ижодкор муаллиманинг "Дарс ўтишнинг ноанъанавий изланиш, қидириш усулларидан фойдаланиш" мавзусидаги иш тажрибаси ўрганилди. Унинг бу борадаги илғор педагогик тажрибаси кўпчиликка манзур бўлди. Шу боис, қуйида ўқитувчининг 8-синф "Она тили" дарслигидаги "Гапда уюшиқ бўлаклар" мавзусидаги дарс ишланмасини ҳамкасбларимиз ҳукмига ҳавола этамиз.

МАВЗУ: Гапда уюшиқ бўлаклар.

ДАРСНИНГ УСЛУБИ: Модул (андозали) усули.

МОДУЛНИНГ ДИДАКТИК МАҚСАДИ: Ўқувчиларнинг саводхонлигини ошириш, "Гапда уюшиқ бўлаклар" мавзуси юзасидан ўқувчиларнинг кичик гуруҳларида ўзаро ҳамкорликда ишлатишга ўргатиш. Уларнинг нутқий тафаккурини ошириш.

ДАРСНИНГ ЖИҲОЗИ: 1. Техник воситалар: аудио кассеталар ва компьютер. 2.Кўргазмалар: Уюшиқ бўлакларга оид гаплар, расмлар, ўқувчилар томонидан чизилган суратлар, 8-синф адабиёт дарслиги, газеталар ва Ислом Каримовнинг "Маънавий юксалиш йўлида" китоби.

ДАРСНИНГ ШИОРИ: Боши билан шўнғиб кирмаса ҳар дам,
Сув остидан дурни топарми одам? (Жомий).

ГУРУҲЛАРНИНГ ШИОРИ:

1. Агар фанни улкан бир дарахт деб тасаввур қилсак, тад-қиқотлар унинг илдизини ташкил этади. Зеро, илдиз қанчалик бақувват, чуқур кетган бўлса, дарахт шунчалик барқ уриб яшнайди, кўп ҳосил беради.

2. Куч – билим ва тафаккурда.

3. Илм масканларида фақатгина фикр эркинлиги ва чинакам ижод, изланиш ҳукмрон бўлмоғи зарур.

4. Фақат баҳс, мунозара, изланиш, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатиши мумкин.

(Ислом Каримов. "Маънавий юксалиш йўлида").

Азиз ўқувчилар! Бугунги дарсимиз "Гапда уюшиқ бўлаклар" мавзуси устида боради. Ҳар бирингиз қуйидаги модул дастури билан танишиб дарсга тайёргарлик кўринг.

МОДУЛ УСУЛИ

МОДУЛНИНГ ДИДАКТИК МАҚСАДИ: Сиз ўқувчилар кичик гуруҳда ҳамкорликда мустақил ишлаб, гапда уюшиқ бўлакларнинг вазифаси, ўзига хос хусусиятлари ва ифодаланиши билан танишишингиз, нутқий тафаккурингизни кенгайтиришингиз, нутқ ва мулоқот маданиятингизни ривожлантиришингиз зарур.

Ўқув фаолияти элементи	Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган ўқув материалига оид топшириқлар	Топшириқларни бажариш юзасидан кўрсатмалар	Баҳо
1.Ў.Ф.Э	Мақсад. Уюшиқ бўлакларнинг ўзига хос хусусиятларини, ифодаланишини ўрганиш. Дарсликдаги матнни диққат билан ўқиб, берилган саволларга жавоб топинг ва 124-127 машқлар мисолида текширинг. 1.Гуруҳлардан 2 тадан ўқувчи ўтилган ўтказиладиган дарслар юзасидан компьютерда тест ишланг. 2. "Тўғри-нотўғри" ўйинида қатнашиб берилган саволларга жавоб беринг. 3. Кўргазмадаги расмларга қараб уюшиқ бўлакли гаплар тузинг.	Ўқувчилар гуруҳи билан ҳамкорликда ишланг. Ўқувчилар жамоаси билан Ўтказилган савол-жавобда фаол иштирок этинг. Гапларни ёзув тахтасига ёзинг.	
2.Ў.Ф.Э	Мақсад. Уюшиқ бўлакли гапларни ҳар қандай матндан топа билиш, улардан 2-3 хил уюшиқ бўлакли гаплар туза билиш. 1.Берилган газета, адабиёт дарслиги саҳифаларидан, шеърий парчалардан уюшиқ бўлакларни топинг. 2.Топилган уюшиқ бўлакли гапларингиздан навбатма-навбат фақат уюшиқ эгали, тўлдирувчили, ҳолли, аниқловчили бўлакларни ҳосил қилинг. 3. "Ким ғолиб" ўйин топшириғида фанларга оид уюшиқ бўлакларни нуқталар ўрнига қўйиб, гапларни тўлдиринг ва қайси бўлакка хослигини аниқланг.	Гуруҳ билан ҳамкорликда ишланг. Тезкорлик билан ишлашга ҳаракат қилинг. Мисоллардан дафтарингизга, ёзув тахтасига ёзинг. Кодоскопдаги топшириқларни бажаринг.	
3.Ў.Ф.Э	Мақсад. Оғзаки нутқни ривожлантириш, мавзуга ижодкорлик билан ёндашиш. 1. "Сарлавҳаси мендан, матни сендан" мусобақасида қатнашиб мавзуга оид уюшиқ бўлакли гаплар тузинг. 2. Тест билан ишланг. Тадқиқотчилар гуруҳи компьютердаги тест саволларига жавоб беринг. 3. Уюшиқ бўлакларни ўрганишда ихтиро яратинг.	Ўқувчилар билан ҳамкорликда ишланг. Топшириқларга ижодий ёндашинг.	
4.Ў.Ф.Э	1. Модулни якунлаш! Модулнинг дидактик мақсадини ўқинг. 2. Сиз модулдан кўзланган мақсадга эришдингизми? Қай даражада? 3. Ўқув материалини ўзлаштиришга нима ёрдам берди ва нима халақит берди? 4. Қайси топшириқ тушунарсиз бўлиб қолди? Дарс давомидаги фаолиятингизни баҳоланг. 5. Уй вазифаси 130-131 машқлар.	Ўз фикрингизни баён этинг.	

Ўқитувчи: Дарсимизни ўқувчилар тайёрлаб келган пайровдан бошласак. (Ўқувчилар пайров айтишади)

— Раънохон аниқроқ гапиринг. Гапингизни на эгаси бор, на кесими.

— Вой, Зиёдахон менинг гапларим иккинчи даражали бўлдими?

— Э, Раънохон, ҳали гапингиз тўлиқ гапмиди?

— Йўқ, менинг гапларим боғловчисиз қўшма гап.

— Менга қаранглар қизлар, фалончилар бору...

— Фалончилар демасдан эгали гап қилинг. Эгаси яширинган гапдан безорман.

— Э, қизиқмисан, биров эшитиб қолмасин деб, шахси номаълум гап қиляпман-да.

— Дарсимизга бошқа мактаблардан устозлар ташриф буюриб, уюшиб келишган, бундан гапнинг уюшиқ бўлакларини ўтамиз, шекилли.

Ўқитувчи: Тўғри топдингиз. Мен ҳам гапимни атов гапдан бошлайман. Баҳор. Бугунги дарсимиз - байрам. Дарсимизга хуш келибсиз, азиз устозлар!

Азиз ўқувчилар! Дарсимизнинг ташкилий қисмида сиз юқоридаги шиорлардан бирини танлаб, гуруҳларга, яъни:

тадқиқотчилар, изланувчилар, топқирлар ва таҳлилчиларга бўлиниб, қўлингиздаги модул асосида ишлашингиз керак.

Ўқув фаолиятини бошлашдан олдин ҳар бир гуруҳдан иккитадан ўқувчи компьютерда ўтилган дарслар юзасидан тузилган тестларни 3-4 дақиқа ичида ишлайди ва олган бални модул баҳо графасига белгилаб қўяди. Қолган ўқувчилар ўқув фаолиятининг биринчи элементи асосида 124-машқни оғзаки бажаришади. Гап жуфтликларидан нечтадан аниқловчи ва тўлдирувчи борлигини айтасиз. "Аҳмадга дўстини топишида ёрдам беринг", "Йигит аждардан қандай қилиб қизни қутқаради?" деб номланган кўргазмада саволлар жойлаштирилган. Саволларга жавоб беринг.. Дарс давомида тўғри жавобларингиз учун кўргазмадаги ҳовуз балиқларидан ушлаб, ўтлоқдаги қўзиқоринлардан, саватдаги гуллардан териб баҳо карточкаларингизни йиғинг.

1.Уюшиқ бўлакларнинг гапдаги вазифаларини айтинг.

1-ўқувчи: Уюшиқ бўлаклар гапда бир хил вазифани бажаради. Бир хил сўроққа жавоб беради ва айни бир бўлак билан синтактик алоқада бўлади.

2. Қайси пайтда уюшиқ бўлаклар уюшган саналмайди?

2-ўқувчи: Гап таркибида хилма-хил маъно турларига мансуб бир неча ҳоллар ёки сифатловчи аниқловчилар нарсани турли жиҳатларидан тавсифлаб келган бўлса, улар уюшган саналмайди. Масалан: кенг серқатнов йўл, қатта баланд уй.

3. Уюшиқ бўлаклар қандай ифодаланади?

3-ўқувчи: Сўз қўшилмалари билан, сўз бирикмалари, келишик қўшимчалари қўлланган сўзлар билан, кенгайган бирикмалар қўшилмалари билан ифодаланади.

4. Кўргазмадаги расмлар асосида гап тузиб, уюшиқ бўлакларни ифодаланг.

4-ўқувчи: Боғбонлар ва ёрдамчилар ўрик ва анжирларни теришди. Боғбонлар том орқасида ва хўжалик ўрикзорида етилган ўрикларни тердилар. Боғбонлар баргак қилиш учун ярайдиган ва пишиб етилган ўрикларни тердилар.

5. Уюшиқ бўлакларда қандай тиниш белгилари ишлатилади?

5-ўқувчи: Уюшиқ бўлакларда вергул, икки нуқта ва тире ишлатилади.

6-мавзу юзасидан қандай хулосаларга келдингиз?

6-ўқувчи: Уюшиқ бўлакларнинг ифодаланиш хусусиятларидан маълум бўлдики, қўшилмалар сўз бирикмалари билан ҳам,-кенгайган бирикмалар билан ҳам ҳосил қилинар экан. Уюшиқ бўлаклар мураккаб содда гаплар экан.

Ўқитувчи: Кўргазмадаги расмлардан фойдаланиб уюшиқ бўлакли гаплар тузинг. Эни ва бўйи йўналишида ёзув тахтасига ёзинг. Ўқувчилар ёзув тахтага мисолни ёзгунча сизлар ушбу гапларни уюшиқ бўлаклар билан тўлдириб айтинг: Мен миллионер бўлсам..., Мен устоз бўлсам... каби.

(Ўқувчилар берилган гапларни уюшиқ бўлаклар билан тўлдирадилар. Масалан: Мен миллионер бўлсам ўқувчиларга замонавий мактаблар, техник жиҳозланган хоналар, кенг ва ёруғ ўқув заллар қуриб берардим. Мен устоз бўлсам ўқувчиларим кўнглига йўл топиб, фанимга қизиқтирардим, кучли билим олишга ундардим. Ёзув тахтага эса қуйидаги гаплар ёзилади)

1."Замин саховати" расм кўргазмасида олма, анор, қулупнай, нок, анжир, гилос, банан ҳамда узум тасвирланган.

2. Биз балиқ овида лаққа, зоғора, сазан, илон, найза, карп каби балиқларни тутдик. (энига)

3. Унинг чеҳрасидан нур ёғилиб турарди. оразидан, юзидан, бетидан, рангидан каби... (бўйига)

Ўқитувчи: Ўқув фаолиятининг иккинчи элементида тадқиқотчиларга "Маърифат", "Халқ сўзи" газеталари, изланувчиларга 8-синф адабиёт дарслигининг матни, топқирларга шеърий парчалар, таҳлилчиларга эса президентимиз Ислом Каримовнинг "Маънавий юксалиш йўлида" китоби саҳифаларидан уюшиқ бўлакли гапларни топиш ва таҳлил қилиш берилади.

Тадқиқотчилар: "Маърифат" газетаси таркибидан:

1.Давлатимиз раҳбари Америка заминига етиб келган дастлабки дақиқаларданоқ ўзгача илиқлик ва меҳмондўстлик муҳити ҳукмрон бўлди. (2 та эга уюшган)

2. Президентимизнинг расмий дастури кўпгина учрашув, мулоқот ва музокараларни, балки бугунги кунда Америка халқинигина эмас, бутун инсониятнинг эркинлиги ва бирлигини ҳар қачонгидан ҳам ёркин намойиш этаётган Вашингтон ва Нью-Йорк шаҳарлари билан танишишни ҳам ўз ичига олган эди.

(6 та воситасиз тўлдирувчи уюшган)

3. Генри Киссенжер АҚШнинг жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари номидан И. А. Каримовга "Халқаро миқёсда буюк давлат арбоби" мукофотини топширди.

O'qituvchilarga yordam

(2 та сифатловчи аниқловчи)

Изланувчилар: 8 –синф адабиёт дарслигининг матнларидан:

1. Хайриддин Султонов бир қатор ҳикоя тўпламларининг, шунингдек, "Саодат соҳили", "Ёзнинг ёлғиз ёдгори", "Ажойиб кунларнинг бирида" каби қиссалар ҳамда "Бобурийнома" асарининг муаллифидир.

(қаратқич аниқловчилар 2 гуруҳда уюшган)

2. Яна ўйнайлик, яна куйлайлик, иқболимиз порлоқ экан, даврон сурайлик. (3 та уюшиқ кесимли бўлаклар)

3. Қўчқор ака — содда, топқир, ҳазилкаш, мақтанчоқ ва гапга чечан образ. (5 та аниқловчи уюшган)

Топқирлар: 8-синф адабиёт дарслигига кирган шеърлардан:

(Тўра Сулаймоннинг "Тавалло" шеъридан. 5 та тўлдирувчи)

1.Ногаҳон бериб қўйиб бу ҳуснни, камолни
Ўзи ҳам рашк, ҳасадга тўлиб-тўлиб яратган.

2. Ҳалима Худойбердиева. "Бегим, сизни табиат" шеъридан. Мисраларда 2 та воситасиз, 2 та воситали тўлдирувчи уюшган)

3. Анор, сенинг юзларинг сулув,
Ҳумор, сенинг кўзларинг сулув,
Ёдда қолмас сўзларинг сулув,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур. (М. Ю.)

(4-мисрада 2 та эга уюшган).

4. Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин,
Кўнглума ҳар бирининг дард-у балосинму дейин?!

(Мисраларда 3 та аниқловчи уюшган)

Таҳлилчилар: Ислом Каримовнинг "Маънавий юксалиш йўлида" китоби таркибидан:

1.Сиёсатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам, фанда ҳам бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслигимиз керак.(3 та ўрин ҳоли)

2. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари халқ жигарбандларининг номи, иззат-икроми, хурмати жойига қўйилди. (5 та аниқловчи, 3 та эга уюшган)

3. Биз Беруний ларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Бобурларга ворисмиз. (5 та воситали тўлдирувчи уюшган)

Ўқитувчи: Ўқув фаолиятининг 2 -босқич, 2-элементи бўйича гуруҳингиз билан навбатма-навбат фақат уюшиқ эгали, ҳолли, аниқловчили, тўлдирувчили ва кесимли гаплар тузиб, ёзув тахтасига ёзинг. Улар мисолларини ёзгунча қолган гуруҳ ўқувчилари бирибирингизга шунга ўхшаш саволлар беришингиз мумкин.

1-гуруҳ : Биз ҳаракатчан, ватанпарвар, юртпарвар, интилиши зўр, куюнчак, безовта ва жонкуяр одамлар билан ишлагимиз келади. Гапда нечта аниқловчи уюшган? (7 та)

2-гуруҳ: Менга Пушкин бир жаҳону
Менга Байрон бир жаҳон,
Лек Навоийдек бобом бор,
Кўксим осмон ўзбегим.

Шеър таркибида қайси бўлак уюшган? (2 та эга уюшган)

3-гуруҳ: Ҳар кимнинг ҳам сочларига оқ тушсин,
Ажин тушсин, юзларига доғ тушсин,
Ҳар кимнинг ҳам қувват-кетиб белидан
Қўлларига асо, бир таёқ тушсин.

Шеърда қайси бўлаклар уюшган?

(4 та эга,3 та воситали тўлдирувчи, 4 та кесим такрор уюшган)

4-гуруҳ: Иймони соф, юзга кириб, ёруғ юз
Тўйлар кўриб, елкасидан тоғ тушсин,
У дунёга сўнгги сафар олдидан
Ўз боласин қўлидан тупроқ тушсин.

Шеърнинг иккинчи бандида қайси бўлаклар уюшган?

(2 та эга, 2 та тўлдирувчи, 4 та кесим уюшган)

Ўқитувчи: Кодоскопдан берилган биринчи топшириқ бўйича гапларни таҳлил қилинг.

1. Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи.

2. Еридан айрилган етти йил йиғлар,
Элидан айрилган ўлгунча йиғлар.

2- топшириқ саволлари:

1. Бирор гап таркибида,
Бир неча эга бўлар.
Улар қандай бўлаклар?
Уларни бир-биридан
Қандай белги ажратар?

2.Бир хил сўроқли сўзлар,
Гуруҳланиб қўлланар.
Ҳар бир гуруҳдан кейин
Нуқтали вергул бўлар?

(Турли бўлаклардан тузилган уюшиқ бўлаклар).

Ўқитувчи: "Ким ғолиб" ўйинининг биринчи топшириғи асосида берилган гаплардан фанларга оид бўлган уюшиқ бўлакларни нуқталар ўрнига қўйиб,гапларни тўлдиринг ва қайси бўлакка хослигини аниқланг.

1. География бўйича: Ер шарида олтита материк:

(Евросиё, Африка, Шимолий Америка, Жанубий Америка, Австралия, Антарктида) мавжуд. (7 та эга уюшган).

2. Биология: Халқимиз қадимдан илдиз-мевалардан:

(сабзи, лавлаги, турп, шолғом, редиска) дан турли таомлар тайёрлашган. (6 та воситали тўлдирувчи уюшган).

3. Тарих: Тош асрида узоқ давом этган босқичларининг:

(палеолит, мезолит, неолит, бронза даври, энеолит) тарихи кенг. (6 та аниқловчи уюшган).

4. Физика: Инсон ёқилғилар: (кўмир, нефт, газ, торф, сланетс, ўтин) ёқиш ҳисобига иссиқлик олишни ўрганиб олди. (7 та белгисиз воситасиз тўлдирувчи уюшган).

Ўқитувчи: Энди магнит лентадан Муҳаммад Юсуфнинг "Юртим, адо бўлмас армонларинг бор" шеърини тинглаб, шеър таркибидан уюшиқ бўлакларни топинг.

1-гуруҳ: Адо бўлмас армонларинг, тошларни йиғлатган достонларинг, кўксинг тўла шаҳид ўғлонларинг бор. (Биринчи бандда 3 та эгали уюшиқ бўлаклар бор).

2-гуруҳ: Баҳор айёмлар, шомлар, Акмал Икромлар, марди майдонлар. (Иккинчи бандда 4 та эга уюшган).

3-гуруҳ: Осмонларинг, достонларинг, Чўлпонларинг бор. (Учинчи бандда 3 та эгали уюшиқ сатрлар мавжуд).

4-гуруҳ: Юзимни, сўзимни, кўзини.

(Тўртинчи бандда 3 та воситасиз тўлдирувчи уюшган).

Шоирларинг, чаёнларинг бор. (2 та эга уюшган).

Ўқитувчи: Магнит лентадан Ҳамид Олимжоннинг 2 банд шеъри сайланма диктант тариқасида 3 марта ўқилади. Сиз шеър таркибидан уюшиқ бўлакларни дафтарингизга ёзинг. Оҳангга эътибор бериб, қайси бўлак уюшганини айтинг.

Ҳоким эди ер ва кўкда қор,
Қорда эди мадраса, минор,
Қорда эди новда- ниҳоллар,
Қорда эди майдонга қараб
Чопа-чопа келувчи чоллар.
Одам билан зўр майдон тўла:
Бунда борди фаранг, амиркон,
Ўзбек, қозоқ, хитой ҳам бунда,
Бунда эди рус, афғон, юнон. (Ҳ.О.)

1-гуруҳ: Шеърда эга уюшиб келган. Биринчи бандда қор, мадраса, минор, новда-ниҳоллар, чоллар уюшган.

2-гуруҳ:Иккинчи бандда фаранг, амиркон, ўзбек, қозоқ, хитой, рус, афғон, юнон. Жами: 8 та эга уюшган.

(Дастурнинг учинчи босқичида гуруҳлар ўзларининг ихтироларини тақдим қилишди. Тадқиқотчилар Юлдуз Усмонова, Рустам Маҳмудов, Шаҳзода, Достон, Аваз Олимов, Равшан Комилов, Анвар Санаев каби қўшиқчиларнинг турли қўшиқларидан уюшиқ бўлакларни топиб бир қўшиқ ҳажмида тўплашган.

Изланувчилар Шароф Бошбековнинг "Темир хотин" асарининг 359-360-бетидаги Олимтой ва Қўчқор ака диалоги орқали уюшиқ бўлакли гапларни ролга кириб ижро этишди.

Топқирлар кроссворд усулида уюшиқ бўлаклардан гаплар тузган. Масалан: Халқ табобатида доривор: д - дармана, 0 - откулоқ, р – рўян, и - исмалоқ, в - валериана, 0 - оққаррак, р - равоч ўсимликларининг фойдаси беқиёс. Боғда: б - беҳи,о - олма, ғ - ғайноли, д - дўлана, а - анор каби мевалар ғарқ бўлиб пишган.

Таҳлилчилар уюшиқ бўлакларга хос турли расмлар чизишган. "Мактаб боғида", "Сой бўйида", "Наврўзда" каби расмлардан намуналар кўрсатишди. "Муаллифлар мактабимиз меҳмони" деб номланган расмга эгали уюшиқ бўлаклардан гап тузиб, уни рамзий маънода ҳар бир эгага биттадан ўқувчи чиқиб образли ҳаракатлар билан ижро этишди. Муаллиф : Тилшунос олимларимиздан Ҳамид Неъматов, Низомиддин Маҳмудов, Раъно Сайфуллаева, Асқар Ғуломов ҳамда Муҳаббат Абдураимовалар бизга она тили дарслигимизни тақдим этишган.

Ўқитувчи: "Сарлавҳаси мендан, матни сендан" ўйинини бошлаймиз. Матндаги гаплар асосан уюшиқ бўлакли гаплардан тузилиши керак. Мавзу: "Ватанимизни жондан ортиқ севамиз". Матн яратишга 3 дақиқа вақт берилди.

1. Ўзбекистон – менинг ватаним, виждоним, ғурурим, орим.

2. Ватан – сўз билан ифодалаб бўлмайдиган, қалам билан ёзиб ҳам бўлмайдиган муқаддас ошиён.

3. Ислом динимизда Ватанни севиш, уни ҳимоя қилиш, кўз қорачиғидай асраб,уни обод қилиш ҳар бир мусулмоннинг бурчи, деб уқтирилади.

4.Юртимиз мустақил бўлгач, давлат рамзларига ,ўз бойлигига, ўз Президентига, миллий урф-одатларига, дини, тилига эга бўлди.

5. Биз учун истиқлол – мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътиборини кўтарадиган соғлом авлодни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини кўришдир.

6.Ўз ватанини, қадриятларини, меросини ардоқлаган инсон ҳеч қачон хор бўлмайди.

7.Ватан чорлаганда унинг ҳимояси учун жонини фидо қилганлар, эли, юрти деб қон кечганлар, бутун оламга Ватан шонини ёйиш учун тер тўккан олиму фузалолар ҳаққи бизлар ҳам юртга муносиб фарзанд бўлайлик.

8. Биз истиқлолга эришган жаннатмакон, гўзал масканда яшаётганимиздан чексиз фахрланамиз.

Ўқитувчи: Ҳозир олган билимларингизни янада мустаҳкамлаш мақсадида гуруҳлар 2 тадан тест тузиб, бир-бирларингиз билан алмашиб, 3 дақиқа ичида ишлашингиз керак. Мавзу юзасидан компьютерга киритилган тестларни эса гуруҳлардан 2 тадан иштирокчи чиқиб ишлайди.

Ўқитувчи: Дарсимизнинг якунида модулнинг дидактик мақсадини ўқинг. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

Сиз модулдан кўзланган мақсадга эришдингизми?

Ўқув материалини ўзлаштиришга нима ёрдам берди ва нима халақит берди?

Қайси топшириқ тушунарсиз бўлиб қолди?

(Ўқувчилар мавзу юзасидан ўз хулосаларини баён этишади.

Гуруҳ сардорлари ўқувчилар ўзлари учун қўйган баҳоларини кўриб чиқиб, тўғри–нотўғри қўйилгани ҳақида ҳисобот берди.)

Ўқитувчи: Бугунги дарсимизда барча гуруҳлар фаол қатнашди. Зукко, аълочи ўқувчи бўлишни истасак, ҳар бир дарсда изланайлик,топқирлик билан тадқиқотлар яратайлик.

Чинакам ижод қилиб, мустақил фикрга эга бўлайлик.

Кумрихон СУЛТОНОВА ёзиб олди.

СОҒИНИБ ЭСЛАЙМАН ДАРСЛАРИНГИЗНИ...

1985 йиллар... У пайтларда мактаб адабиёт дарсликларида Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби адабиётимизнинг йирик вакилларининг номлари учрамасди. Қатағон йилларининг қурбонлари бўлган бу буюк шоирлар, ёзувчиларнинг номлари фақатгина мустақилликдан кейингина тикланди. Лекин биз — ўша 85 йиллар ўқувчиларига бу номлар яхши таниш бўлган.Чунки тақдир бизга ўз фанининг фидоийси, изланувчан, ўзининг бор билимларини ўқувчиларга зўр маҳорат билан етказиб бераоладиган ажойиб адабиёт ўқитувчисини ҳадя этган эди.

Биз ҳар гал адабиёт дарсларини орзиқиб кутардик. Ҳатто энг тўполончи, ўқишга қизиқиши йўқ болалар ҳам бу дарсларга, албатта қатнашар, ўқитувчимизнинг ҳар бир сўзини жон қулоғи билан тинглар эдилар. Ҳозирда таълим тизимига жорий этилаётган ноанъанавий дарсларни ўша вақтлардаёқ адабиёт ўқитувчимизнинг дарсларида кузатган эдик.

Адабиёт дарсларида ҳеч қачон бир мавзу билан чекланиб қоласдик. Қадимда ўтган шоирлар, ҳозирги замон шоирлари, эндигина етишиб чиқаётган ёш ёзувчи-шоирлар, ижоди ҳақида атрофлича маълумот олар эдик.

Бир куни адабиёт ўқитувчимиз дарсни бошлашдан олдин дераза олдига борди. Қўлларини қовуштириб, ташқарига, сарғайган баргларини тўкаётган дарахтларга тикилиб туриб жудаям ажойиб шеър ўқиди:

...Бир кўрдим мен уни шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал....

Синфимиздаги ўқувчиларнинг ҳаммаси бу гўзал шеърнинг оҳанги, сўзларига маҳлиё бўлиб

Izhor

қолган эди. Кейин устозимиз бизга шеърнинг муаллифи Чўлпон ҳақида, унинг ноҳақлик қурбони бўлганлиги ҳақида гапириб берган эдилар. Унинг номи қачонлардир, албатта, оқланишини ишонч билан гапиргандилар. Яна бир гал эса Усмон Носирнинг "Юрак" шеърини ўқиб бергандилар.

Биз ўқувчилар устозимизнинг эътиборини қозониш учун дарсларга яхшилаб тайёрланишга, кўпроқ ўқиш, изланишга ҳаракат қилар эдик. Қисқаси, устозимиз бизнинг кўнглимизда адабиётга нисбатан юксак муҳаббат уйғотган эдилар. Кўплаб шогирдлари устозимиз изидан борди — адабиёт ўқитувчиси бўлди...

Касбим тақозоси билан, яна ўзимдаги кучли қизиқиш билан адабиёт дарсларини кузатаман. Бир қолипдаги ҳиссиз, руҳсиз айрим дарсларни кузатар эканман, болаликка қайтгим, устозимнинг бетакрор дарсларини тинглагим келади.

— Сен Навоийнинг бирор рубоийсини биласанми? —деб сўрайман эснайвериб кўзлари ёшланган ўқувчидан.

Бош қимирлатиб жавоб беради — "йўқ..."

— Бобурдан-чи?...

Яна ўша жавоб.

Адабиёт дарсида ўқувчининг бефарқ, эснаб ўтириши мумкинлигини мен ҳатто тасаввуримга сиғдиролмайман. Бунинг учун кимни айбдор қилишни билмайман, — ўқитувчиними, ўқувчиними?

...Устоз, мен болалигимни кўмсайман, унга қайтгим келади.

Бола бўлиб қолгим, сизнинг бетакрор дарсларингизни тинглагим келади.

...Соғиниб эслайман, дарсларингизни...

Асолат АҲМАДҚУЛ қизи,
Жиззах вилояти Зомин туманидаги 65-ўрта мактаб ўқитувчиси



Математика фанидан мисол ва масалаларни ечиш кўп меҳнат ва кучли билим талаб этади. Дарс давомида ўқитувчининг доскага узундан-узоқ ёзган формулаю қоидаларини ёдда сақлаб қолиш жуда мушкул. Шунинг учун ҳам бу фандан чуқур билимга эга бўлишни хоҳлаган ўқувчи дарсдан кейин олиб бориладиган тўгаракларга факультатив машғулотларга ҳам қатнашиши лозим.

Чилонзор туманидаги 295-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Муҳайё Ражабова дарс соатларидан ташқари ўқувчиларга қўшимча дарс ўтиб келмоқда. Бу эса ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Суратда: М.Ражабова дарс жараёнида.

Б.РИЗО олган сурат

Ўқувчи ёки талабага бериладиган топшириқ ҳақида аввалдан огоҳ этиш классик усул ҳисобланади. Бундай ҳолатда у пухта тайёргарлик кўради: тегишли манбаларни ахтаради, зарурий маълумотлардан "шпаргалка" олади. Демак, ўқувчи-талабанинг топшириқни уддалаши ҳам шунга яраша баҳоланади.

Таълим жараёнидаги тасодифий топшириқ юқоридаги усулга тамоман зид бўлгани билан умумий мақсадни сира ҳам инкор этмайди. Тошкент Ислом университетида таълимнинг интерфаол методларига қўл урилмоқда. Яқинда талабалар ўртасида "Муқаддас динимизни асрайлик" мавзусида иншолар танлови уюштирилганида ҳам ана шу усулга мурожаат қилинди. Мақсад эса фавқулодда топшириқ орқали, талабанинг қай даражада билим ва тушунчага эга эканлигини аниқлашга қаратилди. Қолаверса, ёшлар Президентимизнинг "Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда" деган даъватларини қанчалик даражада ҳис қилишлари ҳам намоён бўлди. Қуйида юқори баҳоланган иншолардаги "ялт" этган фикрларни эълон қилишни лозим топдик.

ТАСОДИФИЙ ТОПШИРИҚ ҚАНДАЙ ФИКР УЙҒОТАДИ?

Наргиза РАСУЛОВА, халқаро иқтисодий муносабатлар йўналиши, II курс.

— Бугунги кунда дунёда Ислом хавфи тўғрисида кўп гапирилмоқда. Бироқ, бу ерда масалага адолат билан ёндошиб, оқ-қорани ажрата билиш лозим. Чунки Ислом дунёси жуда мураккаб. Уни тор маънода тушуниш ва у ҳақда бир томонлама хулоса чиқармаслик керак. У шундай мураккаб дунёки, ўзига ниҳоятда жиддий диққат-эътибор беришни, ақлу заковат билан муносабатда бўлишни талаб этади. Унга сиртдан, енгил-елпи қараш ярамайди.

Афсуски, инсоният тарихида диний онгнинг ажралмас қисми бўлган эътиқоддан фақат бунёдкор куч сифатида эмас, балки вайрон қилувчи куч, ҳатто фанатизм сифатида фойдаланилганини кўрсатувчи ҳолатлар бугунги кунда кўпайиб кетди. Фанатизмнинг ўзига хос хусусияти ва кўринишлари авваламбор ўз динининг ҳақиқийлигига ўта қаттиқ ишониш, бошқа диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлишдан иборатдир.

Дониёр ЖУНАЙДУЛЛАЕВ, шу йўналиш, II курс.

— Президентимиз айтганларидек, "Агар биз бугун дину диёнатимизни уни бузиб талқин этаётган кимсалардан ҳимоя қилмасак, одамлар, айниқса, ҳаёт тажрибаси, онгу тафаккури ҳали етарли бўлмаган ёшларимиз эртага ана шу кучларнинг машъум таъсирига тушиб қолиши мумкин".

Юртбошимизнинг "Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда" деган ҳикматлари бизнинг шиоримиздир. Қалбида Оллоҳи бор одамнинг қўли, тили, кўзи ҳалолдир. Демак, уларда маърифат бор. Маърифати бор кишининг қалбида эса нур, қўлида чироғи бор.

Ҳилола ҲАКИМОВА, Ислом ҳуқуқи йўналиши, II курс.

— Яхши одам ҳар куни эътиқодини алмаштирмайди. Эътиқод ва ийрини эсламайлик, дин ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, ижобий хислатларини кўпайтириб, ёмонликлардан халос бўлишга чорлаган.

Зебунисо КАМОЛОВА, диншунослик йўналиши, II курс.

— Комилликка қай йўл билан эришилади? Аввало, нафсга қарши курашиб, негаки барча ёмонлик унда "истиқомат" қилади. Шунингдек, илм, саъй, матонат, тарбия ҳам шулар жумласидандир.

Миродил ҲАЙДАРОВ, Ислом ҳуқуқи йўналиши, III курс.

— Қачонки, бизнинг диний илмимиз, онгимиз, тафаккуримиз саёз, мон бир либос эмаски, бугун бунисини ечиб ташлаб, эртага янгисини кийса. Истагим ва орзуим, ҳамма аҳил, ҳамма покиза бўлиб яшасин. Кимнинг фазилати қанча, кимнинг гуноҳи қанча эканини Яратганнинг ўзи ажрим қилиб беради.

Шуни мағрур айтгим келадики, биз боболаримизнинг муқаддас дини бўлган Исломни қадрлаймиз, ҳурмат қиламиз. Одамзод руҳий дунёсида иймон-эътиқодни, инсоний фазилатларни мустаҳкамлашда унинг ўрни ва таъсирини юксак баҳолаймиз.

Tanlov

Зиёда ОЛИМОВА, халқаро иқтисодий муносабатлар йўналиши, II курс.

— Бугунги кунда инсоният маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий равишда сезиб яшайди. Мана шундай бир вазиятда одам ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйиқларига бардош бериши амри-маҳол.

Мадинахон РАЖАБОВА, Ислом ҳуқуқи йўналиши, I курс.

— Ислом дини — бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам аҳлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмаслигимиз керак. У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу диннни маърифатли кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар ва яхши ўгитларга амал қиладилар. Меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этиш халқимиз табиатига мос. Кўҳна тарихимизнинг қайси давр бўш бўлса, ташқи ёвуз кучларнинг таъсири бизга шунчалик тез "юқади". Айни пайтда динни ниқоб қилиб олган жиноятчи тўдалар, қаллоб ва чалласавод кимсалар дунёга мўътабар зотларни берган юртимизга, энг оғир замонларда ҳам Оллоҳни ҳамиша қалбида, юрагида сақлаб келган халқимиз шаънига турли бўҳтонлар ёғдиришдан тоймаяпти. Терроризмга қарши бошланган курашни бутун Ислом динига қарши уруш деб кўрсатишга уринаётган бу манфур кимсаларга ҳеч қаерда, ҳеч қачон ўрин топилмайди.

Ҳабиба ҲАМДАМОВА, Диншунослик йўналиши, III курс.

— Агар мен уйимга ёнғин тушишини истамасам, албатта, газларни вақтида ўчираман. Болалар қўлига гугуртнинг тушиб қолишини истамайман. Мабодо, фожеа юз берса, бунга ёлғиз ўзимнинг эътиборсизлигим сабабдир. Бугун динимизни ўтдан асрашимиз керак. Қани энди биргина иншо билан ёстиқларнинг қуришини, бегуноҳ қонлар тўкилишининг олдини ола билсак... Мен ҳозир аудиторияда ўтириб, иншо ёзарканман, курсдошларимнинг ҳар бирида ўз халқини, ўз она юртини, ўз уйини асраш ва ҳимоялаш туйғуси ёнишини хоҳлардим.

... Иншо — фикрларнинг ёрқин ва қуйма ифодаси. Унда акс этган фикрлардан талабанинг дунёқараши, саводхонлиги яққол кўринади. Танловга тақдим этилган 350 дан зиёд ёзма ишларни баҳолашда аввало унинг мазмуни, имловий жиҳати, мавзуни ёритиб бериши, услубий хусусиятлари ва ниҳоят ҳажми ҳам инобатга олинди. Жами баллар умумлаштирилиб, муаллифлар ижодий иши ўз баҳосини олди.

... Иншо сабаб, талабаларнинг тасодифий топшириққа муносабатлари, қолаверса, уларнинг қандай фикрга таяниб яшаётганликлари ойдинлашди. Бизнингча, ҳам бундай танловлар ҳар томонлама наф келтиради.

БЕҲЗОД ИЖОДИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкентдаги Ҳиндистон маданият марказида таниқли ўзбек рассомлари, санъатшунослар ҳамда Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари иштирокида "Камолиддин Беҳзод-Ҳирот миниатюра мактаби асосчиси" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Шарқ миниатюра санъатининг ривожи айнан Камолиддин Беҳзод номи билан боғлиқ. Унинг асарлари нозик дид, нафис ғўзаллик ила ишланганлиги билан алоҳида ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам бу асарлар асрлар давомида ўзининг боқийлигини йўқотмайди. Тадбирда К. Беҳзоднинг бетакрор ижод йўли ҳақида сўз борди. Ҳиндшунос олим Фотиҳ Тешабоев мусаввирнинг ижод йўли, яратган асарлари ҳақида сўзлаб берди.

Ф.Тешабоевнинг таъкидлашича, 15-16-асрларда ва ундан кейинроқ яратилган "Бобурнома", "Зафарнома", "Дорулнома", "Акбарнома" сингари асарларга ишланган ажойиб миниатюраларнинг яратилишида истеъдодли ҳинд мусаввирлари билан бир қаторда Беҳзод мактабида таълим олган Мирсаид Али, Дўстмуҳаммад, Абдусалом каби санъаткорлар қатнашган. Мазкур миниатюралар ўша даврларда бобурийлар санъати билан ҳинд рассомчилиги узвий ривожланиб борганлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради. Демак, Ҳиротдаги миниатюра мактаби билан Бобурийлар давридаги ҳинд мусаввирлик санъати биргаликда ўрганилса, маданиятларимиз тарихининг муштарак фазилатлари ва ўзаро яқинлиги, асрий илдизлари, қардошлик алоқаларини кенгроқ тасаввур қилиш мумкин бўлади.

НОЁБ КИТОБЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши ҳамда "Кутубхоналар жамияти" ҳамкорлигида Рус маданият марказига 300 дона китоб топширилди

Мазкур китоблар Ўзбекистон Очиқ жамият институти Кўмак жамғармаси ҳомийлигида "Кутубхоналар жамияти" томонидан топширилди. Ушбу китоблар кўплаб кутубхоналар қатори рус маданият маркази қошидаги фондни, шунингдек Анна Ахматованинг "Мангал ҳовлиси" деб номланувчи музейини ноёб нашр намуналари сифатида бойитади.

Тақдим этилган китоблар бир нусхадан бўлиб, кутубхоначилар томонидан тартиб берилгандан кейин улар марказ ўқув залига қўйилади. Мухлислар улардан фақат ўқув залининг ўзида фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Шунга қарамай рус маданият марказидан четдаги китобхонлар ҳам бу асарлардан буткул бехабар қолмайди. Чунки улар ҳақида махсус маълумотлар Интернет саҳифаларига ҳам киритилади.

ВАТАН ФИДОЙИЛАРИНИ ХОТИРЛАБ

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан пойтахтдаги Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлими, "Ватанпарвар" кенгаши, "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари ҳарбий бурчларини ўтаётганда ҳалок бўлганларни хотирлаб, улар оиласига ташриф буюрдилар.

— Туманимиздаги Аҳмад Яссавий, Мирза Ғолиб, Ачавот, Галаба, Абдулла Набиев номли маҳаллалардан йигитлик бурчини ўтагани кетиб, Ватан ҳимояси йўлида қурбон бўлган йигитлар яшаган олтита хонадонда бўдик, — деди Собир Раҳимов туман ҳокимининг ўринбосари Зайниддин Муҳиддинов. — Ташрифимизни нуронийлар ва маҳала фаоллари билан келишилган ҳолда амалга оширдик. Чунки, қалб яраларини қайтадан тирнаш жуда оғир. Аммо, жасур ва мард ўғлонларимиз Ватанимиз сарҳадларини ҳимоялашда ўз жонларини фидо қилишди. Уларнинг қаҳрамонликларини ҳар бир ёш доимо эсда сақлаши ва уларга интилиши лозимдир. Бу халқимизнинг азалий одатларидан.

"Туркистон-пресс"

"ВАТАН — ЮРАКДАГИ ЖАВОҲИР"

Атоқли педагог олим Билол Аминов ва таниқли журналист Тўлқин Расулов (раҳматли) биргаликда ёзган бу китоб мустақиллик йиллари янада муҳим аҳамият касб этган ватанпарварлик мавзуига, Истиқлол фидоийларига бағишланган. Китобнинг бошланишида унинг мазмуни қуйидагича белгиланган:

"Ушбу қўлланма маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш, улар онгида миллий ғурур ва Она-Ватанга фидоийлик туйғусини шакллантириш, иймон-эътиқодлилик, ота-боболар мероси ва панд-насиҳатларига садоқатли бўлиш, ёшларни миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялаш мавзуларини қамраб олган".

"Ватан — юракдаги жавоҳир" китоби бошқа қўлланмалар қатори ёшларни маънавий бойитишга хизмат қилади.

Китобнинг бошланишидаги "Ватан нима?" мақоласида муаллифлар она Ватанни таърифлаш билан бирга бу ҳақида гавҳардай сара сўзларни айтган атоқли шоир Мақсуд Шайхзоданинг "Тошкентнома" достонидан гўзал бир парча келтирадилар.

Китоб муаллифлари "ўз Ватанини севган инсонга доимо Ватан қайғуси йўлдош бўлади" деб ёзган эканлар, бунинг далили сифатида буюк ватандошимиз, Истиқлол фидойиларидан бири, аллома Абдурауф Фитратнинг қуйидаги гавҳардай бебаҳо сўзларини келтирадилар: "Эй, улуғ Турон... Юртим, Туроним... Сенинг учун ўлмоқ менинг тириклигимдир. Паноҳим, саждагоҳим, умидим! Ётларинг сени шу куйга солдилар... Золимлар сени кимсасизми кўрдилар? Йўқ, сен кимсасиз эмассан... Мен сенинг учун яшарман. Сенинг учун ўлурман. Эй, тирикликнинг муқаддас ўчоғи! Ўлим сенинг ўлимингни истаганларга, нафрат—сени кўмгани келганларга!".

Ватан ҳақидаги китобда келтирилган Ойбекнинг "Ўзбекистон" шеъридан мана бу байтлар ҳам узукнинг ёқут кўзидай ярашган.

Бир ўлкаки, қишларида ширвирлар баҳор,

Бир ўлкаки, сал кўрмаса, Қуёш соғинур...

Билол Аминов ва Тўлқин Расулов Ватанимиз тарихини тилга олган Ибн ал-Асир, ал-Муқаддасий, Ёқут Ханавий, Ал-Умарий, Фазлуллоҳ Рашиддин, Насафий, Яздий, Ҳофиз Абру, Хондамир, Восифийларнинг асарларига суяниб, Бухоро, Самарқанд, Урганч ҳақида қимматли маълумотларни келтирадилар. Бу тарихий маълумотлар ёш авлодга Ватанимиз тарихини чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради. Масалан, ал-Муқаддасийнинг Хоразм пойтахти ва аҳолиси ҳақида ёзганлари биз учун қимматлидир: "Одамлари зукко-зийрак, билимдон, ҳуқуқшуносликни билишади, истеъдодли ва маърифатлидир.

Оллоҳ уларга арзончилик, самараю барака насиб этган... улар меҳмондўст, яхши таомларни хуш кўришади, жангда мард ва алп сифатдирлар". Китобда атоқли тарихчи олим Ашраф Аҳмедовнинг Турон ҳудудлари турли даврларда ўзгариб тургани ҳақида фикр келтирилганки, бу фикр Ватанимизнинг тарихи чегаралари жуда кенг, бепоён бўлганини билдиради.

Китобнинг "Она тилим — Ватаним рамзи", "Олтин бешикда туғилган муҳаббат", "Халқнинг муқаддас ёдномаси" боблардаги қимматли фикрлар ҳам ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади. "Ватанни фақат бойлиги учун севиш сохта муҳаббатдир", деб ёзади муаллифлар.

Баъзан географик жой ва тарихий шахсларнинг номлари ёзилишида камчиликлар учрайди.

Китобнинг 44-бетида Имом ал Бухорийнинг номи Имом Исмоил ал Бухорий деб берилган. Аслида буюк алломанинг исми Муҳаммад. Отасининг исми Исмоилдир. Шу каби, Тўмарис ҳақидаги ривоятда Херодод асарида айтилган Аракс дарёси (Амударё дейиш нотўғридир) Аракс эмас, ОСК ёки Ўкуз ёзилса тўғри бўлур эди. Широқ ривоятида сак қабиласининг номини соқлар деб олиш мақсадга мувофиқдир.

Китобнинг "Мовароуннаҳр фидокорлари" бўлимида Ўтрор ҳимоячиси Инолчиқ, Хўжанд ҳокими Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро каби миллий қаҳрамонларимиз ҳақида қизиқарли лавҳалар берилган. Муаллифлар бу қаҳрамонлар ҳаётини ўрганишда ноёб адабий ва тарихий манбалардан фойдаланганлар.

Китобнинг кўпчилик фасллари Соҳибқирон Амур Темур тузган буюк давлатнинг ташкил топиши ва гуллаб яшнашига бағишланиши табиий ҳолдир. Чунки, бу давр Ватанимизнинг энг гуллаб-яшнаган даври сифатида барча авлодларга битмас туганмас сабоқ ва тарбия беради.

Эркин УМАРОВ, фалсафа фанлари доктори, Маҳкам МАҲМУДОВ, ёзувчи, халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти совриндори

ҚАЛБЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ!

"Ватан ҳимоячилари куни"га бағишлаб Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технология институтида ўтказилган тадбирда кўп сонли талабалар, "Камолот" ЁИҲ етакчилари, кекса ҳарбийлар ва чегара қўшинлари аскарлари иштирок этишди. Тадбирнинг бадиий қисмида Бухоро шаҳридаги С.Айний номидаги сатира ва драма театрининг актёрлари ҳамда институт қошида ташкил этилган бадиий ҳаваскорлар тўгарагининг аъзолари миллатлараро тотувлик ва ўзбек жангчи аскарлари ҳаётига бағишланган саҳна кўринишлари намойиш этдилар.

Ўткир ПЎЛАТ

Tarbiyaviy soatlarda

ТЎҒРИЛИК НАЖОТ ЙЎЛИГА БОШЛАР...

Мактабда ҳар ҳафтада бир марта синф раҳбарлари тарбиявий соат ўтказадилар. Унда асосан ҳафта давомидаги ўзлаштириш, давомат, ўқувчиларнинг ўзини тутиши, кийиниши муҳокама қилинади. Шунингдек, ҳар бир тарбиявий соатда режа бўйича белгиланган мавзуга эътибор қаратилади. Эътиборингизга 6-синфларга "Тўғрилик нажот йўлига бошлар" номли очиқ тарбиявий соатни ўтказиш бўйича ишланма тақдим этилмоқда. Лозим топсангиз, ундан фойдаланишингиз мумкин.

Ушбу тарбиявий соат ўтказилишидан бир ҳафта аввал ўқувчиларга ёмонлик ва унинг оқибатлари, умидсизлик ва унга берилмаслик, тўғрилик, меҳнат ва унинг шарофатлари ҳақида мақоллар тўплаб келиш вазифа қилиб берилади.

Тарбиявий соат қуйидаги ҳикоят билан бошланади. (Имкониятга қараб саҳналаштириш ҳам мумкин.)

Қаҳратон қиш. Бир зумда кеч бўлиб, қоронғи тушиб қолди. Бир йигит йўлда кетаркан, катта, қалин дарахтлар билан қопланган ўрмон ичидан ўтишига тўғри келиб қолди. У ўрмон ичида юраюра адашиб, йўлни йўқотиб қўйди. Совуқдан ҳушидан кетиб йиқилди. Бироздан сўнг лабига томизилган томчи сувдан кўзини очди ва тепасида турган уч кишини кўриб ҳайрон бўлиб қолди. Улардан бири қора кўйлак кийиб, қора камар боғлаган, иккинчиси ипак кўйлак ва олтин камарли, учинчиси ҳаворанг кўйлак ва қайишли камарда эди. Улар йигитдан ҳол-аҳвол сўрадилар. Йигит ўрмондан чиқиб кетиш йўлини сўради. Улар йигитдан: — Қани, биримизни танла, қай биримиз сенга йўлбошчилик қилайлик? — деб сўрадилар.

Йигит савдогар қиёфасидаги, олтин камар боғлаган кишини танлади ва икковлари йўлга тушдилар. Йўл юриб ҳориган йигит мажоли қолмаганини айтди. Шунда у киши йигитга ўткир пичоқ бериб деди:

—Бу йўлдан ҳозир отлиқ ўтади. Сен уни ўлдир, кейин отига миниб ўрмондан тезда чиқиб кетасан.

Йигит ҳайрон бўлиб у кишидан ким эканлигини сўради. У киши:

— Менинг отим — ЁМОНЛИК. Айтганимни қил, шогирдим бўл, —деди.

Йигит пичоқни ирғитиб юборди ва ғазабланиб:

— Йўқол, малъун! Мени ёмон йўлга бошламоқчимисан, бу ишни қилмайман, — дедию беҳуш бўлиб йиқилди.

Ҳикоятнинг I қисми айтиб берилгач, ўқувчилардан йигит тўғри иш қилдими, ёмонликнинг оқибати нима, ёмонлик ҳақида қандай ҳикматлар билишлари сўралади.

1-ўқувчи: Албатта, йигит тўғри иш қилди. Доно халқимизда шундай нақллар бор: "Ёмонга ёндашма, яхшидан адашма", "Ёмондан қоч, яхшига қулоч оч", "Яхши қанд едирар, ёмон панд едирар".

2-ўқувчи: Менимча, йигит босиқлик билан у кишига ёмонлик қилишдан фойда йўқлигини тушунтириб, уни ҳам тўғри йўлга бошласа, яхши бўларди. Фикримни мақол билан далилласам: "Мард киши — ёмонни яхши қилсин", "Ёмонликни яхшилик билан енг", "Ёмонни яхши қилиш — дононинг иши, яхшини ёмон қилиш — нодоннинг иши".

3-ўқувчи: Менинг фикримча, бу — қийин иш. "Таом таъмини қошиқ билмас, яхши қадрини ёмон билмас", —деган нақл ҳам бор. Шундай экан қадрингни билмайдиган ёмонга асло яқинлашмаслигинг керак. Ахир, "Илондан қутулиш мумкин, ёмондан қутулиш қийин", — дейилган-ку!

Қолган ўқувчилар ҳам мақоллар айтиб, шундай хулосага келадилар ва синф тахтасига ёзиб қўядилар:

Ёмонларнинг сира пайванди бўлма,
Ҳою бирла ҳаваснинг банди бўлма.

Яна ҳикоят давом эттирилади:

Йигит бироздан кейин ҳушига келиб, қора камар боғлаган кишидан ўрмондан чиқиб кетишга йўл кўрсатишини сўради. Қора кийимли киши йўл бошлади ва йўл юриб чарчаган йигитга деди:

— Нега тўхтаб қолдинг, йўлимиз узоқ. Дам олмоқчи бўлсанг, мана шу баланд ердан ўзингни ташла, пастда роҳатланиб дам оласан.

Йигит сесканиб кетди, ахир ўзини жарга ташласа тилка-пора бўлади-ку!

— Сен кимсан ўзи? Ўлимимни истайсанми?

—Менинг отим —УМИДСИЗЛИК. Сен ялқов йигитга ўхшайсан. Ҳаётга умидсизлик билан қарайсан. Менбоп йигит эмассан, кел, айтганимни қил.

— Йўқол, мен яшашни истайман, ялқов ҳам эмасман, — деб йигит яна ўзидан кетди.

Ҳикоятдан сўнг ўқувчилар яна муҳокамага киришадилар.

1-ўқувчи: Йигит Умидсизликнинг сўзига кирмай, оқилона иш қилди. Рим ёзувчиси Сенека шундай ёзганда ҳақли эди: — Инсон тирик экан, ҳеч қачон умидсизланмаслиги керак.

2-ўқувчи: Тўғри, қадимги юнон файласуфи Фалес фикрини ҳам ёддан чиқармасак фойдали бўларди: — Ҳаммамиз учун нима муш-тарак? УМИД; чунки одамнинг ҳеч нарсаси бўлмаса ҳам умиди бор. Келажакдан умиди бор инсон эзгуликка интилади.

3-ўқувчи: Баъзан инсон умидсизликка тушиб қолади, иши юришмайди. Баъзан оғир дардга чалиниб қолиши мумкин. Шунда у умидсизликка йўл бермаслиги керак. Абдулла Қаҳҳорнинг "Минг бир жон" ҳикоясидаги Мастура ўлим билан олишиб, оғир касалликни УМИД билан енгади. Саъдий Шерозий ушбу мисраларни битганда ҳақ эди:

Дилинг куймасин,ноумидлик билан,
Ёруғ кун туғилгай қаро кечадан.

4-ўқувчи: Биз оёқ-қўли бут, соғлом фарзандларимиз. Вақтинча омадсизлик, кутилмаган ҳолатда тушкунликка берилмаслигимиз, икки қўли ишламасада, оёқлари билан телевизор, радио-приёмник тузатаётган, оёқлари жонсиз бўлса-да, ётган жойида гўзал ҳайкал яратаётган ҳайкалтарошлар борлигини унутмаслигимиз керак. Улар УМИД билан яшаяптилар, нега биз улардан ўрнак олмаслигимиз керак? Ҳатто ногиронлар футбол жамоаси ҳам тузилган-ку!

5-ўқувчи: Э. Тельман чиройли ўхшатиш топган. У шундай ёзади. — Умидсиз киши лангарсиз кема кабидир. Гёте эса "Ҳатто қабр ёқасида ҳам умид яшайди" — деб фикр билдирган. Демак, доим умид билан яшаб, умидсизликка йўл бермаслигимиз керак. Бу синф ўқувчилари чиқарган хулосадир.

Ўқитувчи ҳикоятнинг давомини айтади:

Йигит ўзига келиб, кўзини очса ҳаворанг кийим, қайиш камарли киши унга йўл кўрсатишни таклиф қилибди. Аммо йигит рози бўлмабди. Шунда у киши йигитга далда бериб дебди:

— Ўғлим, мендан қўрқма, сенга тўғри йўлни кўрсатаман. Менинг исмим — ТЎҒРИЛИК.

Шундан сўнг улар йўлга тушибдилар. Тўғрилик йўлда ётган узун ва йўғон дарахт шохини олиб, йигитнинг елкасига қўйибди. Анча юрганларидан сўнг ўрмондан чиқиб, гўзал сарой ёнига яқинлашибдилар. Тўғрилик йигитга саройга киришни, ундан авval дарахт шохини ерга ташлашни буюрибди. Йигит шохни ерга ташлаган экан, бир қоп олтин сочилиб кетибди. Йигит ҳайратланиб сўрабди. Тўғрилик жавоб берибди:

— Ўғлим, бу — "Меҳнат саройи". Сен саройга кириб, ихлос билан ишла, ғайратли бўл, меҳнатинг туфайли азизу мукаррам бўласан.

Йигит тўғриликнинг гапига кириб, "Меҳнат саройи"га қадам ранжида қилибди. Ва у ерда бахтли ҳаётга етишибди.

1-ўқувчи: Йигит тўғриликнинг гапига кириб, қолаверса меҳнати билан бахтга эришди. Халқимиз топиб айтган: — Тўғри бўлса ошин ер, эгри бўлса бошин ер. Ёки "Тўғрига дуо ёғилур, эгрига бало ёғилур"

2-ўқувчи: Ҳа, "Тўғрилик тўрга тортар", "Тўғри юрсанг чанг чиқмас", "Тўғрилик нажот йўлига бошлар" деб бежиз айтилмаганини ҳикоятдан билиб олдим.

3-ўқувчи: Айни вақтда йигит меҳнат туфайли ҳам азиз бўлди. Яна Саъдий Шерозийдан байт келтирсак тўғри бўлади.

Есам арпа нони меҳнат билан,
Шириндир бировларнинг оқ нонидан.

Тарбиявий соат давомида кўпгина халқ мақоллари, ҳикматлар эсланади. Асосийси, хулосани ўқувчилар чиқаради. Ўқувчилар қуруқ насиҳатни ёқтирмайди, аксинча, ибратли ҳикоятлардан ўзлари чиқарган хулосанинг самараси фойдалироқ ва кучлироқ бўлади.

Маҳмуда ВАЛИЕВА, Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 274-мактаб муаллимаси

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, педагогик технология яқин йиллар ичида дидактикага киришнинг асосий манбаи бўлиб қолади.

Деҳқон хўжалиги фаолиятини давом эттириш истагида бўлган бирорта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаган бўлса, умрбод эгалик ҳуқуқидан воз кечса, томорқа ер участкаси қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилади.

Ma'rifat

ҚОЗОҒИСТОНЛИКЛАР ҚОЙИЛ ҚОЛИШДИ

Бундан бир неча йиллар илгари қаровсиз ва кимсасиз, ботқоқ ерлардан иборат бўлган бу чекка қишлоқ истиқлол туфайли таниб бўлмайдиган гулшанга айланди. Инсон қўли гул, деганларича бор. Чор-атрофда боғу роғлар яшнаб турибди. Кенг асфальт йўлларда автобусларнинг кети узилмайди.

Қўли гул халқимизнинг юксак дид билан бунёд этган бу "Геофизика" қўрғончасини кўрган киши меҳнат аҳлига офаринлар айтгиси келади. Ана шу жойда ҳукуматимизнинг қарори билан Чингелди маиший хизмат касб-ҳунар коллежи бунёд этилган. Каттагина майдонни ўз ичига олган мазкур таълим муассасасида ёшларнинг хилма-хил касб-ҳунарни ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Ўз касбининг билимдони Алимбек Сотиболдиев раҳбарлик қилаётган бу билим даргоҳи ўрта махсус маълумотли мутахассисларни тайёрлашда катта ташаббус кўрсатмоқда. Бу ерда радиотелеустачилик, сартарошлик, ошпазлик, бухгалтерия, иқтисодчи, ҳуқуқшунослик каби ҳунарларни илмга чанқоқ ёшлар пухта ва мукаммал ўрганмоқдалар. Бу масканни "Лорена-дон", "Медиз", "Имкон плюс" каби йирик корхоналар оталиққа олган бўлиб, улар ўқувчиларнинг ҳар томонлама пухта билим эгаллашларида имкон қадар шароитлар яратиб бермоқда.

Коллежнинг маънавият ва маърифат хонаси мустақиллигимиз кашф қилган кўзгуга ўхшайди, гўё. Мустақиллигимизнинг нурафшон йўллари кенг ва ёрқин ифодаланган бу ерда талабалар турли мавзуларда суҳбатлар, маърузалар, мунозара ҳамда илмий кечалар ўтказишга одатланганлар.

490 нафар талабани бағрига олган ўқув масканида дарсларни чуқур ўзлаштириш яхши натижалар бермоқда. Ўқувчилар ўртасида машғулотлардан кечикиш, уй вазифаларини бажармаслик каби ҳоллар деярли учрамайди. 30 дан ортиқ миллат фарзандлари ўқийдиган бу даргоҳда дўстлик кечаларини ўтказиш ҳам одат тусига айланган. Яқинда коллеж ўқув-тарбиявий ишлари билан танишиб кетган Қозоғистон Республикасининг бир гуруҳ вакиллари бу ерда олиб борилаётган маънавий-маърифий, тарбиявий ишларга юксак баҳо бердилар. Бу ерда ўз касбининг моҳир усталари бўлган 56 нафар ўқитувчи-педагоглар ёшлар таълим-тарбиясига жалб қилинган. Коллежда барча қулайликларга эга бўлган ёзги ва қишки спорт майдончалари мавжуд.

Таълим масканида турли миллат вакилларининг фарзандлари таълим олиши — жамоада ўзаро аҳиллик, ўртоқликнинг мустаҳкамланиб боришига сабаб бўлмоқда. Шу боис, бу ерда асосий мақсад таълимнинг сифат самарадорлигини оширишга қаралаётир.

Рўзимат ДАМИНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи

ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ

таълим жараёнини инқироздан олиб чиқишнинг омили

Илмий-техникавий тараққиёт нафақат ишлаб чиқаришда, балки ижтимоий-гуманитар билимлар доирасини такомиллаштиришда ҳам муҳим жиҳат ҳисобланади. Бунинг энг муҳим омили эса янги педагогик технологиялардир.

Республикамизда янги педагогик технологиянинг назарий асосларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш зарурияти таълим тизимини ислоҳ қилиш, унинг салоҳиятини жаҳон миқёсига олиб чиқиш, таълим бозорини яратиш ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш вазифасидан келиб чиқади. Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида янги педагогик технологияни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан, малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтларида ҳам самарали тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилаётир. Бинобарин, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да ҳам ***"... ўқув тарбиявий жараённи илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш"*** *эътироф этилди ва у иккинчи, учинчи босқичларда бажариладиган жиддий вазифалардан бири сифатида белгиланди.*

Мамлакатимиз таълим соҳасида рўй бераётган туб бурилишлар ҳар бир муассасада дидактик жонлантиришни талаб этади. Янгиликни жорий этиш эса ҳар доим ҳам мураккаб. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, педагогик технология яқин йиллар ичида дидактикага киришнинг асосий манбаи бўлиб қолади.

Умуман, педагогик технология нима? Нега бу бирикмага "янги педагогик технология" деган сўзни қўшиб айтаяпмиз? У нима учун бугунги таълим-тарбия жараёнида заруратга айланди? Нега энди шунча йиллардан бери "яшаб" келаётган таълим жараёнидан воз кечишимиз керак?

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги замон таълимида дидактиканинг семантик жиҳатларини аниқлаш кам ўрганилган соҳаларга киради. Ҳанузгача тушуниш муаммоси (моҳияти) ҳар хил олимлар томонидан турлича талқин қилинади. Дидактлар семантик жиҳатдан мураккаб матнлар ва ғояларни баён қилиш усуллари устида кам бош қотирмоқдалар.

Ҳозир илмий концепциялар мураккаблашиб, чуқурлашиб бораяпти. Семантик муаммолар ўқув материалини баён қилиш, ўқувчиларнинг фан ривожи янги даврини ташкил қилувчи назарияга муносабатларини ҳал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу масала ҳам тезроқ ўз ечимини топиши керак. Яна шуни айтиш керакки, биз кўпинча "таълим мазмуни" билан "ўқув фани мазмуни" тушунчаларини бир хил деб қараймиз. Аслида ундай эмас. Олдинги тушунча кенгроқ мазмунга эга. Ўқув фани мазмуни эса фақат шу фанга оид билим, тушунча, ҳукм ва хулосаларни ўз ичига олади. Таълим мазмуни эса илмий билиш методлари, усуллари ва амаллари, яъни ўқувчиларда мустақил билим эгаллаш малакаларини ҳосил қилувчи методологик билимлар (таъриф, исбот, таҳлил, синтез, индукция, дидукция, таснифлаш, тизимлаштириш, умумлаштириш)ни ўз ичига олади.

Дарсликларнинг миллийлаштирилаётгани, замон талабларига мос равишда нашр этилаётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Лекин дарсликлар қанчалик пишиқ бўлмасин, улардаги илм дурдоналарини ўқувчининг миясига қуювчи шахс — ўқитувчи бунга тайёр бўлмаса, эски қолипдан чиқмай дарс ўтса, муваффақиятга эришиб бўлармикан?

Нима учун ўқувчи эрта туриб мактабга, дарсга боришга шошилмайди? Нима учун у дарс ўтилмаслигини хоҳлайди? Нима учун айрим дарсликларимиз зерикарли? Дарсда ўқитувчи бош фигура. У ахборотни ўқувчига тезроқ берса бўлгани. Ўқувчиларнинг янгиликни қабул қилишлари ҳам ҳар хил, хоҳиш-истаклари турлича. Уларнинг бири пассив эшитувчи, бири фаол қулоқ солувчи бўлиши мумкин. Демак, уларнинг ўқув жараёнидаги масъулиятлари, жавобгарлик ҳисси ҳам бир-биридан фарқланади. Мустақил фикр юритиш, мушоҳада қилиш, хулоса чиқаришдан йироқ бўлган ўқувчилар билан қандай иш олиб бориш керак?

Дарс жараёнида, таълим-тарбияда ўқувчи асосий ҳаракатлантирувчи куч, унинг субъекти бўлиши керак, яъни ўқиш, ўрганиш, мутолаа қилиш, ўқувчи зиммасига тўлиқ ўтиши лозим. Зеро, ўқитувчи бошқарувчи объект бўлса, ўқувчи бошқарилувчи субъектдир.

Объект узлуксиз равишда таълим мақсадига мувофиқ бевосита ва билвосита таъсир ўтказади. Субъект ҳам ўз навбатида объект томонидан мўлжалланган мақсад ва вазифаларни тўғри англаб етиши, унга эришишга ҳаракат қилиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, ўқитувчи ўқитишдан қатъий ўргатишга, билим беришдан ўқувчиларнинг бидарсига бажонидил ва фаол иштирок этадилар. Жаҳон педагогик луғатидан аллақачон "инновация" тушунчаси кенг ўрин олган. Бу "янгилик", "ислоҳ" тушунчалари билан уйғунлашиб кетган. Кенг маънода қаралганда, таълим тизимидаги ҳар қандай ўзгариш бу педагогик инновациядир.

Дастлаб бу тушунча, ижтимоий-иқтисодий ва технологик жараёнларга нисбатан қўлланилар эди. Ҳозирда эса таълим тизимидаги ҳар қандай янгиликка нисбатан ҳам шу сўз ишлатилмоқда. Демак, педагогик инноватика фани шаклланяпти. Педагогик инновация педагогик жамоа томонидан ўзлаштириладиган таълимот сифатида ҳам қаралади.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ҳам янги педагогик технологияларни қўллашни такомиллаштириш, ҳар бир педагогни ана шу йўналишдаги янгиликлар билан ўз вақтида таништириб бориш давр талабига айланмоқда. Бизнингча, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида янги педагогик технологияни қўллашни такомиллаштиришда қуйидаги омилларга алоҳида эътибор бериш керак.

1) янги педагогик технологиянинг назарий асосларини амалиётга татбиқ этиш;

2) янги педагогик технологияни аниқлаш омилларини белгилаш;

3) уни амалиётда қўллаш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

4) педагогик технологияларни расмийлаштириш ва оммалаштириш усулларини ишлаб чиқиш.

ЯПТни аниқлаш қандай амалга оширилиши керак? Унинг механизми қандай бўлмоғи лозим? Қандай омилларга асосланилади? Бу саволларга жавоб бермасдан туриб, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ПТни қўллашни такомиллаштириш ҳақида фикр юритиш мумкин эмас. Фикримизча, ЯПТни аниқлашда малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнини лойиҳалаштириш, уни тингловчилар иштирокида муҳокама қилиш, жараённинг мақсади реал, аниқ бўлиши, диагностик таҳлилларга таянганлигини таъминлаш, тизимнинг тузилиши ва мазмун жиҳатдан бирлиги, қулай шароит яратиб яъни, оз вақт, кам куч сарфлаб, юқори натижага эришишни таъминлаш, тизимга илмий асосланган дидактик янгиликларни, янги тартиб-қоидаларни жорий этиш, тингловчи ва маърузачи фаолиятининг оқилона уюштирилганлиги, ахборот технологияси ва техник воситалардан фойдаланиш самарадорлигини оширувчи материалларнинг ишлаб чиқилганлиги, қўлланилиши, билим ва кўникмаларни эгаллаш жараёнининг тест усули ва рейтинг тизимида назорат қилиниши муҳим роль ўйнайди.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнига илмий методик ёрдамни ташкил этиш, бу борада илмий тадқиқотлар ўтказиш ва уларни илмий жиҳатдан асосланган, тажриба синовдан ўтказилган тавсиялар билан таъминлаш ҳозирги кунниинг долзарб муаммоси. Тизимда янги педагогик технологияни қўллашни такомиллаштиришнинг яна бир омили аниқланган. У ҳам бўлса, янги ПТни оммалаштириш билан боғлиқ. Бу борада ҳам

Nuqtai nazar

ўз ечимини кутаётган муаммолар оз эмас. Хусусан, тан олинган ЯПТ қандай расмийлаштирилиши керак? Бу ишни ким бажаради? Бу ерда экспертлар гуруҳи бўлиши керакми? Унинг хулосаси зарурми?

Республикамиздаги ВПХҚТМОиларида яратилаётган янги ПТни оммалаштириш учун илмий-амалий конференциялар ва методик семинарлар кўпроқ ташкил этилиши керак.

Янги педагогик технологияни қўллашни такомиллаштиришнинг яна бир омили — малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида зарур моддий-таъминот базасини яратишдан иборат. Бунга интернет тармоғига уланиш, масофадан туриб ўқитиш, модулли ўқитиш каби таълимнинг интерактив усуллари киради. Буларнинг ҳаммаси — дидактик топилмалар, педагогик кашфиётлар, бир сўз билан айтганда, янги педагогик технологиялардир.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида янги педагогик технологиялар жорий этиш юзасидан бир нечта таклифларим бор:

— республикамиз олий ўқув юрти талабаларига таълим бераётган профессор-ўқитувчиларини малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида илғор педагогик технологиялар бўйича янги билимлар тизими билан қуроллантиришни узлуксиз ташкил этиш;

— олий ўқув юрти талабалари, айниқса, педагог мутахассислар учун ПТ назарияси амалиёти бўйича махсус курс жорий этиш;

— республикамизда фаолият кўрсатаётган ижодкор ўқитувчилар иш услубларини мунтазам ўрганиб бориш ва улар томонидан яратилган методикаларни ЯПТ даражасига кўтариш;

— туман ХТБ, мактаблардаги метод бирлашмалар ўрнида "инновацион марказ" лар ташкил этиш ва улар ишини янада жонлантириш;

— кўп босқичли таълим тизимида ПТ ўрнини асослаш ва энг муҳим муаммоларни ечишга йўналтириш;

— истиқболли ўқитиш воситаларини яратиш ва уларга таянган ҳолда илғор ПТларни лойиҳалаш, амалиётга жорий этиш, оммалаштириш;

— ўқитувчи фаолиятини педагогик технология қонуниятларига мослаштириш каби вазифаларнинг уддасидан чиқсак, менимча, анча ўнгланиш рўй берарди.

Хулоса қилиб айтганда, янги педагогик технология таълим жараёнида ҳукм суриб келаётган эскича иш услубларидан қутулишнинг бош омилидир.

Нилуфар КАРИМОВА,
Наманган Давлат университети илмий тадқиқотчиси

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

(32-мақола)

Qonun va fuqaro

Деҳқон хўжаликлари фаолиятининг ҳуқуқий асоси 1992 йил июлда қабул қилинган "Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонун"га бориб тақалади. Ушбу қонун тилимизга мутлақо янги калима — "деҳқон хўжалиги"ни олиб кирди. Бу хўжалик юритишнинг, тадбиркорликнинг Ўзбекистон учун мутлақо янги шакли эди. Қонун фаол ишлади. Аммо ислоҳотларнинг шиддати ушбу қонунга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

1998 йил 30 апрелдаги Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида амалдаги қонун узоқ тортишувлардан сўнг иккита алоҳида қонун бўлиб, янгидан шаклланди, қабул қилинди: "Деҳқон хўжалиги тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонунлар амалга киритилиши билан аввалгилари ўз кучини йўқотди.

Амалдаги "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонун 7 боб, 31 моддадан иборат булиб, у, қонуннинг муқаддимасида айтилганидек, деҳқон хўжалигини ташкил этиш, фаолият кўрсатиши ва тугатилишининг ҳуқуқий асосларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Бошқа хўжалик субъектлари билан муносабатларини тартибга солади.

Кимлар деҳқон хўжалиги аъзолари бўлиши мумкин? Биргаликда яшаётган ва деҳқон хўжалигини юритаётган оила бошлиғи, унинг хотини, (эри), болалари, шунингдек, фарзандликка олинган болалари, ота-оналари, меҳнатга қобилиятли бошқа қариндошлари бўлиши мумкин. Бошқа субъектлар билан муносабатларда деҳқон хўжалиги номидан шу хўжалик бошлиғи иш кўради.

Деҳқон хўжалиги қандай ташкил этилади? У ихтиёрийлик асосида, хўжалик бошлиғининг қишлоқ хўжалиги ширкати (кооперативи) бошқарувига ёки уларнинг иш берувчисига (маъмуриятига) ҳамда туман ҳокимига ёзма мурожаати асосида тақдим этилади. Аризада сўралаётган ер участкасининг жойлашган манзили, майдони, деҳқон хўжалигининг таркиби ҳамда ердан белгиланган мақсадда фойдаланишнинг йўналишлари кўрсатилади. Ариза юқоридаги субъектларнинг бошқаруви (маъмурияти) умумий йиғилиш муҳокамасида ижобий ҳал қилингач, (қарор асосида) ер участкаларини бериш масалаларини кўриш бўйича туман ҳокими деҳқон хўжалигини ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Барча ҳужжатлар талаб даражасида бўлса, деҳқон хўжалигини давлат рўйхатига олиш уч кун ичида амалга оширилади. Ва деҳқон хўжалиги бошлиғига ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати ҳамда рўйхатдан ўтганлик ҳақидаги гувоҳнома берилади.

Деҳқон хўжаликларига ер бериш, ерга эгалик қилиш ва фойдаланиш тартиби қандай? Қишлоқ хўжалиги кооперативи аъзоларининг, бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ходимларининг оилаларига, шунингдек, қишлоқларда яшовчи ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига деҳқон хўжалиги юритиш учун томорқа ер участкаси иморат ва ҳовли эгаллаган майдонни ҳам қўшганда суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалми) ерларда 0,5 гектаргача, чўл ва саҳро минтақасида эса лалми ерлар 1 гектаргача берилади. Шунингдек, фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун 0,06 гектар доирасида томорқа ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи "кимошди" савдоси орқали реализация қилиниши мумкин. Деҳқон хўжаликларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган томорқа ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя, айрибошлаш объекти бўлиши мумкин эмас.

Деҳқон хўжалигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат? Деҳқон хўжалиги ўз томорқа ер участкасида ишлаб чиқариш фаолиятини мустақил ташкил этиш, етиштирилган маҳсулотига бозордаги талаб ва таклиф нисбатидан келиб чиқиб, мустақил баҳо қўйиш, тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад олиш, бошқа хўжалик жамиятларининг (қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларига сотиш учун ва эркин савдога мўлжалланган) акцияларини сотиб олиш, ўз мол-мулкини гаровга қўйиш каби ҳуқуқларга; томорқа ер участкасидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш, ерга зарар етказмаслик, унинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш, янги берилган томорқа участкасидан бир йил ичида фойдаланишга киришиш (агар қонун ҳужжатларида бошқача муддат белгиланмаган бўлса), агротехника талабларига, белгиланган режим, сақлаш вазифаси ва сервитутларга (узгаларнинг чекланган тарзда унинг мол-мулкидан, еридан фойдаланишга йўл қўйиши мумкин. Масалан, йўлак ўтказиш, симёғоч тортиш каби) риоя этиш, ўз қарзлари бўйича тўла жавобгар бўлиши, хўжалик аъзолари учун хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш каби **мажбуриятлар**га эгадирлар.

Деҳқон хўжалигининг мулкига нималар киради? Узига қарашли уй-жойлар, экинзорлар, чорва моллари, дов-дарахтлар, техника, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк, етиштирилган ҳосил, топилган даромад ва қонун таъқиқламаган бошқа мол-мулклар киради.

Унинг мулки давлат ҳимоясидадир. Айни вақтда деҳқон хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича қонунларга мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган молмулки билан жавоб беради. Давлат унинг мажбуриятлари бўйича, деҳқон хўжалиги эса давлат мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Деҳқон хўжалигини тугатиш асослари ва тартиби қандай? Деҳқон хўжалиги фаолиятини давом эттириш истагида бўлган бирорта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаган бўлса, умрбод эгалик ҳуқуқидан воз кечса, томорқа ер участкаси қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилади. Солиқлар муттасил тўланмаган ҳолларда эса, деҳқон хўжалиги аъзоларининг қарорига биноан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суд қарорига кўра тугатилади.

Миродил БАРАТОВ,
Шоира ЮЛДАШЕВА

ИЖОД ДУНЁСИ НАШРИЁТ УЙИ

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 3-СИНФЛАРИГА "О'QISH KITOBI" (ЎЗБЕК ТИЛИДА), 6-СИНФЛАРИГА "МАТЕМАТИКА" (РУС ТИЛИДА) ДАРСЛИКЛАРИНИ НАШРДАН ЧИҚАРДИ. УШБУ ДАРСЛИКЛАРНИ ЧАКАНА ВА УЛГУРЖИ ТАРЗДА ХАРИД ҚИЛМОҚЧИ БЎЛГАНЛАР ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА МУРОЖААТ ЭТИШЛАРИ МУМКИН:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ, НАВОИЙ КЎЧАСИ, 30-УЙ.
ТЕЛ: 144-30-13.

Бутунжаҳон почта Иттифоқининг ташаббуси билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг қўшма буйруғига асосан, 2003 йил январь-март ойларида республикамиз ҳудудидаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида хат кўринишидаги иншо танлови ўтказилади. Танловда, таълим олиши қайси тилда бўлишидан қатъий назар, 15 ёшдан катта бўлмаган (2003 йил 1 сентябрь ҳолатига) ёшлар ўзбек, рус, инглиз, немис ва француз тилларидан бирида ёзилган иншолари билан қатнашишлари мумкин. Танловга юборилган иншолар илгари чоп этилмаган, ҳажми 500 дан 1000 тагача сўзга эга бўлган, 2003 йил 10 мартгача юборилиши керак (юбориш санасини аниқлашда почта алоқа бўлимининг календарь штемпели асос бўлади).

Иншо мавзуси "Биз қандай қилиб яхшироқ келажакни қуришимиз мумкинлиги ҳақида Сенга ёзаман".

Танловда қатнашадиган иншолар белгиланган тартибда стандарт конвертларда ҳудудий почта алоқа ташкилотлари бошқарувида тузилган махсус ишчи гуруҳига юборилади.

Республика танловининг ғолибларига қуйидаги рағбатлантирувчи мукофотлар таъсис қилинган: биринчи ўрин учун — 50 минг сўм, иккинчи ўрин учун — 30 минг сўм, учинчи ўрин учун — 20 минг сўм ҳамда почта маркалари альбоми. Танловнинг бошқа қатнашчилари махсус мукофотлар билан тақдирланадилар.

Мукофотларни топшириш маросими Бутунжаҳон почта Иттифоқи ташкил этилган кун — 2003 йил 9 октябрда бўлиб ўтади.

Қўшимча маълумотларни почта алоқа бўлимлари ва халқ таълими бўлимларидан олишингиз мумкин.

Почта хизматларидан фойдаланинг!
"Ўзбекистон почтаси" Давлат акциядорлик компанияси

Ta'lim va tibbiyot

САЛОМАТЛИКДА ГАП КЎП

Жамиятда инсонлар қанчалик даражада таълим ва илму фанга эҳтиёж сезса, тиббий хизмат ва унинг тараққиётига ҳам шунчалик даражада эҳтиёж сезади. Шубҳасиз, бу икки унсур олий мавжудотнинг ҳар томонлама комил бўлиб етишувида муҳим ўрин тутади. Чунки, маънавий етук бўлиш учун аввало руҳий ва жисмоний соғломлик талаб қилинади. Шунинг учун, таълимни ислоҳ қилиш билан бирга соғлиқни сақлаш тизимини ҳам тубдан ривожлантириш, замонавий тиббий ускуналар билан таъминлаш мақсадида 1998-2005 йилларда тиббий ислоҳотларни ўтказиш режалаштирилган эди. Ана шу ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугун тиббий хизматлар сифатининг ошганлигига, замонавий технологиялар шарофати туфайли диагностик хулосаларнинг тезкорлиги ва аниқлиги кучаяётганлигига бир қадар гувоҳ бўлиб турибмиз. Лекин, шу ўринда таъкидлаш керакки, қанчалик даражада соғлиғимиз ҳимоячиларининг маиший ва иш фаолияти учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратилмасин, барибир тиббий муолажалар инсон омили билан амалга оширилади. Яъни, соғлиқни сақлаш учун масъул бўлган ҳар бир мутахассис борки, агарда ўз вазифасига нисбатан жиддий масъулият билан ёндошмаса, ҳамма ҳаракатлар бекор бўлади. Боиси, ривожланиш мураккаб технологиялар орқали амалга оширилса-да, у шубҳасиз инсон, аниқроқ айтадиган бўлсак, мутахассислар томонидан бошқарилади. Шунинг учун ҳам халқ орасида "яхши дўхтир", "ёмон дўхтир" деган гаплар юради. Аслида ҳам, бир хил шарт-шароитда хизмат қилаётган шифокорлар икки хил бўлиши мумкин. Бунинг сабаби оддий: бири ўз ишига масъулият билан қарайди, иккинчиси эса ... Нима бўлганда ҳам биринчи тоифадаги шифокорлар ҳар доим халқ эътиборида бўлади. Лозим бўлиб қолганда навбат кутиб қолиб, вақт кетказсак-да, барибир шундайлар ҳузурига интиқ бўламиз. Каттаю кичик малакали ва тажрибали врач ишлайдиган шифохонани узоқдан — туманлар, вилоятлар, ҳатто республикалар оша излаб келади.

Худди ана шундай масканлардан бири сифатида Чилонзор марказий маслаҳат диагностика поликлиникасини айтиш мумкин.

Сўнгги икки йил ичида мазкур поликлиниканинг ҳам маиший шарт-шароитлари, ҳам кадрлар салоҳияти тубдан ўзгарди. Буни врачлар навбатида турган беморлар ҳам, шу ерда ишлаётган мустахассислар ҳам таъкидлашди. Ҳақиқатан ҳам бу гапларда бўрттириш ёки хаспўлаш йўқ. Бир холис кузатувчи сифатида буни ишонч билан айта оламан. Биласизми, ишингиз тушиб шифохона остонасини ҳатлашингиз биланоқ оқ халатлиларнинг "муҳити"га тушиб қолгандай ҳис қиласиз ўзингизни. Чунки димоғингизга турли хил дори-дармонларнинг, хлор эритмаси билан ювилган идишларнинг, ишқилиб аралаш бир ўзига хос ҳид урилади. Лекин, биз бугун фаолиятига назар ташлаётган даргоҳ бундан мустасно. Мен ҳам биринчи марта бу ерга кириб келганимда тўғриси ажабландим. Нимага, бу ерда дори-дармонлар билан ишланмайдими, деган савол ҳам туғилди. Ва қизиқишимни яширмасдан поликлиника раҳбари, олий тоифали кардиолог Хадича Жамолова билан суҳбатлашдим.

— Нимага энди, бизнинг асосий таянчимиз дори-дармонлар. Биз уларсиз фаолият юрита олмаймиз. Фақатгина озодалик бўлса, одамларга ёқмайдиган ёки ғашига тегадиган ҳолатларни бартараф қилса бўлади. Жамоамиз иложи борича шунга эришишга ҳаракат қилаяпти. Қанчалик даражада бунинг уддасидан чиқаётганлигимизни эса ўзингиз, қолаверса, мана бу мижозларимиз баҳолашсин.

Шундан сўнг мен асосий мақсадим — ушбу поликлиника билан таълим муассасаларининг қанчалик даражада ҳамкорликда ишлаётганликларига эътибор қаратдим. Айни пайтда қатор мутахассислар — аниқроғи болалар эндокринологи, нервпатологи, гинекологи, лор ҳамда педиатрлари февраль ойидан бошланадиган профилактик кўрик учун тайёргарлик кўришаётган экан. Айтиб ўтиш керакки, ушбу марказий маслаҳат диагностика поликлиникаси айнан мактабгача таълим муассасалари билан биргаликда узвий ҳамкорлик асосида ишлайди. Чилонзор туманидаги мавжуд 72 та мактабгача таълим муассасаларидаги 6 ёшли болаларнинг мактабга саломатлик жиҳатдан тайёр ёки тайёр эмаслигини аниқлаш биз ҳикоя қилаётган поликлиника ходимларидан катта синчковлик талаб қилади. Чунки, матабгача ёшдаги, болаларнинг кўз билан кўриб бўлмайдиган ички касалликларини аниқлаш бирмунча мураккаб. Қолаверса, улар катталардек ўзлари оғриқ нуқталарини тўғри айта олмайдилар. Бу пайтда ҳар бир бола билан индивидуал ишлаш, тарбиячиларнинг ҳар бир хулосасига қулоқ тутиш, қолаверса ота-оналарнинг ҳам фикрларини ҳисобга олиш ўта муҳим. Бу ҳақда болалар нервпотологи Нателла Давлетянц шундай дейди:

— Кўпинча бизлар боғча опаларнинг кузатув натижаларига асосланамиз. Сабаби, шундай касалликлар борки, уни анализ кўрсаткичларига қараб аниқлаб бўлмайди. Олайлик, ҳозирда турли хил ички ва орттирилган сабаблар туфайли болаларда асаб касалликлари кўп кузатилади. Биз шифокорлар уззу-кун болалар ёнида бўлмаганлигимиз учун вақти-вақти билан ўтказадиган текширувларимизда буни сезмай қолишимиз мумкин. Шунда МТМларнинг тарбиячилари, психологлари, ҳамшираларидан берган маълумотлар бизларга қўл келади.

Лекин, ота-оналар хусусида эътирозим бор. Чунки, кўпчилик ота-оналарга фарзандининг ақлий жиҳатдан ҳаракатчан бўлсалар-да, руҳий томондан айрим нуқсонлари борлигини, бунинг оқибатлари бола келажагига салбий таъсир қилишини айтсак ҳам, барибир ўзларини ҳақ деб ҳисоблашади. Ахир, бола мактабга борганида, унга ўзига яраша ҳар томонлама масъулият юклатилади. Саломатлигида нуқсони борларнинг эса ўзлаштириш ва бошқа кўрсаткичлари ижобий бўлмайди, албатта. Шунинг учун ҳам биз бир йил мобайнида 6 ёшли болаларни мунтазам равишда кўрикдан ўтказиб, янги ўқув йили олдидан ташхис марказлари ҳисоботлари билан биргаликда ҳар тарафлама соғлом болаларга мактабда ўқишлари учун йўлланма берамиз.

Ҳақиқатан ҳам мутахассис фикрларига изоҳ беришнинг ҳожати йўқ. Бу каби ҳолатларга кўп бора гувоҳ бўламиз. Ота-оналаримиз вақтдан ютамиз деб шошма-шошарликка йўл қўйишади. Аслида эса жисмоний соғломлик эришиладиган ютуқларга гаров бўлиб хизмат қилади. Шу кезда болалар касаллигига доир кўпроқ маълумотларга эга бўлиш учун яна Хадича Жамоловага мурожаат қилдим. У кишининг айтишича, мактабгача ёшдаги болаларда асаб, ревматизм, бўқоқ, кўз касалликлари кўпроқ учраяпти. Бундай диагноз қўйилган болалар ҳар доим алоҳида эътиборга ва тарбияга муҳтож бўлишади. Шунинг учун мутахассис шифокорлар мактабгача таълим муассасалари ходимлари билан бир қаторда ота-оналарга ҳам керакли маслаҳатларни беришади.

Ўтган 2002 йил болаларни чуқур профилактик кўрикдан ўтказиш натижаси ўлароқ, айрим болалар соғлигида камчилик аниқланиб, керакли хизматлар кўрсатилган. Ушбу йилда ҳам мутахассислар ҳозирданоқ болажонларнинг саломатлик даражасини аниқлаб, ўқув йилига қадар ташхис натижалари "ёмон" чиққанларни имкон қадар даволашмоқчи. Албатта, бу касбий масъулият. Лекин, масъулиятни ҳамма турлича ҳис қилади. Ушбу шифохона ходимлари масъулиятни етарлича ҳис қилишса керакки, шу атрофдаги оилалар ва мактабгача таълим муассасалари жамоаси билан гаплашганимда эътироз ёки норозиликларини билдиришмади.

Умуман, Чилонзор туман марказий маслаҳат диагностика поликлиникасига кириб борганимда, ачиниш ҳисси билан қадам ташламадим, аксинча унинг ўрнига гулларга бурканган, файзли муҳитга гувоҳ бўлган эдим. Айни дамда бу маскандан кетар эканман, жамоанинг ҳамжиҳат эканлигига, айниқса иш фаолиятида ҳам палапартишлик эмас, изчиллик ва мунтазамлик, тартиб борлигига амин бўлдим. Ва бу ерга келган пайтдаги кайфиятим кўтарилса кўтарилгандирки, пасайгани йўқ. Чунки, эртанги кун болалари саломатлиги учун елиб-югуришларни кўриб ким ҳам хурсанд бўлмайди дейсиз? Зеро, барча ҳаракатларимизнинг мақсади ҳам ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялашдир. Бу вазифанинг амалга ошишида бугун фаолиятига назар солганимиз — поликлиниканинг ҳам улуши борлиги эса, бу жамоа ходимларига янада кучлироқ масъулият юклайди.

Насиба ЭРХОНОВА

ФИНАЛ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

Шу кунларда мактаб ўқувчиларининг қишки таътиллари ҳам якунланиб, болажонлар маза қилиб дам олишгач, яна жонажон мактаблари қучоғига қайтишди. Шу давр ичида эса кўпчилик болажонлар ўзларининг бўш вақтларидан унумли фойдаланган ҳолда "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг 5-7-синфлар ўртасидаги 3-босқич финал беллашувларида иштирок этишди.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида ҳам куни кеча 5-7-синф ўқувчилари иштирокидаги "Умид ниҳоллари" спорт беллашувларининг мазкур босқичи ўз ниҳоясига етди. Унда умумжамоа ҳисобида Юнусобод тумани жамоаси энг кам жарима очкосини (47 очко) тўплаб, ғолибликни қўлга киритди. Иккинчиликни А.Икромов тумани терма жамоаси 66 очко билан эгаллади ва Миробод тумани жамоаси 75 очко жарима тўплаб, учинчи ўринни қўлга киритдилар. Спортнинг қолган бешта тури бўйича жамоалар ўртасидаги беллашувлар натижалари билан сизларни таништириб ўтмоқчимиз.

Баскетбол ўйинининг ўсмирлар ўртасида ўтказилган беллашувлари С. Раҳимов туманидаги 242-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтди. Қизғин беллашувлар жараёнида Юнусобод тумани жамоаси 1-ўринни, С. Раҳимов тумани ўсмирлар жамоаси 2-ўринни, яккасаройлик баскетболчилар 3-ўринни эгалладилар. Қизлар иштирокида ўтказилган баскетбол ўйинлари эса 182-мактабда бўлиб ўтди. Муросасиз беллашувларда юнусободликлар биринчиликни, М. Улуғбек тумани қизлари иккинчиликни, Чилонзордан келган баскетболчи қизлар 3-ўринни эгалладилар.

Спортнинг волейбол тури бўйича бўлиб ўтган беллашувларда ўсмирлар ва қизлар жамоалари ҳисобида Миробод тумани биринчиликни, Шайҳонтоҳур, А. Икромов жамоалари 2-ўринни, Ҳамза, Юнусобод туманлари 3-ўринларни эгаллашди. Беллашувлар жараёнига эса 157-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия ўқитувчиси, энг фахрий мураббий А. Омаргалиев ҳакамлик қилди. Гандбол мусобақалари 5-махсуслаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби(БЎСМ)да бўлиб ўтди ва ўғил болалар ўртасида ўтказилган беллашувларда яккасаройликлар, қизлардан Ҳамза тумани ёш спортчилари 1-ўринни, Ўсмирлардан Шайхонтоҳур тумани жамоаси, қизлар ичида Яккасарой тумани жамоаси 2-ўринни, А. Икромов ва Сирғали туманлари 3-ўринларни эгалладилар. Мусобақанинг адолатли ўтишида эса ҳакамлар Ю. Куликов ва В. Конюпловларнинг хизматлари катта бўлди.



Спортнинг сузиш тури бўйича мусобақалар 110-мактаб негизидаги 12-БЎСМ бассейнида ўтказилди. Бўлиб ўтган беллашувлар натижасига кўра, Миробод туманидан келган сузувчилар биринчиликни қўлга киритишди. Ғолиб жамоа мураббийси, "Дўстлик" ордени соҳиби Сергей Лузиннинг фикрича, сувда сузиш айниқса, ўсишда давом этаётган ёш организмда умуртқа суякларининг, тўқималарнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатар экан. Юнусобод тумани жамоаси сузувчилари мазкур беллашувларда 2-ўринни, Сирғали тумани жамоаси учинчиликни қўлга киритдилар.

— Олдинлари спортнинг бу турига бўлган эътибор бунчалик юксак даражада эмас эди, бўлса ҳам халқаро мусобақаларда, катта ёшдаги спортчилар шуғулланишарди. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг жорий қилиниши муносабати билан мактаб ўқувчилари ҳам бемалол спорт мактабларида шуғулланиб, ҳар қандай сузиш мусобақаларида иштирок этишлари мумкин,— дейди Сирғали туманидаги 17-сузишга ихтисослашган БЎСМ мураббийи Анатолий Гущин.

"Умид ниҳоллари" мусобақаларидаги "янги" спорт тури бўлган бадиий гимнастика беллашувларида Чилонзор туманидаги 22-БЎСМ қизлари ғолибликка эришдилар. 2-ўринни Юнусобод тумани жамоаси, 3-ўринни Сирғали тумани жамоаси қўлга киритдилар.

Шундай қилиб, Тошкент шаҳри бўйича 5-7-синфлар ўртасида ўтказилган 3-босқич "Умид ниҳоллари" беллашувлари якунланди. Бир неча кундан кейин эса М. Улуғбек туманидаги 171-мактабда беллашув ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

МИЛЛАТ ОНАСИ ШИФОХОНАДАН ЧИҚДИ

Буюк Британия қироличаси Елизавета II ўтган душанба куни қирол Эдвард VII нинг шифохонасида ўнг тиззасидан операция қилинди. 45 дақиқага чўзилган операцияни амалга оширган жарроҳ Роджер Викернинг айтишича, қироличанинг аҳволи яхши. Энди у 2 ҳафталик даволаниш муолажалари вақтида ҳасса билан юриб туришига тўғри келади. 77 ёшни қаршилаган Елизавета II кам ҳолатларда шифохонага мурожаат қилган бўлиб, у сўнгги бор 1982 йил азоб бераётган ақл тишини олдириш учун бор-йўғи бир кеча Эдвард VII шифохонасида тунаб қолган.

"ТИТАНИК"ДАН "ПРЕСТИЖ"ГА

11 та йўналиш бўйича "Оскар" мукофотига сазовор бўлган машҳур "Титаник" фильмининг бош режиссёри Жеймс Камерон Испания қирғоқларида ҳалокатга учраган "Престиж" танкери ҳақида ҳужжатли фильм ишлашга қарор қилди. Унинг мақсади инсониятни ўраб турган атроф-муҳитни ҳалокатдан сақлаб қолишга қаратилган. Боиси, 2002 йил 19 ноябрь куни бортидаги 77 минг тонна нефть маҳсулоти билан сув тубига ғарқ бўлган танкердан ҳозирга қадар 20 минг тоннадан ошиқроқ ёнилғи сувга қўшилиши боис, минтақада катта экологик инқироз кузатилмоқда.

Бўлғуси фильмда Жеймс Камерон "Титаник" киносини тасвирга олишда фойдаланган французларнинг "Наутиль" батискафини (чуқур сув остида юрадиган аппарат, камера) яна ишга солмоқчи. Негаки, у ҳозир ҳам кўнгилдагидек ишламоқда. Бундан ташқари тасвир жараёнларига русларнинг "Мир" сув ости кемаси ҳам жалб этилади. 5 минг метргача бўлган чуқурликда яхши ҳаракатлана оладиган "Мир" кўмаги билан Камерон Атлантика океанининг 4790 метр чуқурлигида ётган немисларнинг "Бисмарк" линкори ҳақида ўтган йили ҳужжатли фильм яратган эди.

МДҲда СПИД МУАММОСИ

Москвада Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг ВИЧ-СПИД дастури ҳамда МДҲ давлатларининг СПИД эпидемиясига қарши курашувчи вакиллари иштирокида бўлиб ўтган анжуманда мазкур касалликнинг асосий тарқалишига гиёҳвандлик сабаб бўлаётганлиги эътироф этилди. Айнан гиёҳванд кишиларда касаллик кузатилиши кўп учрамоқда. Лекин, жинсий алоқа билан ҳам касалликни юқтириб олиш кўпаймоқда. Бундай ҳолат МДҲнинг барча давлатларида учрамоқдаки, уни тўхтатиб қолиш осон кечмайди. Россия, Белорус, Украиналарга нисбатан МДҲнинг мусулмонлар яшовчи давлатларида хасталикни юқтириб олиш ҳолатлари камроқ. Боиси, уларда миллий қадриятлар бу борадаги асосий тўсиқлардан саналади.

Бугун биргина Россияда ВИЧ инфекциясини юқтирган 250 минг киши рўйхатда турса-да, лекин амалда уларнинг сони миллион нафарга етади. 8-10 йилдан сўнг эса уларнинг ҳаётдан кўз юмишлари боис, Россияда катта йўқотиш кузатилади.

ҚОН ТЎКИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Исроил аскарлари Ғазо шаҳридан жанубда жойлашган яҳудийлар аҳоли пунктида автобус томон югурган 2 фаластинликни отиб ўлдирганлар. Маълум бўлишича, 20-25 ёшлар атрофидаги бу ўсмирлар қўлбола гранаталар ва Калашников автомати билан қуролланишган бўлиб, автобусга улоқтирган гранаталари боис, бир неча киши жароҳатланган. Бундан хабар топган Исроил аскарлари уларни йўқ қилганлар.

Айни бу вақтда ХАМАС ташкилоти раҳбари шайх Аҳмад Ёсин Ғазода фаластинликлар томонидан ўтказиладиган намойишлар вақтида Исроил аскарларининг ўғирланишига ишора қилди. Бундан мақсад исроилликлар қўлида турган фаластинликларни айирбошлаш йўли билан озод қилишдир.

Шунингдек, Аҳмад Ёсин курашни давом эттиришини айтган бўлса, Исроил мудофаа вазири Шауль Мофаз 28 январь куни ўтказиладиган умумхалқ сайловида террор актлари бўлиши ҳақида огоҳлантирди.

ҚАЛИН ҚОР МУАММО ТУҒДИРМОҚДА

Германияда кузатилаётган тўхтовсиз қор ёғиши боис, мамлакат шимолида ва шимоли-шарқий ҳудудларида кўплаб йўл-транспорт ҳодисалари юз бермоқда. Ҳатто бир тўқнашувда 41 та машина иштирок этган. Лекин, жабрланганлар ҳақида аниқ маълумот йўқ. Айни вақтда ҳаво босими цельсий шкаласи бўйича +5 градусгача кўтарилган бўлса-да, ўтган кечанинг ўзида ёққан қорнинг қалинлиги 40 см.га етган. Бундан ташқари аэропортлардаги самолётларнинг учиш ва қўниш йўлакчалари ҳамда темир йўл рельсларининг ҳам қалин қор остида қолиши жиддий муаммоларга айланган. Биргина Франкфурт аэропортида ўнлаб рейслар тўхтатиб қўйилди.



"ИНТЕРНЕТ" тармоғидан олинди.

УРУШНИНГ БЎЛИШИ МУҚАРРАРМИ?

АҚШ мудофаа вазирлиги сиёсий қўмитаси раҳбари Ричард Перлнинг айтишича, Саддам Ҳусайн маъмурияти ўзининг оммавий қирғин қуролларини топшириши ёки бўлғуси урушга тайёрланиши керак. Сабаби, Ироқда текширув ишлари олиб бораётган БМТ инспекторлари бундай қуролларни топа олмасликлари мумкин. Чунки, улар ўта махфий тарзда яшириб қўйилган. "Мен бундай катта давлатда инспекторларнинг оммавий қирғин қуролларига даҳлдор бирор манбаъ топа олишларига ишонмайман", деди Перл Би-Би-Си жаҳон хизматига берган интервьюсида.

Ушбу мавзу бўйича чиқиш қилган Буюк Британия бош вазири Тони Блэр, агар Саддам Ҳусайн БМТ резолюциясининг бузилишига йўл қўйса, у ҳолда ҳарбий куч ишлатишга тўғри келишини айтган.

Келаётган 27 январь куни эса инспекторлар раҳбари Ханс Бликс ва Ал-Барадейлар БМТ Хавфсизлик Кенгаши олдида Ироқ бўйича ўзларининг якуний хулосаларини беришлари шарт. Лекин куни кеча улар текширувларни тўлиқ ниҳоясига етказиш учун 6 ойдан 1 йилга қадар бўлган муддат кераклигини маълум қилганлар. Агарда 27 январь куни Хавфсизлик Кенгашига якуний ҳисобот берилган тақдирда ҳам Вашингтон бундан қониқиш ҳосил қилиш ниятида эмас. Аммо айнан шу санадан сўнг, бўлиши эҳтимол дея айтилаётган урушнинг юз бериши янада аниқлашади. Сабаби, март ойларига бориб Ироқда иссиқ бошланади ва бундай шароит операцияда кимёвий қуролларга қарши махсус кийимлар кийиб ҳаракатланадиган америкалик ҳарбийларга бир мунча қийинчилик туғдиради.

Ҳозир АҚШ ўзининг қуролли кучларини Форс кўрфазига жойлаштираётган бўлиб, айни вақтда, кўрфазда 60 мингдан ортиқроқ Америка аскарлари турибди. Февраль ойининг иккинчи ярмига бориб эса улар сони 150 мингга етиши кутилмоқда. Негаки, ўтган ҳафта охирида Пентагон раҳбари Дональд Рамсфельд асосий таркибини денгиз пиёдалари ташкил этувчи 35 минг аскарни, сўнгроқ ҳарбий ҳаво кучларидан иборат 27 минг аскарни Форс кўрфазига юбориш учун буйруқ берди. Бундай қўшин жойлаштириш амаллари урушнинг муқаррарлигидан далолат беради. Тахминан унда 500 дан ортиқроқ бомбардимончи самолётлар иштирок этади ва қўшинлар Ироққа қарши икки томондан, яъни Қизил денгиз ҳамда Форс кўрфази тарафларидан бостириб киради.

Хавфсизлик Кенгашининг доимий 5 аъзосидан бири бўлган Россия эса феврал ойининг ўрталарида ўзининг учта ҳарбий кемасини Форс кўрфазига юбориш учун тайёрламоқда. Бундан мақсад уруш бошлангудек бўлса, унда кузатувчи сифатида иштирок этадиган рус кемалари Россия манфаатларини ҳимоя қиладилар. Лекин ҳарбий аналитикларнинг фикрича, рус кемаларининг кузатувчи сифатида қатнашуви мазкур минтақада ўзларининг иқтисодий ва миллий манфаатларига эга бўлган Вашингтон — Москва алоқаларига совуқлик тушириши мумкин. Кеча эса Қувайт ҳаво йўлларидан кирган АҚШ ва Британия самолётлари Басра вилоятидаги фуқаро объектларини бомбардимон қилганлар. Ўта юқори аниқликдаги қуроллардан фойдаланиб қилинган бу амалиёт катта талофат келтирган ва 6 киши жароҳатланган.

"Интерфакс" агентлигининг маълум қилишича, АҚШга иттифоқдош давлатлар инспекторлар муддатининг узайтирилиши лозимлигини айтаётган бўлсалар, 18 январь куни эса Россия, Миср, Канада, Япония, Покистон, Мексика, Жанубий Корея, Италия, Испания, Франция, Бельгия, Британия, Германия, Австрия каби дунёнинг 20 дан ортиқ давлатларида Ироққа нисбатан эҳтимолли урушга қарши кайфиятда норозилик намойишлари бўлиши кутилмоқда. Шунингдек, бу каби намойишлар Қўшма Штатларнинг Вашингтон ҳамда Сан-Франциско шаҳарларида ҳам бўлиб ўтиши мумкин.

"Internet" тармоғи хабарлари асосида К.АЛИОХУНОВ тайёрлади.

Тошкент вилояти Зангиота тумани Хонобод Қ.Ф.Й. ҳудудидаги Аборрохўжа Аббосбек хусусий фирмасига берилган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли
бекор қилинади.

Ўзбекистон Миллий университети ректорати ва механика-математика факультети жамоаси мазкур факультет доценти
Абдуманноп АБДУРАҲМОНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Давлат тест маркази Таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси" бош эксперти Шуҳрат Низомовга отаси
РАШИД ОТАнинг
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ҳамда геология факультети жамоаси "Геофизикавий тадқиқот усуллари" кафедрасининг ҳудудий ва қидирув геофизикаси тармоқ лабораторияси мудири, доцент
Ҳусан ОТАБОЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

КУНГИРОК ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

Ko'ngil bitiklari

Халоскор билайлик чайир илдизни.

Сен оқшомни чорлаганмисан,
Олисларда рутубат осмон.
Нигоҳларни ўзига чорлаб
Афсун ўқир зулумот уммон.

Ҳали ҳануз кўзи ёрир ой
Гумонаси қолган етилиб.
Осмон намат, қоқсанг қаттикроқ
Юлдузлари кетар тўкилиб.

Солланади танноз сукунат
Қора чилвир сочини ёйиб.
Секин имлар пари қиз-дала
Ҳайратомуз кулбасин очиб.

Сеҳрланар ҳар оқшом кўнгил,
Сеҳрланар ақл ила ҳуш.
Ҳар оқшомда шу бўлар такрор,
Ҳар оқшомда юрак ҳам сархуш.

* * *

Бугун ҳаёт уйғонмокда, эртага билмам,
Балки, кўзим ирмоғига чўкмоғи мумкин,
Бугун ором оғушида сармаст сукунат
Эрта қайғу ботқоғига ботмоғи мумкин.

Бугун тилка вужудимда тўлғонади жон,
Дилим олов, тилим олов, манзилим олов,
Мени қайтмас манзилингга қани
бошлайкол,
Эй, қисматим карвонига етакчи асов.

ИККИ ҚАЛБ МУНОЗАРАСИ

—Гулим, биз дунёда яккамиз, ярим.
Маҳкам чирмашайлик чайир илдизга,
Ибтидо муқаррар, интиҳо қадим,
Лек ҳали керакмиз бир-биримизга.

—Ҳадик-танасига дард теккан қушча,
Дилим дарахтига қўниб ўтмокда.
Олисда чорловчи тим қора жарлик,
Қорни оч юҳодай бизни кутмокда.

—Гулим, ишқ кўнгилнинг қуёши эрур
Ҳасрат буколмагай бардошимизни.
Ғафлат оғушини унутиб, сўнг бор

"Ҳамма ғамга етаман ўзим"

Ғайрат МАЖИД

Гулим, изтиробинг юрагимга сол,
Андуҳларга етаман ўзим,
Юрак-шодлик кўмилган кулбам,
Ҳамда ғамни ютгувчи тўзим.

Сабрим косасидан тошиб кетяпти,
Гулобга ўхшайди ҳақпараст висол,
Чокларим сўкилар, аммо, ўйлама,
Ҳамма ғамга етаман, ҳилол.

* * *

Ана келаётир, мени сўроқлаб,
Дунёнинг тўридан аллақандай куч,
Адоват тўнини кийиб олибди,
Титрасам, малагим мени маҳкам куч.

Токи паймонинга сингиб кетсин рух,
Майлига жисмимни кўмгил тупроққа,
Мени яшириб қўй, гўзалим оқшом,
Ўша ёвуз кучдан йироқ-йироққа.

* * *

Тўкилсайдим
озурда руҳимнинг синиқларидай
тутаб кетмасмиди хазонрез ичим
тўкилсайдим
ломаконнинг ёмғирларидай
тўлиб оқмасмиди ғамдийда дилим
тўкилсайдим
очилмасмидим
чучмоманинг кўкиш гулидай
тўкилсайдим...

Мунира МЎЙДИНОВА,
Шаҳрисабз туманидаги
47-мактаб ўқитувчиси

ЛАТИФАЛАР

Аҳмад: —Ер кўпроқ қайси пайтда қимирлайди?

Али: —Қиш фаслида.

Аҳмад: — Нима учун?

Али: — Чунки ернинг ҳамма жойи совқотиб қалтирайди-да!

* * *

Ўқитувчи бир ўқувчидан сўради: — Эрон отларини рус отларидан қандай фарқлаш мумкин?

—Уларнинг қайси тилда гаплашишларига қараб-да! —деб жавоб берди ўқувчи.

* * *

Ота ўғли билан ҳайвонот боғига борибди. Маймунлар турган қафас олдига келишгач, ўғли сўрабди:

— Дада, бу маймун эркакми ёки аёлми?

—Бу аёл.

Бошқа қафас олдига боришгач, яна сўрабди:

—Буниси-чи?

—Ўғлим, шуни яхшилаб билиб ол. Эркаги ёнида пули кўпи бўлади.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади.

МЕҲРИБОН

(Voqeiy hikoya)

Раънохон тўрт болали одамга турмушга чиққанда, ҳамма ҳайратдан ёқа ушлаганди... Чунки Раънохон эндигина 21 ёшга кирган, эди. Куёвнинг ёши қирқни қоралаб қолганини эшитишгандаку, таажжубдан елка қисмаган одам қолмади. Институтни битириб, мактабда иш бошлаганига ҳали йил ҳам тўлмаганди.

Раъно болалар билан жуда иноқ эди. Ўқувчилари уни шундай севишарди-ки, ҳатто баъзи бир қитмир ўқитувчиларнинг очиқ-ойдин ғаши келарди...

Мен шу вақтда 5-синфда ўқирдим. Табиийки, ўқувчи ўзи севган ўқитувчисининг ҳаётига бепарво қараёлмайди. Баъзи бир пайтлар биз ҳам муаллимимизни ўша ёмон одамдан қизғониб кетардик... Ҳамма ёқда дув-дув гап. Раъно эса бепарво: гўё қулоғи кар, кўзи кўр.

Йиллар суроні гап-сўзларни ҳам босиб кетди. Мен, орадан 10 йил ўтганди, Раъно опанинг ҳаётига қизиқдим. Гарчи касбим тақозоси туфайли неча-неча одамларнинг тақдири билан танишган бўлсам ҳам, Раъно опанинг нима учун айнан шу одамга турмушга чиққанига сира ақлим етмасди. Бир тасодиф туфайли учрашиб қолдигу, неча йил опанинг юрагида ётган, одамларни лол қолдирган сирни билиб олдим.

Укамни ҳарбийга жўнатаяпмиз. Вокзал одамлар билан гавжум.

Кўзим Раъно опага тушдию қандай шитоб билан унинг ёнига етиб борганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Раъно опа ёнларидаги йигитчани менга таништирдилар.

— Ўғлим. Армияга кузатаяпмиз. Эндигина гапга оғиз жуфтлагандим, "Эртага кечки пайт уйга келинг, бафуржа гаплашамиз", — дедилар.

Уларнинг таклифларидан эсанкираб, хайрлашмай ҳам кетибман. Бу одобсизлигим учун ҳали-ҳали хижолат чекаман. Ўша куни тонг отишини, кечки пайт бўлишини қандай орзиқиб кутганимни билсангиз эди...

Ниҳоят, Раъно опаларникидаман. Гулларнинг кўплигини кўриб анграйиб қолибман.

— Маликжон гулларни жуда севади. Ҳаммасини ўзи экkан. Кеча ҳам кета-кетгунча гулларимга яхши қарашлар деб тайинладия.. Қаровсиз қолдирармидик. Бироқ ўзи бошқача қарарди-да! - деди опа.

У мени гулзор ўртасидаги шийпончага бошлади:

— Маликжон бу шийпончани менга атаб қурган, - юзида табассум жилваланди. - Севара, опаларингни чақиргин, меҳмон келди, - дедилар мулойимлик билан. Икки қиз (ёшлари мендан катта бўлса керак) нон, чой, пиёлаларни олиб келишди. Опа мени уларга таништирди.

Қизларнинг бири эпчиллик билан хонтахта устига ёпиб қўйилган ёпқични очди. Хонтахта устида турли хилноз-неъматлар бор эди. Ҳаммаси нозик дид билан жойлаштирилганди.. Бу хонадондаги ҳамма нарса мени сеҳрлаб қўяётганди. Нозик аёл диди ҳамма нарсада: озодаликда ҳам, муомалада ҳам, кулгуда ҳам кўзга ташланарди.

— Қизим, ҳаётимга қизиқишингизни сезардим, — деб гап бошлади Раъно опа хиёл қизариб. — Ёзаётган нарсаларингизни устоз сифатида кузатиб бориб, қувонмокдаман...

Мен турмушга чиққанимда сиз кичкина эдингиз, ҳамма ҳайрон бўлувди.. Шов-шувлардан ўзим ҳам нима қилишни билмай қолгандим. Гап одамни еб қўяркан... Бироқ тўрт гўдак туфайли ҳаммасига чидадим. — Бирдан опанинг чеҳраларидан кулгу йўқолди. — Эслаш оғир, лекин эсламасак бўлмайди, Қўшнимиз Нигора опа қаттиқ оғриб қолдилар. Улар боғчада тарбиячи, эри қурилишда инженер эдилар. Бу аҳил оилани ҳамма маҳалладагилар ҳурмат қилишарди. Маҳкам ака ўта босиқ, меҳнаткаш одам эди. Нигора опа жуда хушчақчақ, бир гапириб, ўн куладиган аёл эдилар. Шунинг учунми, уларнинг уйларидан одам аримасди... Тўрт болалари бири-биридан ширин эди. Катта қизлари 14 ёшда, кичкинтой Севара эса ёшига тўлмаганди... Хаёлимда шундай опа ўладию, болалари етим бўлиб қолади, мен уларга она бўламан деган гап ҳам йўқ, эди. Агар биров олдиндан шундай деганда, ётиб олишардим...

Мен Нигора опанинг соғайиб кетишини, яна аввалгидек тинч ҳаётлари бошланишини жуда-жуда истардим... Назаримда опа эрта-индин соғайиб кетадигандек эдилар... Институтдан келардиму, уларникига югурардим. Болалар билан биргаликда уй ишларини қилардик. Болалар, айниқса кичкинтой Севара менга жуда ўрганиб қолди... Маҳкам ака жуда кўп докторларни олиб келдилар, бироқ ҳаммалари ҳам тасалли беришарди, холос. Нигора опа касалхонага боришга унамадилар. Улар худди ўлимларини сезгандек болалари олдидан силжишни истамасдилар.

Ўша машъум куни опа олдиларига мени имлаб чақирдилар. Қўлимдаги Севарага мўлтираб термулдилар..

— Раҳмат синглим, — дедилар қарийб шивирлаб, қаттиқ гапиргани кучлари етмадими, ё болалар эшитмасин дедиларми, — мен болаларимни ўйлаб... жон беролмай дедиларми, эшитмай қолдим, гапиролмай нафаслари бўғилди. Шундай меҳрибон бўлинг. Севарани Сизга топширдим, — деганларини аранг эшитдим. Ранглари олиниб, нафас олишлари қийинлашди. Фожеани сезгандек қўлимдаги Севара чинқириб йиғлаб юборди.

Нариги уйдан Маҳкам ака ва болалар югуриб чиқишди.

— Нигора!! — инграб юборди Маҳкам ака. — Сен яшашинг керак! Эшитаяпсанми?! Бизни кимга ишониб ташлаб кетаяпсан?! — ўкириб йиғларди Маҳкам ака. Ҳозиргача Нигора опа мен билан гаплашган пайтда вафот этдими, ё мен болаларни олиб чиқиб кетгачми, билолмайман. Уйга чиққанимизни кўрган онам дарҳол уларникига кириб кетдилар. Кечқурун қовоқлари қизариб, кўзлари шишиб чиқдилар.

— Шўрлик болаларга қийин бўлди-да! Нигорахоннинг ўзи етимлик билан ўсган экан. Энда болалари ҳам..., — онам йиғлаб юбордилар.

Орадан икки йил ўтди. Бу йиллар мобайнида болалар доимо бизникида бўлишди. Маҳкам ака болаларини кечқурун зўрғагина алдаб-суддаб чақириб олардилар. Улар менсиз овқат ҳам ейишмасди. Секин-аста Маҳкам ака ҳам хижолат бўлмай, кириб келаверадиган бўлдилар. Болалар билан ўтадиган кунларим завқли эди. Шунча вақт болалар билан бирга бўлиб, уларга она бўлишни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим.

Севаранинг тили жуда ширин чиққанди. У мени биринчи бор "ая" деб чақирганда, этларим жимирлаб кетганди.

— Мен сенга опаман, тушундингми? — десам, Малик йиғламсираб:

— Аямиз ўлганлар...Раъно опамни тўйлари бўлиб, бизни ташлаб кетадилар, — деса бўладими?!

— Ким айтди, ким? — дедим ховлиқиб.

— Бувим. (онамни буви дейишарди). Кейин Сиз бошқага ая бўласиз, — деди у хўмрайиб.

— Жон Раъно опа, бизга ая бўлақолинг, — ялина бошлади Маликжон. — Биз Сизни жудаям яхши кўрамиз! Кетиб қолсангиз, Севара касал бўлиб қолади.

— Вой тентагей, нима деяпсан?! Хушим бошимдан учиб кетди. — Ё сенга биров ўргатдими?! — беихтиёр бақириб юборибман.

— Нима, бизга ая бўлсангиз ёмонми?! Ахир, бизга ая керак-ку! Ҳамманинг аяси бўлса... Ёмон ая келса, бизни уради, — бидирлаб кетди Наргиза. Гапларидан Маликжонга опалари ўргатганини сезиб олдим. Қаранг-а, ғам қандай ёмон?! Кичикни аямай катта қилиб кўяди-я? Мен гаранг эдим...

Ҳазил деб ўйласам чин...

— Раъно опа, энди биз кичкина эмасмиз. Ҳаммамиз келишдик: Сиз бизга ая бўласиз! Бўлмаса, биз ҳаммамиз қочиб кетамиз, — деди ер чизиб турган Малика укаларига қараб, қатъий. Мен ҳеч нарсага тушуна олмасдим.

— Аяжон!! — деб бағримга отилди Маликжон. У кўз ёшларини суртиб бетларимни ўпар, унинг илиқ ҳарорати гўё мени сеҳрларди... Чидолмадим. Нигора опани эслаб, йиғлаб юбордим. Агар ҳаёт бўлганида-ку!!!

Бир вақт қарасам, болалар ҳам йиғлашаяпти. Худди оналари тирилиб келгандек, менга ёпишиб олишган.

— Биз Сизни ҳеч кимга бермамиз! Тўй қилиб уйимизга опчиқиб кетамиз. Сизни ҳеч хафа қилмаймиз! - деди Малик жиддий, худди қасамёд қилаётгандек.

— Хўп дейсиз-а?! Хўп дея қолинг, — ялинарди болалар.

Шундай қилиб, тақдиримни болалар ҳал қилиб қўйишди. Эй, бу болаларнинг меҳрибонлигини айтиб адо қилиб бўлмайди! Мени еру кўкка ишонишмайди. Бир куни Маҳкам ака овозларини салгина (атайлаб синаш учун) кўтариб гапирувдилар, нақ балога қолдилар.

Яна икки фарзандли бўлдик. Улар укаларига жуда меҳрибон. Ҳамма уй ишларимга ёрдам беришгани учун ўқитувчиликни ҳам ташламадим . Икки қиз менинг изимдан бориб, ўқитувчи бўлишди, уларни чиқарганмиз. Невараларик ҳам бўлганмиз. Маликжонни кеча армияга жўнатдик. Қолганлари мактабга, боғчага боришаяпти. Қизим, менинг ҳаётим мана шундай. Лекин баъзан тўғри қилдимми, деб ўйланиб қоламан. Ахир, болаларни қон қақшатиб, Нигора опанинг сўзини ерда қолдириб, бошқага турмушга чиқишга ҳаққим бормиди?!

Йўқ эди. Мен тўғри йўл танлаганман. Ундан ташқари, мен ўқитувчи эдим, болалар ҳаётига бепарво қаролмасдим... Зериктириб қўймадимми, қизим?

Уларникидан енгил бўлиб чиқдим... Гўё йиллар елкамга ортган юкдан қутулгандек эдим.

Дилором ТОҒАЕВА,
ҚДПИ қошидаги
лицей ўқитувчиси

Xullas...

ВОЯГА ЕТМАГАНЛИКНИНГ "ИМКОН"И

Машина елдек учар, манзил эса узоқ эди. Сигаретанинг хумори тутдию, ҳайдовчи "Жигули"-ни бир четга тўхтатиб, дўконга ошиқди. Гарчанд орадан кўз очиб юмгунчалик фурсат ўтсада, машинасининг жойида йўқлигини кўриб, шофёрнинг эсхонаси чиқиб кетди: "Ашаддий фирибгарга йўлиқиб қолибман-ку!"

Ўн беш ёшли Албина Алкаевани ўз қишлоғига элтиб қўйишга келишган шофёр унинг бундай найрангбозлик қилишини хаёлига келтирибдими? Кўринишидан оддийгина қиз, ҳунар-техника билим юртининг талабаси экан. "Элтиб қўйсангиз, фалон рубл бераман" дегандия...

Оқибати эса, мана....

Бу ёғи қандоқ бўлди? Машина аллақачон кўздан ғойиб бўлган... Аммо бир чорасини топиш керак. Ҳайдовчи такси ёллашга, унинг кетидан қувишга қарор қилди. Фирибгар қиз ҳали у қадар узоқлаб кетмаган экан. Тезликни энг юқори нуқтасига қўйиб ҳайдаётган такси билан ҳалиги машина орасидаги масофа тобора қисқариб борарди. Икки чақирим, бир чақирим, ниҳоят юз метр, эллик метр... Орқасидан машина эгасининг қувиб келаётганини кўрган қизи қурмагур ваҳимага тушдими, тажрибасизлигига бордими, ҳар тугул ёнлаб ўтаётган "Волга" билан са-алгина тўқнашиб кетди.

Машиналар "тақа-тақ" тўхташди. Ва ўз навбатида Албинахон ҳам, "Волга" ҳайдовчиси ҳам, фалокат рўй беришига "замин" яратган "Жигули" ҳайдовчиси ҳам бир-бирларига еб қўйгудек тикилишди.

Пролетар туман суди бировнинг машинасини олиб қочгани, бунинг устига ҳалокат содир этгани, аммо бундан на ўзига, на "рақиби"га зарар етказмагани учун Албина Алкаевага жарима солиш билан кифояланди. Жазонинг енгилроқ тарзда тайинланишига унинг вояга етмаганлиги "имкон" берди.

БЮСТГА "ҲУЖУМ"

Москва вилоятининг туманларидан бири — Раменда яшовчи пенсионер Гришковцанинг омборидаги Дзержинский бюстига "ҳужум" бошланганлиги, ажабланарли ҳол эмас. Темир "Феликс" оддий металлдан ишланмаган, қисман гипс ва рангли металлдан ясалганини ўғри анчадан бери кузатиб юрган, шекилли."

Гришковца илгари "ёпиқ" бинолардан бирида ишлар, "қайта қуриш" сиёсати бошлангач, қимматини йўқотган нарсаларни омборига келтириб ташлаган эди. Булар орасида собиқ СССРнинг қизил байроғи, Ленинниг танланган асарлари, Брежневнинг мой бўёқда чизилган портрети ва Дзержинскийнинг бюсти ҳам сақланарди.

Қизиғи шундаки, ўғри бошқа бирор нарсага қўл ҳам теккизмаган. Чунки уларнинг бари бир пулга қиммат. Бюст эса пуллашга арзийдиган мол.

Отахон бюстнинг ўғирланганини маълум қилиб, бирор жойга мурожаат ҳам этмади. Уни нариги дунёга орқалаб кетармиди? "Агар шу билан ўғрининг косаси оқарса, оқара қолсин" деб қўл силтади у. Аммо шундай бўлмаслиги ҳам аниқ...

ana shunaqa gaplar

"МАШҲУР ИНСОНЛАР"

КРОССВОРД



***БЎЙИГА**: 1. Машҳур саркарда, фотиҳ, катта империя асосчиси. 2. "Ҳужайра" атамасини фанга киритган олим. 3. Россия Федерациясининг амалдаги президенти. 4. "... тик боқма, имонинг сақла, Фарзандсан, сен доим бурчингни оқла." (қўшиқдан). 5. Машҳур немис композитори. 6. Телеграф кашфиётчиси, рус олими. 10. Англия қиролларидан бири (XVII). 11. Француз файласуфи, "Ақлни унга соя солиб турган янглишишлардан тозалаш керак" деган ғояни илгари сурган. 15. 1969 йили Ой сиртига қўнган биринчи инсон, америкалик фазогир. 16. "Доң Кихот" романи муаллифи, машҳур испан адиби. 19. Туркия терма жамоаси футболчиси. 20. Башар, одам. 25. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири - ... Воҳидов. 26. Рус халқининг машҳур миллий қаҳрамони. 29. 1933 йили Нобель мукофотига сазовор бўлган машҳур рус адиби. 30. Чаққон. 31. Бобурнинг ўғли. 32. Озарбайжон Республикасининг амалдаги президенти. 36. Машҳур немис микробиологи (1843-1910). 37. Менделеев даврий жадвалидаги элементга номдош машҳур даниялик физик (1885-1962).*

***ЭНИГА:** 7. Хива хони, Муҳаммад Раҳимхон II (1864-1940). 8. Машҳур француз сайёҳи, "Каллипсо" кемаси капитани. 9. "Қўрғон", "Эврилиш" романлари муаллифи. 12. АҚШнинг амалдаги президенти. 13. Америкалик ёзувчи, "Чол ва денгиз", "Алвидо, қурол!" асарлари муаллифи. 14. Машҳур араб файласуфи, "Икки ҳақиқат" асари муаллифи - ... Рушд. 17. Ака-ука немис эртакчилари. 18. Машҳур поляк шоири ва драматурги. 21. "Йўқотилган вақтни қидириб" асари муаллифи. 22. Ҳужайра назариясини яратган олим. 23. Машҳур француз эртакчиси. 24. ... Павлович Чехов. 27. Машҳур рассом, "Кристинанинг дунёси" асари муаллифи. 28. Шарқда Жолинус номи билан машҳур бўлган Рим табиби. 33. Машҳур инглиз сайёҳи, шамол тезлигини биринчи бўлиб ўлчаган олим. 34. Биологик назария, илмий тиббиёт асосчиси, қадимги юнон файласуфи. 35. Йигирманчи асрнинг энг кучли боксчиси номини олган америкалик спортчи. 38. Бутун бошли душманни бир ўзи енгган афсонавий қаҳрамон. 39. Франциянинг собиқ президентларидан бири. 40. Француз рассоми, "Қаерданмиз? Киммиз? Қаёққа кетаяпмиз?" асари муаллифи.*

Тузувчи:
Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

Ватан манзаралари



ИБРАТНОМА

Қадим замонда улуғ ҳакимга бир одам шундай савол берибди: Асалдан ширин, қиличдан ўткир, заҳардан аччиқ, оздан кўп, ердан оғир, денгиздан бой нима? Ботирларнинг ботири ким?

Донишманд дебди: Асалдан ширин — фарзанд, қиличдан ўткир — тил, заҳардан аччиқ — одобсиз кишининг оғзидан чиққан сўз, оздан кўп — одамнинг жонига етган сўз, ердан оғир — яхшиликка ёмонлик билан жавоб бериш, денгиздан бой—ҳаёти мобайнида берилган ризқу насибага қаноат қилиб яшаш. Ботирларнинг ботири — жаҳли чиққанда ўз жаҳлини тўхтата олган киши.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-28.
Тиражи 31225 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир:
Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
Навбатчи:
Довронбек ТОЖИАЛИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marufat@ars-inform.uz
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-58.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium компьютерида
Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 21.00